
Ю. Г. МАҲМУДОВ

КИМЁ: 4848

САВОЛГА ЖАВОБ

I ҚИСМ



Kitob
mudda

Old
miq

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ю. Г. МАХМУДОВ

КИМЁ:
4848
САВОЛГА ЖАВОБ

I ҚИСМ

"FACTOR PRESS" нашриёти
ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 54(075)
КБК: 24.5йа73
М 37

Термиз давлат университети Кенгашининг 2021 йил 6 майдаги 10.4.5-сон мажлиси баённомасига мувофик нашрга тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Жахон доришуносларКонгресси аъзоси, кимё фанлари доктори, профессор Саъдулла Искандаровичнинг умумий тахрири остида.

Масъул мухаррир:
Хожикул Товбоевич Омонов
педагогика фанлари доктори, профессор

Такризчилар:
Х. Зияев, кимё фанлари доктори, профессор;
Х. Тўраев, кимё фанлари доктори, профессор;
Б. Элмуродов, кимё фанлари номзоди, доцент.

Ушбу ўкув кўлланмада кимёга доир элементлар, моддалар, бирикмалар, табиий ва сунъий материаллар, котишмалар ва х.к. лар алифбо тартибида кетма-кет, изчил ва мантикан жойлаштирилгани холида, уларнинг физик, кимёвий, биологик, механик, техник хоссалари, олиниш усуллари хамда кўлланилиш сохалари киска ва лўнда баён килинган.

Мазкур ўкув кўлланма узлуксиз таълим тизими ўкувчи ва талабаларига, бакалавр – магистрантларга, ўкитувчи-профессорларга хамда абитуриентларга мўлжалланган.

ISBN: 978-9943-7668-5-3

© Ю. Г. МАХМУДОВ
© "Factor press" нашриёти

СЎЗБОШИ

Саводлилик – билимларнинг кўплигида эмас, балки билганларни тўғри англаш ва татбиқ эта билиш санъатида.

А. Дистервег

"Алифбода бўлиб саф,
Турар 33 та харф".
"А" – "Ақлли бўл" дейди.
"Б" – "Бахтли бўл, кул" дейди.
"В" – "Ватанга бошман" деб,
"Г" – Гулларга берар зеб.
"Д" – Дўстликка гаров - шарт.
Етганлар маррага – мард..."

Файзи Шохисмоил

Саволларга берилган жавобларни алифбо харфлари шодасига жойлаштирган муаллиф моддий дунёнинг компонентлари тўғрисида улкан жамгарма тўплашган ва уларни кимёвий дунёкарашни шакллантириш максадида омадли сархисоб қила олган.

А харфидан бошланувчи сирли сандикка шундай илмий жавохирларни жойлаштира олган муаллифга факат тасаннолар айтиш мумкин, холос. Чунки кимёга кизикувчилар бундай маълумотларни гўплаш учун жуда кўп вакт сарфлар эдилар. Ўпанца хам фойдали иш коэффициенти унча юкори бўлмасди. Бу борада ўкувчилар учун ўзига хос жавохирлар сандиги яратилган.

Алифбо тартибидаги саволларга берилган жавоблар категорига жуда кўп сонли ва хилма-хил факт ва маълумотлар киритилган. Улар минерал ва органик оламдаги оддий ва мураккаб таркибли компонентларга тегишли "Таркиб, тузилиш ва хосса" учун контек-

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA
INSTITUTI AKTI
№ 30653

стида тартибга олинган. Бу ерда абразив материаллардан то аминопластларгача, авиценнитдан то алифатик ёки алициклик бирикмаларгача, баритдан то борнеолгача, берилдан то буфер эритмаларгача, ванадийдан то висмутингача, гадолинийдан то гексахлорангача, германийдан то гликозидларгача, галл кислотадан то галактозагача, дихлорэтандан то диспрозийгача, дейдрогенлашдан то дициангача бўлган кўп сонли моддаларнинг энг мухим физикавий, кимёвий, геологик, географик, кристаллографик ва тарихий хамда этно – демографик жихатлари тавсифланган.

Шу жихатдан тахлил килинса, мазкур китобни ўзига хос полистатистик ва кўп кисмли энциклопедиянинг дебочаси деб хисоблаш мумкин.

Маълумки, моддий олам макро – ва субатом физик компонентлар оралигида мавжуд бўлган атом ва молекула, ион ва радикал, макромолекула ва мегамолекула, мономер ва полимерлар каби миллионлаб турдаги оддий ва мураккаб таркибли реалликдан ташкил топади. Физика фани табиатнинг хукмрон тушунтирувчиси, деб уктирувчи шовинистлар ёхуд физика ва кимёни ўзига жо этиб олган биологияни эътироф этувчи редукционизм намоёндалари бир томонлама фикрловчи алломалардир.

Кизил империя кучайган йилларда илм-фанда хам демагогия ва арзон публицизм кучайганда шундай постулатлардан бири табиатшунослик фалсафасидаги хукмрон сафсата шаклланган куйидаги ибора эди: "Кимё -- бу чала тушинилган физикадир" ("Химия -- это плохо понятая физика"). Бундай англашилмовчиликларга карши жахоннинг хушёр олимлари ўз вактида онгли "бонг" ура олдилар. Дунёда Нобель мукофотига икки марта сазовор бўлганлар бор-йўги 4 нафар бўлиб, улардан бири – америкалик кимёгар Лайнус Полинг. Ул зот "Кимёгарлар дунёни асл холида тушинадиган кишилардир" ("Химики – это те, кто насамом деле понимает, как устроен мир"), деган

отанин чакирикни олам илм-фан ахли ўртасига ташлади.

Дархакикат, кимё фани дунёвий шажарада ўзининг муносиб ўрни ва бетакрор мавкеига эга.

Таникли рус адиби А. М. Горький "Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман", деб тан олганди. Машхур ўзбек адиби Аскад Мухтор эса "Китоб – бойлик, факат сотиб олингани эмас, балки ўкилганидир", деган чукур мантикли гап айтган эди.

Шундай фикрлар кўзгусида ишонч билан айтиш мумкинки, кўлингиздаги китоб сизга ажойиботлар маскани бўлмиш кимёвий илмий-амалий жамгармадан бахраманд бўлишингиз учун катта ва теран маърифий ёрдам беради, мухтарам китобхон!

Хар бир фаннинг ўз ўрганиш объекти ва конуниятлари мавжуд, уларнинг хар бири ўзига хос специфик мазмун ва мохиятга эга бўлган ижтимоий онг кўринишларидир.

Бугунги кунда табиатшуносликнинг замонавий концепциялари тан олинса, моддий оламнинг умумий илмий манзарасини яратишда барча фанлар ўз улушини муносиб тарзда кўшади, деган тўғри ва илмий-методологик постулатдан чекинмаган бўламиз, албатта.

Фикримизча, мазкур кўлланманинг ўкувчилари ундаги ноёб ва кимматли, энг мухими, фойдали ва илмий дунёкараш ахамиятли маълумотларни ўзлаштириш асносида тўғри умумлашмага келишилари, табиий. Қолаверса, фанларнинг ривожланиш жараёнидаги икки карама-карши тенденция, яъни дифференциация ва интеграция тенденциялари хам шуни такозо этади.

Саъдулла Искандаров, ***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Жахон доришунослар Конгресси аъзоси, кимё фанлари доктори, профессор;***

Хожикул Товбоевич Омонов, ***педагогика фанлари доктори, профессор.***

Агар одам бир-бирига қарама-қарши бўлган икки ишга қўл урса, улардан бири сўзсиз амалга ошмайди.

Эзоп

1. А горизонтдаги гумус миқдори неча фоиз? **1-1,5 (фоиз).**

2. А горизонтдаги гумусда азот неча фоизни ташкил этади? **0,08-0,14 (фоиз)ни ташкил этади.**

3. Абиотик омиллар қандай омилларга бўлинади? **Кимёвий, физикавий омилларга бўлинади.**

4. Абиотик омилларнинг кимёвий омилларига нималар киради? **Ҳаво, сув, тупрок таркиби киради.**

5. Абиотик омилларнинг физикавий омилларига нималар киради? **Қуёш ва космик радиация, ёруғлик ва иссикликнинг таксимланиши, хаво окимлари гравитацияси, сув алмашинуви конуниятлари ва х.к. киради.**

6. Абиссал ёткизиклар хозирги замонда қайси океанлар тубининг катта [90 (фоиз)] кисмида хосил бўлган чўкиндилар? **Тинч, Атлантика ва Хинд океанлари тубининг катта кисмида хосил бўлган чўкиндилар.**

7. Абиссал ёткизиклар кўпинча неча км дан ортик чукурликда қандай мухитда пайдо бўлади? **3 км дан ортик чукурликда оксидланиш мухитида пайдо бўлади.**

8. Абразив материаллар майда донадор ёки кукунсимон қаттиқ материаллар бўлиб, улардан нималар тайёрланади? **Чархтош, жилвир, кайрок ва бошқалар тайёрланади.**

9. Абразив материаллар неча хил бўлади? **2 хил бўлади.**

10. Абразив материаллар қандай бўлади? **Табиий ва сунъий бўлади.**

11. Абразив материаллар (табиий)га қайси моддалар киради? **Олмос, корунд, кварц ва бошқалар киради.**

12. Абразив материаллар (сунъий)га қайси моддалар киради? **Сунъий корунд ёки электр корунд, асосан, алюминий (III) – оксидлар киради. Улар, асосан, табиий жинслар (гилтупрок ва бошқалар) ни электр печларда эритиб олинади.**

13. Абразив материаллар (сунъий)дан электр корунд кандай материал? **Жуда каттиқ материали.**

14. Абразив материаллар (сунъий)дан электр корунд қанча °С хароратгача чидайди? **2050° С хароратгача чидайди.**

15. Абразив материаллар (сунъий)дан электр корунд таркибида қайси оксид кўпайса, каттиклиги ва ковушқоклиги ортади? **Алюминий (III) – оксид кўпайса, каттиклиги ва ковушқоклиги ортади.**

16. Абразив материаллар (сунъий)дан электр корундлар таркибидаги қайси оксиднинг миқдорига кўра, неча хил бўлади? **Алюминий (III) – оксиднинг миқдорига кўра, икки хил бўлади.**

17. Абразив материаллар (сунъий)дан электр корундлар таркибидаги қайси оксиднинг миқдорига кўра, икки хил бўлиб, улар қайсилар? **Улар: 1) ок электр корунд [(98-99 (фоиз)], шартли белгиси - ЭБ); 2) нормал электр корунд (91 фоиздан кам эмас, шартли белгиси - Э).**

18. Абразив материаллар (сунъий)дан кремний карбид электр печда кум ва тошкўмир аралашмасига кремний карбид хосил бўлишини тезлаштирувчи кўшимча материаллар кўшиб, қанча °С хароратгача қиздириб олинади? **1800° С – 1850° С хароратгача кизлириб олинади.**

19. Абразив материаллар (сунъий)дан кремний карбид электр корундга нисбатан қандай? **Ҳам каттиқ, ҳам мўрт.**

20. Абразив материаллар (сунъий)дан кремний карбид неча хил бўлади? **Икки хил бўлади.**

21. Абразив материаллар (сунъий)дан кремний карбидлар кайсилар? **1) кора кремний карбид (кум –95 фоизгача, шартли белгиси – К4); 2) кўк – яшил кремний карбид (кум – 97 фоиз, шартли белгиси – К4).**

22. Абразив материаллар (сунъий)дан бор карбиднинг каттиклиги кайси модда каттиклигига якин? **Олмосникига якин.**

23. Абразив материаллар (сунъий)дан бор карбид кандай олинади? **У техник борат кислота ва нефть коксидан иборат шихтани эритиб олинади. Кўнгир-кора рангли кукун тарзида ишлаб чикарилади.**

24. Абразив материалларнинг асосий кўрсаткичлари кайсилар? **Каттиклиги (МН/м²), мустахкамлиги ва ковушкоклиги, абразив доналарининг шакли, абразивлик (жилвирлаш) хусусияти, донадорлиги.**

25. Авантюрин – зич майда заррали шаффоф кайси модда? **Кварц моддаси.**

26. Авантюрин кўнгир-кизгиш ёки саргиш рангли ялтирок нима? **Минерал.**

27. Авантюрин таркибида бир меъерда таркалган кандай минерал бўлади? **Слюда ёки гематит бўлади.**

28. Авантюрин кандай жилвирланади? **Осон жилвирланади.**

29. Авантюрин кандай рангда товланади? **Кумушсимон – ок, кизгиш-кўнгир, ахён-ахёнда яшил рангда товланади.**

30. Авантюрин кандай буюмлар ясаш учун ишлатилади? **Турли зеб-зийнат ва санъат буюмлари ясаш учун ишлатилади.**

31. Авгит (юнон. ouge - ялтирок) кандай минерал? **Силикатларнинг занжирсимон тизилган кичик синфига мансуб жинс хосил килувчи минерал.**

32. Авгитнинг синиши кандайсимон? **Чиганоксимон.**

33. Авгитнинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? **(Ca, Mg, Fe^{2+}, Fe^{3+}, Al, Ti) $[(Si, Al)_2O_6]$.**

34. Авгитнинг каттиклиги неча? **5-6.**

35. Авгитнинг зичлиги канча г/см³? **3,2-3,6 (г/см³).**

36. Авгитнинг ранги кандай? **Ранги яшил ва кулрангдан корагача.**

37. Авгит кўпинча асосли ва ультра асосли кандай жинсларнинг таркибий кисми? **Тог жинсларининг таркибий кисми.**

38. Авиаль, авиация алюминийси болгаланадиган кайси элемент котишмаси? **Алюминий котишмаси.**

39. Авиаль таркибида кайси элементлар неча фоиз бор? **Таркибида магний (0,45-0,9 фоиз), кремний (0,15-1,2 фоиз), мис (0,2-0,6 фоиз), марганец (0,15-0,3 фоиз) (ёки шунча миклордаги хром), темир (кўши билан 0,5 фоиз) бор.**

40. Авиаль кандай йўл билан ундан самолёт ва вертолёт кисмлари тайёрланади? **Тоблаш йўли билан ундан самолёт ва вертолёт кисмлари тайёрланади.**

41. Авиаль жуда кандай? **Жуда пластик.**

42. Авиаль кандай мустахкам? **Ўртача мустахкам.**

43. Авиаль нима бўлмайди? **Зангламайди.**

44. Авиаль кандай ишлангандан кейин мустахкам бўлиб колади? **Тоблаб ишлангандан кейин мустахкам бўлиб колади.**

45. Авиценнит (Абу Али ибн Сино номига куйилган) кам учрайдиган кайси кимёвий элемент минерали? **Таллий элементи минерали.**

46. Авиценнит минералининг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? **Tl_2O_3 (Tl – 79,5 фоиз).**

47. Авиценнит минералининг каттиклиги неча? **3-5.**

48. Авиценнит минералининг зичлиги канча г/см³? **10,2-10,4 (г/см³).**

49. Авиценнит минерали кандай сингонияли? **Кубик сингонияли.**

[illegible] минералининг кристаллари [illegible]. **Майда.**

51. Авиценнит минералининг синиш юзаси нима эмас? **Аник эмас.**

52. Авиценнит минералининг ранги кандай? **Қора.**

53. Авиценнит минерали металлоидлар каби ўта кандай? **Ялтирок.**

54. Авиценнит минерали нечанчи йилда дунёда *биринчи марта* кайси рус олимаси томонидан кайси тоғларда оксидланиш зонасида темир – карбонатли ерномирдан топилган? **1956 йилда Х. Н. Карпова томонидан Зирабулок тогларида (Узумли кишлоги якинида) топилган.**

55. Авиценнит минерали кайси лавриинг мармар- [illegible] минерал билан бирга учрайди? **Силур лавринг.**

56. Авиценнит минерали таркибида кайси элемент ва модда бор? **Галлий ва темир оксиди бор.**

57. Автокатализ – реакция жараёнида каталитик таъсир этувчи сўнгги ёки оралик махсулотларининг тўпланиши натижасида реакциянинг нимаси? **Тезлашиши.**

58. *Автокаталитик реакция тезлиги* аввал катализатор сифатида таъсир этувчи махсулот миқдорининг ортиб бориши сабабли кескин равишда ўсиб, сўнгра реакция жараёнида бошланғич моддаларнинг сарфи ошиб бориши туфайли нима қилади? **Сусаяди. Реакциянинг бошланғич моддаларидан бири катализатор сифатида иштирок этганда хам гохо "автокатализ" термини қўлланилади.**

59. Автоклавларда 220°С харорат ва 0,2 МПа босим остида нима қилиб овкатбоп ёғлар олинади? **Гидрогенлаб овкатбоп ёғлар олинади.**

60. Автоклавларда 190°С - 250°С харорат ва 1,5-2 МПа босим остида қандай ёғлар олинади? **Техник ёғлар олинади.**

61. Автол кандай мой? **Карбюраторли ички ёнув двигателининг қисмларини мойлаш учун картерга қуйиладиган минерал мой.**

62. Автол кандай олинади? **Нефтни кайта ишлаб олинади.**

63. Автол нима мойи деб ҳам аталади? **Автотрактор мойи деб хам аталади.**

64. Автолиз, аутолиз ўсимлик ёки ҳайвон организмидаги тўқималарнинг ўз-ўзидан нима қилиши? **Парчаланиши.**

65. Автолиз кандай содир бўлади? **Организмдаги оксил, углерод, ёғ каби мураккаб моддаларнинг турли ферментлар таъсирида парчаланиши туфайли содир бўлади.**

66. Автолизда, асосан, кандай организмдаги тўқималар емирилади? **Ўлган организмдаги тўқималар емирилади.**

67. Автолиз тирик организмларнинг баъзи аъзоларидаги тўқималардан маълум бир қисми қайси сабабли парчаланади? **Хавфли ўсмалар сабабли парчаланади.**

68. Автомат латуни (жези) кандай модда? **Кўргошинланган латунь.**

69. Автомат латуни кўргошин латуннинг автомат станокларда кесиб ишланиш хоссасини нима қилади? **Яхшилайди (номи шундан).**

70. Автомат латуни (жези) маркаси – ЛС59 – 1 нимани англатади? **Л харфи латунни, С харфи кўргошинни, 59 сони миснинг, 1 рақами эса кўргошиннинг фоизда ифодаланган ўртача миқдорини билдиради.**

71. Автомат латуни (жези)нинг кимёвий таркиби кандай? **57-60 (фоиз) мис, 0,8-30 (фоиз) кўргошин,**

0,75 фоизгача бошқа қўшилмаларнинг умумий миқдори.

72. Автомат латуни (жези) қандай тарзда ишлаб чиқарилади? **Чивиқлар, тасма (лента)лар, полосалар ва листлар тарзида ишлаб чиқарилади; булардан болтлар, гайкалар, соат деталлари ва бошқалар ишлаб чиқарилади.**

73. Автомат латуни (жези)нинг техник хоссалари нималарига боғлиқ бўлади? **Техник хоссалари таркиби ва ҳолатига боғлиқ бўлади.**

74. Автомат латуни (жези)нинг мустаҳкамлик чегараси канча МН/м²? **300-600 МН/м².**

75. Автомат латуни (жези)нинг нисбий учайиши неча фоиз? **2-50 (фоиз).**

76. Автомат пўлати нима учун мўлжалланган пўлат? **Металл кесувчи тезкор автомат станокларда кесиб ишлаш учун мўлжалланган пўлат.**

77. Автомат пўлати таркибида қайси кимёвий элементлар бошқа пўлатлардагидан кўпрок бўлади? **Олтингугурт ва фосфор кўпрок бўлади.**

78. Автомат пўлати таркиби қайси кимёвий элементлар неча фоиздан иборат? **Углерод 0,08-0,4 (фоиз), кремний 0,15-0,35 (фоиз), марганец 0,6 - 0,16 (фоиз), олтингугурт 0,08-0,3 (фоиз), фосфор 0,05-0,16 (фоиз)дан иборат.**

79. Автомат пўлати кесиш вақтида қандай кириндн хосил қилади? **Қиска, осон синувчан ва буюм сиртидан дархол ажралиб кетадиган кириндн хосил қилади.**

80. Автомат пўлати кўпинча қайси кимевий элементлар билан легирланади? **Олтингугурт ва фосфор билан легирланади.**

81. Автометаморфизм қандай жараёнда бўладиган ўзгариш? **Магматик тоғ жинсининг совиб кристалланиши жараёнида бўладиган ўзгарин.**

82. Автометаморфизм қандай содир бўлади?

Жинсининг совиши вақтида ундан магма билан ер қаъридан чиққан қайноқ сувли қоришмалар таъсири (гидротерм)да ва учувчи моддаларнинг ажралиши натижасида содир бўлади.

83. Агальматолит, колиптош (юнон. agalma – безак, ҳайкал ва lithos - тош) пирофиллит еки талькнинг қандай кристалли агрегати? **Яширин кристалли агрегати.**

84. Агальматолит каолинит – диккитнинг майда тангачасимон агрегатидан тузилган қандай жинс? **Тог жинси.**

85. Агальматолитнинг ранги қандай? **Оқ, оксаргиш, саргиш – зангори.**

86. Агальматолит қайси минераллар гурухига кириб, кўпинча кварцитлар ичида учрайди? **Пирофиллит-амальматолит, гидротермал минераллар гурухига кириб, кўпинча кварцитлар ичида учрайди.**

87. Агальматолитни ишлаш осон бўлганидан қадимдан ҳар хил қандай буюмлар ясалган? **Ҳайкал, кулдон, колин, мундштук ва бошқ. буюмлар ясалган.**

88. Агальматолит, шунингдек, қаерда қандай материаллар сифатида фойдаланилади? **Саноатда ўтга чидамли материаллар сифатида фойдаланилади.**

89. Агальматолитдан қаерларда фойдаланилади? **Асбобсозлик ва электротехникада фойдаланилади.**

90. Агальматолит Ўзбекистондаги қайси тоғларда учрайди? **Октош, Чаткол ва Қурама тоғларида учрайди.**

91. Агар абиссал еткизиқлар таркибида қайси элемент бўлса, у элементнинг оксидланиши натижасида лой чўкиндилари қизил рангга бўялади? **Темир бўлса, темирнинг оксидланиши натижасида лой чўкиндилари қизил рангга бўялади.**

92. Агар атмосферадаги барча азонлар бир

катламга келтирилганда эди, неча мм калинликдаги катлам хосил бўлар эди? **1,5-4,5 (мм) калинликдаги катлам хосил бўлар эди.**

93. Агар pH < 7 бўлса, мухит кандай моддали бўлади? **Кислотали бўлади.**

94. Агар pH > 7 бўлса, мухит кандай моддали бўлади? **Ишкорли бўлади.**

95. Агар дисперсион мухит кайси суюклик бўлса, "лиофил" ва "лиофоб" терминлари ўрнида "гидрофил" ва "гидрофоб" сўзлари ишлатилади? **Сув бўлса.**

96. Агар катагенезда жинсларнинг айрим компонентлари ўзгарса, метагенезда нима бўлади? **Барча минерал ўзгаришга учрайди. Масалан, гилсимон минераллар слюдага, алюминий гидроксиди корундга, гидрогётитлар гематитга айланади ва х. к. Айни вактда минерал доначаларининг ўзаро ўсиши кучаяди, бирок катламсимон текстураси кўпинча сакланиб колади.**

97. Агар кристалл заррачалари маълум даражада кристаллографик ориентацияланган бўлса, поликристаллар кандай хисобланади ва у кандай хусусиятга эга бўлади? **Текстурланган хисобланади ва у анизотропия хусусиятига эга бўлади.**

98. Агар организмда бирор витамин етишмаса ёки бутунлай бўлмаса, нима бузилади? **Модлалар алмашинуви бузилади.**

99. Агар фаол марказ тургун (узок вакт мавжуд бўлувчи) бўлса, полимерланиш нимасимон дейилади? **Боскичсимон дейилади.**

100. Агар оралик махсулот тургун бўлмаса (киска вакт мавжуд бўла олса), полимерланиш кандайсимон дейилади? **Занжирсимон дейилади.**

101. Агар сорбтивнинг ютилиши унинг сорбент билан таъсирланиши натижасида бўлса, бундай жараён нима деб аталади? **Хемосорбция деб аталади.**

102. Агатнинг оч кизил ёки кизил-сарик ва окиш

ранг катламли кўринишини хам нима деб атайдилар? **Сердоликли оникс деб атайдилар.**

103. Агломерат (лот agglomero – айкаш – уйкаш уюмланган, йигилган) – хар хил тоғ жинслари бир-бирига ёпишиб хосил килган кандай тўплам? **Говак тўплам.**

104. Агломератлар цементланганда нималар хосил бўлади? **Брекчиялар, туфлар хосил бўлади.**

105. Агломерат (лавали) лава окимлари харакати вактида кандай лавалар палахсалари тўпламидан иборат? **Ўта ёпишкок лавалар палахсалари тўпламидан иборат.**

106. Агломерат кора ва рангли металлургия учун нима сифатида фойдаланилади? **Хом ашё сифатида фойдаланилади.**

107. Агломератлаш майда руда ва рула концентратларини махсус машиналарда ишириб йирик бўлаклар (агломератлар) хосил килинадиган кандай жараён? **Термик жараён.**

108. Аглопорит енгил бетонлар учун сунъий нима? **Говак тўлдиргич.**

109. Аглопорит кандай хосил килинади? **Гилли жинсларга ёхуд кўмирни бойитиш ёки ёкишда хосил бўлган чикинди (шлак, кул)га иссиклик ишлови (термик ишлов) бериб, сўнгра майдалаб хосил килинади.**

110. Аглопорит кандай кўринишда олинади? **Чакик тош ёки шагал кўринишида олинади.**

111. Аглопорит кандай буюмлар тайёрлашда ишлатилади? **Девор панеллари, блоклари ва иссиклик изоляция буюмлари тайёрлашда ишлатилади.**

112. Аглопорит – бетон кандай бетон? **Сунъий енгил бетон.**

113. Аглопорит – бетон кандай моддалар коришмасидан тайёрланади? **Кум ва цемент коришмасидан тайёрланади.**

114. Аглопорит – бетоннинг сикилишига мустахкамлик чегараси канча кг/см²? **50-250 кг/см².**

115. Аглопорит – бетоннинг зичлиги канча г/см³? **1,1-1,7 (г/см³).**

116. Аглопорит – бетон кандай буюмлар тайёрлашда ишлатилади? **Девор панеллари, блоклари ва иссиклик изоляция буюмлари тайёрлашда ишлатилади.**

117. Агрокимё, агрономик кимё нима тўгрисидаги фан? **Тупрок ва ўсимликлардаги кимёвий жараёнлар, ўсимликларнинг минерал озикланиши, ўгитлар ва тупрокни кимёвий мелиорациялаш воситаларини кўллаш тўгрисидаги фан.**

118. Агрокиме фан сифатида качон шаклланган? **XIX асрнинг 40-йилларида шаклланган.**

119. Агрокимёнинг шаклланишида кайси немис кимёгарининг ўсимликларнинг минерал озикланиши хакидаги таълимоти мухим ахамиятга эга бўлган? **Ю. Либих (1803-1873)нинг таълимоти мухим ахамиятга эга бўлган.**

120. Агрокимёвий тажриба (биринчи)ларда экинларда ўгитларни кўллаш масалалари кайси олимлар томонидан ўрганилган? **Р. Р. Шредер, М. М. Бушуев, И. К. Негодков томонидан ўрганилган (1906 - 1928 йилларда 121 марта тажриба ўтказилган).**

121. Агрокимё фанини Ўзбекистонда ривожлантиришда кайси ўзбек ва ўзбекистонлик олимларнинг ишлари мухим ахамиятга эга? **Б. М. Исаев, М. А. Бедоустов, Н. Н. Зеленин, Т. С. Зокиров, Б. П. Мичагин, И. Ш. Ниёзалиев, П. В. Протасов, Т. П. Широкунов, Г. И. Яровенко ва бошка олимларнинг ишлари мухим ахамиятга эга.**

122. Агрокимё хизмати кандай тизим? **Дехкончилик ва чорвачиликда ўгитлар ва бошк. кимёвий восмиталардан самарали холида окилона фойдаланиш бўйича кишлок хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишнинг илмий-ишлаб чикариш тизими.**

123. Агрокимёвий тахлил нимани аниклаш? **Лаборатория шароитида ўсимлик, ем-хашак, тупрок, ўгит, пестицид ва бошк. нинг кимёвий таркибини аниклаш.**

124. Агрокимёвий тахлил кандай масалаларни хал килишга ёрдам беради? **Агрофизик, микробиологик тадкикотлар билан бирга тупрок унумдорлигини оширишга боглик бўлган масалаларни хал килишга ёрдам беради.**

125. Агрокимёвий тахлил, одатда, кўпинча ўсимликларда кайси элемент ва моддалар аникланади? **Азот, оксил, аминокислоталар, фосфор, минерал ва органик фосфатларнинг умумий миқдори хамда уларнинг энг мухим тузлари, калий, кальций, магний, олтингугурт, темир, бор, марганец, мис, молибден, рух, кобальт, йод ва бошк. аникланади.**

126. Агрокимёвий тахлилда ўсимликдаги азотнинг умумий миқдори кайси усули билан аникланади? **Кьельдаль ёки Кьельдаль – Иодльбауэр усули билан аникланади. Бу усул ўсимлик хом ашёсини концентрланган сульфат кислота ёки сульфат кислотанинг фенол билан аралашмаси ёрдамида парчалаб, кейинчалик хайдаш оркали азот бирикмасини аниклашга асосланган.**

127. Агрокимё харитаграмма нимани ифодаловчи харита-схема? **Тупрокнинг ўсимлик озикланадиган элементлар билан таъминланганлик даражасини ифодаловчи харита-схема.**

128. Агрокимё харитаграмма тузишда у неча гурухга ажратилади? **Тупроклар таркибидаги ўсимликлар ўзлаштира оладиган шаклдаги фосфор ва калий, микроэлементлар ва бошка миқдорига кўра, 5 гурухга ажратилади.**

129. Агрономик рудалар, агрорудалар кандай ми-

TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AKM № 30653

нералар ва тог жинслари? **Минерал ўғитлар сифатида ишлатиладиган ёки уларни олишда хом ашё ҳисобланадиган минераллар ва тог жинслари.**

130. Агрономик рудаларнинг асосий турлари кайси моддалар? **Анатит, фосфорит, калий тузлари, селитралар. Бундан ташқари, охактош, доломит, торф, тошкўмир, мергель, гипслар ва кам миқдорда микроэлементлар ҳам ўғит сифатида ишлатилади.**

131. Агрофон (юнон. agro - дала, лот. fundus - мухит) тупрокнинг кандай хоссалари мажмуи? **Тупрокнинг физик ва кимёвий хоссалари, унумдорлиги жихатидан агрономия талабларига мос холати; тупрокнинг агрономик хоссалари мажмуи.**

132. Адамсит, дигидрофенарсазин хлоридининг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? **HN $(C_6H_4)_2AsCl$.**

133. Адамсит сарик қандай модда? **Кристалл модда.**

134. Адамситнинг суюкланиш харорати канча °С? **195° С.**

135. Адамситнинг кайнаш харорати канча ° С? **410° С.**

136. Адамситнинг зичлиги канча г/см³? **1,648 г/см³.**

137. Адамсит кандай хилли кристалл модда? **Хидсиз кристалл модда.**

138. Адамсит кайси моддада эримайди? **Сувда эримайди.**

139. Адамсит кандай эритувчиларда кам эрийди? **Органик эритувчиларда кам эрийди.**

140. Адамсит кайси моддалардан олинади? **Адамсит дифениламин $(C_6H_5)_2NH$ ва маргимуш (III) – хлорид $AsCl_3$ дан ёки дифениламин хлоргидрат $(C_6H_5)_2NH \cdot HCl$ ва маргимуш оксиди As_2O_3 дан олинади.**

141. Адамсит кимёвий кандай? **Баркарор.**

142. Адамсит нималарга чидамли? **Қиздиришга ва детонацияга чидамли.**

143. Адамсит 1-жаҳон урушининг охирида кандай модда сифатида тавсия этилган? **Захарловчи модда сифатида тавсия этилган.**

144. Адамсит юкори нафас йўлларини нима килади? **Яллиглантиради.**

145. Адгезия юкори бир-бирига тегиб турувчи ҳар хил жинсли қандай жисмлар (фазалар)нинг молекулалараро таъсирлашуви натижасида ўзаро ёпишиб колиши? **Қаттиқ ёки суюк жисм (фаза)ларнинг молекулалараро таъсирлашуви натижасида ўзаро ёпишиб колиши.**

146. Адгезия каерда кенг қўлланилади? **Деталларни елимлаб, пайвандлаб ва кавшарлаб бириктиришда, локлаш ва бўёк суркашда кенг қўлланилади.**

147. Адгезия туфайли нималар ҳосил килиш мумкин? **Гальваник копламлар, оксид пардалар хосил килиш мумкин.**

148. Аденозиннинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $C_{10}H_{35}N_5O_4$.

149. Аденозин кайси углеводлардан ташкил топган нуклеозид? **Аденин азотли асоси ва пентозалар вакили рибоза углеводидан ташкил топган нуклеозид.**

150. Аденозин кандай рангли модда? **Рангсиз кристалл модда.**

151. Аденозиннинг суюкланиш харорати канча °С? 229°С.

152. Аденозин кайси суюкликда яхши эрийди? **Сувда яхши эрийди.**

153. Аденозин кандай эритувчиларда эримайди? **Органик эритувчиларда эримайди.**

154. Аденозин кучли кандай хоссага эга? **Инкорий хоссага эга.**

155. Аденозин қандай йўл билан олинади? **Нуклеин кислоталарни ишкор билан гидролизлаб ёки аденозинтрифосфат кислотадан учта фосфат кислота колдиғини фермент таъсирида парчалаб чикариш йўли билан олинади.**

156. Аденозинни қандай қилиб хам олиш мумкин? **Синтез қилиб хам олиш мумкин.**

157. Аденозин, одатда, қайси моддалар таркибида учрайди? **Нуклеин кислоталар ва аденин нуклеозидлари таркибида учрайди.**

158. Аденозин одамнинг қайси аъзоси фаолиятини кучайтиради? **Юрак фаолиятини кучайтиради.**

159. Аденозинтрифосфат кислота, (АТФ) қайси моддалардан таркиб топган органик модда? **Аденин, рибоза ва уч молекула фосфат кислотадан таркиб топган органик модда.**

160. Аденозинтрифосфат кислота, (АТФ) организм хужайраларида доимо нималар қилиниб туради? **Синтезланиб ва истеъмол қилиниб туради.**

161. Аденозинтрифосфат кислота, (АТФ) ўзининг қандай боғларида кўп энергия сақлайди (макроэргик боғлар)? **Ўзининг пирофосфат боғларида кўп энергия сақлайди.**

162. Аденозинтрифосфат кислота, АТФ организмнинг энергияга эҳтиёжи бўлган хамма жараёнларни нима билан таъминлайди? **Хужайра митохондриясида моддаларнинг аэроб ва анаэроб оксидланиш натижасида ажралиб чиққан энергияни фосфорлаш йўли билан макроэргик фосфат боғлари шаклида тўплайди ва организмнинг энергияга эҳтиёжи бўлган хамма жараёнларини энергия билан таъминлайди.**

163. Аденозинтрифосфат кислота, (АТФ) парчаланиши натижасида қанча ккал/моль энергия ажратиб чикади? **8-11 (ккал/моль) энергия ажратиб чикади.**

164. Аденозинтрифосфат кислота, (АТФ) нималардан олинади? **Мускуллар ва ачитқидан олинади.**

165. Аденозинтрифосфат кислота, (АТФ) қандай усулда хам тайёрланади? **Синтетик усулда хам тайёрланади.**

166. Адинол (юнон. adinos-зич) қайси моддалардан иборат турли зичликдаги метасоматик тог жинси? **Альбит ва кварцдан иборат турли зичликдаги метасоматик тоғ жинси.**

167. Адинол таркибида бир оз қайси моддалар бўлади? **Серицит, хлорит ва кальцит бўлади.**

168. Адинол қандай рангли майда донали? **Қоратир рангли.**

169. Адинол қайси кимёвий элемент иштирокида ёки бу элемент иштирокисиз гилли сланец ёки филлитларнинг метасоматик ўзгариши, ўз таркибидаги материалнинг қайтадан тақсимланиши натижасида турли откинди (асосли) жинслар контактида ёки минтақавий метаморфизм окибатида пайдо бўлади? **Натрий элементи иштирокида ёки бу элемент иштирокисиз гилли сланец ёки филлитларнинг метасоматик ўзгариши, ўз таркибидаги материалнинг қайтадан тақсимланиши натижасида турли откинди (асосли) жинслар контактида ёки минтақавий метаморфизм окибатида пайдо бўлади.**

170. Адинол Ўзбекистон ғарбидаги қайси жинслар орасида кенг таркалган? **Метаморфик жинслар орасида кенг таркалган.**

171. Адипин кислота, икки асосли органик кислота, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **[HOOC$(CH_2)_4$COOH)].**

172. Адипин кислота қандай рангли модда? **Рангсиз кристалл модда.**

173. Адипин кислотанинг суюкланиш харорати қанча °С? **149° С – 150° С.**

174. Адипин кислотанинг қайнаш харорати қанча ° С? **265° С.**

175. Адипин кислота қайси суюқ моддаларда кўпроқ эрийди? **Сув ва этил спиртида кўпроқ эрийди.**

176. Адипин кислота қайси моддада камроқ эрийди? **Эфирда камроқ эрийди.**

177. Адипин кислота қандай олинади? **Циклогексанонни нитрат кислота ёки хаво кислороди билан марганец тузлари (катализатор) иштирокида оксидлаб олинади.**

178. Адипин кислота каерда қўлланиладиган асосий хом ашё? **Суньий тола – нейлон ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асосий хом ашё.**

179. Адипин кислота эфирлари нималар сифатида ишлатилади? **Пластификаторлар ва сурков мойлари сифатида ишлатилади.**

180. Адипин кислота нима сифатида қўлланилади? **Этиладипинат этилланган бензиннинг октан сонини оширувчи модда, диаллиладипинат эса смолаларга котирувчи қўшимча сифатида қўлланилади.**

181. Адренокортиккотрон гормон (АКТГ), кортикотропин гипофизнинг олд бўлагида ишланиб чиқадиган гормон бўлиб, у нечта аминокислота қолдигидан ташкил топган битта қандай занжирдан иборат? **39 та аминокислота қолдигидан ташкил топган битта полипептид занжиридан иборат.**

182. Адсорбент атрофидаги муҳитда адсорбцияланувчи модда концентрациясининг камайиши ёки ҳаракат кўтарилиши нимага сабаб бўлади? **Десорбцияга сабаб бўлади.**

183. Адсорбентлар газларни абсорбентларга нисбатан қандай қуритади? **Яхшироқ қуритади.**

184. Адсорбентлар (лот. ad – ёпила ва sorbens - ютувчи) табиатда учрайдиган ва қандай йўл билан тайёрланадиган, дисперслик даражаси қандай бўлган жуда катта ташки (говаксиз) ёки ички (говакдор) сиртли жисмлар? **Суньий йўл билан тайёрланади-**

ган, дисперслик даражаси юкори бўлган жуда катта ташки (говаксиз) ёки ички (говакдор) сиртли жисмлар.

185. Адсорбентлар сиртида қандай ҳолдаги моддалар адсорбцияси содир бўлади? **Суюк ёки газ ҳолдаги моддалар адсорбцияси содир бўлади.**

186. Адсорбентларнинг адсорбцион хусусияти қаттиқ жисмнинг қандай хоссаларига боғлиқ? **Табиатига, сирт тузилишига юза катталигига, говакларнинг тузилишига боғлиқ.**

187. Адсорбентлар, асосан, қандай турларга бўлинади? **Асосан, говаксиз, йирик говакли, майда говакли, аралаш говакли турларга бўлинади.**

188. Адсорбентлар қаерларда ишлатилади? **Противогаз (газникоб)ларда ишлатилади.**

189. Адсорбентлар қандай моддаларни тозалашда ва куритишда фойдаланилади? **Газ ва суюкликларни тозалашда ҳамда куритишда фойдаланилади.**

190. Адсорбентлар қандай моддаларнинг тўлдиргичлари сифатида ва бошка мақсадларда кенг қўлланилади? **Полимерларнинг тўлдиргичлари сифатида ва бошка мақсадларда кенг қўлланилади.**

191. Адсорбция, абсорбция ва капилляр конденсация каби оддий жараёнлар йигиндисидан иборат мураккаб физик-кимёвий жараён нима дейилади? **Сорбция дейилади.**

192. Аёллар қонининг 1 млн да нечта эритроцит бор? **4-4,5 (млн) эритроцит бор.**

193. Ажралиб чиккан энергияни нитратлаштирувчи бактериялар нима учун ишлатилади? **Органик моддалар синтези учун ишлатилади.**

194. Азеотроп аралашмалар қандай эритмалар? **Ҳайдалганда ажралмайдиган ва таркиби ўзгармайдиган эритмалар.**

195. Азеотроп аралашмаларнинг мавжудлигини биринчи бор нечанчи йилда қайси инглиз кимё-

тари ва физиги аниклаган? **1810 йилда Ж. Дальтон аниклаган.**

196. Азеотроп аралашмалар баъзи таркибидаги алохида компонентларга караганда кандай хароратларда кайнайди? **Баъзилари юкори, баъзилари эса пастрок хароратда кайнайди. Масалан, 95,57 фоиз этил спирти (78,5° С хароратда кайнайди) ва 4,43 фоиз сувдан (100° С хароратда кайнайди) иборат аралашма 78,15° С хароратда кайнайдиган азеотроп аралашмалар хосил килади. Аксинча таркибида 69,2 фоиз нитрат кислота (84° С хароратда кайнайди) ва 30,8 фоиз сув бўлган азеотроп аралашмалар эса 121,8° С хароратда кайнайди.**

197. Азеотроп аралашмалар уч ва ундан ортик моддалар аралашмаси хам бўлиши мумкинми? **Ха, бўлиши мумкин.**

198. Азеотроп аралашмаларнинг кайнаш харорати нима ўзгаришига боглик? **Ташки босим ўзгаришига боглик.**

199. Азидлар кайси котишма хосилалари? **Кимёвий бирикмалар таъсирида бир ёки бир нечта – N_3 гурухи бўлган азид кислота хосилалари.**

200. Азидлар (анорганик)га кандай моддалар киради? **Азид кислота тузлари [мас., натрий азид, NaN_3; кўргошин азид, $Pb(N_3)_2$]; галогеназидлар (мас., хлор азид, ClN_3) ва бошкалар киради.**

201. Азид кислота ва унинг бошка тузларини олишда, одатда, кайси молда хом ашё бўлиб хизмат килади? **Суюклантирилган натрий азид оркали азот (I) – оксид ўтказиш йўли билан олинадиган натрий азид хом ашё бўлиб хизмат килади.**

202. Азидлар (органик)га кайси молда мисол бўла олади? **Нитрогуогилазид, $HN = C(NHNO_2)N_3$ мисол бўла олади.**

203. Азин бўёклар кандай рангдаги бўёвчи синтетик моддалар, феназин хосилалари? **Турфа рангдаги (кизилдан кўкгача) бўёвчи синтетик моддалар, феназин хосилалари.**

204. Азин бўёклар кандай йўл билан олинади? **Анилин ва параднаминобензолни биргаликда оксидлаш йўли билан олинади.**

205. Азин бўёклар кайтарилганда нимага айланади ва кандай модда хосил бўлади? **Рангсиз лейкобирикмаларга айланади ва улардан хаводаги кислород таъсирида кайтадан бўёк хосил бўлади.**

206. Азин бўёкларнинг кандай турлари маълум? **Асосли ва кислотали хоссага эга бўлган турлари маълум.**

207. Азин бирикмалар каерларда ишлатилади? **Ип-газлама, шойи, жун газлама бўяшда; баъзилари фотографияда десенсибилизатор сифатида ишлатилади.**

208. Азинлар кандай бирикмалар? **Таркибида азот, икки ёки ундан кўп сонли ва турлича жинсли атомлар бўлган олти хадли гетероциклик бирикмалар.**

209. Азинларнинг кайси халка тизимлар билан конденсатланган турлари маълум? **Бошка халка тизимлари билан конденсатланган турлари маълум.**

210. Азинлар кандай хоссага эга? **Асос хоссасига эга.**

211. Азинлар асос хоссасига эга бўлиб, кандай моддалар билан таъсирлашганда тузлар хосил килади? **Кислоталар билан таъсирлашганда тузлар хосил килади.**

212. Азинлар (баъзи) кандай организмларда учрайди? **Тирик организмларда учрайди.**

213. Азинларнинг хосилалари – пиримидин ва пурин асослари хужайранинг таркибий кисми бўлган кайси кислоталарда бор? **Нуклеин кислоталарда бор.**

214. Азинлар каерларда ишлатилади? **Тиббиётда**

ва бўёқ саноатида ишлатилади.

215. Азобензолнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_6H_5 - N = N - C_6H_5$.

216. Азобензол қайси суюкликда эрийди? **Сувда эрийди.**

217. Азобензол саргиш-қизил рангли қандай модда? **Кристалл модда.**

218. Азобензолнинг суюқланиш харорати канча °С? **68°С.**

219. Азобензолнинг қайнаш харорати канча °С? **297°** С.

220. Азобензол қандай моддаларда эрийди? **Эфирда, музлаган сирка кислота ва концентрланган сульфат кислотада эрийди.**

221. Азобензол толалар нима қилмайди? **Илашмайди.**

222. Азобензол қандай модда эмас? **Бўёвчи модда эмас.**

223. Азобензолдан қачон оддий азобўёқлар хосил бўлади? **Агар азобензол молекуласига амин ёки оксигурухлар киритилса, оддий азобўёқлар хосил бўлади.**

224. Азобензол қандай олинади? **Нитробензол ёки азоксибензолни ишқорий мухитда рух кукуни иштирокида қайтариб олинади.**

225. Азобензол қачон бензидинга айланади? **Ишқорий мухитда рух билан қайтарилса, гидроазобензолга, сирка кислотали мухитда қайтарилса, анилинга, хлорид кислота ва калай таъсирида қайтарилса – бензидинга айланади.**

226. Азобензолни нечанчи йилда қайси немис кимёгари топган? **1834 йилда Э. Митчерлих топган.**

227. Азобўёқлар қандай молдалар? **Молекуласида ароматик радикаллар (баъзи гетероциклик бирикмалар)ни бирлаштирувчи бир ёки бир неча азогурух – N = N – бўлган органик бўёвчи моддалар.**

228. Азобўёқларнинг таркибига қайси гурухлар киради? **Муайян сондаги аминогурух, оксигурух ва бошқа гурухлар киради.**

229. Азогурухлар сонига караб қандай бўёқлар бўлиши мумкин? **Моно-, ди-, три- ва полиазобўёқлар бўлиши мумкин.**

230. Азобўёқлар молекуласи таркибида қайси моддалар бўлади? **Ауксохромлар бўлади.**

231. Азобирикмаларда эса қайси модда бўлмайди? **Азобирикмаларда эса ауксохромлар бўлмайди.**

232. Азобўёқлар қайси жихатдан бўёқлар орасида биринчи ўринни эгаллайди? **Хилма-хиллиги ва сифати жихатидан бўёқлар орасида биринчи ўринни эгаллайди.**

233. Азобўёқларни хосил қилиш учун, энг аввало, қандай реакцияга киритилади? **Ароматик аминлар диазотирлаш реакциясига киритилади.**

234. Азобўёқлар қандай олинади? **Хосил бўлган диазобирикмаларга, одатда, ароматик аминлар ёки феноллар таъсир эттирнб, азобўёқлар олинади.**

235. Азобўёқлар қайси гурухларга бўлинади? **Кислотали, асосли, эримайдиган бўёқлар ва бошқа гурухларга бўлинади.**

236. Азобўёқлар қандай турларга бўлинади? **Пигмент азобўёқлар, лок азобўёқлар, мой ва спиртда эрийдиган азобўёқлар, ацетат ипагини бўяйдиган азобўёқлар ва бошқа турларга бўлинади.**

237. Азобўёқлар қаерларда ишлатилади? **Тўқимачилик саноатида, лок – бўёқ, полиграфия, кўнчилик, қоғоз, резина саноатида ва саноатнинг бошқа тармокларида ишлатилади.**

238. Азоимиднинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? HN_3.

239. Азоимид азотнинг водород билан хосил

килган қандай моддаси? **Кислотаси.**

240. Азоимиднинг тузилиши қандай? **H – N = N ≡ N.**

241. Азоимид (сувсиз) қандай хидли суюқлик? **Ўткир хидли, заҳарли, рангсиз суюқлик.**

242. Азоимиднинг зичлиги канча г/см³? **1,13 г/см³.**

243. Азоимиднинг суюқланиш харорати минус канча °С? **Минус 80° С.**

244. Азоимиднинг қайнаш харорати минус канча °С? **Минус 37° С.**

245. Азоимид қандай холларда дархол детонацияланади? **Қиздирилганда, ишқорланганда ёки сал зарбланганда дархол детонацияланади.**

246. Азоимид (сувли эритмаларда) қандай ионларга диссоциацияланади? **H^+ ва N_3^- ионларига диссоциацияланади.**

247. Азоимиднинг кислоталик кучи қайси кислота кучига яқин? **Сирка кислотаси кучига яқин.**

248. Азоимид қандай хоссага эга? **Оксидловчи хоссага эга.**

249. Азоимиднинг кучли хлорид кислота билан аралашмаси қайси кимёвий элемент (металл)ларни эритади? **Олтин ва платинани эритади.**

250. Азоксибирикмалар қандай рангли моддалар? **Сариқ рангли кристалл моддалар.**

251. Азоксибирикмалар қандай органик бирикмалар? **$-N=N-O$ бўлган органик бирикмалар.**

252. Азоксибирикмалар қайси суюкликларда яхши эрийди? **Спирт ва эфирда яхши эрийди.**

253. Азоксибирикмалар қайси суюкликда эримайди? **Сувда эримайди.**

254. Азоксибирикмаларнинг ранги улар таркибида қайси моддаларнинг борлигидан? **Азокетурух борлигидан.**

255. Азоксибирикмалар қандай усулда қайтарилса, қайси бирикмаларга айланади? **Азобирикмаларга, концентрланган сульфат кислота таъсирида эса п**

– оксиазобензолларга айланади.

256. Азоксибирикмалар саноатда қандай олинади? **Нитрозобирикмаларга арилгидроксиламинлар таъсир эттириб олинади.**

257. Азоксибирикмалар қандай моддалар олиш учун ишлатилади? **Азобензол ва бензол олиш учун ишлатилади.**

258. Азометин бўёқлар – молекуласида хромофор гуруҳлар – CH = N – бўлган қандай моддалар? **Органик бўёвчи моддалар.**

259. Азометин бўёқлар қандай рангли бўлиши билан азобўёқлардан фарқ қилади? **Тўқ рангли бўлиши билан азобўёқлардан фарқ қилади.**

260. Азометин бўёқлар қандай йўллар билан олинади? **Ароматик ёки гетероцикллик альдегидлар ва аминларни ҳамда ароматик нитрозобирикмаларни фаол метилен гуруҳли бирикмалар билан ўзаро таъсир эттириш ва бошқа йўллар билан олинади.**

261. Азометин бўёқларга синтетик усулда олинган дастлабки бўёқлардан бири бўлган қайси ҳам киради? **Тўқ қизил рангли мурекеид ҳам азометин бўёқларга киради.**

262. Азометин бўёқлар қаерларда ишлатилади? **Рангли фотография ва тўқимачилик саноатида ишлатилади.**

263. Азот мувозанати нима? **Организмга бир кеча-кундузда овқат таркибида кирган азот билан ундан ташқарига чиққан (пешоб ва нажас билан) умумий азот орасидаги фарқ. Воянга етган организмнинг нормал ҳолатида азот мувозанати мавжуд.**

264. Азот, фосфор ва калийни қўллашнинг энг яхши нисбати Ўзбекистонда қандай қилиб белгиланган? **1 : 0,75 : 0,35 қилиб белгиланган.**

265. Азотни ўсимликлар қандай шаклларда ўзлаштиради? **Азотни ўсимликлар анион NO_3^- ёки**

катион NH_4^+, фосфар ва олтингугурт H_2PO_4 ва SO_4^{2-} анионлари шаклида, металларни K^+, Ca^{2+} ва M^{2+} катионлари шаклларида ўзлаштиради.

266. Азот оксидлари қандай бирикмалар? **Азотнинг кислород билан ҳосил қилган бирикмалари.**

267. Азот оксидлари қандай ҳосил бўлиб, реакция нима ютилиши билан боради? **Азот ва кислород молекулаларининг бирикишидан ҳосил бўлиб, реакция иссиқлик ютилиши билан боради.**

268. Азот оксидларининг баъзилари термодинамик жиҳатдан қандай? **Барқарор.**

269. Азотнинг қайси оксидлари маълум? **Қуйидаги оксидлари маълум: Азот (I) – оксид – N_2O; азот (II) – оксид – NO; азот (III) – оксид – N_2O_3; азот (IV) – оксид – NO_2; азот кўш оксид – N_2O_4; азот (V) – оксид – N_2O_5.**

270. Азот (I) – оксид – N_2O қандай рангли, хидли, таъмли модда? **Рангсиз, хушбўй, ширинрок,** газ **модда.**

271. Азот (I) – оксид қайси моддада оз миқдорда эрийди? **Сувда оз миқдорда эрийди.**

272. Азот (I) – оксид қайси моддалар билан бирикмалар ҳосил қилмайди? **Кислота, ишқор ва сув билан бирикмалар ҳосил қилмайди.**

273. Азот (I) – оксид қандай ҳароратда азот билан кислородга ажралади? **Юқори, яъни 900°С ҳароратда азот билан кислородга ажралади.**

274. Азот (I) – оксиднинг ҳаво билан аралашмаси тиббиётда қандай модда сифатида ишлатилади? **Наркоз сифатида ишлатилади.**

275. Азот (II) – оксид – NO қандай рангли газ? **Рангсиз газ.**

276. Азот (II) – оксид қайси моддада кам эрийди? **Сувда кам эрийди.**

277. Азот (II) – оксид ҳаводаги кислород билан оксидланиб, азот неча оксидга айланади? **Азот (IV) – оксидга айланади.**

278. Азот (II) – оксид қандай реакцияга киришади? **Бирикиш реакциясига киришади.**

279. Азот (II) – оксид қандай кислота ишлаб чиқаришда асосий оралиқ маҳсулот ҳисобланади? **Нитрат кислота ишлаб чиқаришда асосий оралиқ маҳсулот ҳисобланади.**

280. Азот (III) – оксид қандай олинади? **Аммиакни каталитик оксидлаш ёки азот билан кислород аралашмасини Вольта ёйидан ўтказиш орқали олинади.**

281. Азот (III) – оксид – N_2O_3 қандай тусли газ? **Қўнғир тусли газ.**

282. Азот (III) – оксид – N_2O_3 нима қилинганда кўк тусли суюқликка айланади? **Конденсатланганида кўк тусли суюқликка айланади.**

283. Азот (III) – оксид қандай модда билан бирикиб, нитрит кислота(HNO_2) ҳосил қилади? **Сув билан бирикиб, нитрит кислота (HNO_2) ҳосил қилади.**

284. Азот (III) – ва (IV) – оксидлар аралашмаси қандай ҳосил бўлади? **Совитиш натижасида ҳосил бўлади.**

285. Азот (III) – ва (IV) – оксидлари аралашмаси қандай модда? **Барқарор модда.**

286. Азот (IV) – оксид – NO_2 қандай рангли газ? **Қўнғир рангли газ.**

287. Азот (IV) – оксид сув билан бирикиб, қандай моддалар ҳосил қилади? **Нитрат кислота (HNO_3) ва нитрит кислота (HNO_2) ҳосил қилади.**

288. Азот (IV) – оксид қандай оксидловчи? **Кучли оксидловчи.**

289. Азот (IV) – оксид қаерларда ишлатилади? **Ракетанинг суюқ ёнилғисини оксидлаш, органик моддаларни нитролаш учун ишлатилади.**

290. Азот кўш оксид – N_2O_4 ва азот (V) – оксид – N_2O_5 қандай рангли кристалл модда? **Рангсиз кри-**

сталл модда.

291. Азот оксидлари физиологик кандай моддалар? **Фаол моддалар.**

292. Азот темир билан реакцияга киришиб, кандай моддалар хосил килади? **Каттик нитридлар хосил килади.**

293. Азот тўпловчи микроорганизмлар – азот-фиксаторлар каердаги молекуляр азот (N_2)ни ўзлаштирувчи ва уни органик бирикмаларга ўтказувчи микроорганизмлар? **Атмосферадаги молекулир азот (N_2)ни ўзлаштирувчи ва уни органик бирикмаларга ўтказувчи микроорганизмлар.**

294. Азот тўпловчи микроорганизмларга кандай ўсимликлар билан симбиоз хаёт кечирувчи phisobium туркумига мансуб бактериялар киради? **Дуккакли ўсимликлар билан симбиоз хаёт кечирувчи phisobium туркумига мансуб бактериялар киради.**

295. Азот тўпловчи кўк-яшил сувўтларининг нечта тури маълум бўлиб, шундан нечта тури Ўрта Осиё тупроклари ва сув хавзаларида таркалган? **80 та тури маълум бўлиб, шундан 45 та тури Ўрта Осиё тупроклари ва сув хавзаларида таркалган.**

296. Азот фторидлари кандай рангли, хидли газлар? **Рангсиз, ўзига хос хидли газлар.**

297. Азот фторидларига кайси моддалар киради? **Азот трифторид, NF_3; тетрафторгидрозин, N_2F_4; дифторамин, NF_2H; дифтордиазин, N_2F_2; нитрозил фторид, FNO; нитрил фторид, FNO_2; трифторамипоксид, NOF; хлордифторамин, $NClF_2$; фторамин, NH_2F; дихлорфторамин NCl_2F ва бошкалар киради.**

298. Азот фторидларига баъзан кайси моддалар хам киритилади? **Фторид, N_3F ва питрокенфторил, NO_3F лар хам киритилади.**

299. Азот фторидлари кандай оксидловчилар? **Кучли оксидловчилар.**

300. Азот трифторид ва нитрозил фторидлан бошкалари термодинамик жихатдан кандай? **Бекарор.**

301. Азот фторидлари кандай моддалар синтез килишда кўлланилади? **Органик моддалар синтез килишда кўлланилади.**

302. Азот фторидларидан тетрафторгидразин каерда кандай восита сифатида кўлланилади? **Суюк ёнилги билан ишлайдиган ракеталарда ёнилгини оксидловчи восита сифатида кўлланилади.**

303. Азот хлоридлари кандай хосил бўлади? **Аммиак, NH_3 ва азоимид, HN_3дати водород атомларининг хлор атомига алмашинуви натижасида хосил бўлади.**

304. Азот (III) - хлорид, NCl_3кандай модда? **Бекарор модда.**

305. Азот (III) –хлорид кандай рангли модда? **Сарик рангли модда.**

306. Азот (III) –хлорид кандай хидли модда? **Ўткир хидли мойсимон модда.**

307. Азот (III) –хлорид кайси аъзоларнинг шилликкардасига таъсир этади?**Нафас йўлларининг шиллик пардасига таъсир этади.**

308. Азотлан кандай усуллардан бири? **Кимёвий – иссиклик ишлови бериш усулларидан бири.**

309. Азотлан кандай котишмалардан тайёрланган деталларнингсиртки катламиниазотгатўйинтиришдан иборат? **Пўлат, титан, баъзи котишмалардан тайёрланган деталларнинг сиртки катламини азотга тўйинтиришдан иборат.**

310. Азотли иприт кандай бирикма? **Органик бирикма.**

311. Азотли иприт кандай рангли суюклик? **Рангсиз суюклик.**

312. Азотли иприт кайси моддада ёмон эрийди? **Сувда ёмон эрийди.**

313. Азотли иприт кайси эритувчиларда яхши

эрийди? **Органик эритувчиларда яхши эрийди.**

314. Азотли иприт иприт (дихлордиэтилсульфид) дан таркибидаги қайси элемент ўрнига киритилган азот билан фарк килади? **Олтингугурт ўрнига киритилган азот билан фарк килади.**

315. Азотли иприт қайси кислоталар таъсирида сувда эрийдиган, қайси кислота таъсирида сувда кам эрийдиган туз ҳосил килади? **Минерал кислоталар таъсирида сувда эрийдиган, пикрин кислота таъсирида сувда кам эрийдиган туз хосил килади. У меъда-ичак, нафас йўлларини кучли захарлаш ва терини яралантириш хусусиятига эга. Бундай моддалар хужайра бўлинишини сусайтиргани учун кўпчилиги (эмбихин, новэмбихин ва бошкалар) тиббиётда ишлатилади.**

316. Азотли ўғитлар қандай моддалар? **Таркибида азот бўлган ва ўсимликларнинг азот билан озиқланиш манбаи сифатида қўлланиладиган органик хамда анорганик моддалар, ўсимликларни азот билан озиклантириш манбаи.**

317. Азотли ўғитлар нечанчи йилларда аммиакни ҳаводаги азот ва водороддан синтезлаш саноат миқёсида ўзлаштирилганидан кейин кимё саноатида ишлаб чикарилган? **1914-1918 йилларда аммиакни ҳаводаги азот ва водороддан синтезлаш саноат миқёсида ўзлаштирилганидан кейин кимё саноатида ишлаб чикарилган.**

318. Азотли ўғитлар Ўзбекистон биринчи марта Чирчик электр кимё комбинатида нечанчи йилда ишлаб чикарилган? **1940 йилда ишлаб чикарилган.**

319. Азотли ўғитларни ишлаб чикаришда қайси моддалар асосий хом ашё бўлиб хизмат килади? **Аммиак ва нитрат кислота асосий хом ашё бўлиб хизмат килади.**

712. Альгинат кислота кандай сувда ёмон эрийди? **Совук сувда ёмон эрийди.**

713. Альгинат кислота иссик сувда кандай эрийди? **Яхши эрийди.**

714. Альгинат кислота кандай эритмаларда яхши эрийди? **Ишкорий эритмаларда яхши эрийди.**

715. Альгинат кислота ўз хажмидан неча марта ортик хажмдаги сувни ютиш кобилиятига эга? **200-300 марта ортик хажмдаги сувни ютиш кобилиятига эга.**

716. Альгинат кислота кайси кимёвий элементлар тузлари сувда яхши эриб, ёпишкок эритмалар хосил килади? **Натрий ва калий тузлари сувда яхши эриб,**

ёпишқоқ эритмалар хосил килади.

717. Альгинат кислота ва унинг тузлари каерларда, кандай максадларда ишлатилади? **Эмульсия ва суюкликларни куюлтиришда, музқаймоқ ишлаб чикаришда гель хосил килувчи компонент сифатида ва бошқа максадларда ишлатилади.**

718. Альдегидлар, RCHO – молекуласида органик радикал (R) ва водород атоми билан боғланган карбонил гуруҳи (> C = O) бўлган кандай бирикмалар? **Органик бирикмалар.**

719. Альдегид гуруҳи (-CHO)нинг кандай радикал билан бирикканлигига караб кандай альдегидлар бўлиши мумкин? **Тўйинган, тўйинмаган, ароматик ва гетероциклик альдегидлар бўлиши мумкин.**

720. Альдегидларни аташда тегишли кандай кислоталарнинг номларидан фойдаланилади? **Органик кислоталарнинг номларидан фойдаланилади. Масалан, чумоли кислотага тўғри келгани чумоли альдегиди ёки формальдегид, сирка кислотага тўғри келгани сирка альдегид ёки ацетальдегид дейилади.**

721. Альдегидлар осон нима килади? **Оксидланади. Улар полимерланиши, яъни бир неча молекулалари ўзаро бирикиб, юкори молекуляр бирикма хосил килиши мумкин.**

722. Альдегидлар (баъзи) кандай моддалар таъсирида Каннишаро реакцияси деб аталадиган реакцияга киришади? **Ишқорлар таъсирида Каннишаро реакцияси деб аталадиган реакцияга киришади.**

723. Альдегидлар каерларда кандай максадларда ишлатилади? **Альдегидлар фенолформальдегид смолалар олишда, антисептиклар сифатида, дезинфекцияларда ва бошқа максадларда ишлатилади.**

724. Альдегидокислоталар ва кетокислоталар, оксокарбон кислоталар – молекуласида карбонил (альдегид ёки кетон гуруҳлари) ва карбоксил гуруҳлари бўлган кандай бирикмалар? **Органик бирикмалар.**

725. Альдегидокислоталар ва кетокислоталар функционал гуруҳларнинг молекулада ўзаро жойлашишига караб, кайси оксокарбон кислоталарга бўлинади? **α-, β-, γ- ва бошқа оксокарбон кислоталарга бўлинади.**

726. Альдозалар – оддий углеводларга кирувчи кандай таъмли модда? **Ширин таъмли модда.**

727. Альдозалар сувда кандай эрувчан моддалар? **Яхши эрувчан кристалл моддалар.**

728. Альдозалар тузилишига кўра, кандай моддалар? **Полиоксиальдегидлар, $CH_2OH(CHOH)_nCHO$ моддалар.**

729. Альдозаларнинг типик вакили кайси модда? **Глюкоза моддаси.**

730. Альдозалар одам, хайвон ва ўсимликлар хаётида кандай роль ўйнайди? **Мухим роль ўйнайди.**

731. Альдол конденсатланиш, альдол конденсация неча молекула альдегиднинг ўзаро бирикиб, таркибида альдегид ва алкоголь гуруҳи бўлган моддалар, яъни альдоллар хосил килиши? **Икки молекула альдегиднинг ўзаро бирикиб. Масалан, сирка альдегиддан β – гидроксиальдегид хосил бўлади:**

$$2CH_2CHO \rightarrow CH_3\underset{\displaystyle OH}{\underset{|}{C}}HCH_2CHO.$$

732. Альдол конденсатланиш ходисаси биринчи бор нечанчи йилда кайси немис кимёгари томонидан кашф килинган? **1872 йилда А. Вюрц томонидан кашф килинган.**

733. Альдол конденсатланиш реакциясига кетонлар хам кандай киришади? **Осон киришади.**

734. Альдол конденсатланиш натижасида хосил бўладиган альдегид спиртлар реакцияга кандай киришувчан моддалар? **Жуда тез киришувчан моддалар.**

735. Альдол конденсатланиш қаерларда бўладиган кўпчилик жараёнларни ўрганишда уларнинг катта аҳамияти бор? **Ўсимлик тўқималарида бўладиган кўпчилик жараёнларни ўрганишда уларнинг катта аҳамияти бор.**

736. Альдоллар – альдегид спиртлар, молекуласи таркибида гидроксил (-OH) ва карбонил (> C = O) гуруҳлари бўлган кандай бирикмалар? **Органик бирикмалар.**

737. Альмандин – гранатлар гуруҳига мансуб кандай модда? **Минерал.**

738. Альмандиннинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $Fe_3 2Al_2[SiO_4]_3$.

739. Альмандиннинг каттиклиги неча? 7-7,5.

740. Альмандиннинг зичлиги канча г/см³? **3,8-4,3 (г/см³).**

741. Альмандиннинг ранги кандай? **Кизил, тўк кизил.**

742. Альмандин кандай моддасимон ялтирок? **Шишасимон, ёгсимон ялтирок.**

743. Альмандин қаерларда учрайди? **Слюдали сланецларда, гранитларда, гранитли пегматитларда учрайди.**

744. Альмандин қаерда пегматитлар ичидан топилган? **Марказий Осиёда пегматитлар ичидан топилган.**

745. Альмандиннинг жуда ялтирок, шаффофи кандай тош хисобланади? **Кимматбахо тош хисобланади.**

746. Альмандиннинг жуда ялтирок, шаффофи қаерда ишлатилади? **Заргарлик буюмлари ясашда ишлатилади.**

747. Альмандиннинг жуда ялтирок, шаффофи баъзан нима деб аталади? **Ёкут деб аталади.**

748. Альмандиннинг нуксонли турлари кандай материаллар сифатида ишлатилади? **Абразив материал сифатида ишлатилади.**

749. Альни котишмалар кайси кимёвий элементлар тузилишидаги котишмалар? **Темир – алюминий – никель тузилишидаги котишмалар.**

750. Альни котишмаларнинг магнит хоссалари кандай? **Гоят юқори.**

751. Альни котишмалар таркибида неча фоиз алюминий, никель, колгани кайси кимёвий элемент бўлади? **9-15,5 (фоиз) алюминий, 18-24,5 (фоиз) никель, колгани темир бўлади.**

752. Альни котишмалар магнит жихатдан кандай котишмалар жумласига киради? **Каттик котишмалар жумласига киради.**

753. Альни котишмалардан нималар тайёрланади? **Юкори кувватли ихчам магнитлар тайёрланади.**

754. Альсифер кайси кимёвий элементлар тизимидаги котишма? **Алюминий – кремний – темир тизимидаги котишма.**

755. Альсифернинг магнит сингдирувчанлик хоссаси кандай? **Юкори.**

756. Альсифер таркибида неча фоиз кайси кимёвий элементлар бўлади? **5,4 фоиз алюминий, 9,6 фоиз кремний, 85 фоиз темир бўлади.**

757. Альсифер магнит жихатидан кандай котишмалар жумласига киради? **Юмшок котишмалар жумласига киради.**

758. Альсифердан электр двигателлар нимаси тайёрланади? **Ўзаги тайёрланади.**

759. Альсифер кукунидан тайёрланган котишмаларнинг магнит киритувчанлиги юкори бўлганлигидан нималар ясаш учун ишлатилади? **Магнитоэлектриклар ясаш учун ишлатилади.**

760. Альтакс, дитио – бис – бензтиазол кандай рангли кристалл? **Рангсиз кристалл.**

761. Альтакснинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $C_{14}H_8N_2S_4$.

762. Альтакс кандай модда? **Органик модда.**

763. Альтакснинг суюкланиш харорати минус канча °С? **Минус 186° С.**

764. Альтакс каерда ишлатилади? **Каучукни вулканизация килишда ишлатилади.**

765. Альфа (α) – зарралар баъзи бир радиоактив элементлар чикарадиган кайси кимёвий элемент атомларининг ядролари? **Гелий атомларининг ядролари.**

766. Альфа зарралар бирор модда оркали ўтганида модда атомларини ионлаштириб, ўз нимаси камаяди? **Ўз энергияси камаяди.**

767. Алюмель никелнинг кайси кимевий элементлар билан хосил килган кийин суюкланувчан котишмаси? **Никелнинг алюминий, марганец, кремний билан хосил килган кийин суюкланувчан котишмаси.**

768. Алюмель каерда ишлатилади? **Пирометрияда (модлалар хароратини ўлчашда) термопараларнинг манфий термоэлектрод сифатида ишлатилади.**

769. Алюмелдан кандай кизлиргичлар тайёрлашда фойлаланилади? **Нихром – алюмель, хромель – алюмель ва бошка электр кизлиргичлар тайёрлашда хам фойдаланилади.**

770. Алюмелнинг таркиби (фоизда) неча фоиз алюминий, кремний, марганец, колганлари никель ва кобальтдан иборат? **1,8 - 2,5 (фоиз) алюминий, 0,85 - 2 (фоиз) кремний, 1,8-2,2 (фоиз) марганец, колганлари никель ва кобальт иборат.**

771. Алюминатлар – алюминат кислоталар (ортоалюминат, H_3AlO_3, метаалюминат, $HAlO_2$ ва бошкалар) нинг кайси моддалари, алюминий оксидининг бошка металлар билан хосил килган кимёвий бирикмалари? **Тузлари.**

772. Алюминатларнинг умумий кимёвий формуласи кандай ифодаланади? **$R[Al_2O_4]$(R – Ca, Mg, Sr,**

Ba, Br ва х. к.).

773. Алюминатлар табиатда кандай таркалган? **Энг кўп таркалган.**

774. Алюминатлар кайси суюкликда яхши эрийди? **Сувда яхши эрийди.**

775. Алюминатлар кайси сохаларда ишлатилади? **Турли сохаларда ишлатилади. Масалан, натрий алюминат, $NaAlO_2$ газламаларни бўяшда, ишкор сифатида кўлланилади; кальций алюминат, $Ca(AlO_3)_2$ тез котадиган гилтупрок цементнинг асосий таркибий киеми хисобланади; шпинеллардан (айрим II гурух металлар алюминатлари) оловбардош материаллар ишлаб чикаришда хамда кимматбахо тош сифатида фойдаланилади.**

776. Алюминатлар (хозирги вактда нодир металлар)нинг кандай ахамияти катта? **Амалий ахамияти катта. Улар махсус керамика, лазер ва оптик шишалар, ўта электр ўтказувчан материаллар олишда, ядро техникасида ва халк хўжалигининг бошка тармокларида нодир элементлар оксидларининг ўрнига ишлатиладиган материаллар.**

777. Алюминий [(ўта соф) (алюминий 999 маркали)] неча фоизгача кўшимчага эга бўлади? **0,001 фоизгача кўшимчага эга бўлади.**

778. Алюминий [(жуда соф) (алюминий 995, алюминий 99, алюминий 97, алюминий 95 маркалар)] неча фоиздан неча фоизгача кўшимчага эга бўлади? **0,005 фоиздан 0,05 фоизгача кўшимчага эга бўлади.**

779. Алюминий [(техник соф) (А85, А8, А7, А5, А0, А ва АЕ маркалар)] неча фоиздан неча фоизгача кўшимчага эга бўлади? **0,015 фоиздан 1 фоизгача кўшимчага эга бўлади.**

780. Алюминийга жуда суюлтирилган хамда концентрланган нитрат кислота таъсир этадими? **Йўк, таъсир этмайди.**

781. Алюминий кандай сульфат кислотада эрийди? **Суюлтирилган ва концентрланган сульфат**

кислотада эрийди.

782. Алюминийга кайси модда кучлирок таъсир этади? **Водород хлорид кучлирок таъсир этади.**

783. Алюминийга кайси кислота таъсир этмайди? **Ортофосфат кислота таъсир этмайди.**

784. Алюминийнинг кўпгина тузлари кайси моддада яхши эрийди ва гидролизланиб, кислотали реакция рўй беради? **Сувда яхши эрийди ва гидролизланиб, кислотали реакция рўй беради.**

785. Алюминий кандай моддаларда хам яхши эрийди? **Ишкорларда хам яхши эрийди.**

786. Алюминий ишкорларда яхши эриб, кандай моддалар хосил бўлади? **Алюминатлар хосил бўлади.**

787. Алюминийли бронзалар кайси хоссалари жихатидан калайли бронзадан устун? **Механик хоссаси, кимёвий таъсирларга чидамлилиги, суюк холатда окувчанлиги ва бошка баъзит хоссалари жихатидан калайли бронзадан устун.**

788. Алюминийли бронзаларга кандай ишлов бериб, уларнинг механик хоссаларини яхшилаш мумкин? **Термик ишлов бериб, уларнинг механик хоссаларини яхшилаш мумкин.**

789. Алюминий нитрат $[Al(NO_3)]$ кайси кислотанинг алюминийли тузи? **Нитрат кислотанинг алюминийли тузи.**

790. Алюминий нитрат кандай рангли модда? **Ок рангли ромбик кристалл модда.**

791. Алюминий нитрат кандай олинади? **Алюминий гидроксид $[Al(OH)_3]$ни нитрат кислотада эритиб олинади.**

792. Алюминий нитрат кандай холдагина баркарор? **Кристаллогидратлар, $Al(NO_3)_3 \cdot H_2O$; $Al(NO_3)_3 \cdot 6H_2O$ ва $Al(NO_3)_3 \cdot 9H_2O$ холдагина баркарор.**

793. Алюминий нитрат канча °С хароратгача

киздирилганда азот оксидларига ва алюминий оксидига ажралади? **200°С хароратга киздирилганда азот оксидларига ва алюминий оксидига ажралади.**

794. Алюминий оксид (гилтупрок), Al_2O_3 кандай рангли модда? **Рангсиз кристалл модда.**

795. Алюминий оксиднинг суюкланиш харорати канча °С? **2050°С.**

796. Алюминий оксид кайси моддада эримайди? **Сувда эримайди.**

797. Алюминий оксид кандай оксидлар? **Амфотер оксидлар.**

798. Алюминий оксиднинг ўзи кайси моддалардан олинади? **Боксит, нефелин ва каолиндан олинади.**

799. Алюминий оксиддан кандай материал ва буюмлар тайёрлашда фойдаланилади? **Ўтга чидамли материал ва буюмлар тайёрлашда фойдаланилади.**

800. Алюминий рудалари, асосан, нимадан олинади? **Асосан, бокситдан олинади.**

801. Алюминий рудаларига кайси жинслар киритилади? **Нефелинли сиенитлар (комплекс хом ашё), алунитли, нефелин-апатитли жинслар ва бошкалар киритилади.**

802. Алюминий рудалари конлари каерларда бор? **РФ (Архангельск вилояти, Урал, Гарбий Сибирь, Кола ярим ороли), Козогистон, Украинада (Азов бўйида, Украина калкони, Закарпатье), Закавказьеда бор.**

803. Алюминий рудаларининг Ўзбекистонда кайси турлари учрайди? **Барча турлари учрайди. Ангрепда каолин ва Гўшсойда алунит конлари бор.**

804. Алюминий сульфат, $Al_2(SO_4)_3$сульфат кислотанинг алюминийли кандай модласи? **Тузи.**

805. Алюминий сульфат кандай рангли модда? **Рангсиз кристалл модда.**

806. Алюминий сульфат оддий шароитда $Al_2(SO_4)_3 \cdot 18H_2O$ кандай рангли кристаллогидрат холида бўлади? **Ок рангли кристаллогидрат холида бўлади.**

807. Алюминий сульфат ишкорий металларнинг сульфатлари билан бирикиб, кандай моддалар хосил килади? **Қўш тузлар – аччиктошлар хосил килади.**

808. Алюминий сульфат каерларда ишлатилади? **Сув тозалаш, когоз ишлаб чикариш, тўкимачилик ва тери ошлаш саноатида ишлатилади.**

809. Алюминий фторид, AlF_3 кайси кислотанинг алюминийли тузи? **Фторид кислотанинг алюминийли тузи.**

810. Алюминий фторид кандай ранг кристалл модда? **Рангсиз кристалл мода.**

811. Алюминий фторидниг зичлиги канча г/см^3? **3,1 г/см^3.**

812. Алюминий фторид кайси моддада яхши эрийди? **Кислотада яхши эрийди.**

813. Алюминий фторид кандай олинади? **Алюминий гидроксид $Al(OH)_3$ ни водород фторид (HF) нинг 15 фоизли эритмасида эритиш ёки алюминий оксид (Al_2O_3)га 400° С – 700° С да HF таъсир эттириш билан олинади.**

814. Алюминий фторид кандай металларнинг фторидлари билан комплекс бирикмалар хосил килади? **Ишкорий металларнинг фторидлари билан комплекс бирикмалар хосил килади.**

815. Алюминий фторид саноатда кайси моддалан алюминий олиш ва тозалаш жараёнида электролитларга кўшимча сифатида ишлатилади? **Криолитдан алюминий олиш ва тозалаш жараёнида электролитларга кўшимча сифатида ишлатилади.**

816. Алюминий хлорид, $AlCl_3$ хлорид кислотанинг алюминийли нимаси? **Тузи.**

817. Алюминий хлорид кандай рангли кристалл модда? **Рангсиз кристалл модда.**

818. Алюминий хлоридниг зичлиги канча г/см^3? **2,44 г/см^3.**

819. Алюминий хлорид кандай молекулалардан тузилган? **Кутбли молекулалардан тузилган.**

820. Алюминий хлорид кайси моддада яхши эрийди? **Сувда яхши эрийди (100 г сувда 44,38 г).**

821. Алюминий хлорид кандай молекулалар (NH_3, PCl_3, PCl_5) билан бирикмалар хосил килади? **Кутбли молекулалар(NH_3, PCl_3, PCl_5) билан бирикмалар хосил килади.**

822. Алюминий хлорид кандай олинади? **Каолин, бинокит ва бошка табиий минералларга юкори хароратда хлор ва углерод (II)-оксид аралашмасини таъсир эттириш йўли билан олинади.**

823. Алюминий котишмалари кандай тайёрланади? **Алюминийга Cu, Si, Mg, Zn, Mn, Ni, Fe, Ti ва бошка элементларни алохида-алохида ёки маълум комбинацияда кўшиб суюклантириш йўли билан тайёрланади.**

824. Алюминий котишмаларига легирловчи элементлар сифатида кайси элементлар кўшилади? **Ni, Cr, Ca ва бошкалар кўшилади.**

825. Алюминий кайси элементлар котишмаларига хам легирловчи элемент сифатида кўшилади? **Мис, рух, никель, магний, темир, титан элементлар котишмаларига хам легирловчи элемент сифатида кўшилади.**

826. Алюминий котишмаларига котишма хоссаларини яхшилайдиган элементлар сифатида оз микдорда кайси элементлар кўшилади? **Na, Be, Ti, Ce, Nb элементлар кўшилади. Бу элементлар физик-кимёвий ва механик хоссалари хилма-хил алюминий котишмалар хосил килишга имкон беради.**

827. Алюминий кандай котишмалар олишда жуда катта ахамиятга эга? **Енгил ва пухта котишмалар олишда жуда катта ахамиятга эга.**

828. Алюминий котишмалари енгил бўлиши би-

лан бирга анча кандай? **Енгил.**

829. Алюминий котишмалари (мустахкамлиги 550-750 МН/м²) самолет, вертолет, ракетанинг кайси кисмларини тайёрлашда кўлланилади? **Корпусларини тайёрлашда кўлланилади.**

830. Алюминийлаш, алитирлаш кандай хароратда ишлатиладиган пўлат ва чўян буюмларнинг сиртки катламини неча мм гача алюминийга тўйинтириш? **Юкори хароратда ишлатиладиган пўлат ва чўян буюмларнинг сиртки катламини 0,02-1,2 (мм) гача алюминийга тўйинтириш.**

831. Алюминийланда алюминий оксидланиб, буюмни кейинги оксидланишдан саклайдиган кандай парда хосил килади? **Оксид парда (Al_2O) хосил килади.**

832. Алюминийлаш, асосан, кам углеродли, камдан-кам холларда эса ўртача углеродли пўлат, кулранг чўян ва иссиклик таъсирига чидамли кандай буюмлар алюминийланади? **Легирланган пўлат буюмлар алюминийланади. Бундан ташкари, алюминийлашнинг металлаш (деталь сиртига алюминий кукуни суркалиб, диффузион юмшатилади), бўшатиш (деталь алюминий бўёги билан бўяб, диффузион бўшатилади); 700° С – 800° С хароратли алюминий эритмасида тутиб туриш ва бошка усуллари бор.**

833. Алюминийлашдан каерларда фойдаланилади? **Автомабиль двигателларининг клапанлари, газ турбиналарининг курак хамда соплолари ва бошкаларин тайёрланда фойдаланилади.**

834. Алюминийли аччиктошлар кандай тузлар? **Алюминий сульфатнинг ишкорий металл сульфатлари билан хосил килган кўш тузлари.**

835. Алюминийли аччиктошларнинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? **$MeAl(SO_4)_2 \cdot 12H_2O$ (бу ерда: Me – K, Na, Li, Cs ва х.к.)**

836. Алюминийли аччиктошлар кандай сингонияда кристалланади? **Кубик сингонияда кристалланади.**

837. Алюминийли аччиктошлар кандай рангли модда? **Рангсиз модда.**

838. Алюминийли аччиктошлар кайси моддада яхши эрийди? **Сувда яхши эрийди.**

839. Алюминийли аччиктошлар газламаларни бўяшда нима сифатида ишлатилади? **Хуруш сифатида ишлатилади.**

840. Алюминийли аччиктошлар каерда кўлланилади? **Тиббиётда кўлланилади.**

841. Алюминийли жез таркибида неча фоизгача алюминий бўлган жез (латунь)? **0,4-3,5 (фоиз)гача алюминий бўлган жез (латунь).**

842. Алюминий–органик бирикмалар кандай бирикмалар? **Алюминийнинг углеводород колдиги билан бевосита богланишидан хосил бўлган металлорганик бирикмалар.**

843. Алюминий–органик бирикмаларда алюминий нечта углеводород колдиги билан богланган бўлиши мумкин? **Бир, икки ёки учта углеводород колдиги билан богланган бўлиши мумкин (R_1AlCl_2, R_2AlCl, R_3Al).**

844. Алюминий–органик бирикмалар кандай олинади? **Алюминий-магний котишмасига галлоидуглеводородларни, симоб-органик бирикмаларга алюминий таъсир эттириш ва бошка йўллар билан олинади.**

845. Алюминий–органик бирикмалар каерларда кўлланилади? **Саноатда олефинларни паст босимда полимерлашда катализатор сифатида ва соф алюминий олишда кўлланилади.**

846. Алюминий–органик бирикмалар хар хил реакцияларга киришиш хусусияти кучли бўлгани сабабли тўйинмаган углеводородлардан кандай модда

ишлаб чикаришда, кимёвий элементларнинг кандай бирикмаларини хосил килишда хам ишлатилади? **Спирт ишлаб чикаришда, кимёвий элементларнинг органик бирикмаларини хосил килишда хам ишлатилади.**

847. Алюминий учалкиллар кандай рангли модда? **Рангсиз модда.**

848. Алюминий учалкиллар кислород ва намликка кандай суюклик? **Ўта сезгир суюклик.**

849. Алюминий учметил ва учметиллар каерда ўз-ўзидан ёниш хусусиятига эга? **Хавода ўз-ўзидан ёниш хусусиятига эга.**

850. Алюминийнинг бериллий билан хосил килган котишмалари кайси нурларни яхши ўтказади? **Рентген нурларини яхши ўтказади.**

851. Алюмосиликатлар таркибли жинсларда шаклланган калай рудаларининг туб конлари генезиси ва минерал таркибига кўра, кандай формацияларга бўлинади? **Пегматит, касситерит – кварц ва касситерит – сульфид формацияларга бўлинади.**

852. Алюмосиликатлар кандай силикатларнинг умумий номи? **Таркибида алюминий ва кремнийнинг комплекс анионлари бўлган силикатларнинг умумий номи.**

853. Алюмосиликатлар кандай анионларга ва бошк. киради? **Комплекс анионларга $[AlSiO_4]^-$, $[AlSi_2O_6]^-$, $[AlSi_4O_{10}]^-$, $[Al_2Si_3O_{10}]^{-2}$ ва бошк. киради.**

854. Алюмосиликатлар табиатда кандай таркалган? **Кенг таркалган.**

855. Алюмосиликатлар ер пўстининг неча фоизини ташкил этади? **50 фоизини ташкил этади.**

856. Алюмосиликатларга кайси минераллар киради? **Уларга дала шпатлари, масалан, ортоклаз – $K[AlSi_3O_8]$, альбит – $Na[AlSi_3O_8]$, анортит – $Ca[Al_2SiO_8]$ ва гилли минераллар киради.**

857. Алюмосиликатларга кайси моддалар киради? **Слюдалар (масалан, мусковит, биотит ва бошк.)**

киради.

858. Алюмосиликатларнинг барчаси кайси моддада эримайди? **Сувда эримайди.**

859. Алюмосиликатлар кайси моддаларнинг эритмаларида парчаланади? **Фтор кислота, ишкор ва ишкорий металлар карбонатлари эритмаларида парчаланади.**

860. Алюмосиликатларнинг баъзиси табиат шароитда карбонат ангидрид ва сув таъсирида аста-секин таъсирланиши натижасида кайси минераллар хосил бўлади? **Кварц ва бошк. минераллар хосил бўлади.**

861. Алюмосиликатларнинг синтетиги кандай олинади? **Алюминий ва кремний оксидларига металл оксидларини гидротермал усулда таъсир эттириб олинади. Улар керамик махсулотларнинг асосий кристалл фазаларини ташкил килади.**

862. Алюмосиликатларнинг табиийси кандай моддалар олишда ишлатилган? **Шиша, сопол, цемент ва бошк. ишлаб чикаришда; слюдалар – электр ва иссикликни ўтказмайдиган материаллар олишда, нефелин, соф алюминий олишда ишлатилади.**

863. Алюмосиликатларнинг айримлари нималар сифатида ишлатилади? **Цеолитлар хроматографияда адсорбент, газларни тозалаш, куритиш ва аждратишда, сувнинг каттиклигини камайтиришда, катализатор ва таркибида катализатор бўлган хом ашё сифатида ишлатилади.**

864. Аляскит кандай тог жинси? **Интрузив пордон тог жинси.**

865. Аляскит таркибида неча фоизгача рангли минераллар бўлган гранит? **5 фоизгача бўлган гранит.**

866. Аляскит кандай йўл билан келиб чиккан модда? **Магматик, баъзан метасоматик йўл билан келиб чиккан модда.**

867. Аляскит таркиби кайси моддалардан иборат? **Кварц [(30-35 (фоиз)], калийли дала шпати [(30-50**

(фоиз)] ва альбит (20 фоизгача)дан иборат.

868. Аляскит кандай тузилишли? **Кристалл-донадор, камдан-кам порфир тузилишли.**

869. Аляскитнинг ранги кандай? **Кизил, пушти, ок, оч кулранг.**

870. Аляскит дастлаб кайси ярим оролда топилган? **Аляска ярим оролида топилган (номи шундан).**

871. Аляскит каерларда топилган? **Ўрта Осиё, Кавказ ва Байкал ортида топилган.**

872. Аляскит каерда нима сифатида ишлатилади? **Курилишда коплама безактош сифатида ишлатилади.**

873. Аляскитни кандай элементларининг номлари билан боғлайдилар? **Камёб ва сийрак ер элементларининг номлари билан боғлайдилар.**

874. Амалда электрокимёвий тахлилнинг кайси усулларидан фойдаланилади? **Электролиз (электрогравиметрик тахлил, ички электролиз, металларни контакт алмаштириш – цементация, полерографик тахлил) ва титриметрик (амперметрик, кондуктометрик, потенциометрик титрлаш) электрокимёвий усулларидан фойдаланилади.**

875. Амалий радиокимё нишонли бирикмалар синтезини, радиоактив изотопларининг каерда кўлланишини ўз ичига олади? **Фан ва техника саноатда (кимё, физика, геокимё ва бошка тадкикотларда) кўлланилишини ўз ичига олади.**

876. Амалиётда этилендиамин тетрасирка кислотанинг кайси тузи кўпрок ишлатилади? **Икки натрийли тузи кўпрок ишлатилади.**

877. Амазонит (амазонка тоши) кандай модда? **Минерал.**

878. Амазонит микроклинининг кандай тури? **Ҳаворанг тури.**

879. Амазонит кайси моддаларда учрайди? **Пегматитларда баъзан гранитларда учрайди.**

880. Амазонит кандай тош? **Зийнат тоши.**

881. Амазонитдан кандай тошлар сифатида фойдаланилади? **Зийнат тошлари сифатида фойдаланилади.**

882. Амалиётда юкорида келтирилган антипиренлар каторида эндигина бошланган алангадан химоя киluвчи кайси моддалар ишлатилади? **Куйидаги моддалар ишлатилади. ДСК-П (диаммоний фосфат, аммоний сульфат ва керосинли контакт), ППЛ – поташ ва керосинли контакт асосидаги суюкликлар, ФАМ – мочевина – формальдегид смола кўшилган фурфуролацетон аралашма асосидаги бўёк, ПХВО – перхлорвинил смола асосидаги, МХС – хлорпарафин ва бошка компонентлар асосидаги мойсимон; суперфосфат – охак-лой ва бошкалар асосидаги сурков мойлари хам ишлатилади.**

883. Амальгама (лот. amalgama-котишма) кайси кимёвий элементнинг бошка металлар билан котишмаси? **Симобнинг бошка металлар билан котишмаси.**

884. Амальгамани кандай йўл билан хам олиш мумкин? **Сунъий йўл билан хам олиш мумкин.**

885. Амальгама таркибидан симоб ва бошка металларнинг миқдорига караб, уй ҳарорати (18° С – 20° С)да кандай ҳолатларда бўлиши мумкин? **Суюк, куюк ва каттик ҳолатларда бўлиши мумкин.**

886. Амальгама металл буюмларга кайси кимёвий элемент югуртиришда, нима тайёрлашда ишлатилади? **Олтин югуртиришда, кўзгу тайёрлашда ишлатилади.**

887. Амальгама кандай максадларда ишлатилади? **Рангли металлургия (амальгамация)да, сунъий тош ясашда ва бошка максадларда ишлатилади.**

888. Амальгамация рангли металлургияда асл

металлар (олтин, кумуш ва платинани кукунланган руда ёки кукундан кайси кимёвий элемент ёрдамида ажратиб олиш? **Симоб ёрдамида ажратиб олиш.**

889. Амальгамациянинг қандай усули ҳам мавжуд? **Электр амальгамация усули ҳам мавжуд.**

890. Амальгамациянинг электр усули мавжуд бўлиб, бунда металл симоб билан хўлланиб, шлюзларда қандай ток таъсирида рудага ишлов берилади? **Ўзгармас ток таъсирида рудага ишлов берилади.**

891. Аметист (сафсар) – минерал, кварц (SiO_2) нинг шаффоф қандай ранг тури? **Бинафша ранг тури.**

892. Аметистнинг йирик, чиройли рангли кристаллари қандай тош? **Қимматбаҳо тош.**

893. Аметистни қандай ишлаб чиқариш йўлга қўйилган? **Синтетик ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.**

894. Аметист қаерларда хосил бўлади? **Гранит пегматитларида, кварц ертомирларида ва баъзан метаморфик тоғ жинслари ичида ҳам хосил бўлади.**

895. Аметист конлари қаерларда бор? **Бразилия, Шри Ланка ороли, Мьянма (Бирма), Урал тоғлари, Украина ва бошқа жойларда бор.**

896. Амёбаларни ўлдирадиган моддалар қандай моддалар деб аталади? **Амёбоцидлар деб аталади.**

897. Амигдалин гликозидлар синфига мансуб табиий органик бирикма бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_{20}H_{27}O_{11}N$.

898. Амигдалин неча фоиз аччиқ бодомда, шафтоли, олхўри, олча данагида, олма, нок уруғида ва бошқаларда бўлади? **Аччиқ бодомда 2,5- 3,5 (фоиз), шафтоли данагида 2-3 (фоиз), олхўри данагида 1-1,8 (фоиз), олча данагида 0,8 фоиз, олма нок уруғида ва бошқаларда бўлади.**

899. Амигдалин қандай шаклдаги модда? **Ялтироқ пластинкасимон шаклдаги модда.**

900. Амигдалиннинг суюқланиш харорати қанча

°С? **215°С.**

901. Амигдалин сувда ва киздирилган спиртда қандай эрийди? **Яхши эрийди.**

902. Амигдалиннинг кислоталар ҳамда аччиқ бодом мевасининг сувдаги экстрактида бўладиган эмульсин ферменти таъсирида гидролизланиши натижасида қандай моддалар хосил бўлади? **D – глюкоза, бензальдегид ва цианид кислота хосил бўлади.**

903. Амигдалин одам ичагида ферментлар ва бактериялар таъсирида парчаланиб, қандай кислотага айланади ва организмнинг нима бўлишига олиб келади? **Цианид кислотага айланади ва организмнинг захарланишига олиб келади.**

904. Амидланиш қандай реакция? **Карбоксил гурухига кирадиган ОНнинг амин (NH_2) гурухига алмашиниш йўли билан кислоталарнинг амидлари хосил бўлиши реакцияси.**

905. Амидланиш ҳайвонлар ва одам тўкималарида қайси моддани зарарсизлантиришнинг асосий йўли сифатида физиологик нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга? **Аммиакни зарарсизлантиришнинг асосий йўли сифатида физиологик нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга.**

906. Амидланиш мураккаб ферментатив жараён бўлиб, унда қандай кислоталар энергиясидан фойдаланилади? **Аденозинфосфат кислоталар энергиясидан фойдаланилади.**

907. Амидланиш организмда катионлар (K^+, Na^+, Ca^{2+}, Mg^{2+})ни асраб қоладиган ва шу тариқа қоннинг қандай модда захирасини камайтирадиган ҳимоя механизмларидан бири? **Ишқор захирасини камайтираликан химоя мехапизмларидан бири.**

908. Амидли ўғитларга $CO(NH_2)_2$ карбамид мочевина) қайси ўғитлар киради? **Мочевина, мочевинаформальдегидли ўғитлар киради.**

909. Амил спиртлар бир атомли тўйинган спиртлар бўлиб, кимёвий формуласи қандай ифодаланади?

$C_5H_{11}OH$.

910. Амил спиртларнинг зичлиги канча г/см³? **0,814 г/см³.**

911. Амил спиртларнинг нечта изомери бор? **8 та изомери бор.**

912. Амил спиртларнинг 8 та изомеридан энг ахамиятлиси кайси спиртлар? **Изоамил спиртлар.**

913. Амил спиртларнинг одатдаги шароитда хамма изомерлари кандай модда бўлади? **Суюк модда бўлади.**

914. Амил спиртларнинг изомерларидан бири – изоамил спирт кандай рангли суюклик? **Рангсиз суюклик.**

915. Амил спиртларнинг изомерларидан бири – изоамил спиртнинг кайнаш харорати канча °С? **131,5° С.**

916. Амил спиртларнинг изомерларидан бири – изоамил спирт сувда ёмон эриб, кандай аралашма хосил килади? **Азеотроп аралашма хосил килади.**

917. Амил спиртлар кандай мойдан олинади? **Сивуха мойидан олинади.**

918. Амил спиртлар кандай усуллар билан хам хосил килинади? **Синтетик усуллар билан хам хосил килинади.**

919. Амил спиртлар кайси кислота билан киздирилганда оддий алиал эфирлар хосил бўлади? **Сульфат кислота билан киздирилганда оддий алиал эфирлар хосил бўлади.**

920. Амил спиртларнинг изомерларидан бири-изоамил спиртнинг мураккаб эфирлари, масалан, изоамилацетат кандай модда? **Хушбўй модда.**

921. Амил спиртларнинг изомерларидан бири-изоамил спирт каерларда кандай модда сифатида ишлатилади? **Мева эссенцияларн тайёрлашда, лок, бўёк ишлаб чикаришда эритувчи модда сифатида ишлатилади.**

922. Амилазалар кандай ферментлар? **Углеводнинг 1- ва 4- атомлари ўртасидаги глюкозид богларини парчалаш йўли билан крахмал, гликоген ва уларга якин полисахаридлар гидролизини тезлаштирувчи ферментлар.**

923. Амилазаларнинг нечта хили бор? **Учта хили бор.**

924. Амилазаларнинг уч хили бўлиб, улар кайсилар? **Улар: α-амилоза хайвон, ўсимлик ва микроорганизмларда учрайди; у ишгирок этадиган реакцияларда, асосан, декстринлар хосил бўлади. В-амилаза юксак ўсимликларга хос бўлиб, мальтоза ва йирик молекулали декстринлар хосил бўлишини тезлаштиради. Глюкоамилаза хайвонлар кони, моғор замбуруғлари, бактериялар ва бошкаларда бўлиб, глюкоза ва декстринлар хосил бўлишини тезлаштиради. Одатда, полисахаридлар гидролизида турли амилазалар баробарига катнашади.**

925. Амилазаларнинг ферментатив таъсирини кайси рус акад. биринчи марта нечанчи йилда тасвир этган? **К. С. Кирхгоф 1814 йилда униб чиккан арпа уруғлари экстракти таъсирида крахмалнинг шакарланиши (амилазаларнинг ферментатив таъсири)ни тасвир этган.**

926. Амилазаларнинг физиологик ахамияти нимадан иборат? **У хужайралардаги полисахаридлар захирасини сафарбар килади (масалан, уруг унаётганда). Овкат хазм килишда хам амилазаларнинг ахамияти катта; хайвонлар хамда одамнинг сўлагида ва меъда ости безининг ширасида хам амилазалар бор.**

927. Амилазаларни микроорганизмлар качон чикаради? **Крахмални истеъмол кила турнб, амилазалар чикаради.**

928. Амилацетат – сирка кислотанинг амил эфири бўлиб, унинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $CH_3COOC_5H_{11}$

929. Амилацетат қандай хидли, рангли модда? **Хушбўй хидли, рангсиз суюқ модда.**

930. Амилацетатнинг зичлиги канча г/см^3? **0,8753 г/см^3.**

931. Амилацетатнинг суюкланиш харорати минус канча °С? **Минус 75° С.**

932. Амилацетатнинг кайнаш харорати канча °С? **149,2°С.**

933. Амилацетат қандай хосил бўлади? **Сирка кислота билан амил спирт концентрланган сульфат кислота иштирокида киздирилганида хосил бўлади.**

934. Амилацетатнинг изомери – изоамилацетат "нок эссенцияси" номи билан каерда ишлатилади? **Ичимликлар ва кандолат тайёрлашда ишлатилади.**

935. Амилацетатдан каерда фойдаланилади? **Техникада нитроцеллюлоза учун эритувчи сифатида (киноплёнкалар, целлулоид ишлаб чикаришда) фойдаланилади.**

936. Амиленлар, пентенлар – олтита изомери бўлган олифенлар каторининг тўйинмаган углеводородлари бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? C_5H_{10}.

937. Амиленларнинг хаммаси оддий шароитда қандай модда? **Суюк модда.**

938. Амиленлар кайси модда таъсирида полимерланади? **Алюминий хлорид таъсирида полимерланади.**

939. Амиленлар кайси модда иштирокида резинасимон холга келади? **Сульфит ангидрид (SO_2) иштирокида резинасимон холга келади.**

940. Амиленларнинг полимерлари каерда кўп ишлатилади? **Техникада кўп ишлатилади.**

941. Амилодекстрин – крахмал қандай йўл билан парчаланганида хосил бўладиган дастлабки махсулот? **Гидролиз йўли билан парчаланганда хосил бўладиган дастлабки махсулот.**

942. Амилодекстрин кайси моддаларнинг бир тури? **Декстринларнинг бир тури.**

943. Амилодекстринга кайси кимёвий элемент таъсир эттирилса, кўк ёки бинафша рангга киради? **Йод таъсир эттирилса, кўк ёки бинафша рангга киради.**

944. Аминлар қайси моддадаги водород атомларининг органик радикалларга алмашинишидан хосил бўлган бирикмалар? **Аммиакдаги водород атомларининг органик радикалларга алмашинишидан хосил бўлган бирикмалар.**

945. Аминлар кайси моддадаги водород атоми радикалга алмашинганига караб, бирламчи, иккиламчи ва, нихоят, учламчи дейилади? **Аммиакдаги водород атоми радикалга алмашинганига қараб, бирламчи, иккиламчи ва, нихоят, учламчи дейилади.**

946. Аминлар молекуласидаги кайси гурух сонига қараб моноаминлар, диаминлар ва учаминларга бўлинади? **Аминогурух сонига қараб моноаминлар, диаминлар ва учаминларга бўлинади.**

947. Аминлар, одатда, нитробирикмаларни кайтариш ёки углеводородларнинг галогенли хосилаларига кайси модда таъсир эттириш йўли билан олинади? **Аммиак таъсир эттириш йўли билан олинади.**

948. Аминлар ичида энг ахамиятлиси кайси аминлар? **Ароматик аминлар.**

949. Аминлар (ароматик)ни биринчи бор нечанчи йилда кайси рус олими синтез килган? **1842 йилда Н. Н. Зинин синтез қилган.**

950. Аминлар (алифматик)ни нечанчи йилда кайси олим кашф килган? **1849 йилда Ш. Вюрц кашф килган.**

951. Аминларнинг баъзилари табиатда қандай холда алкалоидлар, аминокислоталар тарзида учрай-

ди? **Эркин ҳолда алкалоидлар, аминокислоталар тарзида учрайди.**

952. Аминлар қаерда жуда кўп қандай препаратлар олишда ишлатилади? **Бўёқ саноатида, пластмассалар олишда, тиббиётда жуда кўп қўлланиладиган сульфаниламид препаратлар олишда ишлатилади.**

953. Аминлаш – турли хил органик бирикмаларга қайси гуруҳни киритиш? **Аминогуруҳ ($-NH_2$)ни киритиш. Масалан, пиридинга 200°С ҳароратда натрий амиди ($NaNH_2$)ни таъсир эттириб, α- аминопиридин олинади:**

$$C_5H_5N + NaNH_2 \rightarrow C_5H_4N(NH_2) + NaH.$$

Бензол бугини аммиак билан бирга чўғ ҳолидаги найдан ўтказилганда анилин ҳосил бўлади: $C_6H_6 + NH_3 \rightarrow C_6H_5NH_2 + H_2$.

954. Аминокапрон кислота – органик кислота бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $NH_2(CH_2)_5COOH$.

955. Аминокапрон кислота қандай таъмли гигроскопик кристаллар? **Рангсиз, аччиқ таъмли гигроскопик кристаллар.**

956. Аминокапрон кислотанинг эриш ҳарорати канча °С? **202° С – 203° С.**

957. Аминокапрон кислота қайси суюқликда яхши эрийди? **Сувда яхши эрийди.**

958. Аминокапрон кислота одатдаги органик эритувчиларда нима қилмайди? **Эримайди.**

959. Аминокапрон кислота қандай йўл билан олинади? **Капролактамни гидролизлаш йўли билан олинади.**


960. Аминокапрон кислота лизин каби баъзи аминокислоталарни нима қилишда ишлатилади? **Синтез қилишда ишлатилади.**

961. Аминокислоталар қандай органик бирикмалар? **Молекуласида амин ва карбоксил гуруҳи бўлган ораганик бирикмалар.**

962. Аминокислоталар ўсимлик ҳамда ҳайвон

оқсилининг асосий нимаси ҳисобланади? **Элементи ҳисобланади.**

963. Аминокислоталар (кўпгина табиий) молекулалари қандай умумий структурага эга?



964. Аминокислоталарда аминогуруҳ карбоксил гуруҳга нисбатан қандай ҳолатда жойлашади? **α-ҳолатда жойлашади.**

965. Аминокислоталар қандай рангли моддалар? **Рангсиз, сувда эрувчан кристалл моддалар.**

966. Аминокислоталар (табиий)нинг нечтаси маълум? **200 таси маълум, лекин оқсиллар таркибида фақат 20 та аминокислоталар ва уларнинг 2 та амиди учрайди. Қолганлари оқсиллар таркибига кирмайди.**

967. Аминокислоталар организмда қандай бирикмалар таркибида учрайди? **Эркин ҳолда ва оқсиллар ёки бошқа бирикмалар таркибида учрайди.**

968. Аминокислоталар оқсиллар таркибида учрайдиганларнинг қандай ўзгариши натижасида ҳосил бўлади? **Ферментатив ўзгариши натижасида ҳосил бўлади.**

969. Аминокислоталар (айрим) ҳайвон ва одам организмида нима қилмайди? **Синтезланмайди, бу алмашинмайдиган аминокислоталар.**

970. Аминокислоталар (алмашинмайдиган) одам организми учун нечта? **8 та.**

971. Аминокислоталар (алмашинмайдиган) қайси моддалар? **Триптофан, фенилаланин, метионин, лизин, валин, треонин, изолейцин ва лейцин моддалари.**

972. Аминокислоталар синтези жараёнида қандай

модда органик бирикмаларга айланади? Аммиакли **азот органик бирикмаларга айланади.**

973. Аминокислоталарнинг ўсимликда ҳосил бўлганлари нима килиб туради? **Узлукеиз алмашиниб туради, улар, асосан, оксиллар синтези учун сарфланади.**

974. Аминокислоталарнинг кўпчилиги каерларда кўлланилади? **Тиббиётда, чорвачиликда, шунингдек, озик-овкат ва микробиология саноатида кўлланилади.**

975. Аминокислотадан ҳозир нима сифатида ҳам фойдаланилмокда? **Ўгит сифатида ҳам фойдаланилмокда.**

976. Аминомой кислота таркибида кайси гурух бўлган кандай кислота? **Карбоксил ва аминогурух бўлган органик кислота.**

977. Аминомой кислота молекуласида карбоксил ва аминогурухларнинг жойланишига караб кайси турларга бўлинади? **α-аминомой кислота, $CH_3CH_2CH(NH_2)COOH$; β-аминомой кислота, $CH_3CH(NH_2)CH_2COOH$ ва γ-аминомой кислота, $NH_2CH_2CH_2CH_2COOH$ турларига бўлинади.**

978. Аминомой кислота юкори ҳароратларда суюкланувчан кандай модда? **Кристалл модда.**

979. Аминомой кислота сувда кандай эрийди? **Яхши эрийди.**

980. Аминомой кислота спиртда кандай эрийди? **Эримайди.**

981. Аминокислоталар, карбамид пластиклар кандай моддалар асосида тайёрланган пластмассалар? **Синтетик смолалар асосида тайёрланган пластмассалар.**

982. Аминокислоталар формальдегид билан аминогурухли органик бирикмаларнинг нималанини натижасида ҳосил бўлади? **Поликонденсатланиши натижасида хосил бўлади.**

983. Аминокислоталар олишда тўлдирувчи сифатида бошка материаллар, масалан, кайси моддалар ишлатилади? **Ёгоч кипиғи, целлюлоза ишлатилади.**

984. Аминокислоталарни кандай рангга бўяш мумкин? **Ҳар хил рангга бўяш мумкин.**

985. Аминокислоталардан тайёрланган буюмлар кандай эритувчилар таъсирига чидамли? **Кучсиз кислота ва ишкорлар, сурков мойлари, спирт, ацетон, бензол, бензин, керосин ва бошка эритувчилар таъсирига чидамли, лекин кучли кислота ва ишкор уларни парчалайди.**

986. Аминокислоталар каерларда ишлатилади? **Электр токини ўтказмайдиган копловчи копламалар тайёрлашда, турли буюмларни елимлашда ишлатилади.**

987. Аминопластлар, карбамид пластиклар кандай моддалар асосида тайёрланган пластмассалар? **Синтетик смолалар асосида тайёрланган пластмассалар.**

988. Аминопластлар кандай ҳосил бўлади? **Формальдегид билан аминогурухли органик бирикмаларнинг поликонденсатланиши натижасида хосил бўлади.**

989. Аминопластлар олишда тўлдирувчи сифатида кандай материаллар ишлатилади? **Ёгоч кипиғи, целлюлоза ишлатилади.**

990. Аминопластларни кандай рангга бўяш мумкин? **Ҳар хил рангга бўяш мумкин.**

991. Аминопластлардан тайёрланган буюмлар кандай моддалар таъсирига чидамли? **Кучсиз ва ишкорлар, сурков мойлари, спирт, ацетон, бензол, керосин ва бошка эритувчилар таъсирига чидамли.**

992. Аминопластлардан тайёрланган буюмлар кандай моддалар парчалайди? **Кучли кислота ва ишкорлар уларни парчалайди.**

993. Аминопластлар нимани ўтказмайдиган копловчи каминлар тайёрлашда ишлатилади? **Электр**

токини ўтказмайдиган копловчи каминлар тайёрлашда ишлатилади.

994. Аминопластлар турли буюмларни нима килишда ишлатилади? **Елимлашда ишлатилади.**

995. Аминоспиртлар, аминоалкоголлар, алкоколаминлар, гидроксиламинлар – таркибида амино- ва оксигурухлари бўлган кандай бирикмалар? **Алифатик бирикмалар.**

996. Аминоспиртлар кандай хоссаларга эга бўлган мойсимон суюкликлар? **Кучсиз асос хоссаларига эга бўлган мойсимон суюкликлар.**

997. Аминоспиртлар каерларда кўлланилади? **Этаноламин, кир ювиш воситалари – шампунь ва лосьонлар, эмульгаторлар, косметик ва дори препаратлар ишлаб чикаришда хамда кислоталарнинг газларини (масалан, CO_2) ютувчи модда сифатида кўлланилади.**

998. Аминофенолларнинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $C_6H_4(NH_2)OH$.

999. Аминофеноллар кандай рангли моддалар? **Рангсиз кристал моддалар.**

1000. Аминофеноллар кандай бирикмалар бўлиб, кислота ва ишкорлар билан реакцияга киришиб, туз хосил килади? **Амфотер бирикмалар бўлиб, кислота ва ишкорлар билан реакцияга киришиб, туз хосил килади.**

1001. Аминофенолларнинг неча хил изомерлари бор? **Уч хил изомерлари бор.**

1002. Аминофенолларнинг суюкланиш харорати канча °С? **174° С.**

1003. Аминофеноллар кандай йўл билан олинади? **Нитрофенол ёки нитрофенолларнинг кайтарилиш йўли билан олинади.**

1004. Аминофеноллар кандай бўёклар ишлаб чикаришда кўлланилади? **Олтингугуртли бўёклар ва азобўёклар ишлаб чикаришда кўлланилади.**

1005. Аминокандлар, аминодезоксикандлар кандай гурухларга киритилган моносахаридлар? **Молекуласидаги бир ёки бир неча гидроксил гурухлар (альдозалардаги яримцетил ёки кетозалардаги ярим кеталдан ташкари) ўрнига алмашинган ёки алмашинмаган аминогурухларга киритилган моносахаридлар.**

1006. Аминокандлар кайтарувчилар бўлиб, кандларга хос реакцияларга киришади, лекин кандай хоссаларни намоён килади? **Асослар хоссаларини намоён килади.**

1007. Аминокандлар табиатда кандай таркалган? **Кенг таркалган.**

1008. Аминокандлар каерларда учрайди? **Хайвонлар, ўсимликлар ва микроорганизмларнинг мураккаб оксиллари, липидлар, полисахаридлар, глюкозалар ва бошкалар таркибида учрайди.**

1009. Аминокандлардан кайсилари кенг таркалган? **Глюкозамин ва галактозаминлар кенг таркалган.**

1010. Аминокандлар (кўп) кандай усулда олинган? **Синтетик усулда олинган.**

1011. Аммиакнинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? NH_3.

1012. Аммиак кандай рангли газ? **Рангсиз захарли газ.**

1013. Аммиакнинг суюкланиш харорати минус канча °С? **Минус 77,7° С.**

1014. Аммиакнинг кайнаш харорати канча °С? **33,35° С.**

1015. Аммиак кайси суюкликда яхши эрийди? **Сувда яхши эрийди.**

1016. Аммиакнинг кайси суюкликдаги эритмаси кандай асос? **Сувдаги эритмаси кучсиз асос.**

1017. Аммиак табиатда соф холда ниҳоятда оз

миқдорда нима қилади? **Учрайди.**

1018. Аммиак қайси органик моддаларнинг парчаланишидан хосил бўлиб туради? **Азотли органик моддаларнинг парчаланишидан хосил бўлиб туради.**

1019. Аммиак қандай хосил қилинади? **Тошкўмирни курук хайдашда кўшинча махсулот сифатида олинади, аммо, асосан, азот билан водороддан синтетик усулда хосил қилинади:**

$N_2 + 3H_2 \rightarrow 2NH_3 + 22$ ккал.

1020. Аммиакнинг сувдаги эритмаси қайси модда? **Новшадил спирт.**

1021. Аммиак, асосан, қайси кислота олишга сарфланади? **Нитрат кислота олишга сарфланади.**

1022. Аммиак қайси тузлар синтари кишлок хўжалигида ўғит сифатида ишлатилади? **Аммоний тузлари синтари кишлок хўжалигида ўғит сифатида ишлатилади.**

1023. Аммиакдан қандай восита сифатида фойдаланилади? **Совитувчи восита сифатида фойдаланилади.**

1024. Аммиак Ўзбекистонда қайси кимё комбинатларида синтез қилинади? **Чирчик, Фарғона ва Навоий кимё комбинатларида синтез қилинади.**

1025. Аммиак кимё комбинатларида синтез қилинишида лозим бўлган азот қаердан, водород қайси газдан конверсия усули билан олинади? **Азот ҳаводан, водород эса Бухоро табиий газидан конверсия усули билан олинади.**

1026. Аммиакнинг таркибида 18-25 (фоиз) аммиак бўлган сувдаги эритмаси қайси модда? **Аммиакли сув.**

1027. Аммиакатлар қандай моддалар билан аммиакнинг бирикишидан хосил бўлган комплекс бирикмалар? **Тузлар билан аммиакнинг бирикишидан хосил бўлган комплекс бирикмалар. Масалан, $Cu(NH_3)_4SO$ – мис аммиакат ёки тетрамин мис сульфат; $[Pt(NH_3)_6C_{14}$ – гексамин платинхлорид;**

$(Ni(NH_3)_6C_{12}$ – гексамин никель хлорид.

1028. Аммиакатларнинг кўпчилиги анча қандай бўлади? **Барқарор бўлади.**

1029. Аммиакли сувдан қандай ўғит сифатида фойдаланилади? **Суюк ўғит сифатида фойдаланилади.**

1030. Аммиакли сув қаерда ишлатилади? **Аммоний сульфат, сода олиш, бўёк моддалар ишлаб чикариш саноатида ва ўсимликларни барг орқали озиклантиришда ишлатилади.**

1031. Аммиакли сувнинг 5-10 (фоиз)ли эритмаси (новшадил спирт)дан қаерда фойдаланилади? **Тиббиётда фойдаланилади.**

1032. Аммиак қандай моддалар билан реакцияга киришганда аммоний тузлари хосил бўлади? **Кислоталар билан реакцияга киришганда аммоний тузлари хосил бўлади.**

1033. Аммиак аммонийлашув даврида пайдо бўлган оддий қайси моддалар билан бирга реакцияга кириниб, аммонийнинг сувда осон эрийдиган тузларини хосил килади? **Кислоталар билан бирга реакцияга киришиб,**

$2NH_3 + H_2CO_3 = (NH_4)_2CO_3$

$NH_3 + HNO_3 = NH_4NO_3$

аммонийнинг бундай шаклдаги тузларини ўсимликлар осон ўзлаштиради.

1034. Аммиак билан аммоний хлорид таркибидаги азот элементлари ўртасидаги изотоп алмашинувида аввалига икки азотнинг табиий таркиби бир хил бўлиб ($^{15}N : {}^{14}N = 1 : 262$), кейин эса хосил бўлган ^{15}N нинг миқдори аммиакдагига нисбатан неча фоиз кўпаяди? **3,4 фоиз кўпаяди. Ана шундай изотоп алмашинувини махсус фракцион колонналарда кўп марта қайтариб, $^{14}NH_4Cl + {}^{15}NH_3 \rightleftarrows {}^{15}NH_4Cl + {}^{14}NH_3$ реакцияси асосида $^{15}N_4Cl$ олиш мумкин. Шундай йўл билан углерод ^{13}C, олтингугурт ^{34}S, ^{15}S ва бошк.**

нинг оғир изотоплар концентратлари олинади.

1035. Аммиак ва нитратли ўғитлар сувли эритмасининг таҳлили қандай усул билан ўтказилади? **Худди ўсимликларда умумий азот миқдорини аниқлашгандек, ишқор ёрдамида хайдаш усули билан ўтказилади.**

1036. Аммиакли-нитратли ўғитларга қайсилари киради? **Аммиакли селитра (аммоний нитрат, нитрат кислотанинг аммоний тузи) ва аммоний сульфонитрат киради.**

1037. Аммиакли селитра, асосан, қандай ҳолда ишлаб чиқарилади? **Доналор ҳолда ишлаб чиқарилади, бу ўғит таъсирида тупроқнинг мухити кучсиз кислотали бўлади.**

1038. Аммиакли ўғитларга қайсилари киради? **Аммоний сульфат, аммоний хлорид, аммоний бикарбонат, сувсиз аммиак, сувли аммиак, аммиакатлар киради.**

1039. Аммоний эркин ҳолда олинмаган анорганик радикал бўлиб, кимёвий формуласи қандай ифодаланади? NH_4.

1040. Аммоний фақат нимада мавжуд бўлади? **Эритмада мавжуд бўлади.**

1041. Аммоний қайси кислоталар билан реакцияга киришганда аммоний тузлари ҳосил бўлади? **Аммиак кислоталар билан реакцияга киришганда.**

1042. Аммоний таркибининг софлигига қараб қандай хилларга бўлинади? **Қуйидаги хилларга бўлинади: ўта соф, жуда соф, техник соф хилларга бўлинади.**

1043. Аммоний бирикмалар таркибида нима ҳолида учрайди? **Ион (NH_4^+) ҳолида учрайди.**

1044. Аммоний неча валентли металл вазифасини бажаради? **Бир валентли металл вазифасини бажаради. Масалан, аммоний гидроксид – (NH_4OH), аммоний хлорид – (NH_4Cl) ва ҳ.к.**

1045. Аммоний гидроксид қандай хоссага эга?

Кучсиз ишқорий хоссага эга.

1046. Аммоний, ишқорий ва оксидланиш даражаси +1 га тенг бўлган бошқ металлар кўпинча қандай боратлар ҳосил қилади? **Кўпинча гидратланган ёки сувсиз метаборатлар ($MeBO_2$), тетраборатлар (Me_2BO_4), пентоборатлар (MeB_5O_8), шунингдек, декаборатлар ($Me_4B_{10}O_{17}$) · nH_2O ҳосил қилади.**

1047. Аммоний карбонат – карбонат кислотанинг аммонийли тузи бўлиб, кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $(NH_4)_2CO_3$.

1048. Аммоний карбонат қандай рангли модда? **Рангсиз кристалл модда.**

1049. Аммоний карбонат жуда қандай? **Бекарор.**

1050. Аммоний карбонат қандай ҳароратдаёқ ўзидан аммиакни ажратиб чиқариб, гидрокарбонатга айланади? **Уй ҳароратидаёқ ўзидан аммиакни ажратиб, чиқариб гидрокарбонатга айланади.**

1051. Аммоний карбонат қанча °С ҳароратгача қиздирилганда аммиак, карбонат ангидрид ва сувга парчаланади? **58° С хароратгача қиздирилганда аммиак, карбонат ангидрид ва сувга парчаланади.**

1052. Аммоний карбонат қаерларда ишлатилади? **Тўқимачиликда, тиббиётда ишлатилади.**

1053. Аммоний нитрат, аммиакли селитранинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? NH_4NO_3.

1054. Аммоний нитрат қандай рангли модда? **Рангсиз кристалл модда.**

1055. Аммоний нитратнинг зичлиги қанча г/см³? **0,82 г/см³.**

1056. Аммоний нитратнинг суюкланиш харорати қанча °С? **169,6° С.**

1057. Аммоний нитрат қайси суюқликда яхши эрийди? **Сувда яхши эрийди, бунда иссиқлик миқдори ютилади (1 г туз 1 г сувда эриганда харорат плюс 15° С дан минус 10° С гача пасаяди).**

1058. Аммоний нитрат қандай йўл билан олинади? **Суюлтирилган нитрат кислотага аммиак таъ-**

сир эттириш йўли билан олинади.

1059. Аммоний персульфат рангсиз кристалл модда бўлиб, кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $NH_4OSO_2-O-O-SO_2ONH_4$.

1060. Аммоний персульфат сувда қандай эрийди? **Яхши эрийди.**

1061. Аммоний персульфат қандай оксидловчи? **Кучли оксидловчи.**

1062. Аммоний персульфат саноатда қандай олинади? **Тўйинтирилган аммоний сульфат эритмасини электролиз усулида анодда оксидлаш йўли билан олинади.**

2181. Бериллий оксид захарли бўлганлиги учун кандай касалликка сабаб бўлиши мумкин? **Нафас йўлларини яллигланитиради, ўпканинг сурункали касаллиги – бериллиозга сабаб бўлиши мумкин.**

2182. Бериллий котишмалари – кандай котишмалар? **Бериллийнинг турли металлар билан хосил килган котишмалари.**

2183. Бериллийнинг кайси элемент билан хосил килган котишмалари рентген нурларини яхши ўтказади? **Алюминий билан хосил килган котишмалари рентген нурларини яхши ўтказади.**

2184. Бериллий котишмалари, одатда, таркибида бошка металлар кўпрок бўлади, лекин кайси элемент уларда баъзи мухим хоссалар пайдо килади? **Бериллий уларда баъзи мухим хоссалар пайдо килади.**

2185. Бериллий котишмалари каерларда кенг кўлланилади? **Металлургияда, мухим пружиналар, электр контактлари, соат механизмлари, компас деталлари, юкори харорат ва босимда ишлайдиган шестерня, втулка ва подшипниклар тайёрлашда кенг кўлланилади.**

2186. Бериллий котишмалари кандай котишмалар? **Бериллийнинг турли металлар билан хосил килган котишмалари.**

2187. Бериллий котишмалари, одатда, таркибида бошка металлар кўпрок бўлади, лекин бериллий уларда баъзи мухим нималар пайдо килади? **Мухим хоссалар пайдо килади. Масалан, миснинг 2-2,5 фоиз**

бериллий билан ҳосил қилинган қотишмалари (бериллий бронзалари) энг кўп таркалган. Улар жуда мустаҳкам ва кайшкок бўлади.

2188. Бериллий магний қотишмаларига озрок кўшилса, уларнинг нимага чидамлилиги сезиларли даражада ортади? **Коррозияга чидамлилиги сезиларли даражада ортади.**

2189. Бериллий баъзи пўлат ва чўянларга кўшилганда улар анча нималашади? **Пишиклашади.**

2190. Бериллий каерда кенг кўлланилади? **Металлургияда кенг кўлланилади.**

2191. Бериллий нималар тайёрлашда кенг кўлланилади? **Мухим пружиналар, электр контактлари, соат механизмлари, компас деталлари, юкори харорат ва босимда ишлайдиган шестерня, втулка ва подшипниклар тайёрлашда кенг кўлланилади.**

2192. Бериллийлаш металл ёки қотишмаларнинг сиртки катламини канча °С хароратгача оксидланишдан сақлаш максадида бериллий билан коплаш? **1100°С хароратгача оксиланишдан сақлаш максадида бериллий билан қоплаш.**

2193. Бериллийлаш учун неча фоиз кайси модда-лар кукунлари аралашмаси ишлатилади? **98-99 (фоиз) Be (ёки ферроберилли) ва 1-2 (фоиз) NH_4Cl, ё бўлмаса, 75 фоиз Be (ёки ферроберилли), 23 фоиз Al_2O_3 ва 2 фоиз NH_4Cl кукунлари аралашмаси ишлатилади.**

2194. Бериллийлаш баъзан, факат нимага чидамли қотишмалар учун қўлланилади? **Иссикликка чидамли қотишмалар учун қўлланилади.**

2195. Бертоллидлар қандай кимёвий бирикмалар? **Таркиби доимий ва каррали нисбатлар конунига мос келадиган кимёвий бирикмалар.**

2196. Бертоллидлар кайси кимёгар олим номи билан аталган? **К. Бертолле номи билан аталган.**

2197. Бертьерин, септешамозит минераллари кайси оилага мансуб? **Септехлоритлар оиласига мансуб.**

2198. Бертьерин, септешамозитнинг кимёвий таркиби кандай ифодаланади? **$(Fe^{2+}, Fe^{3+}, Al, Mg)_6 \cdot [(Si, Al)_4O_{10}] \cdot (OH)_8$.**

2199. Бертьерин, септешамозитда 40-45 (фоиз) темир оксиди бўлиб, табиатан кандай? **Ўзгарувчан.**

2200. Бертьерин, септешамозит кандай сингонияда кристалланади? **Моноклиник сингонияда кристалланади.**

2201. Бертьерин, септешамозитнинг структураси кайси модланикига ўхшаш? **Каолинитникига ўхшаш.**

2202. Бертьерин, септешамозит минераллари кайси моддалар оиласига мансуб? **Септехлоритлар оиласига мансуб.**

2203. Бертьерин, септешамозитнинг кимёвий таркиби кандай ифодаланади? **$(Fe^{2+}, Fe^{3+}, Al, Mg)_6 \cdot [(Si,Ac)_4] \cdot (OH)_8$. Унда 40-45 (фоиз) темир оксиди бўлиб, табиий ўзгарувчан.**

2204. Беруний лаълни кандай таърифлаган? **"Лаъл ўзининг ранги ва жилоланиб туриши билан ёкутга жуда ўхшайди, лекин каттиклиги жихатидан ундан колади, шунинг учун бу минералнинг кирралари тез синиб кетади" деб таърифлаган.**

2205. Бетага ўт майсасида неча фоиз кайси моддалар бор? **14,6 фоиз протеин, 3,3 фоиз ёғ ва 24,6 фоиз клетчатка бор.**

2206. Бетоннинг чўзилишга мустаҳкамлиги сикилишга мустаҳкамлигидан неча марта паст? **10-20 марта паст.**

2207. Бехи таркибида неча фоиз кайси моддалар, кислота бор? **74,7 - 83,5 (фоиз) сув, 8,5-15,2 (фоиз) канд, 0,2-1,5 (фоиз) кислота бор.**

2208. Бехи ўсимлигининг етилган мевалари таркибида неча фоиз пектин моддалар, эфир мойлари

бор? **5 фоиз пектин моддалар, эфир мойлари бор.**

2209. Бехи ўсимлигининг мевалари таркибида неча фоиздан кўпрок канд ва ошловчи молддалар бор? **10 фоиздан кўпрок канд (жумладан, 6,2 фоиз фруктоза), 0,5 фоизгача ошловчи моддалар бор.**

2210. Бехи уругларида неча фоиздан кўпрок мой ва ошловчи моддалар бор? **8 фоиздан кўпрок мой, ошловчи моддалар бор.**

2211. Бехи уругларида неча фоизгача шилимшик модда ва амигдалин гликозиди бор? **2 фоизгача шилимшик, 0,53 фоизгача амигдалин гликозиди бор.**

2212. Бехи ўсимлигининг етилган мевалари таркибида кайси кислоталар бор? **Органик кислоталар (олма, сирка, лимон кислоталари) бор.**

2213. Бехи ўсимлигининг етилган мевалари таркибида кайси витамин бор? **С витамини бор.**

2214. Бехи ўсимлигининг етилган мевалари таркибида кайси элементлар тузлари бор? **Темир ва мис тузлари бор.**

2215. Бёмит (XX аср немис минералоги И. Бём номидан) - гидроксидлар гурухига мансуб кандай модда? **Минерал.**

2216. Бёмитнинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? **AlOOH.**

2217. Бёмит ойнасимон кандай минерал? **Ялтирок минерал.**

2218. Бёмит минералининг каттиклиги неча? **3,54.**

2219. Бёмитнинг зичлиги канча г/см^3? **3 г/см^3.**

2220. Бёмит кислоталарда эрийдими? **Йўк, эримайди.**

2221. Бёмит кўпинча кандай хароратли ертомирларда майда кристаллар холида учрайди? **Паст хароратли ертомирларда майда кристаллар холида учрайди.**

2222. Бёмит баъзи кандай моддаларнинг асосий минерали? **Бокситларнинг асосий минерали.**

2223. Бёмит минерали Ўзбекистоннинг каерларида учрайди? **Кизилкумдаги тоғларда, Фарғона водийси тог тизмаларида учрайди.**

2224. Бижғиш, бижғитиш, ачиш, ачитиш, ферментация кандай жараён? **Микроорганизмлар ёки улар ажратадиган ферментлар иштирокида органик моддаларнинг (асосан, углеводородниинг) парчаланиш жараёни.**

2225. Бижғиш халк тилида нима деб ҳам юритилади? **Қайнаш бижғиш деб ҳам юритилади.**

2226. Бижғиш жараёнида ажралиб чикадиган карбонат ангидриди пуфакчалари нимани эслатади? **Сувнинг қайнашини эслатади.**

2227. Бижғишда кандай моддалар хосил бўлиши мумкин? **Ҳар хил моддалар хосил бўлиши мумкин. Масалан, кислородсиз шароитда (облигат анаэроб бактериялар иштирокида) мой кислота, ацетон, бутил спирти ва бошкалар; ҳам кислородли, ҳам кислородсиз шароитда (факультатив анаэроб бактериялар иштирокида) спирт, сут кислотаси, пропион кислота, B_{12} витамини; фақат кислородли шароитда сирка кислотаси, ацетон, этил спирти, бутиленгликоль ва лимон кислотаси пайдо бўлади.**

2228. Бижғиш жараёнида кандай ичимликлар хосил бўлади? **Мусаллас, бўза, кимиз ва бошка ичимликлар хосил бўлади.**

2229. Бижғиш жараёни ферментлар иштирокида рўй беради деб, нечанчи асрда кайси олим айтган? **XVI асрда Ван – Гельмонт айтган.**

2230. Бижғиш бир хужайрали тирик микроорганизмлар иштирокида рўй беради, деб қачон кайси олимлар тушунтиришганлар? **XIX асрнинг 30-йилларида Каньяр де Латур, Шван ва Кютингнлар тушунтиришганлар.**

2231. Бижғиш жараёнидан фойдаланиб, нималар ишлаб чиқарилади? **Ром, турли маркадаги винолар, пиво, сут махсулотлари, нон ишлаб чиқарилади.**

2232. Бижғишни фақат кайси олим илмий асосда тўғри тахлил қилиб, бижғиш микроорганизмлардаги моддалар алмашинуви натижаси, деган фикрни исботлаган? **Луи Пастер илмий асосда тўғри тахлил килиб, исботлаган.**

2233. Бинар металлар қандай хосил бўлган материал? **Икки жинсдаги металл ёки котишмалар (масалан, пўлат ва алюминий, титан ва молибден, алюминий ва титан)нинг бирикишидан хосил бўлган материал.**

2234. Бинафша ўсимлиги гули ва баргидан неча фоиз кайси мой олинади? **Гули (0,04 фоиз) ва барги (0,05 фоиз) дан эфир мойи олинади.**

2235. Билвосита пептизация деб нимага дейилади? **Қўшилаётган модда чўкма сирти билан реакцияга киришганида пептизатор хосил бўлса, жараён билвосита ёки диссолюцион пептизация дейилади.**

2236. Бевосита ишлатиладиган ўғитлар таркибида ўсимликлар озикланиши учун зарур қайси элементлар бўлади? **Азот, фосфор, калий, шунингдек, магний, бор, рух, мис, молибден, марганец, олтингурт каби элементлар бўлади. Бу гурухга киради-ган ўғитлар, асосан, бир озик элементли, масалан, азотли, фосфорли ёки калийли ва комплекс, яъни аралаш ва мураккаб ўғитлардан иборат.**

2237. Билвосита ишлатиладиган минерал ўғитлар (масалан, оҳакли ўғитлар, гипс ва бошк.), асосан, тупроқнинг кайси агрокимёвий ва физик-кимёвий хусусиятларини яхшилашда қўлланилади? **Асосан, тупроқнинг агрокимёвий ва физик-кимёвий хусусиятларини яхшилашда қўлланилади.**

2238. Биливердин — ўт пигментларидан бири

бўлиб, кандай рангли модда? **Яшил кристалл модда.**

2239. Биливердин моддаси кандай бўлади? **Умуртқали хайвонлар жигари, талоғи ва кўмигининг макрофагларида гемоглобин парчаланишидан вердоглобин хосил бўлади, бу модда парчаланганда эса глобин, темир ва биливердин ажралиб чикади.**

2240. Биливердин қайтарилганда кандай пигмент хосил бўлади? **Билирубин пигменти хосил бўлади.**

2241. Биливердин кайси хайвонларда ҳам топилган? **Умуртқасиз хайвонлар (чувалчанглар, кискичбақасимонлар, ҳашаротлар)да ҳам биливердин топилган.**

2242. Билирубин (лот. bilis - ўт (сафро) ва rubes-кизил) ўт (сафро)нинг кандай пигменти? **Кизил - сариғиш пигменти.**

2243. Билирубин пигментининг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $C_{33}H_{36}O_4N_4$.

2244. Билирубин пигменти кандай рангли модда? **Кўнгир рангли кристалл модда.**

2245. Билирубин пигменти қайси модданинг парчаланишидан вужудга келади? **Гемоглобиннинг парчаланишидан вужудга келади.**

2246. Билирубин пигменти, асосан, кайси аъзода ишланиб, ўт билан ичакка, кисман конга ўтиб туради? **Жигарда ишланиб, ўт билан ичакка, кисман конга ўтиб туради.**

2247. Билирубин қайси моддаларнинг ферментлар таъсирида нима қилиш йўли билан хосил бўлади? **Биливердиннинг кайтарилиши йўли билан хосил бўлади.**

2248. Билирубин пигменти умуртқали хайвонлар ва одамнинг нимасида озрок миқдорда бор? **Кон зардобида озрок миқдорда бор.**

2249. Билирубин пигменти каерда нима димланиб колганида ва баъзи жигар касалликларида конда

миқдори ортади (сариқлик кузатилади) ва пешобда бўлади? **Ўт йўлларида ўт димланиб колганида ва баъзи жигар касалликларида конда миқдори ортади (сариқлик кузатилади) ва пешобда бўлади.**

2250. Билирубин моддаси миқдори одам организмида качон ортади? **Ўт йўлларида ўт димланиб колганида ва баъзи жигар касалликларида конда билирубин миқлори ортади (сариқлик кузатилади) ва пешобда билирубин бўлади.**

2251. Билирубиннинг пешоб ва кондаги миқдорини аниқлаш кандай ахамиятга эга? **Касалликка ташхис қўйишда мухим ахамиятга эга.**

2252. Биллур (хрусталь) кайси модданинг алохида тури? **Шишанинг алохида тури.**

2253. Биллур таркибида кайси кимёвий элементлар оксидлари кўпрок бўлади? **Барий оксиди ва кўргошин оксиди (27 фоиз) кўпрок бўлади.**

2254. Биллур шишага караганда кайси жихатлари билан ажралиб туради? **Пишиқроклиги, қалинроклиги, ёруглик нурини яхши синдириши ва шаффофлиги билан ажралиб туради.**

2255. Биллур чертилганда кандай товуш чикаради? **Жаранглор товуш чикаради.**

2256. Биллур кандай тусларда жилваланади? **Турли-туман тусларда жилваланади.**

2257. Биллурдан кандай безак буюмлари ясалади? **Кандиллар, ликончалар, гуллонлар, кандлонлар, турли безак буюмлари ясалади.**

2258. Биллурдан каерда фойдаланилади? **Биноларни безашда фойдаланилади.**

2259 Биллурга кандай модда билан ишлов бериб, буюмларда нафис накшлар хосил килиш, кирралар чикариш мумкин? **Олмос билан ишлов бериб, буюмларда нафис накшлар хосил килиш, кирралар чикариш мумкин.**

2260. Биллур буюмларнинг кирраларига нима тушганда ранг-баранг тусда товланиб туради? **Ёруглик тушганда ранг-баранг тусда товланиб туради.**

2261. Биметаллизм – киймат ўлчови (конунлаштирилган умумий эквивалент) вазифасини нечта кайси нодир металлар бажарадиган пул тизими хамда шу икки металлдан зарб килинган тангаларнинг мамлакатда муомалада юриши? **Олтин ва кумуш.**

2262. Биметаллизм нечанчи асрларда каерда кенг таркалган эди? **XVI - XIX асрларда Ғарбий Европада кенг таркалган эди.**

2263. Биметаллизмнинг нечта шакли мавжуд бўлган? Булар кайсилар? **иккита шакли мавжуд. Булар куйидагилар: 1) олтин тангалар билан кумуш тангаларнинг бир-бирига нисбатан бозор кийматига караб стихияли равишда белгиланадиган параллел валюта тизими; 2) икки металл кийматлари ўртасидаги нисбат давлат томонидан белгиланадиган кўш валюта тизими.**

2264. Бимолекуляр реакциялар-кимёвий реакцияларнинг энг кўп учрайдиган хили бўлиб, уларнинг оддий турига нечта заррача катнашади? **Иккита заррача катнашади, масалан: $NOI + NOI \rightarrow 2NO + I_2$.**

2265. Биогеокимё кандай организмлар иштирокида Ер биосфераларида кимёвий элементларнинг айланишини ўрганадиган фан бўлиб, бу тушунчани биринчи марта фанга кайси рус олими киритган? **Тирик организмлар иштирокида Ер биосфераларида кимёвий элементларнинг айланишини ўрганадиган фан бўлиб, бу тушунчани биринчи марта фанга В. И. Вернадский киритган.**

2266. Биогеокимёвий провинциялар кандай обласглар? **Организмлар таркибидаги кимёвий элемент (бирикма)нинг миқдорига кўра, бир-биридан фарк киладиган областлар.**

2267. Биогеокимёвий провинцияларни Ўзбекистонда биринчи бўлиб кайси олим нечанчи йилда ўрганган? **М. А. Рин 1960 йилда ўрганган.**

2268. Биоген аминлар, протеиноген аминлар – организмда ҳосил бўладиган кандай бирикмалар? **Азотли органик бирикмалар.**

2269. Биоген аминларнинг аксари, яъни кайсилари биологик фаол модда бўлиб, бош мия пўстлоғида ва унинг остидаги марказларда тормозланиш ёки қўзғалиш жараёнларига таъсир этади, томирларни кенгайтириш ёки торайтириш йўли билан қон босимини ўзгартиради ва организмда бошқа ўзгаришларни келтириб чикаради? **Гистамин, серотонин, норадреналин, адреналин, тирамин ва бошқалар.**

2270. Биоген аминлар ва хайвонлар ичагида чиритувчи микроблар таъсирида ҳосил бўладиган моддалар организм учун нима? **Захарли.**

2271. Биоген элементлар – организмлар таркибида доим бўладиган ва уларнинг ҳаёт фаолиятида кандай роль ўйнайдиган кандай элементлар? **Мухим роль ўйнайдиган кимёвий элементлар.**

2272. Биоген элементларга, энг аввало, кайси кимёвий элементлар киради? **Кислород, углерод, водород, азот, фосфор, кальций, калий, магний, олтингугурт, хлор, натрий, темир киради.**

2273. Биоген элементлардан бирортаси организмда етарли миқдорда бўлмаса, нима рўй беради? **Касаллик рўй беради (биокимёвий эндемиялар),** масалан, **сувда ва овқатда йод етишмаса, одам бўкок бўлади ёки бор етишмаганда канд лавлаги корадогли бўлиб колади.**

2274. Биокимевий газлар - кандай ҳосил бўлади? **Органик моддаларнинг бактериологик парчаланиши ва баъзан минерал тузларнинг кайта тикланишидан ҳосил бўлади.**

2275. Биокимёвий газларга кайси газ ва унинг гомологлари, кайси модда ва элементлар киради? **Метан ва унинг гомологлари (этан ва бошкалар), углерод оксидлари, водород сульфиди, азот, кислород, гохо**

водород ва бошқалар киради.

2276. Биокимёвий дезаминланиш махсус кандай моддалар иштирокида боради? **Махсус ферментлар иштирокида боради.**

2277. Биокимёвий жараёнлар натижасида кислороднинг ер юзасида кайси моддага айланиши газ ҳосил бўлишининг асосий омили хисобланади? **Карбонат ангидридга айланиши газ хосил бўлишининг асосий омили хисобланади.**

2278. Биокимёвий методлар билан тупрок ва унда ўсадиган ўсимликлар хили ҳамда кимёвий таркибига асосланиб, кимёвий элементларнинг нималари тўғрисида хулоса чикариш мумкин? **Кимёвий элементларнинг миқдори ва таркалиши тўғрисида хулоса чикариш мумкин.**

2279. Биологик системаларда (ҳужайралар литохондрияларида) оденозинтрифосфат кислота (АТФ) мавжуд бўлиб, у организмга энергия захирасини бериб туради, чунки АТФ гидролизга учраганда аденозиндифосфат кислота (АДФ) ва фосфатлар ҳосил бўлиб, бу жараён кандай содир бўлади? **Бу жараён энергия ажралиб чикиши билан содир бўлади.**

2280. Биополимерлар денатурацияси кайси омиллар таъсирида вужудга келади? **Юкори харорат, огир металлар тузлари, кислоталар, ультрабинафша ва ионлаштирувчи нурлар таъсирида вужудга келади.**

2281. Биополимерлар кандай молекулали табиий бирикмалар? **Барча тирик организмларнинг ҳаёт фаолиятида мухим роль ўйнайдиган юкори молекулали табиий бирикмалар.**

2282. Биополимерлар кайси моддаларни ўз ичига олади? **Нуклеин кислоталар, оксиллар ва полисахаридларни ўз ичига олади.**

2283. Бир г ёғ оксидланганда канча ккал энергия ҳосил бўлади? **9 ккал энергия ҳосил бўлади.**

2284. Бир йилда бир асалари оиласи канча кг гулчанг истеъмол килади? **20-30 (кг) гулчанг истеъмол килади.**

2285. Бир йилда хар бир корамолдан канча $м^3$ гўнг шалтоғи йиғилади? **1,5-2,2 ($м^3$) гўнг шалтоғи йиғилади.**

2286. Бир кг гўшт – суяк унида неча озука бирлиги, канча г курук модда, канча г тозаланмаган ва канча г хазмланувчи протеин, канча г лизин ва канча г метионин ва цистин аминокислоталари бор? **1,04 озука бирлиги, 900 г курук модда, 400 г тозаланмаган ва 341 г хазмланувчи протеин, 21,7 г лизин ва 8,8 метионин ва цистин аминокислоталари бор.**

2287. Бир $м^3$ нефтда (сувли) канча г гача туз бўлади? **50 г гача туз бўлади.**

2288. Бир неча элементар толаларни бўйланмасига бириктириб хосил килинган толалар кандай толалар дейилади? **Техник толалар дейилади.**

2289. Бир нечта оддий молекулаларнинг бирикишидан хосил бўлган полимерлар нима деб аталади? **Олигомерлар деб аталади.**

2290. Бир т гўнг гектаридан канча кг кўшимча пахта хосили олиш имконини беради? **61 кг кўшимча пахта хосили олиш имконини беради.**

2291. Бир т рангли металл олиш учун канча т руда казиб олинади ва кайта ишланади? **100 т дан то 10000 лаб т рула казиб олинади ва кайта ишланади.**

2292. Бир типдаги эмульсияларнинг иккинчи типлаги эмульсияларга ўтиш ходисаси эмульсиялар фазаларининг нимаси дейилади? **Алмашинуви дейилади.**

2293. Бир гурлаги кристалл панжарага эга йирик кристалл панжара нималар деб юритилади? **Монокристаллар деб юритилади.**

2294. Бир хил тог жинслари учун асосий хисобланган минераллар бошка тог жинсларида кандай ролли ўташи мумкин? **Иккинчи даражали ролли ўташи мумкин.**

2295. Бир хил жинсли жисмлар орасидаги адгезия нима деб аталади? **Когезия деб аталади.**

2296. Бирламчи алифатик аминлар кандай моддалар таъсирида спирт ва азот газини хосил киладилар? **Нитрит кислота таъсирида спирт ва азот газини хосил киладилар.**

$$R - NH_2 + HNO_2 \rightarrow R - OH + N_2 + H_2O.$$

спирт

2297. Бирламчи кимёвий токка кимёвий реакторлар энергиясидан фойдаланиладиган нималар киради? **Гальваник элементлар ва батареялар киради.**

2298. Бирламчи бутил спирти (бутанол-1)нинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? **$CH_3CH_2CH_2 - CH_2OH$.**

2299. Биринчи гидротермал электр станцияси каерда курилган? **Абиджан якинида (Кот-д'Ивуар) да курилган.**

2300. Биринчи ер ости газ омбори нечанчи йилда кайси давлатда ишлатиб бўлинган кон ўрнида курилган? **1915 йилда Канадада ишлатиб бўлинган кон ўрнида курилган.**

2301. Биринчи кристаллик фермент (уреаза), сўнгра пепсин ва бошка бир катор протеолитик ферментларни кристалл шаклида качон Ж. Самнер ажратиб олган? **XX асрнинг 20-30 – йилларида Ж. Самнер ажратиб олган.**

2302. Биринчи марта газ кувуридан милод бошларида кайси мамлакатда фойдаланилган? Бунда табиий газ нимадан ясалган кувурларда узатилган? **Хитойда фойдаланилган. Бамбукдан ясалган кувурларда узатилган.**

2303. Биринчи навбатда, эритмаларнинг кандайлигига эътибор берилади? **Захарли ёки захарли эмаслигига эътибор берилади.**

2304. Бирунит минералининг кимёвий таркиби

қандай ифодаланади?

$8,5\ CaSiO_3\ 8,5\ CaCO_3CaSO_4 \cdot 15H_2O$.

2305. Бирунит қайси минерал сиртида юпқа (2-3 мм) қатламли оқ, толасимон кристаллар ҳолида учрайди? **Таумасит минерали сиртида юпқа (2-3 мм) қатламли оқ, толасимон кристаллар ҳолида учрайди.**

2306. Бирунитнинг каттиклиги неча? **2.**

2307. Бирунитнинг зичлиги канча г/см^3? **2,3 г/см^3.**

2308. Бирунит нечанчи йилда Ўзбекистоннинг қайси тоғларидаги конидан топилган ва қайси ўзбек олими номи билан аталган? **Қорамозор тоғларидаги Кўрғошинкон конидан топилган ва ўзбек олими Абу Райҳон Беруний номи билан аталган.**

2309. Бисквит каерда ишлатилади? **Сирланмаган чинида; хайкалтарошликда ишлатилади.**

2310. Бисмутит (висмутит) – висмут оксикарбонати гуруҳига оид минерал бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **$Bi_2[CO_3]O_2$.**

2311. Бисмутит қандай системада кристалланади? **Тетрагонал системада кристалланади.**

2312. Бисмутитнинг ранги қандай? **Кул ранги-мон оқимроқ, яшил-сариқдан кўнгир ва кул ранггача.**

2313. Бисмутитнинг каттиклиги неча? **3-3,7.**

2314. Бисмутитнинг зичлиги канча г/см^3? **7,4-8,3 (г/см^3).**

2315. Бисмутит минерали қандай эрийди? **Осон эрийди.**

2316. Бисмугит қайси минераллар билан бирга учрайди? **Кварц, топаз, арсенопирит ва бошқа минераллар билан бирга учрайди.**

2317. Бисмутит Ўзбекистоннинг каерларида учрайди? **Чаткол, Нурота тоғларида ва Қизилқумда учрайди.**

2318. Бисмутит жаҳоннинг қайси мамлакатларида

учрайди? **Қозоғистон, РФ (Забайкалье), Чехия ва Словакияда, Германия, Мексика, АҚШ ва бошқа мамлакатларда учрайди.**

2319. Бисмутит қайси кимёвий элемент олинадиган муҳим хом ашё? **Висмут элементи олинадиган муҳим хом ашё.**

2320. Битум локлар қандай эритувчилардаги эритмалари? **Табиий ёки синтетик битум (смола)ларнинг органик эритувчилардаги эритмалари.**

2321. Битум пардаси қуриганда кимёвий жиҳатдан қандай бўлади? **Мустаҳкам ва электр ўтказмайдиган бўлади.**

2322. Битум нима сифатида ишлатилади? **Электр ҳимоя қопламлар сифатида ишлатилади.**

2323. Битумлар (лот. bitumen – тоғ смоласи, қатрон) қандай аралашмалар? **Углеводородлар ва уларнинг азотли, кислородли, олтингугуртли ҳамда таркибида металл тутган ҳосилаларининг каттиқ ёки смоласимон аралашмалари.**

2324. Битумлар сувда нима қилмайди? **Эримайди.**

2325. Битумлар қайси моддаларда қисман ва тўлик эрийди? **Бензол, дихлорэтан ва бошқа органик эритувчиларда қисман ва тўлик эрийди.**

2326. Битумларнинг зичлиги канча г/см^3? **0,95-1,5 (г/см^3).**

2327. Бифункционал бирикмаларнинг поликонденсатланиши натижасида факат қандай полимерлар ҳосил бўлади? **Чизиқсимон поликонденсатлар ҳосил бўлади. Бундай жараён чизиқсимон поликонденсатланиш дейилади.**

2328. Бишофит (немис олими Г. Бишоф фамилиясидан) – галогенидлар синфига мансуб қандай модда? **Минерал.**

2329. Бишофитнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **$MgCl_2 \cdot 6H_2O$. Қўшимчалари Br (1 фо-**

изгача).

2330. Бишофит кандай сингонияли? **Моноклиник сингонияли.**

2331. Бишофит кандай агрегатлар? **Ок донадор ёки толасимон агрегатлар.**

2332. Бишофит кандай модда? **Гигроскопик модда.**

2333. Бишофитнинг таъми кандай? **Ўткир – аччик.**

2334. Бишофит кайси кимёвий элемент ва унинг бирикмалари олинадиган хом ашё? **Магний ва унинг бирикмалари олинадиган хом ашё.**

2335. Бишофит каерда кўлланилади? **Тиббиётда кўлланилади.**

2336. Бод ва радикулитни лаволашда таркибида асалари захари бўлган вирапин (1 г виранинда 0,15 мг асалари захари бўлади) кандай холда кўлланилади? **Суртма холида кўлланилади.**

2337. Бодом кислота, оксифенилсирка кислота, фенилгликол кислотанинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $C_6H_5CH(OH)COOH$.

2338. Бодом кислотанинг нечта оптик изомери бор? **2 та оптик изомери бор.**

2339. Бодом кислотанинг 2 та оптик изомери бўлиб, улар кайсилар? **Кутбланган нур текислигини чапга берувчи L ва ўнгга берувчи Д кислота.**

2340. Бодом кислотанинг суюкланш харорати канча °С? **120,5°С.**

2341. Бодом кислота кандай хоссаларга эга бўлганлиги сабабли тиббиётда ишлатилади? **Антисептик хоссаларга эга бўлганлиги сабабли тиббиётда ишлатилади.**

2342. Бодом магзи таркибида неча фоиз кайси моддалар бор? **35-67 (фоиз) ёг, 30 фоизгача оксил моддалар, шунингдек, канд, ошловчи моддалар (аччик бодом таркибида 2,5 фоизгача олигдалин)**

бор.

2343. Бокситлар кайси элемент рудалари? **Бокситлар (франц. bauxite, Жанубий Францияда дастлаб бокситлар катламлари топилган Ле – Бо жой номидан) – алюминий рудалари.**

2344. Бокситлар, асосан, кайси моддалар аралашмасидан иборат? **Алюминий гидроксиди [(28-30 (фоиз)], темир оксиди ва бошк компонентлар аралашмасидан иборат.**

2345. Бокситларнинг асосий кимёвий компоненти кайси моддалар? **Гликозём (Al_2O_3), доимий таркибий кисми темир оксиди (Fe_2O_3).**

2346. Бокситларнинг ранги кандай? **Тўк кизил, жигарранг, кулранг.**

2347. Бокситларнинг зичлиги канча г/см³? **1,8 – 3,1 (г/см³).**

2348. Бокситларнинг катгиклиги таркибидаги темир оксидига караб неча? **3 – 6.**

2349. Бокситларнинг тузилишига кўра, кандай бўлади? **Каттик, жипслашган ва баъзан уваланувчан бўлади.**

2350. Бокситларнинг минералогик таркибига караб неча турга бўлинади? Улар кайси турлар? **2 га бўлинади. Улар куйидаги турлар: 1) диаспорбёмитли бокситлар; 2) гидраргиллитли (гиббситли) бокситлар.**

2351. Бокситлар конлари каерларда бор? **Украина (Кривой Рог)да, РФ (Урал, Сибирь), Козогистонда бор.**

2352. Бокситлар ва унинг ўзгариши натижасида пайдо бўлган корунд катламлари Ўзбекистоннинг кайси тоғларида топилган? **Шимолий Фарғона, Чатқол-Курама ва Нурота тоғларида, Кизилкумдаги Томди тоғида топилган.**

2353. Бокситлар хорижда, асосан, кайси мамлакатларда кўплаб казиб чикарилади? **Австралия, Ямайка, Суринам, Гайана мамлакатларида кўплаб**

қазиб чиқарилади.

2354. Бокситлар қайси элемент олинадиган хом ашё? **Алюминий олинадиган хом ашё.**

2355. Бокситлардан қандай материаллар олинади? **Бўёқ, абразив ва ўтга чидамли материаллар олинади.**

2356. Болгар қалампири таркибида неча фоиз қайси моддалар, витамин бор? **10-11 (фоиз) қурук модда, 2-6 (фоиз) канд, крахмал, 1,5 фоиз оксил. ёг, клетчатка, С витамини (100 г да 800 мг), оз миқдорда B_1 ва B_2 витаминлари, каротин бор.**

2357. Болталанувчан чўянда графит қандай шаклда бўлади? **Бодроксимон (паға-пага) шаклда бўлади.**

2358. Бор оксиди, B_2O_3 табиатда иссиқ сувлар таркибида қандай ҳолда учрайди? **Эриган ҳолда учрайди.**

2359. Бор карбидлари қандай бирикмалар? **Бориниг углерод билан ҳосил қилган бирикмалари.**

2360. Бор карбидларидан қайсиларининг таркиблари аниқланган? **B_4C (ёки $B_{12}C_3$) ва $B_{13}C_{12}$ ларининг таркиблари аниқланган.**

2361. Бор карбидларидан B_4C қандай рангли модда? **Қора ялтироқ кристалл модда.**

2362. Бор карбидларининг зичлиги қанча г/см³? **2,52 г/см³.**

2363. Бор карбидларининг парчаланиш харорати қанча °С дан юқори? **2450°С дан юқори.**

2364. Бор карбидларининг микрокаттиқлиги қанча ГПа? **49,1 ГПа.**

2365. Бор карбидлари қандай олинади? **Бор ёки борат ангидрид, B_2O_3 га 2000° С дан юқори ҳароратда кўмир таъсир эттириб олинади.**

2366. Бор карбидлари қаерда 600°С гача ҳароратга чидамли? **Ҳавода 600° С гача ҳароратга чидамли.**

2367. Бор карбидлари қандай модлалар ва уларнинг аралашмаларида эримайди? **Сувда, минерал кислоталар ва уларнинг аралашмаларида эримайди.**

2368. Бор карбидлари қайноқ ишқорлар эритмалари таъсирида нима бўлади? **Парчаланади.**

2369. Бор карбидлари корунд, Al_2O_3 билан карборунд, SiC дан қандай фарқланади? **Қаттиқлиги билан фарқланади.**

2370. Бор карбидлари қайси моддалардан юмшоқроқ? **Олмос билан бронзадан юмшоқроқ.**

2371. Бор карбидлари қандай материал сифатида ишлатилади? **Абразив ва силлиқловчи материал, ярим ўтказгич сифатида, шунингдек, ядро техникасида нейтронларни ютувчи материал сифатида ишлатилади.**

2372. Бор нитрид, BN қандай олинади? **B_2O_3 ниг қайтарувчилар (кўмир, магний) билан аралашмасини аммиак атмосферасида қиздириб ёки 2000° С дан юқори ҳароратда элементлардан олинади.**

2373. Бор нитрид оддий шароитда α-BN – кубик, графитсимон оқ қандай ҳолида бўлади? **Порошок ҳолида бўлади.**

2374. Бор нитрид қандай ҳосил бўлади? **1350° С дан юқори ҳарорат ва 5 ГПа босимда катализаторлар иштирокида BN ниг графитсимон α – шаклидан олмоссимон β-шакли (боразон) ҳосил бўлади.**

2375. Бор нитриддан қандай материаллар тайёрланади? **Ўтга чидамли материаллар тайёрланади.**

2376. Бор нитрид қандай модда? **Диэлектрик модда.**

2377. Бор нитриддан қандай материаллар тайёрланади? **Нейтронларни ютувчи материаллар тайёрланади.**

2378. Бор нитрид α-BN подшипникларда қандай модда сифатида хизмат қилади? **Қурук мой сифатида хизмат қилади.**

2379. Борли суперфосфат таркибида неча фоиз

бор бўлади? **0,1-0,3 (фоиз) бор бўлади.**

2380. Борли ўғитлар қандай кимёвий бирикмалар? **Таркибида ўсимликлар ўзлаштира оладиган холатда бор бўлган кимёвий бирикмалар.**

2381. Борли ўғитлар қайси ўғитларнинг бир тури? **Микроўғитларнинг бир тури.**

2382. Борли ўғитлар сифатида қайси кислота, ўғитлар, моддалар қўлланилади? **Борат кислота, бор-латолитли ўғитлар, борманийли ўғитлар, борли суперфосфат, бура (танакор) ва бошқалар қўлланилади.**

2383. Борли ўғитлар қачон қандай ўғитлар билан биргаликда ишлатилади? **Экиш пайтида бошқа минерал ўғитлар билан биргаликда тупроққа каторлаб солишда, озиклантиришда ва уруғларни кимёвий дорилар билан бирга қўшиб чанглантиришда [(1,1-1,7 (кг/га) хисобида)] ишлатилади.**

2384. Боразолнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $B_3N_3H_6$.

2385. Боразол, боразин қандай рангли суюклик? **Рангсиз суюклик.**

2386. Боразол тузилиши, физик ва кимёвий хоссалари жиҳатидан қайси моддага ўхшайди? **Бензолга ўхшайди.**

2387. Боразолнинг зичлиги канча г/см³? **0,81 г/см³.**

2388. Боразолнинг суюкланиш ҳарорати минус канча °С? **Минус 57° С.**

2389. Боразолнинг қайнаш ҳарорати канча °С? **55° С.**

2390. Боразол гоҳо қандай бензол деб аталади? **Анорганик бензол деб аталади.**

2391. Боразол қандай модда олишда ишлатилади? **Бор нитрид олишда ишлатилади.**

2392. Боразолнинг хосилалари қандай модда олишда ишлатилади? **Иссиққа чидамли полимерлар олишда ишлатилади.**

2393. Боразолнинг алкил ёки арид хосилалари асосидаги полимерлар қанча °С ҳароратга бардошли? **400° С – 600° С ҳароратга бардошли.**

2394. Боразон қандай модда? **Сунъий олмос.**

2395. Боразон қайси модданинг олмоссимон модификацияси? **Бор нитриднинг олмоссимон модификацияси.**

2396. Боразон қандай олинади? **Юқори ҳарорат (1350°С дан юқори) ва босим (3200 МН/м² дан юқори)да борни азот билан бириктириб олинади.**

2397. Боразоннинг каттиклиги қайси модданикига якин? **Олмосникига якин.**

2398. Боразоннинг каттиклиги олмосникига нисбатан қандай жиҳатлари билан устунрок? **Юкори хароратларга олмосга нисбатан чидамлирок, кимёвий барқарорлиги олмосникидан устунрок.**

2399. Боразондан қандай материаллар тайёрланади? **Ўтга чидамли материаллар, ярим ўтказгичлар, диэлектриклар, нейтронларни ютгичлар тайёрланади.**

2400. Боразондан қандай материаллар ишлаб чикаришда фойдаланилади? **Ўта қаттик абразив материаллар ишлаб чикаришда фойдаланилади.**

2401. Боразон юкори ҳароратга чидамли кимёвий қандай бирикмалар? **Бекарор бирикмалар.**

2402. Борат кислота, ортоборат кислота қандай кислота? **Кучсиз анорганик кислота.**

2403. Борат кислота рангсиз япрокчалар шаклида ок қандай модда? **Кристалл модда.**

2404. Борат кислотанинг зичлиги қанча г/см³? **1,460 г/см³.**

2405. Борат кислота сувда қандай ҳароратда кам эрийди? **Оддий ҳароратда кам эрийди.**

2406. Борат кислота қиздирилганда қандай эрийди? **Яхширок эрийди.**

2407. Борат кислота спиртда ва бошқа органик

моддаларда ҳам эрийдими? **Ҳа, эрийди.**

2408. Борат кислота 107,5° С хароратда қиздириб сувсизлантирилганида қандай кислота ҳосил бўлади? **Метаборат кислота – HBO_2 ҳосил бўлади.**

2409. Борат кислотадан 160° С хароратда қандай модда ҳосил бўлади? **Бороксид – B_2O_3 ҳосил бўлади.**

2410. Борат кислота нималар тайёрлашда ишлатилади? **Буфер системалар тайёрлашда ишлатилади.**

2411. Борат кислота қаерларда қўлланилади? **Шиша саноатида, эмаллар тайёрлашда ва тиббиётда қўлланилади.**

2412. Боратлар борат кислотанинг қандай моддалари? **Тузлари ва эфирлари.**

2413. Боратлар тузилиши, таркиби ва табиатда учрашига кўра, қандай турларга бўлинади? **Анорганик, органик ва табиий боратларга бўлинади.**

2414. Боратлар молекуласидаги бор атомларининг сонига қараб қандай боратларга бўлинади? **Моно-, ди-, тетра-, гексаборатлар ва бошқаларга бўлинади.**

2415. Боратларда бор атомининг координацион сони нечага тенг? **3 ёки 4 га тенг бўлиб, молекуладаги бор атомлари кислород атоми орқали кўприкли боғланиш ҳосил қилади.**

2416. Боратларнинг сувсизлари қандай олинади? **Бор оксидига металл оксидлари ёки карбонатларини қўшиб суюқлантириш ёхуд қиздириш усули билан олинади.**

2417. Боратларнинг қандайлари мавжуд? **Сувли ва сувсиз боратлар мавжуд.**

2418. Борацит қандай модда? **Минерал модда.**

2419. Борацит қайси синфга мансуб модда? **Боратлар синфига мансуб модда.**

2420. Борацитнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $Mg_3[B_7O_{12}]OCl$.

2421. Борацитнинг қаттиқлиги неча? **7-7,5.**

2422. Борацитнинг зичлиги канча г/см³ га яқин?

3 г/см³ га яқин.

2423. Борацит қандай конларда учрайди? **Гипс, ангидрит ва туз конларида учрайди.**

2424. Борацитдан саноатда қайси кимёвий элемент олинади? **Бор элементи олинади.**

2425. Борводородлар, боргидридлари, боранлар қандай бирикмалар? **Борнинг водород билан ҳосил қилган бирикмалари.**

2426. Борводородлар қандай моддалар? **Рангсиз, қўланса ҳидли ва жуда заҳарли моддалар.**

2427. Борводородларнинг энг оддийси қандай ҳолда мавжуд эмас? **BH_3 эркин ҳолда мавжуд эмас.**

2428. Борводородлар қандай бирикмалар? **Электрон – танқис бирикмалар.**

2429. Борводородлар канча ° С дан юқори хароратда бор билан водородга ажралади? **700° С дан юқори хароратда бор билан водородга ажралади.**

2430. Борводородлар ёнганда бошқа бирикмаларга нисбатан кўпроқ нима беради? **Иссиқлик беради, шунинг учун истиқболли ракета ёқилғиси сифатида диққатга сазовор**

2431 Борводороднинг металли ҳосилалари қандай моддалар деб аталади? **Боргидридлар деб аталади.**

2432. Боргидридлар, боранатлар гидрадоборатлар бронат қандай бирикмаларидан бири? **Комплекс бирикмаларидан бири.**

2433. Боргидридларнинг умумий формуласи қандай ифодаланади? **$Me(BH_4)n$, бу ерда: Me – металл.**

2434. Боргидридлар ишқорий металларнинг бора атлари етарлича қандай кристалл моддалар? **Баркарор кристалл моддалар.**

2435. Боргидридлар қандай қайтарувчилар? **Кучли қайтарувчилар.**

2436. Боргидридлар қандай моддалар олишда ишлатилади? **Органик кимёда дорилар, витамин-**

лар, стероид препаратлар, юкори дисперс катализаторлар, металл ва сопол юзаси учун металл копламалар тайёрлашда, ярим ўтказгичларда ишлаб чикаришда кўлланиладиган германий, калай, маргимуш, сурма гидридлари олишда ишлатилади.

2437. Боридлар кандай бирикма? **Борнинг металлар билан бирикмаси.**

2438. Боридлар металл харорати кўтарилиши билан электр каршилиги ортиши, кайси хоссаларини яхшилиги билан металлга ўхшаш ялтираши ва металлмас (ярим ўтказгичлик хоссаси) моддаларга хос физик хоссалари билан бошка бирикмалардан фарк килади? **Электр ва иссикликни яхшилаш билан бошка бирикмалардан фарк килади.**

2439. Боридларнинг узайишга мустахкамлиги канча МН/м²? **380 МН/м².**

2440. Боридларнинг оловбардошлиги кандай? **Юкори.**

2441. Боридлар каерларда ишлатилади? **Радиоэлектроника, ядро техникаси, металлургия, машинасозлик ва асбобсозликда ишлатилади.**

2442. Боридлардан кандай деталлар, парраклар ясалади? **Реактив двигатель деталлари, газ трубина парраклари ясалади.**

2443. Боридлар ўта каттик, яъни унинг микрокаттиклиги канча ГН/м²? **20-30 (ГН/м²).**

2444. Борнеол, борнил спирт-бициклик терпен-лар гурухига мансуб нечаламчи спирт? **Иккиламчи спирт.**

2445. Борнеолнинг зичлиги канча г/см³? **1,02 г/см³.**

2446. Борнеолнинг суюкланиш харорати канча °С? **208,5° С.**

2447. Борнеолнинг кайнаш харорати канча °С? **212° С.**

2448. Борнеол каерларда бўлади? **Борнео ва Суматра оролларидаги Dryoba lanops camphora дарахтида, шунингдек, баъзи мойлар таркибида бўлади.**

2449. Борнеол кайси суюкликларда эрийди? **Спирт, эфир, бензол ва лигроинда эрийди.**

2450. Борнеол сувда кандай (кўпрокми ёки камрокми) эрийди? **Камрок эрийди.**

2451. Борнеолдан кандай моддалар олинади? **Турли реакциялар ёрдамида камфора, камфон ва уларнинг турли хосилалари олинади.**

2452. Борнеолнинг нечта изомери маълум? **Иккита изомери маълум.**

2453. Борнеол ва унинг эфирлари кандай модда ишлаб чикаришда, кайси саноатда нималар тайёрлашда ишлатилади? **Камфора ишлаб чикаришда, атир-упа саноатида ва озик-овкат эссенцияси тайёрлашда ишлатилади.**

2454. Борнит (немис минералоги И. Борн номи билан аталган) минерал бўлиб, унинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? Cu_5FeS_4.

2455. Борнитнинг кандай харорати хили бор? **Юкори ва паст хароратли хили бор.**

2456. Борнит качон хаворанг, кўк рангга ўтади? **Оксидланганда хаворанг, кўк рангга ўтади.**

2457. Борнит таркибида неча фоиз кайси кимёвий элементлар бўлади? **52-65 (фоиз) мис, 8-12 (фоиз) темир бўлади.**

2458. Борнитнинг каттиклиги неча? **3.**

2459. Борнитнинг зичлиги канча г/см³? **4,9-5,1 (г/см³).**

2460. Борнит электр токини кандай ўтказади? **Яхши ўтказади.**

2461. Борнит каерларда, кандай моддалар билан бирга учрайди? **Гидротермал ертомирларида, галенит, сфалерит, халькозин пиритлар билан бирга**

учрайди.

2462. Борнитдан оксидланиш натижасида қандай минераллар хосил бўлади? **Малахит, азурит, куприт ва бошқа минераллар хосил бўлади.**

2463. Борнит қаерлардаги қайси конларда топилган? **Урал, Жанубий Кавказ, Қозоғистон, Ўзбекистонда Қурума (Қалмоқлар), Хисор тоғларидаги мис конларида, чет элда Германия (Мансфельд), АҚШ (Бьюти) ва Жануби-Ғарбий Африкада топилган.**

2464. Босволди ўртапишар ковуш таркибида неча фоиз қайси моддалар бор? **7-8,6 (фоиз) қанд, 3,5-4,5 (фоиз) сахароза, 8,5-10 (фоиз) курук модда бор.**

2465. Бошқа силикатларга қандай моддалар ҳам таъсир этмайди? **Сув ҳам, суюлтирилган кислоталар ҳам таъсир этмайди.**

2466. Бошқа металларнинг нитритлари қандай йўл билан олинади? $NaNO_2$ **га металларнинг тузларини таъсир эттириб алмашиниш реакцияси ёрдамида ёки шу металлар нитратларини қайтариш йўли билан олинади.**

2467. Бошқариладиган термоядро реакцияларини амалга ошириш учун бирор ҳажмда канча К тартибли ҳарорат ҳосил қилиш ва уни шу даражада сақлаб туриш зарур? 10^8 **К тартибли ҳарорат хосил қилиш ва уни шу даражада сақлаб туриш зарур.**

2468. Бошқариладиган термоядро синтезини амалга ошириш инсониятга нимани берган бўлур эди? **Битмас-туганмас энергия манбаини берган бўлур эди.**

2469. Бриллиант (франц. brillant – ялтироқ сўзидан) – қандай ишлов бериб сайқалланган (қирраланган) модда? **Сунъий ишлов бериб сайқалланган олмос.**

2470. Бриллиант томонлари нечтагача қирраларга эга бўлади? **Томонлари, 6,8, 12,...56 тагача қирраларга эга бўлади.**

2471. Бриллиантга тушган нима туфайли камалакдай товланади? **Нур юкори дисперсия (нурнинг бўлиниши) туфайли камалакдай товланади.**

2472. Бриллиант қайси санъатда кенг ишлатилади? **Заргарлик санъатида кенг ишлатилади: қимматбахо металл гардишга алохида (узук, исирга, илма тугма), буюм безаги мужассамоти асоси ёки кисмларини хосил қилувчи "кўз"лар холида ўрнатилади**

2473. Бриллиант яшили, асосан, қандай модда бўёк? **Трифенилметан бўёк моддаси.**

2474. Бриллиант яшили тиббиёт амалиётида неча фоизли спиртдаги ёки сувдаги эритмаси ишлатилади? **0,1-2 (фоиз)ли спиртдаги ёки сувдаги эритмаси ишлатилади.**

2475. Бриллиант яшили терини куйдирмаганлиги учун нима қилинади? **Мурғак болалар териси, пиллик қаватлари касалланганда, йирингли жараёнларда, куйганда, шунингдек, жарроҳлик операциясидан олдин суртилади.**

2476. Бромаргирит-минерал, бромидлар гурухига мансуб бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **AgBr.**

2477. Бромаргирит қандай сингонияли? **Кубик сингонияли.**

2478. Бромаргиритнинг зичлиги канча (г/см³)? **6,5 г/см³.**

2479. Бромаргиритнинг каттиклиги нечa? **2,5.**

2480. Бромаргирит Нурота тоғларидаги олтин конлари қандай зонасида аниқланган? **Оксидланиш зонасида аниқланган.**

2481. Бромаргирит қаерларда бор? **Ўзбекистон (Нурота тоғлари), Мексика (Сан - Онофре) ва Чили (Чаньаркильо)да бор.**

2482. Бромаргирит қандай кимёвий элемент олинадиган руда? **Кумуш элементи олинадиган руда.**

2483. Бромаргиритнинг синоними қайси модда-

лар? **Бромирит, бромли кумуш.**

2484. Броматлар кайси кислота тузлари? **Бромат кислота, $HBrO_3$ нинг тузлари.**

2485. Броматлар қандай шароитда баркарор каттиқ моддалар? **Одатдаги шароитда баркарор каттиқ моддалар.**

2486. Броматлар қачон кислород ажратиб парчаланади? **Қиздирилганда: $2KBrO_3 = 2KBr + 3O_2$ га парчаланади.**

2487. Броматлардан кайси бирларининг ахамияти катта? **Калий ва натрий броматлар ($KBrO_3$ ва $NaBrO_3$)нинг ахамияти катта.**

2488. Броматлар (натрий)нинг зичлиги канча г/см³? **3,34 г/см³.**

2489. Броматлар (натрий)нинг суюкланиш харорати канча°С? **380°С.**

2490. Броматлар (калий)нинг зичлиги канча г/см³? **3,25 г/см³.**

2491. Броматлар (калий) канча °С хароратда парчаланади? **400°С хароратда парчаланади.**

2492. Броматлар (калий ва натрий) қайси усул билан олинади? **Электрокимёвий ёхуд хлор таъсирида оксидлаш усули билан олинади.**

2493. Бромидлар-металлар ва металлмасларнинг кайси кимёвий элемент билан хосил қилган бирикмалари? **Бром билан хосил қилган бирикмалари.**

2494. Бромидлар олиш учун ва баъзи қандай реакцияларда нима сифатида ишлатилади? **Органик реакцияларда катализатор сифатида ишлатилади.**

2495. Бромидлар қандай бирикмалар, тузлар? **Металлар ва металлмасларнинг бром билан хосил қилган бирикмалари, бромид кислота (HBr) тузлари.**

2496. Броминдиго, бромнил қандай махсулот? **Индиго молекуласидаги водород атомлари ўрнига бром атомлари киритиб олинган махсулот.**

2497. Броминдиго қандай рангга эга бўлган ёркин бўёклар? **Қизил-бинафша рангдан оч яшил-кўк рангача бўлган ёркин бўёклар.**

2498. Броминдиго қаерда кенг қўлланилади? **Газламаларни бўяшда кенг қўлланилади.**

2499. Бронза, биринж қайси элементларнинг котишмаси? **Миснинг қалай, алюминий, кремний, берилий, қўрғошин ва бошка элементлар билан котишмаси.**

2500. Бронзанинг мис билан калай котишмаси қандай бронза деб аталади? **Қалайли бронза деб аталади.**

2501. Бронзалаш қандай қатлам хосил қилиш ва бронза туси бериш учун металл буюмлар сиртига бронза қоплаш? **Химоя қатлами хосил қилиш ва бронза туси бериш учун металл буюмлар сиртига бронза қоплаш.**

2502. Бронзографит қандай моддалардан ташкил топган ғовак материал? **Бронза ва графитдан ташкил топган говак материал.**

2503. Брошантит (француз минералоги А. Брошан де Вилье номидан) – минералнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $Cu_4[(OH_6)SO_4]$.

2504. Брошантит қандай сингонияли? **Моноклиник сингонияли.**

2505. Брошантит қандай холда? **Призма, игнасимон кристаллар, доначалар ва юпка парча холида.**

2506. Брошантитнинг ранги қандай? **Яшил, тўк яшил.**

2507. Брошантитнинг зичлиги канча г/см³? **3,84-4 (г/см³).**

2508. Брошантитнинг каттиклиги неча? **3,5-4.**

2509. Брошантит қандай моддасимон ялтирайди? **Шишасимон ялтирайди.**

2510. Брошантит қайси конларнинг нураш зонасида қандай минераллар билан бирга учрайди? **Лимонит, церусит, малахит ва бошка минераллар би-**

лан бирга учрайди.

2511. Брошантит Ўзбекистонлаги кайси полиметалл конларда учрайди? **Қалмоккир, Саричўкки, Кўргошинкон, Лашкарак, Лочинхона полиметалл конларида учрайди.**

2512. Брошантит конлари каерларда топилган? **РФ (Урал тоғлари)да, Испания (Рио-Тинта), Италия (Ла-Дучесса), АҚШ (Биоби)да топилган.**

2513. Брошантитдан кайси кимёвий элемент олинадиган руда? **Мис элементи олинадиган руда.**

2514. Брукит [англия минералоги Г. Ж. Брук (1771-1857) номидан] содда, оксидлар кенжа синфига мансуб минерал бўлиб, унинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? TiO_2.

2515. Брукитнинг нечта табиий полиморф модификацияси бор? **3 та табиий полиморф модификацияси бор.**

2516. Брукит кандай системада кристалланади? **Ромбик системада кристалланади.**

2517. Брукит кандай модда каби ялтирок? **Олмос каби ёки металлсимон ялтирок.**

2518. Брукит конлари каерларда бор? **РФ (Урал), Швейцария, Франция, Австрия, АҚШ ва бошка жойларда бор.**

2519. Брукит Ўзбекистоннинг кайси тоғларидаги ўзгарган гранитомидларда топилган? **Чаткол-Курама тоғларидаги ўзгарган гранитомидларда топилган.**

2520. Брюква ўсимлигининг илдизмеваси таркибида неча фоиз кайси модда, клетчатка бор? **5-10 (фоиз) канд, 0,6-2 (фоиз) оксил, каротин, минерал моддалар, горчица (хантал) мойи, аскорбин кислота бор.**

2521. Бузноч, ўлмас ўт гулларида кайси моддалар бор? **Флавоноидлар, кумаринлар, стеаринлар, эфир мойи, смолалар, ошловчи моддалар витаминлар бор.**

2522. Бузоклар 2-3 кунлигидан ялаб туриши учун улар сакланадиган жойдаги охурга кандай моддалар

солиб қўйилади? **Ош тузи, бўр солиб қўйилади.**

2523. Бундан ташкари, кандай каталитик жараёнлар ҳам мавжуд? **Микрогетероген, ферментатив каталитик жараёнлар ҳам мавжуд.**

2524. Бурнонит (француз минералоги Ж. Л. Бурнон номидан) кайси синфга мансуб минерал? **Мураккаб сульфидлар кенжа синфига мансуб минерал.**

2525. Бурнонитнинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $CuPbSbS_3$. **Баъзан темир (5 фоизгача) ва кумуш (3 фоизгача) кўшимчалари бўлади.**

2526. Бурнонит кандай сингонияда кристалланади? **Ромбик сингонияда кристалланади.**

2527. Бурнонитнинг ранги кандай? **Пўлатсимон кулрангдан корагача.**

2528. Бурнонит кандай минерал? **Мўрт минерал.**

2529. Бурнонитнинг каттиклиги неча? **3-3,5.**

2530. Бурнонитнинг зичлиги канча г/см^3? **5,7-5,9 (г/см^3).**

2531. Бурнонит нурашга учраганда кандай конлар хосил килади? **Церуссит, малахит ва сурма охралари хосил килади.**

2532. Бурнонит конлари кайси мамлакатларда бор? **Ўрта Осиё, РФ (Забайкалье ва бошкалар), Австралия, Жанубий Америка мамлакатларида бор.**

2533. Бурнонит конлари Ўзбекистоннинг кайси тоғларида учрайди? **Курама (Кўшбулок олтин кони), Чаткол тоғларида (Устарасой висмут кони) ва Жанубда (Хондиза полиметалл кони)да учрайди.**

2534. Бурнонитдан кайси металлар олинади? **Кўргошин ва мис олинади.**

2535. Буров суюклиги кайси модданинг 8 фоизли эритмаси? **Сирка алюминатнинг 8 фоизли эритмаси.**

2536. Буров суюклиги кандай суюклик? **Рангсиз, тиник, чучмал суюклик.**

2537. Буров суюклигидан кандай хид келади?

Сирка хиди келади.

2538. Буров суюклиги таркибида қайси модда неча фоиз бор? **Аччик тош, 46,5 фоиз; кальций карбонат, 14,5 фоиз; суюлтирилган сирка кислота, 39 фоиз бор.**

2539. Буров суюклиги нима қилади ва нимага қарши таъсир кўрсатади? **Буришtиради ва яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади.**

2540. Буров суюклиги нима учун ишлатилади? **Огизни чайиш учун ишлатилади, докага шимдирилиб, лат еган жойга кўйилади.**

2541. Бутадиен, дивинил қандай бирикма? **Органик бирикма.**

2542. Бутадиеннинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $CH_2 = CH - CH = CH_2$.

2543. Бутадиен қандай газ? **Қўланса хидли, рангсиз газ.**

2544. Бутадиеннинг суюкланиш харорати минус канча °С? **Минус 108,9° С.**

2545. Бутадиеннинг қайнаш харорати минус канча °С? **Минус 4,5° С.**

2546. Бутадиеннинг зичлиги 20° С хароратда канча г/см³? **0,621 г/см³.**

2547. Бутадиен қайси модаларда ёмон эрийди? **Сув ва спиртда ёмон эрийди.**

2548. Бутадиен қандай модда ва эритувчиларда яхши эрийди? **Керосин ва органик эритувчиларда яхши эрийди.**

2549. Бутадиен олиш саноатда қандай усул? **Энг самарали усул.**

2550. Бутадиен қандай олинади? **Этил спирти бугини дегидратловчи – дегидрогенловчи катализатор юзасидан ўтказиш йўли билан ҳам олинади.**

2551. Бутадиен қандай ҳосил бўлади? **Нефть махсулотларини пиролиз килиш газларидан этилен ва бошка олефинлар ишлаб чикаришда ҳам**

ҳосил бўлади.

2552. Бутадиен каерда ишлатилади? **Синтетик каучуклар олишда асосий мономерлардан бири сифатида ишлатилади.**

3243. Газ таҳлилида газлар миқдорини аниқлаш учун қандай моддалар солинган махсус идишлардан ўтказилади? **Аралашма ютувчи моддалар солинган махсус идишлардан ўтказилади.**

3244. Газ таҳлилида эритма солинган идишнинг тажрибадан аввалги ва кейинги оғирлиги солиштириб, нима аниқланади? **Ютувчи моддага канча газ ютилганлиги аниқланади.**

3245. Газ таҳлилида қаерларда қандай қурилмалардан фойдаланилади? **Металлургия, кимё саноати ва нефтни қайта ишлаш саноатида ёнғин жараёнларини назорат қилишда махсус адсорбцион ёки абсорбцион хроматограф қурилмаларидан фойдаланилади.**

3246. Газ таҳлилида таркиби номаълум газ аралашмаси таҳлил қилиниши учун маълум хажмли махсус идишлардан автоматик газ таҳлили юритувчи бирон бир соф қандай газда суюлтирилиб таркиб ва кўрсаткичлари олдиндан маълум бўлган сорбентлардан ўтказилади? **Соф инерт газ, масалан H_2, He, Ar да суюлтирилиб, таркиб ва кўрсаткичлари олиндан маълум бўлган сорбентлардан ўтказилади.**

3247. Газ таҳлили замонавий хроматографлар ЭҲМ ёрдамида мукаммаллашган бўлиб, улар газлар ёрдамида газ ва углеводородлар аралашмаларини неча

фоизгача аниқлик билан таҳлил қилиш имкониятини беради? **0,1-1 (фоиз)гача аниқлик билан таҳлил қилиш имкониятини беради.**

3248. Газ таҳлили усулининг қайси кўрсаткичлари фан ва техникада муҳим аҳамиятга эга? **Аниқлик, сезгирлик даражаси ва аниқланиш тезлиги муҳим аҳамиятга эга.**

3249. Газ ҳосил бўлиши жараёнларининг моҳиятига кўра ер пўсти газларининг нечтага яқин генетик тури фарқ қилинади? **9 тага яқин генетик тури фарқ қилади. Булардан энг муҳимлари катагенетик, метаморфик, вулконик, биокимёвий, радиоактив ва ҳавода ҳосил бўлган газлар. Қолган гуруҳлари (ядро реакцияси газлари, радиокимёвий ва Ер пўсти остидаги газлар) иккинчи даражали газлар.**

3250. Газ-термик усулда қандай металл газ оқимида металланадиган сиртга пуркалади? **Суюқ металл газ оқимида металланадиган сиртга пуркалади.**

3251. Газ-фазовий (кимёвий-термик) усулда буюмнинг қиздирилган сиртига нима ўтказилади? **Металл қатлам ўтказилади.**

3252. Газни ер остида сақлаш қайси давлатда ривожланган? **АҚШда ривожланган.**

3253. Газ қувури қанчагача босимга чидайдиган қилиб қурилади? **5,5-10 ($МН/м^2$) гача босимга чидайдиган қилиб қурилади. Газ қувури диаметри хар хил (720 мм дан 1420 мм гача) бўлади.**

3254. Газни қуритиш – газлар таркибидаги қайси модда буғларини ажратиб олиш? **Сув буғларини ажратиб олиш.**

3255. Газни қуритиш қандай усуллар ёрдамида бажарилади? **Физик-кимёвий ҳамда физик усуллар ёрдамида бажарилади.**

3256. Газни қуритишда физик-кимёвий усул қайси

усулларни ўз ичига олади? **Абсорбция ва адсорбция усулларини ўз ичига олади.**

3257. Газни куритишда абсорбция усуллари газлардаги сув буғларини қандай моддаларга ютгиришга асосланган? **Суюқ моддаларга ютгиришга асосланган.**

3258. Газни куритишда абсорбент сифатида қайси моддаларнинг эритмалари ишлатилади? **Кальций хлорид [(35-40 (фоиз)], глицерин (85 фоиз), диэтиленгликоль [(85-97 (фоиз)], учэтиленгликоль, сульфат кислота [(94 -96 (фоиз)] ва бошқа моддаларнинг эритмалари ишлатилади.**

3259. Газни куритишда адсорбция усуллари қўлланилганда газлардан қандай моддалар-адсорбентларга ютилади? **Нам қаттиқ моддалар- адсорбентларга ютилади.**

3260. Газни куритишда адсорбент сифатида қаттиқ ҳолдаги қайси моддалар ишлатилади? $CaCl_2$, **NaOH, KOH,** MgO, P_2O_5, **бокситлар, силикагель, алюмогель ва бошқалар ишлатилади. Бу моддалар ўз оғирлигига нисбатан 2 фоиздан 10 фоизгача намни юта олади.**

3261. Газни куритишдан мақсад нима? **Мақсад кўп компонентли газларни фракцияларга ажратиш, ёнувчи газларни қувурлар орқали жўнатиш ва бошқалар.**

3262. Газойл (газ ва инг. oil -мой) қандай мой? **Соляр мойи.**

3263. Газойл молекуласида нечтадан нечтагача углерод атоми бўлган углеводородлар ва таркибида қайси элементлар бўлган қўшимчалардан иборат аралашма? **12 тадан 35 тагача углерод атоми бўлган углеводородлар ва таркибида олтингугурт, азот ва кислород бўлган қўшимчалардан иборат аралашма.**

3264. Газойлнинг қайнаш ҳарорати қанча ° С? **200° С – 500° С.**

3265. Газойл қандай моддани қайта ишлаш жараёнида керосин ва енгил саноат мойлари оралигида ажралиб чиқади? **Нефтни қайта ишлаш жараёнида керосин ва енгил саноат мойлари оралиғида ажралиб чиқади.**

3266. Газойл, асосан, қандай моддалар учун хом ашё? **Дизель ёқилғиси, каталитик крекинг учун хом ашё.**

3267. Газойл қандай мойлар сифатида ишлатилади? **Сурков мойлари сифатида ишлатилади.**

3268. Газолин (газ ва лот. oleum - мой) қандай моддалар аралашмаси? **Табиий нефтни хайдаш ёки саноат газларини ажратиш усули билан олинадиган суюқ ҳолатдаги тўйинган углеводородлар (асосан, бутан, пентан ва гексанлар) аралашмаси.**

3269. Газолин қандай моддалар сифатида қўлланилади? **Карбюратор двигателлари учун ёқилғи (газ, бензин), смола, ёғлар ва эфир мойлари учун эритувчи (петролей эфири) сифатида қўлланилади.**

3270. Газсизлантирувчи (дегазацияловчи) моддалар қандай моддалар? **Захарловчи моддаларни кимёвий усулда зарарсизлантириш учун қўлланиладиган моддалар.**

3271. Газсизлантирувчи (дегазацияловчи) моддалар қандай моддалар билан кимёвий реакцияга киришиб, уларнинг нимасини камайтиради ёки бутунлай йўқотади? **Захарловчи моддалар билан кимёвий реакцияга киришиб, таъсирини камайтиради ёки бутунлай йўқотади.**

3272. Газсизлантирувчи (дегазацияловчи) моддалар сифатида қандай кимёвий бирикмалар ишлатилади? **Гексахлормеламин** ($C_3N_6Cl_6$), **дихлорамин** ($C_6H_5SO_2NCl_2$ **ёки** $CH_3C_6H_4SO_2NCl_2$), **хлорамин** ($C_6H_5SO_2NNaCl$), **калий перманганат** ($KMnO_4$), **водород пероксиди** (H_2O_2), **аммиак суви, каустик**

сода, кальцинацияланган сода, хлорли оҳак каби кимёвий бирикмалар ишлатилади. Захарловчи моддалар ва бактериялар билан зарарланган сувни тозалаш учун $Ca(ClO)_2$ ни қўллаш мумкин.

3273. Газсимон хлорид кислота қандай модда? **Заҳарли модда.**

3274. Газсимон хлорид кислота қандай ҳидли газ? **Ўткир ҳидли, рангсиз газ.**

3275. Газсимон хлорид кислота қаерда тутайди? **Ҳавода тутайди.**

3276. Газсимон хлорид кислотанинг қайнаш ҳарорати минус канча °С? **Минус 84,8° С.**

3277. Газсимон хлорид кислотанинг зичлиги канча г/см³? **1,64 г/см³.**

3278. Газсимон хлорид кислота қайси моддада жуда яхши эрийди? **Сувда жуда яхши эрийди.**

3279. Газсимон хлорид кислота ва органик бирикмаларнинг қандай хосилаларини ишлаб чиқаришда қўлланади? **Хлорли хосилаларни ишлаб чиқаришда қўлланади.**

3280. Газсимон хлорид кислота кишига узоқ вақт таъсир этганда нималарга сабаб бўлади? **Нафас йўлларининг яллиғланишига, тишнинг ва меъда – ичак фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади.**

3281. Газсимон хлорид кислота тиббиётда меъда ширасида қандай модда етишмаганда буюрилади? **Кислота етишмаганда буюрилади.**

3282. Галактоза (церброза) оддий углевод, моносахарид бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_6H_{12}O_6$.

3283. Галактоза қайси модданинг таркибига киради? **Сут қанди (лактоза)нинг таркибига киради.**

3284. Галактоза табиатда қандай таркалган? **Кенг тарқалган.**

3285. Галактоза табиатда қандай ҳолда учрайди? **Эркин ҳолда ди- ва трисахарид ҳолида учрайди.**

3286. Галактурон кислота неча асосли қандай кислота? **Бир асосли органик кислота.**

3287. Галактурон кислота галактозадаги неча углерод атомининг оксидланишидан ҳосил бўлади? **6 углерод атомининг оксидланишидан ҳосил бўлади.**

3288. Галактурон кислота ўсимликлардаги қайси моддалар таркибига киради? **Пектин (елим) моддалари таркибига киради.**

3289. Галактурон кислота қайси моддаларда ҳам бор? **Сапониларда, баъзи микробларнинг ўзига хос полисахаридларида, хантал ва зиғир уруғларининг шилимшиғида ҳам бор.**

3290. Галактурон кислота қайси ферментнинг таъсирида ўсимликларда L – арабинозага айланади? **Карбоксилаза ферментининг таъсирида ўсимликларда L – арабинозага айланади.**

3291. Галактурон кислота қандай ҳолда бўлиб, қайси моддаларда яхши эрийди? **Кристалл ҳолда бўлиб, сувда, ишқорларда ва карбонат, бикарбонат эритмаларда яхши эрийди.**

3292. Галактурон кислота қайси моддаларда оз эрийди? **Углеводородлар ва бошқа органик эритмаларда оз эрийди.**

3293. Галактурон кислота қайси моддалар билан туз ҳосил қилади? **Металлар ва органик моддалар билан туз ҳосил қилади.**

3294. Галактурон кислота кўшгина қандай моддалар таркибига киради? **Физиологик фаол моддалар таркибига киради.**

3295. Галактурон кислотанинг қандай моддалари тупроқ таркибида кўп бўлади? **Глюкозидлари тупроқ таркибида кўп бўлади.**

3296. Галактурон кислота қандай мақсадлар учун ишлатилади? **Илмий мақсадлар учун ишлатилади.**

3297. Галлуазит қайси синфга мансуб минерал? **Катламли силикатлар кенжа синфига мансуб.**

3298. Галлуазитнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $Al_4[Si_4O_{10}](OH)_8 \cdot 4H_2O$. **Қўшимчалари Fe^{3+}, Cr^{3+}.**

3299. Галлуазит қандай сингонияли? **Моноклиник сингонияли.**

3300. Галлуазит, одатда, қандай рангли? **Оқ рангли.**

3301. Галлуазитнинг қандай рангли хиллари ҳам бор? **Сариғиш, қизғиш, кўкимтир хиллари ҳам бор.**

3302. Галлуазитнинг қаттиқлиги неча? **1-1,25.**

3303. Галлуазитнинг зичлиги қанча г/см³? **2-2,6 (г/см³).**

3304. Галлуазит қандай агрегатлар? **Мумсимон ва чиниисимон агрегатлар.**

3305. Галлуазитнинг кристаллари қандай? **Чўзиқ.**

3306. Галлуазит нима маҳсулоти? **Нураш маҳсулоти.**

3307. Галлуазит қайси тоғ жинсларининг нурашидан ҳосил бўлади? **Габбро, диабоз ва порфир тоғ жинсларининг нурашидан ҳосил бўлади.**

3308. Галлуазит Ўзбекистоннинг қаерларида топилган? **Курама тизмасида, Марказий Қизилқумлаги тоғликларда топилган.**

3309. Галлуазит қайси хориж мамлакатларида учрайди? **РФ (Жанубий Урал, Халилова) Украина (Кривой Рог), Бельгия, Марокаш, Германияда учрайди.**

3310. Галлуазит қайси модда хом ашёси? **Керамика хом ашёси.**

3311. Галлуазит қайси элементлар конлари даракчиси? **Мис, рух, никель конлари даракчиси.**

3312. Галлуазитдан нималар тайёрланади? **Катализаторлар тайёрланади.**

3313. Галенит (лот. galena – қўрғошин рудаси), қўрғошин ялтироғи қайси оилага мансуб минерал? **Сульфидлар синфига мансуб минерал.**

3314. Галенитнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **PbS.**

3315. Галенит таркиби неча фоиз қайси кимёвий элементлардан иборат? **86,6 фоиз қўрғошин ва 13,4 фоиз олтингугуртдан иборат.**

3316. Галенитнинг таркибида кўпинча қайси кимёвий элементлар ва бошқа қўшимчалар бўлади? **Se, Ag, Bi, Sb, Sn, Zn, Fe, Cd ва бошқа қўшимчалари бўлади.**

3317. Галенит қандай сингонияли? **Кубик сингонияли.**

3318. Галенит кристаллари мураккаб қандай шаклда? **Куб шаклда.**

3319. Галенитнингрангиқандай? **Кўрғошинсимон кулранг, металлсимон ялтироқ.**

3320. Галенитнинг қаттиқлиги неча? **2-3.**

3321. Галенитнинг зичлиги қанча г/см³? **7,4-7,6 (г/см³).**

3322. Галенит қандай хароратли гидротермал конларда қайси моддалар билан бирга учрайди? **Ўрта ва паст хароратли гидротермал конларда сфалерит, халькопирит, арсенопирит, пирит, пирротин ва бошқалар билан бирга учрайди.**

3323. Галенит (нурланганда)нинг юзаси оксидланиб қайси минералга айланади? **Церруссит ёки англезит минералига айланади.**

3324. Галенитнинг қаерларда йирик конлари бор? **РФда (Олтой, Шимолий Кавказ, Шарқий Сибирь, Приморье) йирик конлари бор.**

3325. Галенит Ўзбекистоннинг қаерларида маълум? **Нурота, Чатқол-Курама тоғлари ва бошқа жойларда конлари маълум.**

3326. Галенит, асосан, қайси кимёвий элемент олинадиган руда? **Қўрғошин элементи олинадиган руда.**

3327. Галенит қаерларда ишлатилади? **Тиббиётда ва бўёқ тайёрлашда ишлатилади.**

3328. Гальваник усулда металл қандай тарзда қопланади? **Электролитик тарзда қопланади. Бу усулда леярли барча металлар (рух, кадмий, никель, хром, қалай, темир, кумуш, олтин) ва баъзи котишмалар (масалан, бронза) ни исталган электр ўтказувчан материал сиртига коплаш мумкин.**

3329. Гальваник элементдаги электр юритувчи куч (ЭЮК) моҳиятини тушунтириш учун энергиянинг сақланиш қонуни кашф қилингандан сўнг В. Нернст ишларида тўла-тўкис ифодаланган қайси назария олга сурилди? **Кимёвий назария олга сурилди. Бу назарияга мувофиқ, гальваник элементдаги электр энергиянинг манбаи металл электрод ва электролит эритманинг манбаи металл электрод ва электролит эритмалари чегараларида содир бўладиган кимёвий реакциялар энергиясидир. Гиббс – Гельмгольцнинг термодинамик тенгламаси гальваник элемент ЭЮКни реакциянинг иссиқлик эффекти ва харорат билан боғлаш имкониятини, Нернст тенгламаси (1888 й.) эса ЭЮКнинг электролит концентрациясига термодинамик боғлиқлигини кўрсатди. Кейинчалик Нернст назарияси баъзи ҳолларда амалиётга тўғри келмаслиги аниқланган. XX асрнинг 30-40-йилларда А. И. Фрумкин Вольта ва Нернст ишларини ривожлантириши натижасида гальваник элемент ЭЮК пайдо бўлиш механизмининг тўғри очимини топган.**

3330. Галлийни нечанчи йилда қайси француз кимёгари кашф этган ва нега "галлий" деб атаган? **1785 йилда Лекок де-Баубодран кашф этган ва Францияниг лотинча номи билан "галлий" деб атаган.**

3331. Галлат кислота, триоксибензоат кислота ёруғлик таъсирида кораядиган рангсиз кристалл модда бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_6H_6O_5$.

3332. Галлат кислотанинг *суюкланиш харорати* қанча ° С? **220° С (бекарор модификация), 240° С (баркарор модификация, ажралиш билан).**

3333. Галлат кислота спиртда, қайнок сувда қандай эрийди? **Яхши эрийди.**

3334. Галлат кислота совук сувда, эфирда қандай эрийди? **Оз эрийди.**

3335. Галлат кислота неча валентли темир тузлари билан реакцияга киришиб, кўк-кора тусланади? **Уч валентли темир тузлари билан реакцияга киришиб, кўк-кора тусланади.**

3336. Галлат кислота қайси ўсимликлар пўстлоғи ва қандай моддали ўсимликлар таркибида бор? **Чой, дуб (эмань) пўстлоғи ва бошқа ошловчи моддали ўсимликлар таркибида бор.**

3337. Галлат кислота қайси моддаларни ферментлар ёрдамида парчалаб олинади? **Таннинларни ферментлар ёрдамида парчалаб олинади.**

3338. Галлат кислота қайси моддалар ишлаб чиқаришда қўлланилади? **Бўёк, пирогаллол, дори, кора сиёх ишлаб чиқаришда қўлланилади.**

3339. Галит (юнон. hals - туз), тош тузи қандай таркибли минерал? **NaCl таркибли минерал.**

3340. Галоген жинслар қандай чўкинди жинслар? **Хемоген чўкинди жинслар.**

3341. Галоген жинслар арид иқлимда қуриётган ленгиз ҳавзаларида, лагуналарда ва шўр сувли кўлларда тўйинган эритмалардан қандай жараёнда кристалланади? **Галогенез жараёнида кристалланади.**

3342. Галоген жинсларга қайси жинслар киради? **Галитдан ташкил топган галитлик, сильвинли ҳамда карналлитли (карналлит, галит), гипсли (гипс), астраханитли (астраханит, галит), содали (табиий сода, мирабилит), кўп минералли (ланбейнит, каинит, кизерит, сильвин, галит, полигалит)**

жинслар ва бошкалар киради.

3343. Галоген жинслар ташки мухит (айникса сув) таъсирида тез нима бўлади? **Парчаланиб эрийди.**

3344. Галоген жинслар кайси даврнинг чўкинди жинслари таркибида кўп учрайди? **Пермь даврининг чўкинди жинслари таркибида кўп учрайди.**

3345. Галоген жинслар қаерларда ишлатилади? **Озиқ-овқат, кимё саноати ва кишлок хўжалигида ишлатилади.**

3346. Галогенлаш, галоидлаш кандай модлаларнинг нималарига галогенлар киритиш? **Органик моддаларнинг молекулаларига галогенлар киритиш: тор маънода молекулалардаги водород ёки бошка кандайдир бир атом (функционал гурух) ўрнига галоген атоми (F, Cl, B, J)ни киритиш. Масалан, метанга хлор таъсир эттирилганда метил хлорид хосил бўлади:** $CH_4 + Cl_2 \rightarrow CH_3Cl + HCl$.

3347. Галогенидларга, одатда, галоген атомининг электро манфийлиги бошка элементларникига караганда кандай бўлган бирикмалар киритилади? **Юкори бўлган бирикмалар киритилади.**

3348. Галогенидларни кандай олиш мумкин? **Тўғридан-гўғри элементлардан, галогенводородлари ёки уларнинг кислоталарини элементлар билан реакцияга киритиб олиш мумкин.**

3349. Галогенидлар табиатда қандай моддалар холида, каердаги сувларда учрайди? **Минераллар холида, денгиз ва океанлардаги сувларда учрайди.**

3350. Галогенидлар (баъзи), масалан, патрий хлорид, калий хлорид, кальций хлорид организмлар таркибига киралими? **Тирик организм таркибига кирали.**

3351. Галогенидлар қаерларда қўлланилади? **Ишкорий - ер металлар синтезида, шиша ва бошка анорганик материаллар компоненти сифатида**

қўлланилади.

3352. Галогенлар Менделеев даврий система нечанчи гурухининг асосий гурухчасига мансуб кимёвий элементлар? **VII гурухининг асосий гурухчасига мансуб кимёвий элементлар.**

3353. Галогенларнинг сиртки электрон қаватида нечта электрон бор? **7 та электрон бор.**

3354. Галогенлар металлар билан бирикканда уларнинг нечта электронини тортиб олиб, қайтарилади? **Битта электронини тортиб олиб, қайтарилади.**

3355. Галогенлар молекуласи неча атомли? **Икки атомли.**

3356. Галогенлар [(барча) (фтордан ташкари)] кайси суюкликда эрувчан? **Сувда эрувчан.**

3357. Галогенлар, инерт газлар, кислород, азот хамда бошка кўпгина юкори даражада аксидланадиган элементларнинг фторидлари кандай? **Оксидловчилар.**

3358. Галогенлар металлар ва металлсимонлар билан бирикиб, кандай модлалар - кислород билан оксидлар (фтордан ташкари) хосил қилади? **Галогенидлар кислород билан оксидлар (фтордан ташкари) хосил килади.**

3359. Галогенларнинг нимаси оргиши билан кимёвий фаоллиги фтордан йодга томон камайиб боради? **Атом радиуси ортиши билан кимёвий фаоллиги фтордан йодга томон камайиб борали.**

3360. Галогенлар (астатдан ташкари) табиатда кандай тарқалган? **Кенг тарқалган.**

3361. Галогенлар нима суви таркибида бўлади? **Денгиз суви таркибида бўлади.**

3362. Галогенлар кандай холда учрамайди? **Эркин холда учрамайди.**

3363. Галогенларга кимёвий хоссалари жихатидан ўхшаш бўлган дициан $(CN)_2$, диоксоциан $(CON)_2$, тиоциан $(SCN)_2$ нима деб аталади? **Псевдогалоген-**

лар деб аталади.

3364. Галогенларга кимёвий хоссалари жихатидан ўхшаш бўлган таркибида CN, CON, SCN гурухлари бор металлар тузлари нима деб аталади? **Псевдогалогенидлар деб** аталади.

3365. Галогенцианлар, циан алогенидларнинг умумий формуласи қандай ифодаланади? **XCN – цианид кислотанинг ангидридлари (бу ерда: X – галоген атоми; хлор, бром, йод ёки фтор бўлиши мумкин).**

3366. Галогенцианлар қандай бирикмалар? **Рангсиз, учувчан, захарли бирикмалар.**

3367. Галогенцианлар қайси моддада кисман эрийди? **Сувда кисман эрийди.**

3368. Галогенцианлар қайси моддалар ва эритмаларда осон эрийди? **Спирт, эфир ва бошка органик эритмаларда осон эрийди.**

3369. Галогенцианлар қандай олинади? **HCN ёки NaCN сувдаги эритмаларига галогенларни таъсир эттириб, фторциан эса $CF_2 = NH$ ни 420° C – 459° C хароратда вакуум остида пиролиз килиб олинади.**

3370. Галогенцианлар қайси саноатда қўлланилади? **Хлорциан гербицидлар ва бўёк саноатида қўлланилади.**

3371. Галогенцианлар бром ва йодцианлар органик синтезида, хусусан қандай моддалар олишда қўлланилади? **Нитриллар олишда қўлланилади.**

3372. Галурия (юнон. hals – туз ва ergon - иш) – кимёвий технологиянинг қандай тармоғи? **Турли минерал тузлар олиш усулини ўрганувчи ва ишлаб чикарувчи тармоғи.**

3373. Галурия саноати учун хом ашё манбаи бўлиб нималар хизмат килади? **Денгиз сувлари, чўкиб колган туз катламлари, шунингдек, кўмир хамда туз хавзалари хизмат килади.**

3374. Гальмиролиз (юнон. halmuros – шўр ва

lusis - парчаланиш), сув ости нураши – бирламчи чўкиндиларнинг денгиз остида эриши, оксидланиши ва бошка жараёнлар таъсирида қандай таркибнинг ўзгариши? **Кимёвий ва минерал таркибининг ўзгариши.**

3375. Гальмиролиз жараёни тезлиги денгиз сувидаги қайси моддаларнинг хусусиятларига ва чўкиндиларининг тўпланиш суръатига караб аникланади? **Туз ва газларнинг хусусиятларига ва чўкиндиларининг тўпланиш суръатига караб аникланади.**

3376. Гамма-глобулинлар каерда кенг қўлланилади? **Тиббиётда кенг қўлланилади.**

3377. Гамма-нейтронли каротаж таркибида қайси элемент мавжудлигини аниклашда фойдаланилади? **Бериллий элементи мавжудлигини аниклашда фойдаланилади.**

3378. Гаптенлар (юнон. hapto – ўзаро таъсирланиш) қандай кимёвий моддалар? **Антигенлик хусусиятига тўла эга бўлмаган кимёвий моддалар.**

3379. Гаптенлар тегишли антителолар ёки лимфоцитлар билан ўзига хос ўзаро таъсирланиши нимасига эга? **Хусусиятига эга.**

3380. Гаптенларни аксарият оксиллар билан боғлаб, уларга нима бериш мумкин? **Иммуногенлик бериш мумкин.**

3381. Гаптенларга ҳар хил табиатли қайси моддалар мисол бўла олади? **Аминокислоталар, пептидлар, қандлар, полисахаридлар, нуклеотидлар, нуклеин кислоталар, липидлар, стероидлар, витаминлар, антибиотиклар ва бошкалар гаптенларга мисол бўла олади.**

3382. Гаттерман – Кох реакцияси қандай моддалар олиш усули? **Углерод (II)-оксид билан газсимон водород хлорид аралашмасини ароматик углеводородларга таъсир эттириб альдегидлар олиш усули.**

3383. Гаттерман – Кох реакциясида $AlCl_3$ билан $CuCl_2$ аралашмаси нима бўлиб хизмат қилади? **Катализатор бўлиб хизмат қилади.**

3384. Гаттерман – Кох реакциясига қайси моддалар киришади? **Бензол, алкил ва галогенбензоллар, шунингдек, полициклик бирикмалар, масалан, нафталин киришади.**

3385. Гаттерман – Кох реакциясида ароматик бирикмалар фақат қайси моддалар аралашмаси иштирокида шаклланади? **Ароматик бирикмалар фақат HF билан BF_3 аралашмаси иштирокида қуйидагича шаклланади:**

$$C_6H_5CH_3 + CO + HCl \rightarrow CH_3C_6H_4 - C(=O)H + HCl$$

3386. Гаттерман – Кох реакциясини нечанчи йилда қайси немис кимёгарлари кашф этган? **1897 йилда Л. Гаттерман билан Ю. Кох кашф этган.**

3387. Гаттерман – Кох реакцияси саноатда қандай моддалар олишда қўлланилади? **Саноатда бензальдегид, п-хлорбензальдегид ва алкилбензальдегидлар олишда қўлланилади.**

3388. Гаусманит (немис минералоги И. Ф. Л. Гауссман номидан, 1782-1959) қайси оксидларнинг кичик синфига кирувчи минерал? **Мураккаб оксидларнинг кичик синфига кирувчи минерал.**

3389. Гаусманитнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $MnMn_2O_4$.

3390. Гаусманит таркибида неча фоиз қандай моддалар бор? **31 фоиз MnO ва 69 фоиз Mn_2O_3 бор. Қўшимчалари: Fe, Zn, Ba, Mg, Ca ва бошқалар.**

3391. Гаусманит қандай сингонияли? **Тетрагональ сингонияли.**

3392. Гаусманитнинг ранги қандай? **Қора.**

3393. Гаусманитнинг қаттиқлиги неча? **5-5,5.**

3394. Гаусманитнинг зичлиги канча г/см³? **4,7-4,9 (г/см³).**

3395. Гаусманит қандай чўкинди? **Метаморфланган чўкинди.**

3396. Гаусманит қайси минераллар билан бирга учрайди? **Браунит, магнетит, гематит, барит, пиролюзит, вад минераллари билан бирга учрайди.**

3397. Гаусманит қайси конда бор? **Ўзбекистондаги Курама тизмасида (Кўргошинкон, Сартабўткон), Коратепа тоғларида (тахтакорача) марганец конида бор.**

3398. Гаусманитнинг саноат аҳамияти қандай? **Кам.**

3399. Гаусманит кора металлургияда қандай моддa олишда ёки чўян эритишда шихталаш учун ишлатилади? **Ферромарганец олишда.**

3400. Гафний диоксид, HsO_2 – ок қандай модда? **Кристалл модда.**

3401. Гафний диоксид, HsO_2 нинг зичлиги канча г/см³? **9,68 г/см³.**

3402. Гафний диоксид, HsO_2 нинг суюкланиш харорати канча °С? **2780°С.**

3403. Гафний диоксид, HsO_2 қайси моддала эримайди? **Сувда эримайди.**

3404. Гафний диоксид, HsO_2 концентрланган HCl ва HNO_3 таъсирига нима қилмайди? **Берилмайди.**

3405. Гафний диоксид, HsO_2 концентрланган қайси кислоталар билан реакцияга киришади? **Концентрланган фторид ва сульфат кислоталар билан реакцияга киришади.**

3406. Гафний диоксид, HsO_2 қандай ишкорлар билан реакцияга киришади? **Суюкландирилган ишкорлар билан реакцияга киришади.**

3407. Гафнийнинг нитриди, бориди, карбиди қандай моддалар? **Ўта қаттиқ, мўрт ва электр**

ўтказувчан моддалар.

3408. Гафнийдан қандай қотишмалар тайёрланади? **Электрон лампаларининг католлари ва махсус қотишмалари тайёрланади.**

3409. Гафнийдан ядро техникасида нейтрон зарраларини нима қилувчи модда сифатида фойдаланилади? **Ютувчи модда сифатида фойдаланилади.**

3410. Гафнийдан органик моддаларни синтез қилишда нималар сифатида қўлланилади? **Катализаторлар сифатида қўлланилади.**

3411. Гваяк смоласи гваяк дарахтининг қайси таркибида неча фоизгача учрайдиган смола? **Ўзаги таркибида 22 фоизгача учрайдиган смола.**

3412. Гваяк смоласи қандай рангли? **Қизил-қўнғир рангли.**

3413. Гваяк смоласи қандай моддаларда эрийди? **Спирт, ацетон, эфир ва ишқорларда эрийди.**

3414. Гваяк смоласининг суюқланиш харорати канча °С? **85° С.**

3415. Гваяк смоласининг зичлиги канча г/см³? **1,2 г/см³.**

3416. Гваяк смоласи қандай олинади? **Майдаланган дарахт танасини курук хайдаш ёки кайнатиш йўли билан олинади.**

3417. Гваяк смоласининг қайси моддадаги эритмаси оксидловчилар таъсирида қандай рангга киради? **Спиртдаги эритмаси оксидловчилар таъсирида ишил ёки ҳаво рангга киради.**

3418. Гваяк смоласи қайси моддага реактив сифатида қўлланилади? **Гемоглобинга реактив сифатида қўлланилади.**

3419. Гваякол (2-метоксифенол)нинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **о – $C_6H_4(OH)OCH_3$.**

3420. Гваякол қандай кристаллар? **Ўзига хос хидли, рангсиз кристаллар.**

3421. Гваяколнинг суюқланиш харорати канча

°С? **28,5° С.**

3422. Гваяколнинг қайнаш харорати қанча °С? **205° С.**

3423. Гваяколнинг зичлиги қанча г/см³? **1,129 г/см³.**

3424. Гваякол қасрда ва нима таъсирида кораяди? **Ҳавода ва ёруғлик таъсирида кораяди.**

3425. Гваякол қайси моддаларда яхши эрийди? **Этанол, эфир, хлороформ, муз ҳолидаги сирка кислота, ишқор эритмаларида яхши эрийди.**

3426. Гваякол 17° С ҳароратли сувда неча фоиз эрийди? **1,7 фоиз эрийди.**

3427. Гваякол қандай модда буғи билан бирга ҳайдалади? **Сув буғи билан бирга ҳайдалади.**

3428. Гваякол қайси элементларни эритади? **Йод ва олтингугуртни эритади.**

3429. Гваяколнинг қандай моддалари сувда яхши эрийди? **Ишқорий тузлари сувда яхши эрийди.**

3430. Гваяколнинг қайси элементлари тузлари оз эрийди? **Кальций ва магнийли тузлари оз эрийди.**

3431. Гваяколнинг қайси моддадаги эритмаси темир (III) – хлорид таъсирида ҳаво рангга, сўнгра яшил рангга киради? **Спиртдаги эритмаси.**

3432. Гваякол нима қилинганда пирокатехинга айланади? **Метилланганда вератол (1,2 - диметоксибензол), диметиллангонда пирокатехинга айланади.**

3433. Гваяколни синтетик йўл билан қайси моддадан ҳам олиш мумкин? **о-анизидиндан ҳам олиш мумкин.**

3434. Гваякол қандай хилли моддалар ишлаб чикаришда қўлланилади? **Хушбўй хидли моддалар, масалан, ванилин, эвгенол, изоэвгенол, сантал-дол ишлаб чикаришда қўлланилади.**

3435. Гваякол қайси модда олишда қўлланилади? **Пирокатехин моддаси олишда қўлланилади.**

3436. Гваякол қайси баъзи шифобахш препаратлар тайёрлашда қўлланилади? **Баъзи шифобахш препаратлар, масалан, фтивоазид, папаверин, тиокол тайёрлашда қўлланилади.**

3437. Гваякол қайси саноатда қўлланилади? **Атирупа ва озиқ-овқат саноатида қўлланилади.**

3438. Геденбергит (швед минералоги Л. Геденберг номидан; XIX аср) қайси гуруҳга мансуб минерал? **Пироксенлар гуруҳига мансуб минерал.**

3439. Геденбергитнинг магнийга бой тури нима деб аталади? **Салит деб аталади.**

3440. Геденбергитнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $CaFe(Si_2O_6)$.

3441. Геденбергит қандай сингонияли? **Моноклиник сингонияли.**

3442. Геденбергитнинг ранги қандай? **Тўқ яшилдан қорагача.**

3443. Геденбергитнинг ялтироқлиги қандай молласимон? **Шишасимон.**

3444. Геденбергитнинг каттиқлиги неча? **5,5-6.**

3445. Геденбергитнинг зичлиги канча г/см³? **3,6 г/см³.**

3446. Геденбергит қандай конларда учрайди? **Оҳактошли скарнлар, магнетитли конларда учрайди.**

3447. Геденбергит нима натижасида кремнийли темир охрасига айланади? **Нураш натижасида кремнийли темир охрасига айланади.**

3448. Гелий атомининг ядроси нечта қайси зарралардан иборат? **Иккита протон ва иккита нейтрондан иборат.**

3449. Гейзерит қандай модда? **Минерал.**

3450. Гейзерит қандай ранг окма опал? **Ок ёки кулранг окма опал.**

3451. Гейзерит қандай ҳосил бўлган жинс? **Иссиқ булоқ (гейзер)лардан чиқадиган сув таркибидаги кремнийнинг чўкишидан ҳосил бўлган жинс.**

3452. Гейзерит каерларда учрайди? **АҚШ, Испания, Янги Зеландия, Россия (Камчатка)да учрайди.**

3453. Гейзерит (гоза) қандай тош ҳисобланади? **Қимматбаҳо тош ҳисобланади.**

3454. Гейзерит ва кремнийли туф иссиқ булоқ (гейзер) сувларида қандай кремний оксидининг чўкиши туфайли ҳосил бўлади? **Эриган кремний оксидининг чўкиши туфайли ҳосил бўлади.**

3455. Гейландит (инглиз минерал тўпловчиси Г. Гейланд номидан) қайси гуруҳга мансуб минерал? **Цеолитлар гуруҳига мансуб.**

3456. Гейландитнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $Ca[Al_2Si_7O_{18}]\cdot 6H_2O$.

3457. Гейландит қандай сингонияли? **Моноклиник сингонияли.**

3458. Гейландит қандай агрегатлар ҳолида учрайди? **Игнасимон, тангасимон, варакеимон ва елпиғичсимон агрегатлар ҳолида учрайди.**

3459. Гейландитнинг ранги қандай? **Ок, кулранг, кўнгир-қизил.**

3460. Гейландитнинг ялтироқлиги қандай молласимон? **Шишасимон.**

3461. Гейландитнинг каттиқлиги неча? **3,5-4,0.**

3462. Гейландитнинг зичлиги канча г/см³? **2,1-2,2 (г/см³).**

3463. Гейландит қандай ертомирларининг устки қисмида ҳосил бўлади? **Гидротермал ертомирларининг устки қисмида ҳосил бўлади.**

3464. Гейландит каерларда топилган? **Курама тоғларида (Қалмоққир, Саричеку, Кўрғошинкон, Накпай), Чаткол (Шабрез) ва Нурота тоғларининг шимолий ён бағирларида топилган.**

3465. Гейландит хорижий қайси мамлакатларда маълум? **Германия (Гарц), Хиндистон (Бомбей яқинида), АҚШ (Нью-Жерси), Канада, Грузия, РФ**

(Красноярск ўлкаси)да маълум.

3466. Гексаборанниинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? B_6H_{10}.

3467. Гексаметилендиамин ва адипин кислотадан кандай модда хосил бўлиши бундай реакцияга мисол бўла олади? **Полигексаметиленадипинамид модда хосил бўлиши бундай реакцияга мисол бўла олади.**

3468. Гексаметилендиамин органик бирикма бўлиб, унинг кимёвий формуласи кандай ёзилади? $NH_2(CH_2)_6NH_2$.

3469. Гексаметилендиамин кучсиз аммиак хидли кандай модда? **Рангсиз кристалл модда.**

3470. Гексаметилендиаминнинг суюкланиш харорати канча °С? **39° С – 42° С.**

3471. Гексаметилендиаминнинг кайнаш харорати канча °С? **204° С – 205° С.**

3472. Гексаметилендиаминнинг зичлиги канча г/см³? **0,825 г/см³.**

3473. Гексаметилендиамин сув, спирт ва бошка органик эритувчиларда кандай эрийди? **Яхши эрийди.**

3474. Гексаметилендиамин ва унинг сувдаги эритмалари кесрдан карбонат ангидрид ютади? **Ҳаводан (2 фоизли 1 ҳажм эритма 20°С хароратда 11,7 ҳажм) карбонат ангидрид ютади.**

3475. Гексаметилендиамин кандай моддаларга хос барча кимёвий хоссаларни намоён килади? **Алифатик аминларга хос.**

3476. Гексаметилендиамин кайси кимёвий металларнинг тузлари билан кийин эрувчан рангли комплекс бирикмалар беради? **Олтин, кумуш, мис, платина ва бошка металларнинг тузлари билан кийин эрувчан рангли комплекс бирикмалар беради.**

3477. Гексаметилендиамин кайси кислоталар таъсирида тузлар, масалан, дигидрохлорид (суюкланиш харорати 258° С) ва дигидробромид (суюкланиш

харорати 263°С) хосил килади? **Карбон ва минерал кислоталар таъсирида тузлар, масалан, дигидрохлорид (суюкланиш харорати 258°С) ва дигидробромид (суюкланиш харорати 263°С) хосил килади.**

3478. Гексаметилендиамин саноатда кандай олинади? **Адипин кислота динитрилини мис-кобальт катализатори иштирокида кайтариш усули билан олинади:** $N \equiv C - (CH_2)_4 - C \equiv N + 4H_2 \rightarrow NH_2(CH_2)_6NH_2$.

3479. Гексаметилендиамин кайси модда ишлаб чикаришда мухим хом ашё хисобланади? **Полиамид тола (найлон) ишлаб чикаришда мухим хом ашё хисобланади.**

3480. Гексаметилендиамин кандай максадларда хам кўлланилади? **Ингибитор, катализатор сифатида ва бошка максадларда хам кўлланилади.**

3481. Гексаметилентетрамин, уротропик, гексамин, уризол, метенамин кандай модда? **Антисептик модда.**

3482. Гексаметилентетрамин кандай олинади? **Аммиакни формальдегиднинг сувдаги эритмасига таъсир эттириб олинади.**

3483. Гексаметилентетраминнинг зичлиги канча г/см³? **1,27 г/см³ (25° С хароратда).**

3484. Гексаметилентетрамин кайси суюкликда эрийди? **Сувда эрийди.**

3485. Гексаметилентетрамин кандай хароратда баркарор моногидрат хосил килади? **14° С хароратдан паст хароратда баркарор моногидрат хосил килади.**

3486. Гексаметилентетрамин эфир, бензол ва тетрахлорэтанда кандай эрийди? **Ёмон эрийди.**

3487. Гексаметилентетраминнинг таъми кандай? **Чучмал, бир оздан кейин аччик таъми сезилади.**

3488. Гексаметилентетрамин кандай кислоталар билан бекарор тузлар беради? **Кучсиз кислоталар билан бекарор тузлар беради.**

3489. Гексаметилентетрамин қандай кислоталар таъсирида NH_3 ва формальдегидга ажралади? **Кучли кислоталар таъсирида NH_3 ва формальдегидга ажралади.**

3490. Гексаметилентетрамин қандай модда эритмалари таъсирига чидамли? **Ишқор эритмалари таъсирига чидамли.**

3491. Гексаметилентетраминнинг қайси кислотадаги эритмаси оксидловчи бўлиб, аминларни альдегидлар ёки кетонларга айлантиришда ишлатилади? **Сирка кислотадаги эритмаси оксидловчи бўлиб, аминларни альдегидлар ёки кетонларга айлантиришда ишлатилади.**

3492. Гексаметилентетрамин саноатда қандай олинади? **Вакуумда формальдегидга аммиак таъсир эттириб олинади.**

3493. Гексаметилентетрамин қаерларда ишлатилади? **Дори препарат (уротропин, кальцекс), антисептик модда, фенолформальдегид смолаларни котирувчи, фунгицид ишлаб чиқаришда бошланғич маҳсулот сифатида ишлатилади.**

3494. Гексаметилентетрамин қаерларда қўлланилади? **Ёқилғи ўрнида ("қурук спирт"), аналитик кимёда эритмалар таркибидаги Fe (III), Al (III), Cr (III), Ti (IV) бирикмаларини чўктиришда ҳам қўлланилади.**

3495. Гексаметилентетраминни биринчи бор қайси рус кимёгари нечанчи йилда NH_3 ва полиформальдегиддан синтез қилган? **А. М. Бутлеров 1861 йилда NH_3 ва полиформальдегиддан синтез қилган.**

3496. Гексаметилентетрамин қайси касалликларда қўлланилади? **Цистит, пиелит ва пешоб йўлларининг бошқа яллиғланиш касалликларида, баъзи аллергик касалликларда қўлланилади.**

3497. Гексан, углерод сульфид ва тетрахлорметан "қандай эритроцитлар" каторига киради? **"Инерт эритроцитлар" каторига киради.**

3498. Гексан-тўйинган углеводород бўлиб, унинг кимевий формуласи қандай ифодаланади? C_6H_{14}.

3499. Гексан – C_6H_{14} нинг нечта изомери маълум? **5 та изомери маълум.**

3500. Гексан қандай модда? **Рангсиз суюқ модда.**

3501. Гексан (нормал) – $CH_3 - (CH_2)_4 - CH_3$ нинг суюкланиш харорати минус канча °С? **Минус 95,32° С.**

3502. Гексаннинг кайнаш харорати канча ° С? **68,74°С.**

3503. Гексаннинг зичлиги канча г/см³? **0,6594 г/см³.**

3504. Гексан сувда эрийдими? **Йўк, эримайди.**

3505. Гексан қайси эритувчиларда яхши эрийди? **Органик эритувчиларда яхши эрийди.**

3506. Гексан қайси молданинг бензин фракцияси ва газоконденсатлар таркибида бўлади? **Нефтнинг бензин фракцияси ва газоконденсатлар таркибида бўлади.**

3507. Гексан қаерларда қўлланилади? **Эрувчи ҳамда паст хароратларда ишлатиладиган термометрларда суюклик сифатида қўлланилади.**

3508. Гексахлоран, гексахлорциклогексан, ГХЦГ, гаммексан, бензогексахлориднинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_6H_6Cl_6$.

3509. Гексахлоран юкори кумулятив хусусиятга эга бўлганлиги сабабли уни қишлок хўжалиги максадларида ишлатиш нечанчи йилдан бошлаб ман килинган? **1970 йилдан бошлаб ман килинган.**

3510. Гексахлорэтан (перхлорэтан) камфора хидли рангсиз кристаллар бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? C_2Cl_6.

3511. Гексахлорэтан нечта кристалл холдаги модификацияга эга? **Учта кристалл холдаги модификацияга эга.**

3512. Гексахлорэтаннинг суюкланиш харорати канча °С? **187° С (ёпиқ каниллярда).**

3513. Гексахлорэтаннинг қайнаш харорати канча °С? **185,6° С (ўз-ўзидан ҳайдалади).**

3514. Гексахлорэтаннинг зичлиги канча г/см³? **2,09 г/см³.**

3515. Гексахлорэтан спирт, эфирда қандай эрийди? **Оз эрийди.**

3516. Гексахлорэтан қайси моддада яхши эрийди? **Углерод сульфидда яхши эрийди.**

3517. Гексахлорэтан қайси модда билан азеотроп аралашма хосил қилади? **Сув билан.**

3518. Гексахлорэтан қандай хароратда қаттиқ ишқор, ишқорнинг спиртдаги эритмаси таъсирида оксалат кислотагача гидролизланади? **200° С ва ундан юқори хароратда қаттиқ ишқор, ишқорнинг спиртдаги эритмаси таъсирида оксалат кислотагача гидролизланади.**

3519. Гексахлорэтан саноатда қандай олинади? **Полихлорэтанлар ёки тетрахлорэтиленга хлор бириктириб олинади.**

3520. Гексахлорэтан нималар ишлаб чиқаришда ва қаерларда ишлатилади? **Газсизлантирувчи таблеткалар ишлаб чиқаришда, алюминийдан ясалган жиҳозлар тайёрлашда, тутовчи аралашмалар ҳосил қилишда ишлатилади.**

3521. Гексахлормеламин қандай рангли модда? **Сариқ рангли кристалл модда.**

3522. Гексахлормеламин канча ° С хароратда суюкланади? **149° С хароратда суюкланади.**

3523. Гексахлормеламин қандай олинади? **Алкилларга ва уларнинг тузларига хлор ёки гипохлорит кислота таъсир эттириб олинади.**

3524. Гексахлормеламин оксидловчи ва хлорловчи таъсирга эга бўлганлигидан қаерларда қўлланилади? **Аналитик кимёда, тўқимачиликда матоларни**

окартиришда, легазация, дезинфекция ишларида, сувни хлорлашда қўлланилади.

3525. Гексилрезорцин икки атомли фенолнинг ҳосилаларидан бири бўлиб, унинг формуласи қандай ифодаланади? $C_{12}H_{18}O_2$.

3526. Гексилрезорцин рангсиз қандай модда? **Кристалл модда.**

3527. Гексилрезорциннинг суюкланиш харорати канча °С? **67° С –69° С.**

3528. Гексилрезорциннинг қайнаш харорати канча °С? **178° С – 180° С.**

3529. Гексилрезорцин спирт, эфир, ацетон, хлороформ ва ўсимлик мойларида эрийдими? **Ҳа, эрийди.**

3530. Гексилрезорцин сув ва петролей эфирида қандай эрийди? **Кам эрийди.**

3531. Гексилрезорцин илмий мақсадлар учун қандай усулда тайёрланади? **Сунъий усулда тайёрланади.**

3532. Гексилрезорцин қандай ҳолда учрамайди? **Табиий ҳолда учрамайди.**

3533. Гексилрезорцин қаерда ишлатилади? **Дори тайёрлашда ва бактерияларга қарши ишлатилади.**

3534. Гекситлар – олти атомли алифматик спиртлар бўлиб, кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $HOCH_2(CHOH)_4CH_2OH$.

3535. Гекситлар қандай таъмли рангсиз кристаллар? **Ширин таъмли.**

3536. Гекситлар қайси моддаларда яхши эрийдиган, қайси моддада эримайдиган органик моддалар? **Сув ва спиртда яхши эрийдиган, эфирда эримайдиган органик моддалар.**

3537. Гексоген, циклотриметилентринитрометиленинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_3H_6N_6O_6$.

3538. Гексоген қайси моддани нитро ҳосиласи? **Уротропиннинг нитро ҳосиласи.**

3539. Гексогеннинг зичлиги канча г/см³? **1,816 г/см³.**

3540. Гексоген сувда эрийдими? **Йўқ, эримайди.**

3541. Гексоген спирт, эфир, бензол, толуол, хлороформда қандай эрийди? **Ёмон эрийди.**

3542. Гексоген қайси моддаларда яхши эрийди? **Концентрланган нитрат ва сирка кислотада яхши эрийди.**

3543. Гексоген қандай олинади? **Уротропинга концентрланган HNO_3 ёки унинг NH_4NO_3, CH_3COOH ёхуд $(CH_3CO)_2O$ билан аралашмасини таъсир эттириб олинади.**

3544. Гексоген қаерларда ишлатилади? **Детонатор капсулаларда, парафин ва бошқа моддалар билан аралаштириліб, артиллерия снарядларида ишлатилади.**

3545. Гексодифосфатнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_6H_{10}O_4(PO_4H_2)_2$.

3546. Гексозалар – молекуласида 6 та углерод атоми бўлган моносахаридлар бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_6H_{12}O_6$.

3547. Гексозалар табиатда қандай тарқалган? **Кенг тарқалган.**

3548. Гексозалар ўсимлик ва ҳайвоннинг қайси аъзоларида соф ҳолда ҳамда полисахаридлар таркибида учрайди? **Тўқималарида соф ҳолда ҳамда полисахаридлар таркибида учрайди.**

3549. Гексозалар карбонил гуруҳига кўра, қандай моддаларга бўлинади? **Альдогексозалар ва кетогексозаларга бўлинади.**

3550. Гексозалар нейтрал ва кучсиз кислотаси муҳитда қандай? **Барқарор.**

3551. Гексозалар (барча) қандай моддаларни синтез қилишда асосий хом ашё? **Турли қандлар ва уларнинг хосилаларини синтез қилишда асосий хом ашё.**

3552. Гексозалар қаерларда ишлатилади? **Глюкоза озиқ-овқат маҳсулоти ва дори-дармон сифатида ҳамда спирт саноатида ишлатилади.**

3553. Гексозофосфатлар қандай ҳосил бўлади? **Мураккаб эфирлар, гексозаларни фосфат кислотасининг бир ёки икки колдиги билан бирикишидан ҳосил бўлади.**

3554. Гексозофосфатлар ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар қайси аъзоларида углеводларнинг алмашинувидан ҳосил бўладиган муҳим қандай модда? **Тўқималарида углеводларнинг алмашинувидан ҳосил бўладиган муҳим оралиқ модда.**

3555. Гексомонофосфатнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_6H_{11}O_5(PO_4H_2)$.

3556. Геллар (лот. gelo - котяпман) қандай муҳит? **Қаттиқ моддаларнинг баъзи хоссаларини намоён қилувчи дисперс системалар билан суюқ ёки газсимон муҳит.**

3557. Геллар қандай хоссаларга эга? **Шакл сақлаш, мустаҳкамлик, пластиклик ва бошқа хоссаларга эга.**

3558. Геллар ҳосил бўлиши қаерларда муҳим аҳамиятга эга? **Тоғ-кон ишида, полимер материаллар, катализаторлар ва сорбентлар ишлаб чиқаришда, фармацевтика, атир-уша ва озиқ-овқат саноатида муҳим аҳамиятга эга.**

3559. Гелиотропин, ипероналнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_8H_6O_3$.

3560. Гелиотропин қандай хилли, рангли кристаллар? **Ҳушбўй хидли, рангсиз кристаллар.**

3561. Гелиотропин қандай бирикма? **Органик бирикма.**

3562. Гелиотропиннинг суюкланиш ҳарорати канча °С? **37° С.**

3563. Гелиотропиннинг қайнаш ҳарорати қанча °С? **264° С.**

3564. Гелиотропин қандай сувда оз эрийди? **Совук**

сувда оз эрийди.

3565. Гелиотропин қайси моддалар ва эритувчиларда яхши эрийди? **Спирт, эфир, бензол ва бошқа органик эритувчиларда яхши эрийди.**

3566. Гелиотропин қайси модда буғи билан осон хайдалади? **Сув буғи билан осон ҳайдалади.**

3567. Гелиотропин қайси моддалар таркибида учрайди? **Гелиотроп ва сирень гулларида, ванил ва баъзи эфир мойлари таркибида учрайди.**

3568. Гелиотропин саноатда қандай олинади? **Сафролни КОН иштирокида изомерлаш, сўнгра ҳосил бўлган изосафролни хромли аралашма ёки озон таъсирида оксидлаш усули билан олинади.**

3569. Гелиотропин қайси саноатда ишлатилади? **Озиқ-овқат саноатида ишлатилади.**

3570. Гелиотропин нима ишлаб чиқаришда ишлатилади? **Атир-упа ишлаб чиқаришда ишлатилади.**

3571. Гелиотропин ироки совунни нима қилишда ишлатилади? **Хушбўй қилишда ишлатилади.**

3572. Гельвин (лот. helvus-кахрабосимон сариқ) қандай модда? **Минерал.**

3573. Гельвин қайси моддалар кичик синфига кирувчи берилсиликат? **Каркасли силикатлар кичик синфига кирувчи берилсиликат.**

3574. Гельвиннинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $(Mn, Fe, Zn)_8[BeSiO_4]_6S_2$.

3575. Гельвин таркибида неча фоиз BeO бор? **13,6 фоиз BeO бор.**

3576. Гельвин қандай сингонияли? **Кубик сингонияли.**

3577. Гельвин ранги қандай? **Сариқ, яшил, қизил кўнғирдан рангсизгача.**

3578. Гельвиннинг қаттиқлиги неча? **6-6,5.**

3579. Гельвиннинг зичлиги канча г/см³? **3,2-3,5 (г/см³).**

3580. Гельвин қаерларда учрайди? **Пегматит томирлар, грейзенлашган сменитлар, гранитлар, сульфид минералларига бой скарнларда учрайди.**

3581. Гельвин Ўзбекистоннинг қаерларида бор? **Чатқол, Қурама (Кўрғошинкон), Зарабулок (Интичка) тоғларида бор.**

3582. Гельвин қайси кимёвий элемент олинадиган руда? **Бериллий олинадиган руда.**

3583. Гельвин хорижда қаерларда топилган? **РФ (Урал), Қозоғистон, Норвегия, АҚШ, Руминия, Германияда топилган.**

3584. Гельмиролиз (юнон. helmuros шўр ва lusis - парчаланиш), сув ости нураши қандай ўзгариш? **Бирламчи чўкиндиларнинг денгиз остида эркин, оксидланиши ва бошқа жараёнлар таъсирида кимёвий ва минерал таркибининг ўзгариши.**

3585. Гельмиролиз жараёни тезлиги денгиз сувидаги моддаларнинг хусусияти ва чўкиндиларнинг тўпланиш сурьатига караб аникланади? **Туз ва газларнинг хусусияти ва чўкиндиларнинг тўпланиш сурьатига караб аникланади.**

3586. Гематит (юнон. haima-кон), темир ялтироғи – темирнинг кенг тарқалган нимаси? **Минерали.**

3587. Гематитнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? Fe_2O_3.

3588. Гематит қандай сингонияли? **Тригонал сингонияли.**

3589. Гематит қандай металлсимон ялтирайди? **Ярим металлсимон ялтирайди.**

3590. Гематит билан чинига чизилса, қандай из қолдиради? **Қизил из қолдиради.**

3591. Гематитнинг қаттиқлиги неча? **6-6,5.**

3592. Гематитнинг зичлиги канча г/см³? **5,3 г/см³.**

3593. Гематит қачон магнитланади? **Қиздирилганда магнитланади.**

3594. Гематит канча °С хароратда эрийди? **1594°С хароратда эрийди.**

3595. Гематит қаерларда учрайди? **Интрузив жинсларда, гидротермал конларда кварц, барит, магнетит, хлорит билан бирга ва вулкон кратерлари деворларида учрайди.**

3596. Гематит қандай жараёнда ҳосил бўлади? **Нураш жараёнида темир гидроксидларининг сувсизланиши натижасида ҳам ҳосил бўлади.**

3597. Гематитнинг жуда катта массалари қандай жараёнда вужудга келади? **Минтақавий метаморфизм жараёнида вужудга келади.**

3598. Гематит Ўзбекистоннинг қаерларида тарқалган? **Чатқол-Курама тоғларидаги темир конларида (Суренота, Гова, Тўрангил, Чақадамбулоқ), кўп металли конларда (Кўрғошинкон, Олтинтопган, Консой) кўп тарқалган.**

3599. Гематитнинг йирик конлари қайси мамлакатларда бор? **Украина (Кривой Рог), РФ (Курск магнит аномалияси, Урал тоғлари, Сибирда), АҚШ, Канада, Бразилия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда йирик конлари бор.**

3600. Гематит рудалари қайси моддалар олишда мухим хом ашё хисобланади? **Чўян ва пўлат моддалари олишда мухим хом ашё хисобланади.**

3601. Гематитнинг тоза кукунсимон хиллари қаерда ишлатилади? **Бўёк тайёрлашда ишлатилади.**

3602. Гематит қайси кимёвий элемент олинадиган руда? **Темир олинадиган руда.**

3603. Гемоглобин қандай модда? **Олам, умуртқали ва баъзи умуртқасиз хайвонлар қонида бўладиган нафас пигменти, мураккаб оқсил.**

3604. Гемоглобин конга қандай тус беради? **Қизил тус беради.**

3605. Гемоглобин нафас аъзоларидан тўқималарга қайси элемент ва тўқималардан нафас аъзоларига қайси модда олиб ўтади? **Нафас аъзоларидан тўқималарга кислород ва тўқималардан нафас аъзоларига карбонат ангидрид олиб ўтади.**

3606. Гемоглобин кислород билан қўшилиб, қандай бирикма ҳосил қилади? **Бекарор бирикма ҳосил қилади.**

3607. Гемоцианинлар баъзи моллюскалар ва бўғимоёқлилар гемолимфасининг кўк яшил рангли нафас олиш пигментлари? **Пигментлари.**

3608. Гемоцианинлар организмда қайси элементни ташиш функциясини бажаради? **Кислородни ташиш функциясини бажаради.**

3609. Гемоцианинларнинг кимёвий таркиби қандай моддалардан иборат? **Мураккаб оқсиллар (металлопротеидлар)дан иборат.**

3610. Гемоцианинлар кўпчилик моллюскалар гемолимфасида қандай ҳолда бўлади? **Эриган ҳолда бўлади.**

3611. Гемоцианинлар (оксидланган) қандай рангли? **Кўкиш рангли.** Гемоцианинлар (оксидланган) қайта тиклангандан сўнг қандай рангли бўлади? **Рангсиз бўлади.**

3612. Геокимё қандай қонуниятларни ўрганувчи фан? **Ернинг кимёвий таркиби, кимёвий элементлар ва уларнинг барқарор изотопларининг Ер ва турли геосфераларда тарқалиш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиш конуниятларини ўрганувчи фан.**

3613. Геокимё терминини фанга дастлаб қайси швейцариялик кимёгар нечанчи йилда киритган? **К. Ф. Шёнбейн 1838 йилда киритган.**

3614. Геокимё нечанчи аср бошланишида қайси фанлар туташган жойда вужудга келган? **XX аср бошланишида геология ва кимё фанлари туташган жойда вужудга келган.**

3615. Геокимёнинг асосчилари қайси олимлар хисобланади? **В. И. Вернадский (Россия), В. М. Гольдшмит (Норвегия), А. Е. Ферсман (Россия).**

3616. Геокимё бўйича биринчи йирик илмий ахборотлар тўплами кайси америкалик олим томонидан бажарилган? **Ф. У. Кларк томонидан бажарилган.**

3617. Геокимёнинг кайси янги тармоклари вужудга келган? **Космогеокимё, радиогеокимё, биогеокимё, аналитик геокимё, физик геокимё, гидрогеокимё, литосфера геокимёси, органик геокимё, литогенез геокимё, изотоплар геокимёси, табиий жараёнлар геокимёси, нодир элементлар геокимёси ва бошкалар вужудга келган.**

3618. Геокимё кайси фанларнинг маълумотларидан кенг микёсда фойдаланади? **Океаншуносник, биология, тупрокшуносник ва бошка фанларнинг маълумотларидан кенг микёсда фойдаланади.**

3619. Геокимё кандай бўлади? **Манфий ва мусбат бўлади.**

3620. Геокимёни кайси ўзбек олимлари янада ривожлантирдилар? **Х. М. Абдуллаев, О. М. Акромхўжаев, Х. И. Боймухамедов, И. Х. Ҳамрабоев.**

3621. Геокимёвий аномалиялар конлар хосил бўлишида вужудга келган бирламчи ва уларнинг емирилишидан хосил бўлган ва иккиламчи элементлар сочилиши доирасидан иборат бўлиб, нима борлигидан дарак беради? **Кон борлигидан дарак беради.**

3622. Геокимёвий аномалиялар текширилаётган жойдаги тог жинсларидан маълум тартиб бўйича намуналар олиб, улардаги нималарни мунтазам равишда аниклаш оркали бажарилади? **Элементларни мунтазам равишда аниклаш оркали бажарилади.**

3623. Геокимёвий аномалиялардан нималарни излашда кўпрок фойдаланилади? **Рудали конларни излашда кўпрок фойдаланилади.**

3624. Геокимёвий аномалияларлардан энг мухими литокимёвий съемка методи бўлиб, бу метод асосида кўп кандай конлар топилган? **Нодир металлар ва олтиннинг кўк конлари топилган.**

3625. Геокимёвий аномалиялардан гидрокимёвий метод нимани ўрганишга асосланган? **Спектрал ёки кимёвий таҳлил килиб таркибини аниклашга асосланган.**

3626. Геокимёвий аномалиялар натижасида фойдали казилма конларининг элемент-индикаторлари миқдорини тасвирловчи нималар тузилади? **Харита ва чизмалар тузилади.**

3627. Геокимёвий аномалиялардан кандай элементлар конларини кидиришда кенг фойдаланилади? **Сийрак ва нодир элементлар конларини кидиришда кенг фойдаланилади.**

3628. Геокимёвий аномалия нима? **Ер пўстининг муайян кимёвий элементлар ёки улар бирикмаларининг концентрацияси кларкдан кўплиги ёки камлиги билан фарк киладиган ва фойдали казилмаларда йигилган жойига нисбатан (руда жинси, нефть ёки газ уюми ва бошкалар) конуниятли жойлашган участкаси (ер юзаси).**

3629. Геокимёвий аномалия мусбат ва манфий бўлишидан катъи назар, кандай ишлар кўлланилади? **Геологик кидириш ва суратга тушириш (съёмка) ишларида кўлланилади. Масалан, Ўрта Осиёда уран конларини кидиришда манфий геокимёвий аномалия, олтин конларини кидиришда мусбат геокимёвий аномалияси мухим роль ўйнайди.**

3630. Геокимёвий жараёнлар кандай жараёнлар? **Тог жинслари, минераллар, шунингдек, уларни хосил килган эритма ва котинмаларнинг кимёвий таркибининг ўзгариш жараёнлари.**

3631. Геокимёвий жараёнлар натижасида кандай ўзгариш содир бўлади? **Кимёвий элементлар миграцияси (баъзиларининг йўколиши, бошкаларнинг келиб колиши ва концентрацияланиши), улар-**

нинг валентлик нисбати ўзгариши содир бўлади.

3632. Геокимёвий жараёнлар қаерларнинг пастки қатламларида яхши ўрганилган? **Литосфера, гидросфера ва атмосферанинг пастки қатламларида яхши ўрганилган.**

3633. Геокимёвий жараёнлар қандай хилларга бўлинади? **Геологик тарих олди, эндоген, экзоген ва метаморфоген хилларига бўлинади.**

3634. Геокимёвий жараёнларда магманинг дифференцияси натижасида ундан турли таркиб ва тузилишли қандай моддалар хосил бўлади? **Минераллар хосил бўлади.**

3635. Геокимёвий жараёнларда асосли ва ўта асосли магма совиганда ундан биринчи навбатда қайси гуруҳ элементлари қаттиқ фазага ўтади? **Темир, магний, кальций, хром, титан, платина ва платина гуруҳи элементлари қаттиқ фазага ўтади.**

3636. Геокимёвий провинция – Ер пўстининг қандай жинсларда муайян кимёвий элементларнинг кўп ёки кам (кларкга нисбатан) миқдор учрайдиган алоҳида қисми? **Тоғ жинсларида муайян кимёвий элементларнинг кўп ёки кам (кларкига нисбатан) миқдор учрайдиган алоҳида қисми.**

3637. Геокимёвий провинция магматик тоғ жинсларида айрим элемент кларкдан кўп учраса у ҳолда тоғ жинслари шу элементга қандай хисобланади? **Бой хисобланади.**

3638. Геокимёвий провинцияни ўрганиш минтақавий геокимёнинг кўпгина вазифаларини нима қилишга ёрдам беради? **Ҳал қилишга ёрдам беради.**

3639. Геокимёвий цикллар қандай жараёнлар мажмуи? **Тадрижий (эволюцион) кечадиган кимёвий жараёнлар мажмуи.**

3640. "Геокимёвий цикллар" термини қайси рус олими томонидан нечанчи йилда таклиф қилинган? **А. Е. Ферсман томонидан 1922 йилда таклиф**

қилинган.

3641. Геокимёвий цикллар қандай жараёнларни ўз ичига олади? **Магматик, постмагматик, гиперген, чўкинди жинс хосил киладиган эрта ва кечки денгиз ва метаморфик жараёнларни ўз ичига олади.**


3642. Геокимёвий цикллар қандай кимёвий элементлар учун ҳам кузатилади? **Алоҳида кимёвий элементлар учун ҳам кузатилади.**

3643. Геокимёвий кидириш қаерларда кимёвий элементларнинг тарқалиш қонуниятларини ўрганишга асосланган фойдали қазилма конларини топиш методлари? **Литосфера, гидросфера, атмосфера ва бошқаларда кимёвий элементларнинг тарқалиш конуниятларини ўрганишга асосланган фойдали қазилма конларини топиш методлари.**

3644. Геокимёвий кидириш геологик кидириш мақсадида ўрганилаётган моддаларнинг хусусиятига кўра, қандай методларга бўлинади? **Литокимёвий, гидрокимёвий, атмокимёвий (газли) ва биокимёвий методларга бўлинади.**

3645. Геологик тарих олди геокимёвий жараёнлар қандай жараёнларни қамраб олган? **Ернинг хосил бўлиши билан боғлиқ бўлган жараёнларни қамраб олган.**

3646. Геомерик изомерия ўрин алмашинувчиларнинг қандай боғ ёки текислигига нисбатан турлича жойлашувидан келиб чикади? **Кўпалок боғ ёки ҳалқа текислигига нисбатан жойлашувидан келиб чикади. Масалан, малеин (I) ва фумар (II) кислоталар:**



3647. Гераниол органик бирикма бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_{10}H_{18}O$.

3648. Гераниол рангсиз ёки оч-сарик рангли атир-

гул хидли кандай модда? **Суюк модда.**

3649. Гераниолнинг зичлиги канча г/см^3? **0,889 г/см^3.**

3650. Гераниолнинг суюкланиш харорати минус канча °С? **Минус 15° С.**

3651. Гераниолнинг кайнаш харорати канча °С? **229° С – 230° С.**

3652. Гераниол сувда кандай эрийди? **Ёмон эрийди.**

3653. Гераниол кайси моддаларда яхши эрийди? **Этанол ва пропиленгликолда яхши эрийди.**

3654. Гераниол кайси мойлар таркибида α- ва β- шаклларн аралашмаси холида бўлади? **Гераний, атиргул, цитропелла ва бошка эфир мойлари таркибида.**

3655. Гераниол мураккаб эфир мойида хам қайси сабзавот мевасидан олинадиган эфир мойида хам мавжуд? **Сабзи мевасидан олинадиган эфир мойида хам мавжуд.**

3656. Гераниолнинг олиниш усуллари қайсилар? **Эфир мойларидан ажратиб олиш; Цитралии селектив гидридлаш; линалоолани ванадий катализаторлари иштирокида изомерлаш; мирценни гидрохлорлаш; хлоридларни CH_3COONa билан бирга киздириш ва хосил хосил бўлган ацетатларни гидролизлаш; изопрен билан хлорид кислотани $SnCl_4$ иштирокида теломеризациялаш ва олинган хлоридларни гидролизлаш.**

3657. Гераниол ва мерол қандай моддалар олишда фойдаланилади? **Мураккаб эфирлар, хушбўй моддалар олишда фойдаланилади.**

3658. Гераниол кандай воситалар ишлаб чикаришда кўлланилади? **Хўшбўй хидли атир-упа, совун ва ювиш воситалари ишлаб чикаришда кўлланилади.**

3659. Германидлар кандай бирикмалар? **Германийнинг металлар билан хосил килинган бирикмалари.**

3660. Германидлар ялтироклиги нималарга хос? **Металларга хос.**

3661. Германидлар кандай моддалар? **Мўрт, каттик моддалар.**

3662. Германидларнинг нечламчилари мавжуд? **Иккиламчилари (масалан, FeGe, Cu_3Ge) ва учламчи (масалан, MnAlGe) моддалар мавжуд.**

3663. Германидлар кўпчилигининг суюкланиш харорати кандай? **Юкор. Масалан, Zr_3Ge_3 нинг суюкланиш харорати 2330° С, $HfGe_3$ нинг суюкланиш харорати 2330° С, $HSGe_3$ нинг суюкланиш харорати 2200° С, Th_3Ge_3 нинг суюкланиш харорати 2000° С.**

3664. Германидлар аксарнятининг электр ўтказувчанлиги нималарга ўхшаш? **Металларга ўхшаш.**

3665. Германидларнинг ўта ўтказувчанлик холатига ўтиш хароратлари кандай? **Юкори, масалан, V_3Ce учун у 6 К ва Nb_3Ge 6,9 К.**

3666. Германидлар орасида қандай ўтказгичлар хам бор? **Ярим ўтказгичлар хам бор, масалан, Mg_2Ge.**

3667. Германидлар орасида кандай магнетиклар хам бор? **Ферромагнетиклар хам бор, масалан, Mn_5Ge.**

3668. Германидлар сувда нима қилади? **Гидролизланади.**

3669. Германидлар қандай моддалар таъсирида ажралади? **Кислоталар таъсирида ажралади.**

3670. Германидлар кандай усуллар билан олинади? **Тегишли элементларни киздириш ёки эритиш, шунингдек, эритмаларни электролиз килиш, оксидларни кайтариш ва бошк. усуллар билан олинади.**

3671. Германидларнинг баъзилари кандай материаллар? **Ярим ўтказгич ва магнит материаллар.**

3672. Германидлар нималар учун хом ашё? **Ядро техникаси ва термоэлементлар учун хом ашё.**

3673. Германидлар қотишмаларининг қандай хоссасини оширувчи моддалар? **Мустахкамлигини оширувчи моддалар.**

3674. Германийга суюлтирилган кайси кислоталар таъсир этмайди? **Суюлтирилган хлорид ва сульфат кислота таъсир этмайди.**

3675. Германийни кайси кислота GeO_2 га кадар оксидлайди? **Нитат кислота GeO_2 га кадар оксидлайди.**

3676. Германий (IV) – оксид, GeO_2 қандай холдаги ок модда? **Кристалл холдаги ок модда.**

3677. Германий (IV) – оксид канча °С хароратгача тетрагонал панжарали α - GeO_2 холатда тургун? **1035° С хароратгача тетрагонал панжарали α - GeO_2 холатда тургун.**

3678. Германий (IV) – оксиднинг суюкланиш харорати канча °С? **1086° С.**

3679. Германий (IV) – оксиднинг зичлиги канча г/см³? **6,277 г/см³.**

3680. Германий (IV) – оксид канча °С дан юкори α = GeO_2 гексогонал панжарали? **1035° С дан юкори хароратда α = GeO_2 гексогонал панжарали.**

3681. Германий (IV) – оксид кайси элемент олишда оралик махсулот? **Германий олишда оралик махсулот.**

3682. Германий (IV) – оксид қандай моддалар олишда ишлатилади? **Махсус шишалар, сирлар, эмаллар, оптик толалар ишлаб чикаришда, мухим германий бирикмалари, германатлар ва бошк. олишда ишлатилади.**

3683. Германий олтингугурт билан канча ° С хароратда GeS хосил қилади? **600° С – 700° С хароратда GeS хосил қилади.**

3684. Германий олтингугурт билан канча ° С

хароратда GeS_2 хосил қилади? **1000° С – 1100° С хароратда GeS_2 хосил қилади.**

3685. Германий селен билан канча ° С хароратда GeSe хосил қилади? **500° С хароратда GeSe хосил қилади.**

3686. Германий галогенлар билан осон реакцияга киришиб, қандай моддалар беради? **Тетрагалогенидлар беради.**

3687. Германий кайси элементлар билан бевосита бирикмайди? **Азот, кремний, водород, углерод билан бевосита бирикмайди.**

3688. Германий ва унинг бирикмалари қандай ўтказгичлар? **Ярим ўтказгичлар.**

3689. Германий ва унинг бирикмалари қандай материаллар? **Турли хил диодлар, транзисторлар, детекторлар, термоэлектрик ва термоэмиссион материаллар.**

3690. Германий ва унинг бирикмалари қандай махсулотлар ва копламалар тайёрлашда қўлланилади? **Заргарлик махсулотлари ва махсус копламалар тайёрлашда қўлланилади.**

3691. Германий, кремний, фосфор ва баъзи металлмасларнинг қандай босим остида металл каби ўтказувчи модификациялари мавжудлиги аниқланган? **Юқори босим остида металл каби ўтказувчи модификациялари мавжудлиги аниқланган. Бундан ташкари, юкори босим остида барча моддалар ҳам металлик хоссаларини намоён қилиши мумкин. Шу сабабли, у ёки бу элементни металлга ёки металлмасларга тааллукли эканлигини белгилашда унинг нафакат физик хоссалрини, балки кимёвий хоссалрини хам хисобга олиш зарур.**

3692. Герсдорфит (Австралиядаги никель кони эгаси Герсдорф номидан) қандай модда? **Минерал.**

3693. Герсдорфитнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **NiAsS.**

3694. Герсдорфит қандай сингонияли? **Кубик**

сингонияли.

3695. Герсдорфитнинг ранги кандай? **Кумушсимон ок, кулранг.**

3696. Герсдорфитнинг ялтироклиги кандай? **Металлсимон.**

3697. Герсдорфитнинг каттиклиги неча? **5,5.**

3698. Герсдорфитнинг зичлиги канча г/см^3? **5,6-6,2 (г/см^3).**

3699. Герсдорфит кандай учрайди? **Кам учрайди.**

3700. Герсдорфит каерларда хосил бўлади? **Герсорфит гидротермал ертомирларида хосил бўлади.**

3701. Герсдорфит Ўрта Осиёнинг каерларида маълум? **Ўрта Осиёнинг Олмалик, Октепа (Курама тоғи), Тасказган (Кизилкум) ва Бўзатов (Қорақалпоғистон)да маълум.**

3702. Герсдорфит қайси хорижий мамлакатларда топилган? **РФ (Урал тоғи), Германия (Гарц), Марокаш (Айт-Ахмат), Австралия ва бошка жойларда топилган.**

3703. Герсдорфитнинг амалий ахамияти кандай? **Кам.**

3704. Гетеровольфраматлар эритмалардан кандай холда ажралиб чикади? **Кристаллогидратлар холида ажралиб чикади, масалан, $K_3[P(W_3O_{10})_4] \cdot 4H_2O$.**

3705. Гетероген ёниш кандай мухитда ёниш? **Суюк ва каттик ёнилгининг газсимон оксидловчи мухитида ёниши.**

3706. Гетероген катализ баъзан нима деб хам аталади? **Контакт катализ деб хам аталади.**

3707. Гетероген каталитикда катализатор сифатида кандай моддалар ишлатилади? **Каттик моддалар ишлатилади.**

3708. Гетероген катализаторларнинг кандай турлари маълум? **Шарсимон, гранулсимон, спиралсимон ва бошка турлари маълум.**

3709. Гетероген катализаторлар баъзан кандай катализатор деб хам аталади? **Контакт катализатор деб хам аталади.**

3710. Гетероген катализаторлар каерда кенг кўлланилади? **Саноатда кенг кўлланилади.**

3711. Гетерополибирикмалар кандай бирикмалар? **Комплекс бирикмалар.**

3712. Гетерополибирикмалар таркибига кандай моддалар киради? Лигандлар **сифатида молибденли, вольфрамли, баъзан ванадийли, ниобийли ва бошка анорганик изополикислоталарнинг анионлари, шунингдек, гетерополикислоталар ва уларнинг тузлари киради.**

3713. Гетеровольфраматлар эритмаларидан кандай моддалар холида ажралиб чикади? **Кристаллогидратлар холида ажралиб чикади, масалан, $K_3[P(W_3O_{10})_4] \cdot 4H_2O$.**

3714. Гетерополикислоталар ва уларнинг баъзи тузлари (рубидий, цезий, симоб, аммоний ионы, оғир металлар ва органик асослардан ташкари) кандай моддаларда яхши эрийди? **Сувда ва таркибида кислород бўлган эритувчилар (спиртлар, кетонлар, оддий эфирлар)да яхши эрийди.**

3715. Гетерополикислоталар кандай моддаларни ажратиб олишда кўлланилади? **Антибиотикларни ажратиб олишда кўлланилади.**

3716. Гетерополикислоталар нима сифатида кўлланилади? **Катализатор сифатида, масалан, олефинларнинг оксидланишида кўлланилади.**

3717. Гетерополикислоталарнинг хосил бўлишидан аналитик кимёда кайси элементларни очишда фойдаланилади? **Маргимуш, калай, сурмани очишда фойдаланилади.**

3718. Гетерополикислоталарнинг хосил бўлишидан аналитик кимёда кайси элементларни ва бошкаларни фотометрик усулда аниклашда фойдаланилади? **Рубидий, цезий, фосфор, молибден ва бошкаларни фотометрик усулда аниклашда фойдаланилади.**

3719. Гетерополикислоталар (баъзан) кандай моддалар ишлаб чикаришда кўлланилади? **Лок, бўёк ишлаб чикаришда кўлланилади.**

3720. Гетерополиконденсатланиш реакцияда функционал гурухлари бир хил бўлган бифункционал гурухли неча модда катнашади? **Икки модда катнашади.**

3721. Гетероферментсут кислотали бактериялар углеводларни сут кислота, сирка кислота CO_2 баъзан кайси моддагача парчалайди? **Этанолгача парчалайди.**

3722. Гётит (немис шоири И. Гёте номи билан аталган) кайси синфга мансуб минерал? **Гидроксидлар кенжа синфига мансуб минерал.**

3723. Гётитнинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? **FeOOH.**

3724. Гётит кандай модда таъсирида гидрогётит (лимонит)га айланади? **Сув таъсирида.**

3725. Гётит кандай сингонияли? **Ромбик сингонияли.**

3726. Гётитнинг ранги кандай? **Тўк кўнгир, кизгиш-кўнгир.**

3727. Гётитнинг ялтироги кандай? **Олмоссимондан металлсимонгача.**

3728. Гётитнинг каттиклиги неча? **4,5-5,5.**

3729. Гётитнинг зичлиги канча г/см^3? **4-4,4 (г/см^3).**

3730. Гётит кандай хосил бўлади? **Руда конларининг пураш зонасида ва чўкинди тог жинсларида хосил бўлади.**

3731. Гётит Ўзбекистоннинг кайси рудали конида учрайди? **Барча рудали конларида учрайди.**

3732. Гётит кайси кимёвий элемент олинадиган руда? **Темир элементи олинадиган руда.**

3733. Гётит конлари кайси давлатларда бор? **РФ (Жанубий Урал), Украина (Керчь ярим ороли)да бор.**

3734. Гиацинт кайси синфга мансуб минерал? **Силикатлар синфига мансуб минерал.**

3735. Гиацинт цирконнинг кандай тури? **Шаффоф тури.**

3736. Гиацинт цирконнинг кандай рангли тури? **Тўк сарик ёки кўнгир рангли тури.**

3737. Гиацинт кучли кандай моддасимон ялтирок? **Олмоссимон ялтирок.**

3738. Гиацинтнинг ранги ушбу номдаги нимани эслатади? **Гулни эслатади (номи шундан).**

3739. Гиацинтнинг энг сифатлилари кайси мамлакатларда олинади? **Таиланд, Вьетнам, Шри Ланка, ЖАР, Россия [Саха (Якутия), Урал]да олинади.**

3740. Гиацинт кайси давлатда хам учрайди? **Украинада хам учрайди.**

3741. Гиацинт кандай тош? **Кимматбахо тош.**

3742. Гидравлик охак таркибида анча микдорда кайси элементлар оксиди бўлади? **Кремний, алюминий ва темир оксиди бўлади.**

3743. Гидравлик охак кагарларда котишини таъминлайди? **Хавода хам, сувда хам котишини таъминлайди.**

3744. Гидразидлар нитрат кислота билан бирикиб кандай моддалар хосил килади? **Азидлар хосил килади. Улар карбуус реакциясидан фойдаланиб алкиллар хосил килиш мумкин; бу реакциялар-нинг кетма-кетлиги карбон кислоталардан аминлар олишнинг энг кудай усули.**

3745. Гидразин (диамид) – аммиак (NH_3) хосиласи бўлиб, унинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $H_2N\text{-}NH_2$.

3746. Гидразин рангсиз, каердаги сув бугини ютувчи кўланса хидли кандай суюклик? **Хаводаги сув бугини ютувчи кўланса хидли куюк суюклик.**

3747. Гидразиннинг зичлиги канча г/см^3? **2 г/см^3.**

3748. Гидразиннинг кайнаш харорати канча °С? **113,5° С.**

3749. Гидразиннинг қайси моддадаги эритмаси асосли хоссага эга? **Сувдаги эритмаси.**

3750. Гидразин қайси моддалар билан бирикиб, тузлар хосил қилади? **Кислоталар билан бирикиб, тузлар хосил қилади.**

3751. Гидразин қаердаги карбонат ангидридни ютади? **Ҳаводаги карбонат ангидридни ютади.**

3752. Гидразин қандай олинади? **Аммиак ёки мочевинани гипохлорит билан оксидлаб олинади.**

3753. Гидразин қаерда ишлатилади? **Пластмасса, резина, инсектицид ишлаб чиқаришда ҳамда қайтарувчи модда сифатида ишлатилади.**

3754. Гидразиннинг органик ўрин алмашган бирикмалари қандай қайтарувчилар бўлиб, атмосфера кислороди хона хароратида уларни аста-секин нима қилади? **Кучли қайтарувчилар бўлиб, атмосфера кислороди хона хароратида уларни аста-секин оксидлайди.**

3755. Гидразиннинг органик ўрин алмашган бирикмалари қандай моддалар сифатида қўлланилади? **Дори-дармонлар, бўёқлар, сунъий окартирувчилар, полимерланиш ва говак хосил бўлиш жараёнларини тезлаштирувчи моддалар сифатида қўлланилади.**

3756. Гидразобирикмалар қандай бирикмалар? **Гидразин молекуласида органик қолдиклар сақловчи бирикмалар.**

3757. Гидразобирикмалар қандай бирикмаларга бўлинади? **Бир ўрин алмашган, симметрик ва носимметрик, диўрин алмашган, уч- ва тетра ўрин алмашган бирикмаларга бўлинади.**

3758. Гидразобирикмалар гидразид хилидаги ўрин алмашган бирикмалар қандай бирикмалардан ташкил топади? **Моно -, ацил – ва ди – ўрин алмашган бирикмалардан ташкил топади.**

3759. Гидразобирикмалар қандай гуруҳлар қолдиқлари сифатида бўлиши мумкин? **Алифатик (алкилгидразинлар), ароматик (арилгидразинлар) ёки гетероциклик гуруҳлар қолдиклари сифатида бўлиши мумкин.**

3760. Гидразобирикмалар қандай муҳитда фишер реакцияси орқали қайта гуруҳланиб индол хосилаларини хосил қилади? **Кислотали муҳитда.**

3761. Гидразобирикмалар қандай усуллардан фойдаланиб олинади? **Носимметрик диалкил – ва диарилгидразинлар саноатда платина ёки никель катализатори иштирокида нитрозалинларни гидрирлаш усулида фойдаланиб олинади.**

3762. Гидразобирикмаларга қайси моддалар ҳам киради? **Гидразон ва азинлар ҳам киради.**

3763. Гидрокарбонат – натрийли нефть сувлари қандай минераллашган? **Кам (10 г/л гача) минераллашган.**

3764. Гидраргиллит (юнон. hydor-сув, argillos-ок гил), гиббсит – минерал бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **$Al[OH]_3$.**

3765. Гидраргиллит қандай системада кристалланади? **Моноклиник системада кристалланади.**

3766. Гидраргиллит қандай рангли, модласимон ялтироқ? **Рангсиз, садафсимон ялтироқ.**

3767. Гидраргиллит табиатда қандай шаклда бўлади? **Олти бурчакли тахтасимон кристаллар шаклида бўлади.**

3768. Гидраргиллитнинг каттиклиги неча? **2,5-3,5.**

3769. Гидраргиллитнинг зичлиги қанча г/см^3? **2,3-2,4 (г/см^3).**

3770. Гидраргиллит паст хароратли гидротермал жараёнларда экоген нураш натижасида хосил бўлиб, қайси моддалар таркибида учрайди? **Бокситлар, латерит моддалари таркибида учрайди.**

3771. Гидраргиллит Ўзбекистоннинг қайси тоғларида бор? **Фарғона ва Қизилқум тоғларида бор.**

3772. Гидратланиш – кимёвий моддалар (молекула, атом ёки ионлар)нинг қайси модда билан бирикиши? **Сув билан бирикиши.**

3773. Гидратланиш реакциялари табиатда кенг тарқалган бўлиб, ундан қаерларда кенг фойдаланиладилар? **Лаборатория ишида ва техникада, курилишда кенг фойдаланилади (масалан, цементнинг гидратланиши, цементнинг сув билан кимёвий реакцияга кириш жараёни, бу реакция натижасида цемент тош юзага келади).**

3774. Гидратлар (юнон. hydor-сув) қандай моддалар? **Оддий ва мураккаб моддалар (тузлар, кислоталар, асослар ва органик бирикмалар)нинг гидратланиши натижасида хосил бўладиган қаттиқ, суюқ ёки газ, ҳолидаги моддалар.**

3775. Гидратлар таркибидаги сув қандай шаклда бўлади? **Молекулалар шаклида бўлади.**

3776. Гидратларнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $MgCl_2 \cdot 6H_2O$ ёки $[Mg(H_2O)_6Cl_2]$.

3777. Гидратлардаги сувни қандай йўқотиш мумкин? **Хароратни ошириб ёки атрофдаги буғ босимини камайтириб йўқотиш мумкин.**

3778. Гидратлар қайси табиий минераллардан иборат? **Гипс, кизерит, карналлит ва х. к.**

3779. Гидратлар қандай бирикмалар? **Кимёвий элементларнинг водород билан хосил қилган бирикмалари.**

3780. Гидратлар қандай турларга бўлинади? **Тузсимон, металлсимон, учувчанга бўлинади.**

3781. Гидратланган анорганик боратлар қандай олинади? **Ортоборат кислотага металл оксидлари, гидроксидлари ва карбонатлар таъсир эттириб олинади.**

3782. Гидридлар кимёвий элементларнинг қайси элемент билан хосил қилган бирикмалари? **Водород билан хосил қилган бирикмалари.**

3783. Гидридлар қандай моддасимонларга бўлинади? **Тузсимон, металлсимон, учувчан моддасимонларга бўлинади.**

3784. Гидроароматик бирикмалар, салициклик бирикмалар молекуласида неча аъзоли углерод халқалари сақловчи органик бирикмалар? **Беш ёки олти аъзоли углерод халқалари сақловчи органик бирикмалар.**

3785. Гидроароматик бирикмалар қандай хоссага эга? **Ноароматик хоссага эга.**

3786. Гидроароматик бирикмаларнинг суюқланиш харорати, одатда, зичлиги унга якинрок бўлган қайси моддаларникидан пастрок? **Парафин углеводородларникидан пастрок.**

3787. Гидроароматик бирикмаларнинг хоссаси қайси моддаларнинг хоссаларига яқин? **Парафин углеводородларнинг хоссаларига яқин.**

3788. Гидроароматик бирикмалар оксидланса ён занжири оксидланиш хисобига қандай кислоталар хосил бўлади? **Нафтен кислоталар хосил бўлади.**

3789. Гидроароматик бирикмалар (беш аъзоли) қандай реакция орқали парафин ва изопарафин углеводородларни, олти аъзолилари эса дегидрогенланиб, тегишли ароматик углеводородларни хосил қилади? **Гидрогенолиз реакцияси орқали парафин ва изопарафин углеводородларни, олти аъзолилари эса дегидрогенланиб, тегишли ароматик углеводородларни хосил килади.**

3790. Гидроароматик бирикмалар турли табиий органик бирикмалар қайси моддалар таркибига киради? **Эфир мойлари, скипидар, антибиотиклар (стрептомицин) А ва Д витаминлар, алкалоидлар таркибига киради.**

3791. Гидроароматик бирикмалар ёкилгилар ва сурков мойлари нимасига қандай таъсир этувчи компонентлар? **Сифатига яхши таъсир этувчи компонентлар.**

3792. Гидроароматик бирикмалар бензиннинг қандай хоссаларини яхшилайди? **Антидетонацион хоссаларини яхшилайди.**

3793. Гидроароматик бирикмалар сурков мойлари ва керосиннинг котиш хароратини пима килади? **Пасайтиради.**

3794. Гидроароматик бирикмалар дизель ёнилгиларининг нимасини оширавди ва яшилайди? **Калориясини оширади ва сифатини яхшилайди.**

3795. Гидроароматик бирикмалар ичида энг кўп қўлланиладигани кайси модда? Бу модда кандай моддалар ишлаб чикаришга кетади? **Циклогексан. У капролактам, адипин кислота ва синтетик толалар ишлаб чиқаришга кетади.**

3796. Гидрогенлаш кандай реакция? **Оддий моддалар (кимёвий элементлар)га ёки мураккаб бирикмаларга катализаторлар иштирокида водород бириктириш реакцияси.**

3797. Гидрогенлаш ва дегидрогенлаш органик моддаларни нималар иштирокида синтез килишнинг мухим усуллари бўлиб, оксидланиш-кайтарилиш реакцияларига асосланган? **Катализаторлар синтез килишнинг мухим усуллари бўлиб, оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига асосланган. Бу реакциялар саноатда улкан реакторларда олиб борилади. Ёғлар ва кўмирни гидрогенлаш шулар жумласига киради. бошқа катор реакцияларда гидрогенлаш ва дегидрогенлаш реакциялари мужассам ҳолда амалга оширилади. Этил спиртини катализаторлар иштирокида ацетальдегидга айланишидан иборат кайтар реакция бунга мисол бўла олади:**

$$C_2H5OH \rightleftharpoons CH_3CHO + H_2\uparrow.$$

Ҳарорат кўтарилганда ва H_2 босими пасайганда ацетальдегид, акс ҳолда этил спирти хосил бўлади.

3798. Гидрогенлаш ва дегидрогенлаш саноатида

кенг қўлланилиб, метил спирт қандай олинади? **Углерод монооксидини рух-хром оксидалри (катализатор) иштирокида гидрогенлаб олинади.**

3799. Гидрогенлаш ва дегидрогенлашда кайси металлар, оксидлар, сульфидлар катализаторлар бўлиб хизмат килади? **Баъзи металлар (Fe, Ni, Co, Pt, Os ва х.к), оксидлар (NiO, CoO, Cr_2O_3, MoO_2 ва х.к), шунингдек, сульфидлар (WS_2, MoS_2, CrnSm) катализаторлар бўлиб хизмат қилади.**

3800. Гидрогенлашдан қандай материаллар ишлаб чиқара бошлаши муносабати билан оралик маҳсулотлар (фенолдин циклогексонал, адипин кислота динитрилдан гексаметилендиамин ва анилиндан циклогексиламин) олишда кенг фойдаланилади? **Капрон, анил (найлон) ва бошк материаллар ишлаб чиқарила бошлаши муносабати билан оралик маҳсулотлар олишда гидрогенлашдан кенг фойдаланилади.**

3801. Гидрогенлаш мономерлар саноатида қандай миоддаларни синтез килишда кенг қўлланилади? **Каучук ва смолаларни синтез килишда кенг қўлланилади.**

3802. Гидроглауберит минералининг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $Na_{10}Ca_3(SO_4)_8 \cdot 6H_2O$.

3803. Гидроглауберит қайси элементларнинг сувли сульфати? **Натрий ва кальцийнинг сувли сульфати.**

3804. Гидроглауберитнинг рангн қандай? **Ок.**

3805. Гидроглауберит кандай шаклларда учрайди? **толасимон, игнасимон, баъзан ўргимчак инига ўхшаш шаклларда учрайди.**

3806. Гидроглауберитнинг зичлиги канча г/см³? **1,5 (г/см³).**

3807. Гидроглауберит дунела биринчи марта кайси конда топилган? **Қорақалпоғистондаги**

Кушканатов конида топилган.

3808. Гидроглауберит кайси тузли кўллар ёткизикларида хам учрайди? **Кораумбет ва Борсакелмаснинг тузли конлари ёткизикларида хам учрайди.**

3809. Гидрокарбонатлар, бикарбонатлар кайси кислотанинг кандай тузлари? **Карбонат кислота (H_2CO_3)нинг нордон тузлари. Масалан, NaHCO (натрий гидрокарбонат).**

3810. Гидрокарбонатлар кандай олинади? **Карбонатларга ёки гидроксидларга сув ништирокида CO_2 таъсир эттириб олинади.**

3811. Гидрокарбонатлар нима килинганда карбонатларга айланади? **киздирилганда карбонатларга айланади:**

$$2NaHCO_3 \rightarrow Na_2CO_3 + H_2O + CO_2\uparrow.$$

3812. Гидрокарбонатлар кон реакциясини доим бир хил саклайдиган кандай моддалар бўлиб, организмда мухим кандай роль ўйнайди? **Буфер моддалар бўлиб, организмда мухим физиологик роль ўйнайди.**

3813. Гидроксидлар – металларнинг умумий формуласи $Me(OH)_n$ бўлган (бу ерда: n – металлнинг оксидланиш даражаси) кандай бирикмалари? **Анорганик бирикмалари.**

3814. Гидроксидлар кандай хоссаларга эга бўлиши мумкин? **Асослик ва амфотермик хоссаларига эга бўлиши мумкин.**

3815. Гидроксидлар эритманинг мухитига караб кандай хоссага эга бўлади? **Хам кислота, хам асос хоссасига эга бўлади.**

3816. Гидроксидлар: $Zn(OH)_2$, $Be(OH)_2$, $Ga(OH)_3$, $Al(OH)_3$, $Sn(OH)_2$, $Pb(OH)_2$ва бошкалар кандай гидроксидлар дейилади? **Амфотер гидроксидлар дейилади.**

3817. Гидроксидлар кислоталар тузлар, кучли асослар таъсирида кандай моддалар хосил килади?

Гидросокомплекслар хосил килади. Масалан, рух гидроксиди кислота билан хам, асос билан хам куйидагича реакцияга киришади:

$$Zn(OH)_2 + 2HCl \rightarrow ZnCl_2 + 2H_2O$$

$$Zn(OH)_2 + 2KOH \rightarrow K_2[Zn(OH)_4].$$

3818. Гидроксидлар металл оксидларини кайси модда билан бириктириб олади? **Сув билан бириктириб олади.**

3819. Гидроксидларнинг баъзилари табиатда кандай моддалар холида учрайди? **Минераллар [масалан, гидрогилит, $Al(OH)_3$; брусит $Mg(OH)_2$] холида учрайди.**

3820. Гидроксил гурух. гидроксил кайси моддалар колдигига радикал? Аксари кандай бирикмалар молекуласи таркибига киради ва уларнинг баъзи нимани белгилаб беради? **Сув колдиги, OH, бир валентли радикал. Аксари кимёвий бирикмалар молекуласи таркибига кирали ва (уларнинг баъзи) хоссаларини белгилаб беради. Масалан, сув (H - OH), асос (Na - OH), кислородли анорганик кислоталар, барча органик кислоталар, спирт ва бошкалар таркибида гидроксил гурух бор.**

3821. Гидроксил гурухни кандай йўл билан янги кимёвий бирикмалар олиш мумкин? **Гидроксил гурухни бошка гурухларга алмантириш йўли билан янги кимёвий бирикмалар олиш мумкин.**

3822. Гидроксиламин кандай рангли кристаллар? **Рангсиз кристаллар.**

3823. Гидроксиламин кандай панжарали? **Ромбик панжарали.**

3824. Гидроксиламин канча °С хароратда эрийди? **32° С хароратда эрийди.**

3825. Гидроксиламиннинг зичлиги канча г/см³? **1,335 г/см³.**

3826. Гидроксиламин иссиклик таъсирига кандай? **Чидамсиз.**

3827. Гидроксиламин қандай модда? **Гигроскопик модда.**

3828. Гидроксиламин парчаланганда қайси моддалар, элемент ҳосил қилади? **Аммиак, сув, азот ҳосил қилади.**

3829. Гидроксиламин таркибида қайси элементлар атомларида бўлинмаган электрон жуфтлари борлиги сабабли мустаҳкам (барқарор) комплекслар ҳосил қилади? **Азот ва кислород элементлар атомларида бўлинмаган электрон жуфтлари борлиги сабабли мустаҳкам (барқарор) комплекслар ҳосил қилади.**

3830. Гидроксиламиннинг қайси элементлар билан ҳосил қилган комплекслари канча °С ҳароратга чидамли кам гигроскопик моддалар? **Платина ва никель билан ҳосил қилган комплекслари канча 100°С ҳароратга чидамли кам гигроскопик моддалар.**

3831. Гидроксиламин кучли кислоталар билан гидроксил – аммоний катони тутувчи қандай моддалар ҳосил қилади? **Тузлар ҳосил қилади.**

3832. Гидроксиламин кучли кислоталар билан гидроксил – аммоний катони тутувчи тузларидан қайсилари аҳамиятли? **Улардан хлорид хлорид гидроксиламин NH_3OHCl, гидроксиламин сульфат $(NH_3OH)_2SO_4$ ва гидроксиламин перхлорат NH_3OHClO_4 лар аҳамиятли.**

3833. Гидроксиламин ва унинг тузлари қандай моддаларни синтез қилишда қўлланилади? **Оксиллар, гидроксил кислоталари ва баъзи бошқа моддаларни синтез қилишда қўлланилади.**

3834. Гидроксиламин сульфати қаерларда ва нима сифатида ишлатилади? **Рангли фото ва кинотасмада очилтиргич сифатида ишлатилади.**

3836. Гидроксиламин ва унинг тузлари қандай? **Захарли.**

3837. Гидроксидлар металл оксидларини қайси модда билан бириктириб олади? **Сув билан бириктириб олади.**

3838. Гидроксидларнинг баъзилари табиатда қандай моддалар ҳолида учрайди? **Минераллар [масалан, гидрогилит, $Al(OH)_3$; брусит $Mg(OH)_2$] ҳолида учрайди.**

3839. Гидролиз (гидро... ва юнон. lysis – ажралиш, парчаланиш)ни қандай умумий тенглама билан кўрсатиш мумкин? **Қуйидаги умумий тенглама билан кўрсатиш мумкин:**

$$A - B + H - OH \rightleftarrows A - H + B - OH$$

бу ерда: A – B – гидролизланувчи модда (туз), A – H (кислота), B – OH (асос) – гидролиз маҳсулоти.

3840. Гидролиз қайси бирикмаларда кўп тарқалган мухим жараён? **Анорганик ва органик бирикмаларда кўп тарқалган муҳим жараён.**

3841. Гидролиз қандай синфга мансуб бирикмаларда учрайди? **Тузлар, углеводлар, оксиллар, эфирлар, ёғлар ва бошқа турли синфга мансуб бирикмаларда учрайди.**

3842. Гидролизга нима учун кучли кислота ва кучли асосдан таркиб топган тузлар учрамайди? **Чунки уларнинг сувдаги эритмалари нейтрал бўлади.**

3843. Гидролиз натижасида эримайдиган ёки енгил учувчан модда хосил бўлса, реакция туз бутунлай нима қилгунча давом этади? **Парчалангунча давом этади.**

3844. Гидролиз туфайли муҳитнинг кислотали ё ишқорли бўлишини таъминлайдиган қандай эритмалар мавжуд бўла олади? **Буфер эритмалар мавжуд бўла олади.**

3845. Гидролизда нималар таъсиридан минебўла олади. компонентлар чиқиб кетиб,

ташқаридан олиб келинади ва натижада, қандай модалар хосил бўлади? **Гидротермал эритмалар таъсирида янги минераллар хосил бўлади.**

3846. Гидролитик дезаминланишда қайси кислоталар хосил бўлади? **Оксикислоталар хосил бўлади.**

3847. Гидросульфатлар, бисульфатлар қайси кислотанинг нордон тузлари? **Сульфат кислота (H_2SO_4) нинг нордон тузлари, масалан, $NaHSO_4$.**

3848. Гидросульфатлари фақат қандай металларники маълум? **Ишқорий металларнинг гидросульфатлари маълум.**

3849. Гидросульфатлар қандай олинади? **Улар қуйи хароратларда тегишли сульфатларни сульфат кислота билан ўзаро таъсир эттириб олинади: $K_2SO_4 + H_2SO_4 = 2KHSO_4$.**

3850. Гидросульфатлар суюкланиш хароратидан юкори хароратларгача қиздирилганда қайси моддаларга ажралади? **Сульфатлар ҳамда сульфат ангидридга ажралади: $K_2S_2O_7 \rightarrow K_2SO_4 + SO_3\uparrow$. Бундан қуйдирилган, кислоталарда эримайдиган алюминий, хром ва темир оксидларини эрувчан ҳолатга ўтказишда, уларни гидросульфатлар (ёки пиросульфатлар) билан бирга юкори хароратда суюклантириб сульфатлар олишда фойдаланилади:**

$$Al_2O_3 + K_2S_2O_7 = Al_2(SO_4)_3 + 3K_2SO_4.$$

3851. Гидросульфидлар қайси кислотанинг нордон тузлари? **Сульфид кислотанинг, масалан, калий гидросульфил, KHS.**

3852. Гидросульфидлар хосил бўлиши учун ишқорий металларга қайси модда таъсир эттирилади? **H_2S таъсир эттирилади: $2K + 2H_2S \rightarrow 2KHS + H_2\uparrow$.**

3853. Гидросульфитлар, бисульфитлар қайси кислотанинг нордон тузлари? **Сульфит кислотанинг нордон тузлари, масалан, $KHSO_3$.**

3854. Гидросульфитлар қайси реакцияда хосил бўлади? **$K_2CO_3 + 2SO_2 + H_2O \rightarrow 2KHSO_3 + CO_2\uparrow$.**

3855. Гидросульфитлар эритмаларда ҳаво кислороди билан аста-секин сульфатларгача нима қилади? **Оксидланади.**

3856. Гидросульфитлар (барча) қайси суюкликда яхши эрийди? **Сувда яхши эрийди.**

3857. Гидрослюдалар катлам структурали қайси моддалар гуруҳининг слюдасимон минераллари? **Алюминокислотоалар гуруҳининг слюдасимон минераллари.**

3858. Гидрослюдалар турли слюдаларнинг қайси минералларга боскичли ўтишидаги оралик махсулоти? **Каолин, монтмориконит, верлискурит ва хлоритларга боскичли ўтишидаги оралик махсулоти.**

3859. Гидрослюдаларнинг энг кўп тарқалганлар қайси минераллар? **Гидромусковит (иллит), ректорит, глауконит, гидробиотит, гидробионит.**

3860. Гидрослюдалар (қиздирилганда)нинг ҳажми анча нима қилади? **Анча кенгаяди.**

3861. Гидрослюдаларнинг аксарияти қандай вужудга келади? **Гранит, пегматит ва бошқа боғ жинсларда асосида вужудга келади.**

3862. Гидрослюдалар қандай ўғит сифатида ишлатилади? **Адсорбент, минерал ўғит сифатида ишлатилади.**

3863. Гидротермал эритмалардаги сув мантик сув – магма совиётганда ва ундан тоғ жинслари кристалланаётганда ажралиб чикади; 2) метаморфик сув – Ер пўстининг чукур зоналарида тажрибада сув мавжуд бўлган минералларнинг кайта кристалланишидан хосил бўлади; 3) денгиз чўкинди жинслари ғовакларида сакланган ва Ер пўстидаги силжишлар ёки ҳарорат таъсиридан ҳаракатланадиган сув; 4) ўзидан сув ўтказувчи баи нечта гуруҳга бўлинади? Улар қайсилар? 4 та **гуруҳлар бўлинади. Улар қуйидагилар: 1) магма-**

жинслар оркали Ернинг чукур кисмларига етиб борадиган метеор сув.

3864. Гидротермал конларда кўпинча энг кўп руда хосил бўлиши канча °С оралик (интервал)да содир бўлади? **400° С – 100° С оралик (интервал)да содир бўлади. Бу эритмалар, асосан, ёриклар бўйлаб харакат килади. Ер юзига чикиш пайтида босим ва харорат пасайиб, тог жинсларининг бўшлик ва дарзликларида турли минераллар кристалланади.**

3865. Гидротермал конларнинг кўпчилиги қандай бурмаларнинг гумбаз кисмидан кесиб ўтган ёрикларда жойлашади? **Антиклиналь бурмаларнинг гумбаз кисмидан кесиб ўтган ёрикларда жойлашади.**

3866. Гидротермал конларни қандай моддалар ташкил килади? **Сульфид, оксид, соф элементлар, вольфрамат, карбонат ва силикатлар ташкил килади.**

3867. Гидротермал конларда рудали минераллар қандай таркалган? **Нотекис таркалган, баъзан факат оғир металлар сульфидидангина иборат.**

3868. Гидротермал конларнинг таркибидаги асосий руданинг кўплигига караб қандай хилларга ажратилади? **Қуйидаги хилларга ажратилади: 1) сульфид рудалар – мис, рух, кўргошин, молибден, висмут, никель, кобальт, сурма, симоб конлари; 2) оксид рудалар – темир, вольфрам, тантал, ниобий, калай, уран конлари учун мансуб; 3) карбонат рудалар, баъзи бир темир ва марганец конларига хос; 4) соф рудалар – олтин ва кумуш; 5) силикатли, неметалл конлар (асбест, слюда), шунингдек, баъзи бир нодир металл (бериллий, литий, торий, камёб элементлар) конларини хосил килади.**

3869. Гидротермал конлар қандай конларнинг йирик гуруҳи? **Ер каърида харакатланадиган кайнок сувли эритмаларнинг чўкмасидан хосил бўлган фойдали казилма конларнинг йирик гуруҳи.**

3870. Гидротермал метаморфизм қаерлардаги қандай эритмалар таъсирида тоғ жинсларининг ўзгариш жараёни? **Ер остидаги иссик эритмалар таъсирида тоғ жинсларининг ўзгариш жараёни.**

3871. Гидрофоб цемент қандай модда? **Муайян туйинган портландцемент клинкерига гипс ва гидрофоб қўшилмалар (асидол, синтетик ёғли кислоталарининг колдиклари, оксидланган петралатум ва бошк.) қўшиб хосил килинган гидравлик ковушқок модда.**

3872. Гидрофоб цемент қайси моддани деярли ўтказмаслиги, совукка чидамлилиги билан бошка цементлардан фарқ қилади? **Сувни деярли ўтказмаслиги билан бошка цементлардан фарк килади.**

3873. Гидрохинон (1,4-дигидроксибензол), пара – диоксибензол органик бирикма бўлиб, кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_6H_4(OH)_2$.

3874. Гидрохинон неча атомли фенол? **Икки атомли фенол.**

3875. Гидрохинон қандай рангли модда? **Рангсиз кристалл модда.**

3876. Гидрохинонниг суюкланиш харорати канча °С? **173,8° С – 174,8° С.**

3877. Гидрохинон иссик сув, спирт, эфирда қандай эрийди? **Яхши эрийди.**

3878. Гидрохинон қайси моддада ёмон эрийди? **Бензолда ёмон эрийди.**

3879. Гидрохинонниг сувдаги эритмаси қаерда оксидланади? Қандай тусга киради? Ҳавода **оксидланади. Қўнғир тусга киради.**

3880. Гидрохинонниг оксидланиши қандай мухитда тезлашади? **Ишкорий мухитда тезлашади.**

3881. Гидрохинон нима қилганда хингидрон ва парахинон хосил бўлади? **Оксидланганда хингидрон ва парахинон хосил бўлади.**

3882. Гидрохинон қандай қайтарувчи бўлганлиги сабабли феминт эритмасини совукда қайтара олади? **Кучли қайтарувчи бўлганлиги сабабли феминт эритмасини совукда қайтара олади.**

3883. Гидрохинонни биринчи марта нечанчи йилда кайси немис кимегари хинондан олган? **1844 йилда Ф. Вёлер олган.**

3884. Гидрохинон каерларда ишлатилади? **Фотографияда, антиоксидант, органик бўёклар саноатида ярим хом ашё сифатида ва аналитик кимёда турли элементлар хамда бирикмаларни аниклашда ишлатилади.**

3885. Гилли минераллар кайси моддалар гурухи? **Гилларнинг асосий таркибий кисми бўлган ва уларнинг физик-кимёвий, механик ва бошка хусусиятларини белгиловчи сувли силикатлар гурухи.**

3886. Гилли минераллар ички тузилиши ва кимёвий таркибининг боскичма-боскич ўзгарини кандай шароитларнинг ўзгаришига боғлик холда содир бўлади? **Нураш натижасида нураш ва селиментация мухити физик-кимёвий шароитларнинг ўзгаришига боғлик холда содир бўлади.**

3887. Гилли минералларни аниклашда кайси методлардан фойдаланилади? **Инфракизил спектроскопиядан, кимёвий рентген, электрон-микроскопик, термик методлардан фойдаланилади.**

3888. Гилли сланец (нем greisen - парчаланиш). аспид, коплама сланец гилли минераллардан ташкил топган кандай жинс? **Чўкинди тоғ жинси.**

3889. Гилли сланец кандай хоссаларга эга? **Қайталаниш, ажралиш хоссаларга эга.**

3890. Гилли сланец қайси моддада ивимайди? **Сувда ивимайди.**

3891. Гилли сланец гилга нисбатан кандай? **Қаттиқ.**

3892. Гилли сланец кандай чўкиндиларга хос? **Геосинклиналь чўкиндиларга хос.**

3893. Гилли сланец таркибида гилдан ташкари кайси моддаларнинг зарралари хам бўлади? **Кварц, слюда, дала шпати ва бошка моддаларнинг зарралари хам бўлади.**

3894. Гилли сланец кандай рангда учрайди? **Кора, кулранг, гоҳо яшил рангда учрайди.**

3895. Гилли сланец Ўзбекистоннинг қайси тоғларида кенг таркалган? **Нурота, Зирабулоқ, Зиёвудцин, Чаткол-Курама тоғларида кенг таркалган.**

3896. Гилли сланецнинг ёнувчи турлари, бошка турлари қаерларда ишлатилади? **Хўжаликда гилли сланецнинг ёнувчи турлари ёкилги сифатида, бошка турлари курилишда, коплама материал, баъзи бир электр асбоблари, қалам тайёрлашда, кишлок хўжалигида ўғит сифатида ишлатилади.**

3897. Гилли сланец таркибида қайси минераллар бўлгани юкори харорага чидамли материал сифатида ишлатилади? **Каолинит, дистен ва андалузит бўлгани юкори харорага чидамли материал сифатида ишлатилади.**

3898. Гилмоя – гил турларидан бири бўлиб, у кайси минералдан иборат? **Монтмориллонитдан иборат.**

3899. Гилмояни Ўзбекистонда нималар хам дейилади? **Гилвата, тоғ ёғи, кўк ширам, соз кесак, тошсовун хам дейилади.**

3900. Гилмоя, асосан, каерларда кандай хосил бўлади? **Асосан, денгиз ва океан тубларида вулкон куллари ва гилларнинг ишкорли мухитида физик ва кимёвий ўзгаришидан хосил бўлади.**

3901. Гилмоянинг ранги кандай? **Ок, яшил, кулранг, кўнгир ва х.к.**

3902. Гилмоя кайси моддага ўхшаш, кандай? **Совунга ўхшаш, юмшок.**

3903. Гилмоя каерда тез куриб, нимага айланади? **Иссикда тез куриб, тошга айланади.**

3904. Гилмоя қайси моддада ҳажми 2-15 баробар ошади? **Сувда ҳажми 2 -15 баробар ошади.**

3905. Гилмоя қандай моддалар, элементларни ютиш (адсорбция) хусусиятига ҳам эга? **Ҳар хил моддалар, радиоактив элементларни ютиш (адсорбция) хусусиятига ҳам эга.**

3906. Гилмоя 1110° С – 1125° С ҳароратгача қиздирилса, кўпчиб, қандай моддага айланади? **Ковакли тош-керамзитга айланади.**

3907. Гилмоя қаерларда ишлатилади? **Резина, қоғоз, металлургия, озиқ-овқат саноатида, тиббиёт ва қишлоқ хўжалигида кўплаб ишлатилади.**

3908. Гилмоя қайси даврлар қатламларида кенг тарқалган? **Бўр ва палеоген даврлари қатламларида кенг тарқалган.**

3909. Гилмоя конларининг Ўзбекистонда қанчаси борлиги аниқланган? **200 га якин борлиги аниқланган.**

3910. Гилтупроқнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? Al_2O_3.

3911. Гипербазитлар қандай жинсларнинг умумий номи? **Ер пўстининг чуқур қисмида магманинг секин-аста совиб қотишидан хосил бўладиган ўта асосли интрузив жинсларнинг умумий номи.**

3912. Гипербазитлар таркибидаги минералларга қараб қандай минералларга бўлинади? **Қуйидагиларга бўлинади: оливинит, дунит, пироксенитга бўлинади.**

3913. Гипербазитлар минералининг таркиби қайси минераллардан ташкил топган? **Оливин, пироксан, амфибол ва рудали минераллардан ташкил топган.**

3914. Гипербазитларнинг ранги қандай? **Яшил, қорамтир.**

3915. Гипербазитлар Ўзбекистонининг қайси тоғларида учрайди? **Султон Увайс, Белтов, Нурота**

тоғларида учрайди.

3916. Гипербазитлар билан қайси модда ва элементлар конлари боғлиқ? **Хромит, платина, олмос, титан, никель конлари боғлиқ.**

3917. Гипербазитлар қаерларда қандай материал сифатида ишлатилади? **Бинокорликда ва ҳайкалтарошликда безак материали сифатида ишлатилади.**

3918. Гиперген жараёнлар – Ер пўсти ва унинг юзасидаги минерал моддаларнинг атмосфера, гидросфера ва тирик организмлар таъсирида қандай ҳароратларда кимёвий ва физик ўзгариши? **Паст ҳароратларда кимёвий ва физик ўзгариши.**

3919. Гиперген жараёнлар қандай ходисаларда намоён бўлади? **Кимёвий ажралиш, эриш, гидролиз, гидратация, оксидланиш, карбонатланиш ва бошка ходисаларда намоён бўлади.**

3920. Гиперген жараёнлар учун мухитнинг қайси даражаси ва имконияти мухим? **Ишқорлилик ёки кислоталилик даражаси ва оксидланиш – тикланиш имконияти мухим.**

3921. Гиперген жараёнларда қайси жараёнлар катта роль ўйнайди? **Биогеокимёвий жараёнлар катта роль ўйнайди.**

3922. Гиперген жараёнларнинг мухим ташки омили нима? **Иклим.**

3923. Гиперген жараёнларнинг ер юзасида жойлашиш қонунияти – зоналлик биринчи марта қайси рус олими томонидан аниқланган? **В. В. Докучаев томонидан аниқланган.**

3924. Гиперген жараёнлар натижасида қандай конлар вужудга келади? **Қимматбахо фойдали казилма конлар вужудга келади.**

3925. Гиперген конлар, седиментоген конлар, эзоген конлар қандай қазилма уюмлари? **Ер юзасида қадимги ва хозирги геокимёвий жараёнлар билан**

боғлик ҳолда ҳосил бўлган фойдали казилма уюмлари.

3926. Гиперген конлар қандай конларга бўлинади? **Нураш, сочма ва чўкинди конларга бўлинади.**

3927. Гиперген конлар қандай шароитда ҳосил бўлган минерал хом ашёларнинг механик ва биокимёвий қайта ўзгариши ва дифференциациясидан таркиб топади? **Эндоген шароитида.**

3928. Гиперген конлар қаерларда қандай ҳосил бўлади? **Океан ва денгиз туби ётқизикларида чўкинди (кўмир, ёнувчи сланецлар, нефть, ёнувчи газ ва бошқалар), ён бағирлар, дарё ва денгиз соҳаларининг бўш ётқизикларида сочма (олтин, платина, титан, вольфрам ва бошқалар), материк юзасида нураш (никель, темир ва бошқалар) конлари ҳосил бўлади.**

3929. Гиперген конларга қайси конлар киради? **Нефть ва газ, кўмир, кўпчилик рудали ва норуда конлари киради.**

3930. Гиперген конларнинг қандай аҳамияти бор? **Саноат аҳамияти бор.**

3931. Гиперген минераллар қандай ҳосил бўлган минераллар? **Гипергенез зонасида, яъни Ер пўстининг энг юқори қисмида паст ҳарорат ва босимда ҳосил бўлган минераллар.**

3932. Гиперген минераллар (энг кўп тарқалган)га силикат жинсларнинг нимасидан ҳосил бўлган гилли минераллар киради? **Нурашидан ҳосил бўлган гилли минераллар киради.**

3933. Гиперген минералларга қандай хусусиятлар хос? **Гидратация (кристалл панжарасига молекуляр сув ёки гидроксиднинг кириши), элементларнинг юқори даражада оксидланиш (темир, марганец, олтингугурт ва бошқалар) хусусиятлари хос.**

3934. Гиперген минераллар ҳосил бўлишида қайси элемент ва моддаларнинг ионлари асосий роль

ўйнайди? **Кислород, сув, карбонат, сульфат, хлорид ва фосфат кислоталарининг ионлари асосий роль ўйнайди. Бундан ташқари, иқлим, рельеф, минералларнинг физик, кимёвий хусусиятлари ҳамда ўсимлик ва ҳайвонларнинг фаолияти ҳам аҳамиятли.**

3935. Гиперген минераллар қандай конларни ва фойдали қазилмаларни излашда муҳим аҳамиятга эга? **Чўкинди конларни ва қалимги нураш пўстининг фойдали қазилмалари (боксит, гил, оҳактош, кўмир, туз ҳамда темир ва марганец рудалари)ни изланда муҳим аҳамиятга эга.**

3936. Гиперстен (гипер... ва юнон. stenos – куч, қаттиқлик) нима ҳосил қилувчи минерал? **Жинс ҳосил қилувчи минерал.**

3937. Гиперстен қайси гуруҳга мансуб? **Пироксенлар гуруҳига мансуб.**

3938. Гиперстеннинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $(Mg, Fe^{2+})_2[Si_2O_6]$.

3939. Гиперстен қандай сингонияли? **Ромбик сингонияли.**

3940. Гиперстен қандай ҳолда учрайди? **Призматик кристаллар ва майда доначалар ҳолида учрайди.**

3941. Гиперстеннинг ранги қандай? **Тўқ яшил, кўнғирдан корагача.**

3942. Гиперстеннинг ялтироқлиги қандай моддасимон? **Шишасимон.**

3943. Гиперстеннинг қаттиқлиги неча? **5-6.**

3944. Гиперстеннинг зичлиги канча г/см³? **3,3-3,5 (г/см³).**

3945. Гиперстен қандай жинсларда учрайди? **Ўта асосли магматик жинсларда учрайди.**

3946. Гиперстен қайси мамлакатларда топилган? **РФ (Слюдянка), Украина (Головин), Бавария (Боденмайс), Канада, Эрон, Индонезияда ва бошқа**

мамлакатларда топилган.

3947. Гиперстен Ўзбекистоннинг қаерларда бор? **Чатқол (Шовозсой), Курама (Октепа, Қўрғошин) ва Томдитовда бор.**

3948. Гипобромитлар бромнинг қайси элементли бирикмалари? **Кислородли бирикмалари.**

3949. Гипобромит кислотанинг кимевий формуласи қандай ифодаланади? **HBrO.**

3950. Гипобромит кислота ва унинг тузлари қандай моддалар? **Бекарор моддалар.**

3951. Гипобромит кислота кимёда қандай модда сифатида ишлатилади? **Оксидловчи сифатида ишлатилади.**

3952. Гипоген конлар, магматоген конлар, эндоген конлар қандай конлар? **Ер пўстининг чукур қисмларида магматик коришмалар ёки иссиқ сувли эритмалардан юкори харорат ва босим шароитида ҳосил бўлган фойдали казилма конлари.**

3953. Гипоген конлар нечта асосий генетик гурух конларга ажралади? **Улар 5 та асосий генетик гурух конларга ажралади.**

3954. Гипоген конлар қандай генетик гурух конларга ажралади? **Гипоген конлар қуйидаги гурух конларга ажралади: 1) магматик; 2) пегматик; 3) карбонатитли; 4) скарили; 5) гидротермал конларга ажралади.**

3955. Гипоген минераллар – (гипо... ва юнон. genes – келиб чикиши) қандай минераллар? **Ер пўстининг чукур қисмида минерал ҳосил бўлиш жараёнлари натижасида вужудга келадиган минераллар.**

3956. Гипоген минералларга қайси минераллар киради? **Силикатли ва сульфид оксидли магмаларнинг кристалланишидан ҳосил бўлган минерал-лар (дала шпатлари, пирокеенлар, оливин, хромит, титаномагнетит ва бошқалар), газсимон бирикмаларга бой колдик (пегматит) эритма минераллари**

(слюдалар, топаз, берилл ва бошқалар), контакт – метасоматик минераллар (гранатлар, везувианлар, магнетит, шеелит ва бошқалар), гидротермал руда томирлари минераллари (флюорит, вольфрамит, касситерит ва бошқалар) ва вулкон буғлари минераллари (олтингугурт ва бошқалар) киради.

3957. Гипоген минераллар пайдо бўлиш жараёни қандай жараёнлар дейилади? **Гипоген жараёнлар дейилади.**

3958. Гипоген минералларнинг кўплари қандай минералларга айланади? **Ернинг юза қисмида барқарор эмас ва нураш натижасида гиперген минералларга айланади.**

3959. Гипоген минераллар турини аниқлаш улар билан боғлик бўлган фойдали қазилмаларни нима килишга имкон беради? **Кидириб топишга имкон беради.**

3960. Гипохлоритлар қайси кислотанинг тузлари? **Гипохлорит кислота (HClO)нинг тузлари.**

3961. Гипохлоритлар орасида қайси бири мухим ахамиятга эга? **Кальций гипохлорит [$Ca(ClO)_2$] мухим ахамиятга эга.**

3962. Гипохлоритлар қаерларда қандай моддалар сифатида қўлланилади? **Тўқимачилик, целлюлоза ва бошка саноат тармокларида оқартувчи моддалар сифатида қўлланилади.**

3963. Гипохлоритлар қаерларда қандай мақсадда ишлатилади? **Барқарор захарли моддаларни йўкотиш, кир ўралар ва ташландикларни дезинфекция қилиш ва бошқа мақсадларда ишлатилади.**

3964. Гипс [(юнон. gypsos-бўр, оҳак) (табиий)] нинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $CaSO_4 \cdot 2H_2O$.

3965. Гипс қандай сингонияда кристалланади? **Моноклиник системада кристалланади.**

3966. Гипс (тоза) қандай рангли минерал? Ранг-

сиз ва шаффоф минерал.

3967. Гипс қандай пайдо бўлади? **Суви қурий бошлаган кўл ва денгиз хавзаларида сульфат тузларининг чўкишидан пайдо бўлади.**

3968. Гипс захиралари қандай ҳосил бўлади? **Асосан, гидротермал жараёнлар ҳамда, ангидриднинг гидратланиши натижасида ҳосил бўлади.**

3969. Гипс қатламлари Ўзбекистоннинг қайси вилоятларида топилган? **Фарғона (Қувасой), Бухоро (Когон) ва Сурхондарё вилоятларида топилган.**

3970. Гипсли тупроқлар қандай тупроқлар? **Тарқибида ва горизонтларида гипс бўлган тупроқлар.**

3971. Гипсли тупроқлар қандай тупроқларда ва чукурликда учрайди? **Қурук лашт, чала чўл ва чўл тупрокларида, шунинглек, шўрланган тупрокларда 10 см гача чукурликда (гипс катқалонли тупроклар) ва 50 см дан чуқуррокда (гипсли тупроклар) учрайди.**

3972. Гипсли тупроклар қандай гидратлар кўринишларида бўлади? **Ярим гидрат ($CaSO_4 \cdot 0{,}5H_2O$), гидрат ($CaSO_4 \cdot H_2O$) ва икки гидрат ($CaSO_4 \cdot 2H_2O$) кўринишларда бўлади.**

3973. Гипсли тупрокларнинг эрувчанлиги қандай модлалар иштирокида ортади? **Хлоридлар (кўпинча гипсли тупроклар қатламлари билан бирга учрайди) иштирокида ортади.**

3974. Гипсли тупрокларнинг ярим гидрати формуласи қандай ифодаланади? $CaSO_4 \cdot 0{,}5\,H_2O$.

3975. Гипсли тупроклар гидрати формуласи қандай ифодаланади? $CaSO_4 \cdot H_2O$.

3976. Гипсли тупроклар икки гидрати формуласи қандай ифодаланади? $CaSO_4 \cdot 2H_2O$.

3977. Гипснинг тупроклаги миклори неча фоиз ва ундан ортик бўлиши мумкин? **30 фоиз ва ундан ортик бўлиши мумкин.**

3978. Гипснинг тупроклаги миклори неча фоиз-

дан ошса, экинларнинг сўлиш коэффициенти ортади? **20 фоиздан ошса, экинларнинг сўлиш коэффициенти ортади.**

3979. Гиппурат кислота (лот. hippos-от ва iron-пешоб), бензолгликоколл, бензоилглицин органик модда; одам ва ҳайвонлар (айникса, ўткир ҳайвонлар) организмида моддалар алмашинувининг охирги махсулотларидан бири бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_6H_5CONH_2COOH$.

3980. Гиппурат кислота жигар ва буйракларда бензой кислота билан қандай моддадан ҳосил бўлади (озик-овкат, айникса, мевадаги заҳарли бензой кислотанинг зарарсиз ҳолга келиш махсули)? **Глицидан ҳосил бўлади.**

3981. Гиппурат кислота пешоб билан суткасига организмдан қанча г чамаси чикиб туради? **0,7 г чамаси чикиб туради.**

3982. Гиппурат кислота қандай касалликларда кам чикади? **Эпидемик гепатит, жигар перрози, юрак декомпенсацияси ва буйрак касалликларида кам чикади.**

3983. Гистамин қайси кислота ҳосиласи? **Гистамик - гистидин аминокислотаси ҳосиласи.**

3984. Гистамин қайси аминларга киради? **Биоген аминларга киради.**

3985. Гистамин қайси аъзо гормони бўлиб, кучли қандай таъсирга эга? **Тўкима гормони бўлиб, кучли биологик таъсирга эга.**

3986. Гистамин қандай хам олинади? **Синтезлаб хам олинади.**

3987. Гистамин қайси аъзоларнинг спастик қискаришига қарши дори? **Кон томирларнинг спастик қискаришига қарши дори.**

3988. Гистидин, α- амино - β- 5- имидазолилпропион кислотанинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_6H_9O_2N_3$.

3989. Гистидин қандай мода? **Кристалл модда.**

3990. Гистидин қайси моддаларда эрийди? **Сув ва спиртда эрийди.**

3991. Гистидин қайси моддада эримайди? **Эфирда эримайди.**

3992. Гистидинда қандай хоссалар бор? **Асос хоссалар бор.**

3993. Гистидин қайси моддалар таркибига киради? **Оқсиллар таркибига киради.**

3994. Гистидин организмда парчаланганда қандай моддалар ҳосил бўлади? **Гисталин (декарбоксилланганда) ёки аммиак, глюталин ва чумоли кислота (дезаминланганда) ҳосил бўлади.**

3995. Гистидин тиббиётда қайси аъзоларнинг яра касаллигида қўлланилади? **Меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллигида қўлланилади.**

3996. Гистонлар қаерларда учрайдиган қандай модда? **Ўсимлик ва хайвонлар ҳужайраси ядросида учрайдиган оксилдир.**

3997. Гистонлар қайси моддалар колдикларига бой? **Аргинин ва лизин моддалари колдикларига бой.**

3998. Гистонлар қандай хоссаларга эга? **Ишкорий хоссаларга эга.**

3999. Гистонлар ядрода нима билан бириккан ҳолда учрайди? **ДНК билан бириккан ҳолда учрайди.**

4000. Гистонлар хроматиннинг неча фоизини ташкил этади? **25-40 (фоиз)ни (курук огирлик хисобида) ташкил этади.**

4001. Гистонлар қайси модда таркибини тартибга солади? **Хроматин таркибини тартибга солади.**

4002. Гистонлар қайси кислоталар синтезланишининг бошқарилиб туриши звено (бўғин)ларидан бири хисобланади? **Нуклеин кислоталар (ДНК ва РНК) синтезланишининг бошқарилиб туриши звено (бўғин)ларидан бири хисобланади.**

4003. Гистонлар ҳужайра мембранасининг қандай молекуляр бирикмаларга нисбатан ўтказувчанлигини кучайтиради? **Юқори молекуляр бирикмаларга нисбатан ўтказувчанлигини кучайтиради.**

4004. Гистонларнинг қандай хусусияти улар таркибига кирадиган аминокислоталарни ҳосил қиладиган диаминомонокарбон (иккита амин ва битта карбоксил) гуруҳлар билан боғлик? **Ишкорий хусусияти.**

4005. Глаубер тузи – мирабилитнинг бошқа номи бўлиб, шу тузни дастлаб қайси немис кимёгари олган? **И. Р. Глаубер (1604-1670) олган (ўша кимёгар номи билан аталган).**

4006. Глауконит минерал бўлиб, у гидрослюда гуруҳига мансуб темир сувининг қандай моддаси? **Алюмосиликати.**

4007. Глауконитнинг кимёвий формуласи қандай? **Доимий эмас, мураккаб.**

4008. Глауконитнинг ранги қандай? **Тўк яшилдан корамтир яшилгача.**

4009. Глауконитнинг қаттиқлиги неча? **2-3.**

4010. Глауконитнинг зичлиги канча г/см^3? **2,2-2,8 (г/см^3).**

4011. Глауконит денгиз тубида қандай модда ҳолида чўкиб ҳосил бўлади? **Гел моддаси ҳолида чўкиб хосил бўлади.**

4012. Глауконит Ўзбекистоннинг қаерларда топилган? **Ўзбекистоннинг Фарғона водийсида, Ғарбий Қозоғистон, РФ (Волгабўйи), Украина, Тожикистон жанубидаги бўр даври қумтошларидан кўплаб топилган.**

4013. Глауконит озик-овқат саноатида қандай модда? **Окартирувчи модда.**

4014. Глауконит қишлоқ хўжалигида қандай модда сифатида ишлатилади? **Ўғит сифатида ишлатилади.**

4015. Глауконитдан кандай бўёк тайёрлашда қўлланилади? **Яшил бўёк тайёрлашда қўлланилади.**

4016. Глаукофан (юнон. глаукос – хаворанг яшил ва файнестай – ўхшамоқ) минерал, ишқорли амфибол бўлиб, унинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $Na_2Mg_3Al_2[Si_8O_{22}]_2[OH]_2$.

4017. Глаукофан кандай сингонияли? **Моноклиник сингонияли.**

4018. Глаукофан кандай зарралар? **Чўзик зарралар.**

4019. Глаукофан кандайсимон агрегатлар? **Устунсимон, шуъласимон, толасимон агрегатлар.**

4020. Глаукофаннинг ранги кандай? **Кулранг-кўк, ёркин-кўк ёки зангори – кора рангли.**

4021. Глаукофан кандай моддасимон ялтирок? **Шишасимон ялтирок.**

4022. Глаукофаннинг каттиклиги неча? **6-6,5.**

4023. Глаукофаннинг зичлиги канча г/см^3? **3,1-3,3 (г/см^3).**

4024. Глаукофан, асосан, каерларда учрайди? **Асосан, металлорофик сланецларда учрайди.**

4025. Глаукофаннинг асосий хусусияти кандай хосил бўлади? **Паст харорат ва юкори босимда хосил бўлади.**

4026. Глаукофан кайси мамлакатларда топилган? **АҚШ (Калифорния), Франция (Бретань), Италия (Аоста водийси), Япония (Канто), РФ (Жанубий Урал), Украина (Кривой Рог), Козогистон шаркида топилган.**

4027. Глаукофан Ўзбекистоннинг каерларда кандай шаклда учрайди? **Шимолий Фаргона, Шурота ва Ҳисор тоғларидаги молассларда нотўғри доначалар шаклида учрайди.**

4028. Гликоген (юнон. glykys – ширин ва genes - туғилган) кандай трмокли полисахарид? **Кўп тармокли полисахарид.**

4029. Гликоген умуртқалиларнинг, асосан, кайси аъзоларида неча фоиз тўпланади? **2-6 (фоиз), мускулларида 2 фоиз тўпланади.**

4030. Гликоген каерларда топилган? **Ачиткилар, айрим замбуруғлар ва сув ўтларида, маккажўхорининг айрим новлари доналарида хам топилган.**

4031. Гликоген кайси модда махсулоти? **Фосфорилазаси махсулоти.**

4032. Гликозидлар кандай моддалар? **Молекулалари углевод билан бирор органик бирикма колдиғи (агликон)нинг гликозид бог оркали бирикишидан хосил бўлган органик бирикмалар.**

4033. Гликозидларнинг кўпчилиги кандай бирикмалар? **Кристалл, аччик таъм ва ўзига хос хидли бирикмалар.**

4034. Гликозидлар нималарда кўп учрайди? **Ўсимликларда кўп учрайди.**

4035. Гликозидларнинг борлиги кайси жониворлар организмида аникланган? **Хайвонлар организмида аникланган.**

4036. Гликозидларнинг ахамияти нималар алмашинувида катта? **Моддалар алмашинувида ахамияти катта.**

4037. Гликозидлар аччик бодом, ўрик, шафтоли, олхўрининг барги ва данагида бўладиган кайси модда; горчица ва хрендаги кайси модда; картошкалаги кайси модда хамда ўсимликларни бўёвчи кайси моддалар энг мухим гликозидлар каторига киритилади? Уларнинг айримлари каерда қўлланилади? **Аччик бодом, ўрик, шафтоли, олхўрининг барги ва данагида бўладиган амигдалин; горчица ва хрендаги синигрин; картошкадаги соланин хамда ўсимликларни бўёвчи антоцианинлар энг мухим гликозидлар каторига киритилади. Уларнинг айримлари (азонин, строфантин) тиббиёт амалиётида, айникса,**

юрак-томир касалликларида (юрак гликозиди) қўлланилади. Ҳайвонлар миясидаги карбозидлар ва стрептомицин антибиотиги хам гликозидларга киради.

4038. Гликолиз (юнон. glylys – ширин ва lysis - парчаланиш) қандай жараён? **Углеводлар (асосан, глюкоза)нинг сут кислотасига анаэроб парчаланиш жараёни; бижғишнинг бир тури.**

4039. Гликолизда ажралиб чиккан энергия қайси модда боғлари энергиясига айланади? **Аденозинтрифосат (АТФ)нинг фосфат боғлари энергиясига айланади. Бу жараёнда 6 углеродли канд-Д-глюкоза хужайранинг асосий "ёнилғи"си хисобланади.**

4040. Гликолизда қандай бижғиш мухим ахамиятга эга? **Гемоферментатив сут кислотали ва спиртли бижғиш мухим аҳамиятга эга. Биринчи холда 6 углеродли глюкоза 2 молекула 3 углеродли сут кислотасигача парчаланади.**

4041. Гликолиз жараёни неча боскичда амалга ошади? **Икки боскичда амалга ошади.**

4042. Гликолиз жараёни қайси боскичлар? **Улар қуйидаги боскичлар: 1-боскичда оддий канддлар тўпланади ва улар глицериналлегидфосфатга айланиб, АТФ сарф бўлади; 2-боскичда оксидланиш – кайтарилиш реакцияси туфайли АТФ хамда сут кислотаси хосил бўлади.**

4043. Гликолиз жараёнининг биринчи боскичида оддий қанддлар тўпланиб, улар қандай моддага айланади ва қайси моддага сарф бўлади? **Глицериналлегидфосфатга айланади, АТФга сарф бўлади.**

4044. Гликолиз жараёнининг 2-боскичида қайси реакция туфайли қандай моддалар ҳосил бўлади? **Оксидланиш – кайтарилиш реакцияси туфайли АТФ хамда сут кислотаси хосил бўлади.**

4045. Гликолизнинг 2-боскичи хамма углеводлар учун умумий бўлиб, унда АДФ оксидланиш – кайтарилиш реакцияларида энергия жамгарилиши

туфайли қайси модлагача фосфорланади? **АТФгача фосфорланади.**

4046. Гликолизнинг кетма-кет реакцияларини нечта фермент катализлайди? **11 та фермент катализлайди. Бу ферментларни эркин холда ажратиб олиш мумкин.**

4047. Гликолизнинг тайёргарлик боскичида хар хил углеводлар АТФ хисобига ниманалади ва қайси модда ҳосил бўлади? **Фосфорланади ва глицериналь дегид-3-фосфат хосил бўлади.**

4048. Гликолизнинг тайёргарлик боскичида углеводородлар АТФ хисобига фосфорланади ва қайси модда хосил бўлади? **Глицериналь дегид-3-фосфат хосил бўлади.**

4049. Гликолиз кетма-кет борадиган неча хил реакция бор? **Уч хил реакция бор.**

4050. Гликолиз кетма-кет борадиган реакциялар қайсилар? **1) глюкоза-углерод скелетининг бузилиб, сут кислотаси хосил бўлиши; 2) анорганик фосфатнинг АТФнинг охирги гуруҳига айланиши; 3) оксидланиш-кайтарилиш реакциялари, яъни электронлар ўтказиш йўлидан иборат.**

4051. Гликолизда қайси модда молекуласидаги кимёвий жараённинг жуда оз қисми ажранади? **Глюкоза молекуласидаги кимёвий жараённинг жуда оз қисми ажралади.**

4052. Гликолизда глюкоза молекуласидаги кимёвий энергиянинг канча қисми ажралади? **Жуда оз қисми ажралади. Кислородли боскичда глюкоза охирги махсулот – CO_2 ва H_2O гача парчаланиб, анча кўп миқдордаги энергия ажралиб чикади.**

4053. Гликолиз қайси аъзо мускуллари учун асосий энергия манбаи хисобланади? **Скелет мускуллари учун асосий энергия манбаи хисобланади.**

4054. Гликолизда нафас олишга нисбатан кам энергия ажралиши глюкозага ўхшаш мураккаб қайси

модда хосил бўлиши билан боғлиқ? **Сут кислотаси хосил бўлиши билан боғлиқ. Шунинг учун сут кислотанинг оксидланиш даражаси глюкозанинг оксидланиш даражасига тенг.**

4055. Гликол кислота қуйдирилган канд хиди келадиган рангсиз кристаллар бўлиб, кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **$HOCH_2COOH$.**

4056. Гликол кислотанинг суюқланиш харорати канча °С? **79° С – 80° С.**

4057. Гликол кислота қайси моддаларда яхши эрийди? **Сув, спирт, эфирда яхши эрийди.**

4058. Гликол кислота қайси экинларда бўлади? **Ғўра узум, лавлаги, шакаркамишида бўлади.**

4059. Гликол кислота қандай олинади? **Нитрид кислотани аминосирка кислота билан ўзаро таъсир эттириш ёки фруктозани охиста оксидлаш оркали олинади.**

4060. Гликол кислота саноатда қандай олинади? **Хлорсирка кислота ёки унинг тузларидан, оксалат кислотани электролитик усулда қайтариб, шунингдек, углерод (II) – оксид билан сувни кислотали катализаторлар иштирокида босим остида ўзаро таъсир эттириб олинади.**

4061. Гликол кислота қаерда ишлатилади? **Жун бўяшда, тери ошлашда, пўлат ва мис юзасини электролитик силлиқлашда қўлланиладиган суюқлик компоненти сифатида ишлатилади.**

4062. Гликоллар (юнон. glykus-ширин), алкандиеллар, икки атомли спиртлар – алифатик каторнинг умумий формуласи қандай ифодаланган кўш гидроксил гуруҳли органик бирикмалар? **$C_nH_{2n}(OH)_2$.**

4063. Гликолларнинг энг оддий вакили қайси модда? **Этиленгликоль.** Гликолларнинг энг оддий вакили этиленгликолнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **$HOCH_2 – CH_2OH$.**

4064. Гликоллар қайси моддаларда яхши эрийди?

Спирт ва эфирда яхши эрийди.

4065. Гликоллар қайси моддада ёмон эрийдиган каттик моддалар? **Сувда ёмон эрийдиган.**

4066. Гликоллар кимёвий хоссалари жихатидан неча атомли спиртларга ўхшайди? **Бир атомли спиртларга ўхшайди.**

4067. Гликоллар қаерларда қўлланилади? **Антифризлар, гидравлик суюкликлар олишда, гликоллар эфирлари синтезида, полиэфир смолалар ишлаб чикаришда қўлланилади.**

4068. Гликопротеидлар, гликопротеинлар таркибида қайси моддалар бўлган мураккаб оксиллар? **Углеводлар бўлган мураккаб оқсиллар.**

4069. Гликопротеидлар орасида қайси моддалар учрайди? **Ферментлар, гормонлар, иммуноглобулинлар, кон плазмаси компонентлари, муцинлар, муковидлар, мембрана рецепторлари ва бошкалар учрайди.**

4070. Глиоксаль (этандиал, диформил, оксалат альдегид) – диальдегидларнинг оддий вакили бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **CHO – CHO.**

4071. Глиоксаль қандай рангли кристалл? **Сариқ рангли.**

4072. Глиоксалнинг суюқланиш харорати канча °С? **15° С.**

4073. Глиоксалнинг қайнаш хараги канча °С? **50,4° С.**

4074. Глиоксалнинг зичлиги канча г/см³? **1,14 г/см³.**

4075. Глиоксаль қайси моддаларда яхши эрийди? **Сувда, спирт ва эфирда яхши эрийди.**

4076. Глиоксаль сақланганда намлик таъсирида нима бўлади? **Полимерланади.**

4077. Глиоксаль қандай олинади? **Таркибида 2 та углероди бўлган бирикмаларни оксидлаб олинади.**

4078. Глиоксаль саноат миқёсида қандай олинади? **Этиленгликолни мис катализатори иштирокида дегидрогенлаб олинади.**

4079. Глиоксаль каерларда ишлатилади? **Тўқимачилик, тери, қоғоз ҳамда бўёқчилик саноатида ишлатилади.**

4080. Глифталь смолалар қандай смолалар? **Глицеринни фталат ангидрид билан конденсатлаб олинадиган сунъий смолалар.**

4081. Глифталь смолалар қандай модда ишлаб чиқаришда қўлланилади? **Лок ишлаб чиқаришда қўлланилади.**

4082. Глицеридлар молекуладаги қайси модда қолдигига қараб моно-, ди- ва триглицеридларга бўлинади? **Кислота қолдигига қараб моно-, ди- ва триглицеридларга бўлинади.**

4083. Глицеридларда изомерлар мавжуд бўлиб, бу улар таркибига кирувчи нималарнинг жойлашувига боғлиқ? **Қолдикларнинг жойлашувига боғлиқ.**

4084. Глицеридлар (анорганик кислота)дан қайси бири катта аҳамиятга эга? **Нитрат кислота триглицериди-нитроглицерин катта аҳамиятга эга.**

4085. Глицеридлар (карбон кислоталарнинг) ўсимлик ва ҳайвон ёғларининг қандай қисми? **Таркибий қисми.**

4086. Глицеридлар (карбон кислоталарининг) тегишли қандай кислоталарни глицерин билан этерификациялаб олинади. **Карбон кислоталарни глицерин билан этерификациялаб олинади.**

4087. Глицеридлар (стеарин, олеин, пальмитин кислоталарнинг) озиқ-овқат ёғларининг нимаси? **Эмульгатор ва стибилазатори.**

4088. Глицеридлар (стеарин, олиен, пальмитин кислоталарнинг) қаерларда ва нима сифатида қўлланилади? **Турли кремлар, пластификаторлар ва сурков мойлари, совун олишда хом ашё сифатида қўлланилади.**

4089. Глицеридлардан нитроглицерин дорининг нимаси? **Компоненти.**

4090. Глицерин (юнон. glykeros-ширин) – 1,2,3 – пропантриол-уч атомли одлий спирт бўлиб, кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **$HOCH_2 – CHOH – CH_2OH$.**

4091. Глицерин қандай рангли, хидли, қайси моддага ўхшаш суюқлик? **Рангсиз, хидсиз, шинингга ўхшаш, чучмал суюқлик.**

4092. Глицериннинг зичлиги канча г/см^{39}? **1,26 г/см^3.**

4093. Глицериннинг суюқланиш даражаси канча °С? **17,9° С.**

4094. Глицериннинг қайнаш харорати канча °С? **290° С.**

4095. Глицерин қандай моддаларга аралашади? **Сувга, метил ва этил спиртларга, ацетонга аралашади.**

4096. Глицерин қайси моддалар аралашмасида эрийди? **Спирт билан эфир ёки хлороформ аралашмасида эрийди.**

4097. Глицерин қайси моддаларда эримайди? **Ёғ, бензол, углерод сульфидда эримайди.**

4098. Глицерин қандай моддаларни эритиб юборади? **Органик ва анорганик моддаларни, маслан, туз ишқор, шакарларни эритиб юборади.**

4099. Глицерин ҳаводаги қайси моддани ютади? **Сувни ютади (масса жиҳатидан 40 фоиз гача.**

4100. Глицерин қандай модда билан аралаштирилса, иссиқлик миқдори ажралиб чиқиб, контракция (ҳажм камайиши) ҳодисаси кузатилади? **Сув билан аралаштирилса, иссиқлик миқдори ажралиб чиқиб, контракция (ҳажм камайиши) ҳодисаси кузатилади.**

4101. Глицерин бошқа спиртлар каби қандай мод-

лалар ҳосил килади? **Метал глицератлар ҳосил килади.**

4102. Глицеринга кандай кислоталар таъсир эттириб эфирлар олинади? **Минерал кислоталар таъсир эттириб, масалан, нитрат ва сульфат кислоталар аралашмаси таъсир эттирилса, нитроглицерин хосил бўлади.**

4103. Глицерин кандай моддалар аралашмасидан иборат мойлар таркибида бўлади? **Табиий ёг ва карбон кислоталарнинг триглицеридлари аралашмасидан иборат мойлар таркибида бўлади.**

4104. Глицерин саноатда кандай йўл билан олинади? **Озик-овкат ёгларини турли катализаторлар (кислоталар, ишкорлар, ферментлар) иштирокида совунлаш йўли билан олинади.**

4105. Глицеринни хозир кандай йўл билан кайси моддадан олиш алохида ахамият касб этмокда? **Синтез йўли билан пропилендан олиш алохида ахамият касб этмокда.**

4106. Глицерин организмда кандай воситани ўтайди? **Ёглар ва фосфатидларнинг парчаланишидан хосил бўлиб, ёг ва углерод алмашинувида боғловчи воситасини ўтайди.**

4107. Глицерин каерларда кўлланилади? **Нитроглицерин, глифталь смолалар ишлаб чикаришда, матолар, тери ва коғозни юмшатувчилар, эмульгаторлар, антифризлар, сурков мойлари, пойабзал мойлари, совун ва елимлар, атир-упа ва косметик препаратлар, тиббиёт мазлари, ликёрлар, кандолат махсулотлари компоненти сифатида кўлланилади.**

4108. Глицин – 1) глинокол, аминосирка кислота рангсиз кристалл модда бўлиб, унинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $NH_2 - CH_2 - COOH$.

4109. Глицин – 1) глинокол, аминосирка кислота зичлиги канча г/см³? **1,595 г/см³.**

4110. Глицин – 1) глинокол, аминосирка кислота

кайси моддада яхши эрийди? **Сувда яхши эрийди.**

4111. Глицин – 1) глинокол аминосирка кислота кўпчилик органик эритувчиларда нима килмайди? **Эримайди.**

4112. Глицин – 1) глинокол, аминосирка кислота кандай моддаларнинг мухим таркибий кисми хисобланади? **Оқсил моддаларнинг мухим таркибий кисми хисобланади.**

4113. Глицин – 2) п-оксифенил аминосирка кислотанинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $HOC_6H_4NHCH_2COOH$.

4114. Глицин – 2) п-оксифенил аминосирка кислотанинг суюкланиш харорати канча °С? **245° С – 247° С.**

4115. Глицин – 2) п-оксифенил аминосирка кислота кандай моддаларда яхши эрийди? **Ишкорлар ва кислоталарда яхши эрийди.**

4116. Глицин – 2) п-оксифенил аминосирка кислота кайси моддаларда ёмон эрийди? **Сув ва спиртда ёмон эрийди.**

4117. Глицин – 2) п-оксифенил аминосирка кислота каерда нима сифатида ишлатилади? **Фотографияда очилтиргич (проявитель) сифатида ишлатилади.**

4118. Глобин гемоглобин таркибидаги оксил, альбуминларга хос, молекуласида нечта полипептид занжир бор? **4 полипептид занжир бор. Иккита α–занжир (уларнинг хар бирида 141 та аминокислота колдиги бор) ва 146 та аминокислота колдигидан иборат иккита β–занжири бор**

4119. Глобулинлар – суюлтирилган кислота ва ишкорлар хамда нейтрал тузларнинг кучсиз эритмаларида яхши, сувда эса кам эрийдиган (миозиндан ташкари) глобуляр кандай моддалар? **Глобуляр оксиллар.**

4120. Глобулинлар сут, кон зардоби, тухум, му-

скуллар ва ўсимликлар (каноп, шўхат) кайси аъзосида бўлади? **Уругида бўлади.**

4121. Глобулинлар кон плазмаси оксилларининг деярли канчасини ташкил этади? **Ярмини ташкил этади.**

4122. Глобулинлар организмнинг кандай хусусиятини ва нима ивишини таъминлайди? **Иммунлик хусусиятини (антителолар, комплемент) ва кон ивишини (протромбин, фибриноген ва бошкалар) таъминлайди.**

4123. Глобулинлар организмда кайси элементларнинг ташилишида ва бошка жараёнларда иштирок этади? **Темир (трансферрин, гаптоглобин), миснинг (церулоплазмин) ташилишида ва бошка жараёнларда иштирок этади.**

4124. Глутаминкислота, глютамин (α-аминоглутар) кислотанинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $COOH - CH_2 - CH(NH)_2 - COOH$.

4125. Глутамин кислотанинг суюкланиш харорати канча °С? **202° С.**

4126. Глутамин кислота кайси моддада яхши эрийди? **Сувда яхши эрийди.**

4127. Глутамин кислотанинг натрийли тузидан каерларда фойдаланилади? **Озик-овкат саноатила махсулотларининг таъми ва кийматини оширишда, тиббиётда таблеткалар, пасталар, шунингдек, баъзи асаб касалликларини даволашда кўлланиладиган суюк дорилар (томирга юборилади) тайёрлашда фойдаланилади.**

4128. Глюкоза, узум шакари, лекстроза табиатда кўп учрайдиган кайси модда? **Углевод моддаси.**

4129. Глюкоза кандай рангли модда? **Рангсиз кристалл модда.**

4130. Глюкозанинг суюкланиш харорати канча °С? **146,5°С.**

4131. Глюкоза кайси моддада яхши эрийди? **Сувда яхши эрийди.**

4132. Глюкоза саноатда кандай олинади? **Крахмални гидролизлаб олинади.**

4133. Глюкоза каерларда ишлатилади? **Кандолатчиликда, тиббиётда ишлатилади.**

4134. Глюкоза одам конида тахминан канча мг бўлиб, унинг миқдори гормонлар ва марказий асаб системаси томонидан бошкарилади? **100 мг бўлиб, унинг миқдори гормонлар ва марказий асаб системаси томонидан бошкарилади.**

4135. Глюкоза организмда кайси модда режимини бошкаради? **Сув режимини бошкаради.**

4136. Глюкоза организмдаги кайси аъзолар фаолиятини изга солади? **Хужайралар фаолиятини изга солади.**

4137. Глюкоза организмдаги кандай моддаларни зарарсизлантиради? **Захарли моддаларни зарарсизлантиради.**

4138. Глюкоза кайси аъзонинг мускул вазифасини оширади? **Юракнинг мускул вазифасини оширади.**

4139. Глюкоза организмдаги кайси аъзоларни кенгайтиради? **Томирларни кенгайтиради.**

4140. Глюкоза организмда кайси модда ажралишини тезлаштиради? **Пешоб моддаси ажралишини тезлаштиради.**

4141. Глюкозанинг оксидланишида юз берадиган денитрификацияни кандай тенглама билан ифодалаш мумкин? **Куйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:**

$$5C_6H_{12}O_6 + 24KNO_3 \rightarrow 24KHCO_3 + 6CO_2 + 12N_2 + 18H_2O.$$

4142. Глюкокортикоидлар – одам ва умуртқали хайвонлар буйрак усти безларининг пўстлогидан чикадиган нима? **Гормонлар.**

4143. Глюкокортикоидлар кимёвий тузилишига кўра, кандай модда? **Стероид модда.**

4144. Глюкокортикоидлар гипофиз таъсирида

кайси моддадан хосил бўлади? **Холестеринидан хосил бўлади.**

4145. Глюкокортикоидлар секрециясини қайси гормон оширади? **Адренокортикотрон гормон оширади.**

4146. Глюкокортикоидлар қачон кўп ишлаб чиқарилади? **Организм хаёт фаолияти учун нокулай шароитлар рўй берганда кўп ишлаб чиқарилади.**

4147. Глюкокортикоидлар, асосан, қайси моддалар алмашинувига таъсир этади? **Углеводлар алмашинувига таъсир этади.**

4148. Глюкокортикоидлар қайси аъзода оксиллардан гликопен синтезланишига ва глюкоза хосил бўлишига ёрдам беради? **Жигарда.**

4149 Глюкокортикоидлар юкори молекулали ёг кислоталарнинг биосинтезига нима килади? **Тўскинлик килади.**

4150. Глюкокортикоидлар бириктирувчи ва лимфа тўкималари фаолиятини сусайтириб, турли нималар ривожланишига йўл қўймайди? **Яллигланишлар ривожланишига йўл қўймайди.**

4151. Глюкокортикоидлар ва уларнинг синтетик аналоглари (гидрокортизон – ацетат, преднизолон) қаерларда кенг қўлланилади? **Тиббиёт ва ветеринарияда кенг қўлланилади.**

4152. Глюкурон кислота урон кислоталардан бири бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **$CHO(CHOH)_4COOH$.**

4153. Глюкурон кислота қандай фаол кристалл модда? **Хайвон ва ўсимлик организмларида глюкозанинг бирламчи спирт гуруҳи оксидланишидан хосил бўладиган оптик фаол кристалл модда.**

4154. Глюкурон кислотанинг суюқланиш харорати қанча °С? **167° С – 172° С.**

4155. Глюкурон кислота қайси моддалар эритмасида яхши эрийди? **Сувда, ишкор ва карбонатлар**

эритмасида яхши эрийди.

4156. Глюкурон кислота кўпгина эритувчиларда қандай эрийди? **Ёмон эрийди.**

4157. Глюкурон кислота қандай олинади? **Полисахаридларни гидролиз қилиб, синтетик усулда эса глюкоза хосилаларини оксидлаб, қанд кислотанинг бирламчи лактонларини кайтариб олинади.**

4158. Гнейс қандай таркибли кристалли сланец? **Гранитоид таркибли кристалли сланец.**

4159. Гнейс қандай хосил бўлади? **Чўкинди ва магматик жинсларнинг метаморфизмга учрашидан хосил бўлади.**

4160. Гнейснинг ранги қандай? **Оқиш, кулранг, яшилсимон.**

4161. Гнейснинг ички ташки тузилиши қандай кўринишида? **Гранобласт ва порфирбласт, ташки тузилиши йўл-йўл ("гнейссимон") массив кўринишида.**

4162. Гнейс таркибида қайси моддалар бўлади? **Кварц, дала шпати, биотит, мусковит, амфибол, баъзан авгит бўлади.**

4163. Гнейсни пайдо бўлишига кўра, қайси немис геологи нечанчи йилда ортогнейс ва парагнейсга ажратган? **К. Г. Розенбуш 1891 йилда ортогнейс ва парагнейсга ажратган.**

4164. Гнейс Ўзбекистондаги қайси тоғларда бор? **Хисор тоғларининг жанубий-шаркида, Султон Увайс, Овминоза тоғларида бор.**

4165. Гнейс қаерларда кўп тарқалган? **РФ (Кола ярим ороли), Украина, Кавказ, Марказий Осиё ва бошқа жойларда тарқалган.**

4166. Гнейс қайси давр жинсларида, айниқса, кўп? **Токембрий даври жинсларида, айниқса, кўп.**

4167. Голландитнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **$[Ba_2Mn_8O_{16}]$.**

4168. Гомоген ёниш қандай мухитда ёниш? **Газ ва**

бугсимон ёнувчи моддаларнинг газсимон оксидловчи (масалан, ҳаво кислороди) мухитида ёниши.

4169. Гомоген ёниш қаерларда рўй беради? **Газ печлари, камералари, колонкалари ва бошқаларда рўй беради.**

4170. Гомоген каталитик реагентлар билан катализатор қандай аралашма ҳосил қилади? Реакция қандай фазада боради? **Бир жинсли аралашма ҳосил қилади. Реакция газ ва суюқ фазала борали.**

4171. Гомоген каталитик жараённинг тезлиги қайси омилларга боғлиқ? **Реагентлар ва катализаторлар концентрацияси, ҳарорат, босим ва аралаштириш даражасига боғлиқ. Бу жараённинг асосий камчилиги махсулот таркибидан катализаторни ажратиб олиш (тозалаш) зарур бўлади.**

4172. Гомологик қаторлар – кимёвий хоссалари ва тузилиши жиҳатидан бир-бирига якин бўлиб, молекуласининг углеводородли радикалларида битта ёки бир нечта метилен гуруҳи (CH_2) борлиги билан бир-биридан фарқ қиладиган қандай бирикмалар? **Турдош органик бирикмалар. Масалан, метан (CH_4), этан (C_2H_6), пропан (C_3H_8), пентан (C_5H_{12}) каби тўйинган углеводородлар (умумий формуласи C_nH_{2n+2}), этилен (C_2H_4), пропилен (C_3H_6) каби тўйинмаган углеводородлар (умумий формуласи C_nH_{2n}), метил спирт (CH_3OH), этил спирт (C_2H_5OH) каби бир атомли тўйинган спиртлар (умумий формуласи $C_nH_{2n+1}OH$)нинг гомологик қаторлари маълум.**

4173. Гомополиконденсатланишда бир моддани неча хил функционал гуруҳи ўзаро реакцияга киришиб, полимер ҳосил қилади? **2 хил функционал гуруҳи ўзаро реакцияга киришиб, полимер ҳосил қилади. Бундай реакцияга аминокислоталар, аминоспиртлар ва оксикислоталарнинг поликонденсатланиши мисол бўла олади. Масалан, аминокапрон кислотадан поликапролактам ҳосил бўлиши.**

4174. Гомоферментатив сут кислотали бактериялар қайси моддани парчалаб, асосан, сут кислотаси ҳосил қилади? Улардан нималар тайёрлашда, олишда фойдаланилади? **Қандни парчалаб, асосан, сут кислотаси ҳосил қилади. Улардан қаттиқ маҳсулотлари тайёрлашда, саноат миқёсида сут кислотаси олишда фойдаланилади.**

4175. Госсипол сариқ рангли заҳарли, қаттиқ кристалл модда бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $C_{30}H_{30}O_8$.

4176. Госсипол қайси моддалар бирикмаларига киради? **Полифенол бирикмаларига киради.**

4177. Госсипол ғўзанинг қайси аъзоларида кўп миқдорда бўлади? **Чигити ва илдиз пўстлоғида кўп миқдорда [(0,02-1,6 (фоиз)] бўлади.**

4178. Госсипол ва унинг аналоглари – гассипурнурин, госсивердурин, госсифульвин ғўзанинг қайси аъзоларида жойлашган? **Чигит ядросидаги махсус безларда жойлашган.**

4179. Госсипол қайси толали ғўза новлари таркибида кўп миқдорда бўлади? **Ингичка толали ғўза навлари таркибида кўп миқдорда [(1,47-1,60 (фоиз)] бўлади.**

4180. Госсипол ёғ саноатининг қандай моддаларидан олинади? **Чикинди моддаларидан олинади.**

4181. Госсипол антронамстлари, смоласи ва уларнинг маҳсулотлари инсон учун қандай моддалар хисобланади? **Фойдали ҳисобланади.**

4182. Госсипол халқ хўжалигининг қайси соҳаларида ишлатилади? **Халқ хўжалигининг турли соҳаларида: тиббиёт, кимё саноати, енгил хўжалиги, металл қуйиш саноати ва бошқаларда ишлатилади.**

4183. Госсипол вирусга қандай таъсир қилади? **Фаол таъсир қилади. Шу сабабли ҳозирги вактда**

ундан вирусга карши ишлатиладиган интерферон индуктори препаратлари ва бошка моддалар ажратиб олинган.

4184. Гоффман реакциялари кандай аминлар олиш учун А. В. Гоффман таклиф этган реакциялар? **Алифатик аминлар олиш учун А. В. Гоффман таклиф этган реакциялар.**

4185. Гоффман реакцияларининг нечта тури бор? **Учта тури бор.**

4186. Гоффман реакциялари кандай мухитда ўтказилганда реакция махсулоти сифатида уретанлар (RNHOCOR) вужудга келади? **Спиртли мухитда ўтказилганда реакция махсулоти сифатида уретанлар (RNHOCOR) вужудга келади.**

4187. Гоффман реакциялари ёрдамида кандай моддалар олиш мумкин? **Алифатик, ёг-ароматик, ароматик ва гетероциклик аминлар, диаминлар ва аминокислоталар олиш мумкин.**

4188. Гоффман реакциялари саноатда кайси кислотани синтез килиш учун кўлланилади? **Антроанил кислотани синтез килиш учун кўлланилади.**

4189. Гоффман реакциялари кўлланилишининг мухим йўналиши кайси моддалар тузилишини текширишдир? **Алкалоидларнинг тузилишини текширишдир.**

4190. Грамм – эквивалент кандай миқдор? **Кимёвий элемент ёки моддаиинг кимёвий эквивалент массасига сон жихатидан тенг килиб олинган граммлар хисобидаги миқдори.**

4191. Грамм–эквивалент каерда кенг кўлланилади? **Хажмий тахлилда кенг кўлланилади.**

4192. Гранатлар (лот. granatus - доналор)-оролсимон силикатлар кайси синифига мансуб минераллар гурухи? **Кичик синфига мансуб минераллар гурухи.**

4193. Гранатларнинг умумий кимёвий таркиби кандай ифодаланади? $R_3^{2+}R_2^{3+}[SiO_4]_3$, бунда:

R^{2+} –Ca, Fe, Mg; Mn; R^{3+}–Al, Fe, Cr ва бошкалар.

4194. Гранатлар кандай каторлар хосил килади? **Изоморф каторлар хосил килади.**

4195. Гранатлар кандай сингонияли? **Кубик сингонияли.**

4196. Гранатлар кристалл-кимёвий хусусиятларига кўра нечта турга бўлинади? Улар кайсилар? **2 та турга бўлинади. Улар куйидагилар: магний-марганец-темирли гранатлар тури пирон, альмандин, спессартин; кальцийли гранатлар тури гроссуляр, андрадит, уваровитга бўлинади.**

4197. Гранатлар табиатда, кўпинча кандай холда учрайди? **Донадор агрегатлар, кўпрок кристаллар, юмшок, силлик доначалар холида учрайди.**

4198. Гранатларнинг каттиклиги нечта? **6-7,5.**

4199. Гранатларнинг зичлиги канча г/см³? **3,2-4,3 (г/см³).**

4200. Гранатларнинг кандай ранглари маълум? **Рангсиз, зангори, сарик, яшил, кўнгир, кора, пушти, кизил, кизгиш-кўнгир ранглари маълум.**

4201. Гранатлар кандай хосил бўлади? **Метасоматик жинсларда, скарнларда (андрадит, гроссуляр), пегматит ертомирларда (спессартин, альмандин), метаморфик сланецларда, эклогит ва кимберлитларда хосил бўлади.**

4202. Гранатлар каерларда хам учрайди? **Гидротермал ертомирларда ва сочма холда хам учрайди.**

4203. Гранатларнинг шаффоф ва чиройли турлари (пирон, альмандин, демантоид) каерда кандай тош сифатида ишлатилади? **Заргарликда ярим кимматбахо тош сифатида ишлатилади.**

4204. Гранатларнинг йирик конлари каерларда топилган? **Хиндистон, Чехия, РФ (Урал) хамда Жанубий Кавказда топилган.**

4205. Гранатлар Марказий Осиёда каерларда, кандай конларда, кайси тоғларда учрайди? **Марказий**

Осиёда гроссулир ва андралит скарнларда, вольфрам ва магнетит конларида (Қўйтош, Лангар ва Турлангли) мунчоқ шаклидаги альмандин ва спессартин Туркистон ва Коратеғ тоғларида учрайди.

4206. Гранатли магма ҳарорати канча °С га тушгунча котмайди? **600° С га тушгунча котмайди.**

4207. "Гранит" катлами қандай жинслардан ташкил топган? **Гранит, гнейс ва бошқа метаморфик ва отқинди жинслардан ташкил топган.**

4208. Гранит қандай тоғ жинси? **Тўлиқ кристалланган нордон магматик тоғ жинси.**

4209. Гранит материклардаги Ер пўстида қандай таркалган жинс? **Энг кўп таркалган жинс.**

4210. Гранит таркиби қайси моддага бой? **Кремний оксиди (SiO_2)га бой.**

4211. Гранит Ер пўстининг қайси қисмида, магманинг бутунлай нима қилинишидан ҳосил бўлади? **Чукур қисмида, магманинг бутунлай кристалланишидан ҳосил бўлади.**

4212. Гранитнинг томирли тури қандай структурали? **Порфир структурали.**

4213. Гранитлар кимёвий таркибига кўра, қандай турларга бўлинади? **Нормал ва ишқорли турларга бўлинади.**

4214. Гранитда қайси моддалар бўлади? **Кварц, калийли дала шпати (ортоклаз, микроклин), нордон плагиоклаз (альбит, олигоклаз), шунингдек, слюда (биотит ёки мусковит), амфибол ва гохо пироксен бўлади.**

4215. Гранит акцессор минераллардан қайсилари учрайди? **Апатит, циркон, магнетит, титанит, баъзан ортит, монацит, кеногим ва рутил учрайди.**

4216. Гранитнинг ранги қандай? **Қизил, пушти, оч малла, оч сариқ, бўз ранг, баъзан оч яшил.**

4217. Гранит қандай шаклда учрайди? **Катта интрузив массив (гиток, батолит) ва дайка, лакколит**

шаклида учрайди.

4218. Гранитнинг йирик донадори нима дейилади? **Рапокив дейилади.**

4219. Гранит кандай силликланади? **Яхши силликлангади.**

4220. Гранит қайси мамлакатларда катта майдонларда таркалган? **Ўзбекистоннинг Чаткол, Курама, Ҳисор, Зирабулок, Зиёвуддин ва бошқа тоғларда, хорижда Урал, Кавказ тоғларида, Украина, Карелия, Кола ярим ороли, АҚШ ва Скандинавия мамлакатларида катта майдонларда таркалган.**

4221. Гранитланиш – Ер пўстининг чукур кисмларида бўладиган мураккаб жараёнлар натижасида турли (чўкинди, отқинди, метаморфик) тоғ жинсларининг ўзгариб, таркиби, тузилишига кўра, гранитга ўхшаш жинсга айланиши гранитланишга учраган жинсларнинг таркиби ва структураси қандай ўзгариб кетади? **Бутунлай ўзгариб кетади.**

4222. Гранитланиш тоғ жинсларини ишқорли металлар ва SiO_2 билан бойиши ва улардан қайси элементлар чиқиб кетиши ва нима ҳосил бўлиши билан боғлиқ? У, асосан, геосинклиналларнинг жуда чукур зоналарида бурмалар ҳосил бўлиши пайтида нима қилади? **Fe, Mg ва Са чиқиб кетиши ва магма гранитланиш ҳосил бўлиши билан боғлиқ.Ривожланади.**

4223. Гранитланиш қайси модданинг тоғ жинсларига таъсири натижасида содир бўлади деган фикрлар ҳам бор? **Магманинг тоғ жинсларига таъсири натижасида содир бўлади деган фикрлар ҳам бор.**

4224. Гранитланишнинг қандай аҳамияти катта? **Ер пўстида бўладиган жараёнларни аниқлашда гранитланишнинг аҳамияти катта.**

4225. Гранодиорит кандай тоғ жинси? **Интрузив нордон тоғ жинси.**

4226. Гранодиорит таркибида қайси минераллар

бўлади? **Кварц, калийли дала шпати, плагиоклаз ва рангли минераллар бўлади.**

4227. Гранодиоритда қандай минераллар учрайди? **Гранит таркибидаги хамма акцессор минераллар учрайди.**

4228. Гранодиоритда қайси модда кўпрок? **Титанит кўпрок.**

4229 Гранодиоритнинг зичлиги қанча г/см^3? **2,7-2,9 (г/см^3).**

4230. Гранодиоритнинг структураси тўла қандай? **Кристалланган ва порфирсимон.**

4231. Гранодиоритнинг текстураси қандай? **Массив.**

4232. Гранодиорит (порфирсимон) Ўзбекистоннинг қайси тоғларида бор? **Курама, Нурота, Бўкантов, Қулжуқтов, Овминзотов, Томдитов тоғларида бор.**

4233. Гранодиорит каерда нима сифатида кенг ишлатилади? **Қурилишда қоплама безак сифатида кенг ишлатилади.**

4234. Граносиенит қандай жинс? **Интрузив тог жинси.**

4235. Граносиенит минерал таркибига кўра, қайси минераллар оралиғида? **Гранит билан сиенит оралиғида.**

4236. Граносиенит қандай массив? **Структураси тўлик кристалланган, донали, текстураси массив.**

4237. Граносиенитнинг минерал таркиби қайси минералга жуда ҳам якин? Ундан фақат неча фоиздан ортикрок кварц минерали борлиги билан фарк килади? **Сиенитга жуда хам якин. 15 фоиздан ортикрок кварц минерали борлиги билан фарк килади.**

4238. Граносиенит таркибида ундан ташкари қайси минераллар неча фоизгача бўлади? **Калийли дала шпати (ортоклаз, микроклин ёки пертит) 50 фоиздан 70 фоизгача, порлок плагиоклаз 10 фоиздан 30 фоизгача, рангли минераллар 10 фоиздан 20 фоизгача бўлади.**

4239. Граносиенитда акцессор минераллардан қайсилари учрайди? **Апатит, циркон, сфен, магнетит учрайди.**

4240. Граносиенит қайси тоғларда таркалган? **Курама тоғларида таркалган.**

4241. Граносиенит каерларда ишлатилади? **Иморатлар пойдевори, ер ости йўлларини безашда ишлатилади.**

4242. Графит (юнон. grapho - ёзаман) минерали Ер пўстида учрайдиган соф қайси кимёвий элементнинг бир кўриниши? **Углероднинг бир кўриниши.**

4243. Графитнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **С.**

4244. Графит қандай сингонияли? **Гексагональ сингонияли.**

4245. Графит кристаллари неча бурчакли пластинка? **6 бурчакли пластинка.**

4246. Графит қандай шаклда? **Тахтача ва тангача шаклида.**

4247. Графитнинг ранги қандай? **Қора ва тўк кулранг.**

4248. Графит металлсимон қандай? **Ялтирок.**

4249. Графитнинг каттиклиги неча? **Бир.**

4250. Графитнинг зичлиги қанча г/см^3? **2,2 г/см^3.**

4251. Графит қандай таркалган? **Кенг таркалган.**

4252. Графит нимага чидамли? **Ўт (олов)га чидамли.**

4253. Графит нимани яхши ўтказади? **Электр токини яхши ўтказади.**

4254. Графит кимёвий қандай? **Кимёвий барқарор.**

4255. Графит қандай ҳолда хам олинади? **Сунъий ҳолда хам олинади.**

4256. Графит, асосан, қандай жинсларда учрайди? **Асосан, метаморфик жинсларда, кам ҳолларда**

магматик жинсларда учрайди.

4257. Графит Ўзбекистоннинг қаерларида майда ва йирик конлар хосил қилган? **Коратепа, Зирабулок, Кумжуктов, Марказий Кизилкумда майда ва йирик конлар хосил қилган.**

4258. Графитнинг қайси хориж мамлакатларда конлари бор? **РФда (Ильмень тоғи), Украина (Кривой Рог), Канада, Австралия, АҚШда конлари бор.**

4259. Графитнинг энг катта кони қаерда? **Тошказғанда (Қулжуктов).**

4260. Графитдан нималар тайёрланади? **Тигель, қалам, электрод, бўёқлар тайёрланади.**

4261. Графит қаерларда нималар тайёрлашда ишлатилади? **Ядро техникасида, ракета двигателлари соплоси (оғзи)ни конлашда, юқори хароратга чидамли бўёқлар, электродлар тайёрлашда ишлатилади.**

4262. Графитли термопластлар нима сифатида ишлатилади? **Графитли термопластлар (поликамиллар, фторопласт-4) машиналарнинг ишқаланувчи деталлари (масалан, подшипникларнинг вкладишлари) учун хом ашё сифатида ишлатилади.**

4263. Графитли термопластлардан нималар тайёрланади? **Турли хил фильтрлар, куйиш қолиплари, шестрялар, поршень халқалари ва бошқалар тайёрланади.**

4264. Графитопластлар қандай пластмассалар? **Таркибида тўлдиргич сифатида табиий ёки сунъий графит ёхуд карбонатлашган махсулотлар (кокслар, термоантрацит ва бошқалар) бўлган пластмассалр.**

4265. Графитопластлар қандай кўринишда олинади? **Пресланган кукун, допадор ва қуйма композициялар кўринишида олинади.**

4266. Графитопластлардан буюмлар пресланган кукунлардан қандай тайерланади? **Иссиклайин**

пресслаб тайёрланади.

4267. Графитопластлар қаерда қўлланилади? **Термореактив материаллар (богловчи модда – синтетик смолалар) кимё аппаратлари, электр иситкич элементлари ишлаб чикаришда қўлланилади.**

4268. Грейзен (нем. grezisen - парчаланиш)қандай йўл билан келиб чиққан тоғ жинси? **Метасоматик йўл билан келиб чиққан тоғ жинси.**

4269. Грейзен, асосан, қайси моддалардан иборат? **Асосан, кварц ва тиник слюдалар-лепидолит ва мусковитдан иборат.**

4270. Грейзен қандай вужудга келади? **Грейзензация, яъни гранит жинсларининг магмадан ажралиб чиққан газ ва суюк коринмалар таъсирида ўзгаришидан вужудга келади. Натижада, дастлабки жинслар грейзенга айланади.**

4271. Грейзен Ўзбекистоннинг қайси тоғларида учрайди? **Зирабулок – Зиёвуддин ва Чатқол – Курама тоғларида учрайди.**

4272. Грейзен кандай металлар ва тошлар қазилмаларини излаб топишда етакчи белги хисобланади? **Нодир металлар ва кимматбахо тошлар (топаз, берилл ва бошқалар) қазилмаларини излаб топишда етакчи белги хисобланади.**

4273. Грейпфрут ўсимлиги меваси таркибида неча фоиз қайси қилсоталар бор? **1,4-2,4 (фоиз) органик кислоталар бор.**

4274. Грейпфрут ўсимлиги меваси пўстида неча фоиз қайси моддалари бор? **9,2-19 (фоиз) пектин моддалари бор.**

4275. Грейпфрут ўсимлиги меваси шарбатида канча мг гача қайси витамин бор? **45 мг% гача С витамини бор.**

4276. Гриньяр реакцияси кандай моддалар ёрдамида органик моддаларни синтез қилиш реакцияси? **Алкин ёки арилмагнит галогенидлар ёрдамида.**

4277. Гриньяр реакциясини нечанчи йилда кайси кимёгар кашф этган? **1900 йилда В. Гриньяр кашф этган.**

4278. Гриньяр реакциясидан фойдаланиб, кандай моддалар ва бирикмалар олиш мумкин? **Углеводородлар, спиртлар, кетонлар, кислоталар ва бошка бирикмалар олиш мумкин.**

4279. Гроссуляр кайси гурухга мансуб минерал? **Гранатлар гурухига мансуб минерал.**

4280. Гроссулярнинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $Ca_3Al_2[SiO_4]_3$.

4281. Гроссуляр кандай сингонияли? **Кубик сингонияли.**

4282. Гроссуляр кандай моддасимон ялтирайди? **Шишасимон ялтирайди.**

4283. Гроссулярнинг каттиклиги неча? **6,5-7,5.**

4284. Гроссулярнинг зичлиги канча г/см³? **3,53-3,6 (г/см³).**

4285. Гроссулярнинг ранги кандай кристаллар, агрегатлар? **Оч яшил, сарғиш, кўнғир, рангсиз.**

4286. Гроссулярнинг шаффоф тури қаерда ишлатилади? **Заргарликда ишлатилади.**

4287. Гроссуляркаерлардаучрайди? **Ўзбекистонда (скарн жинсларда), Австрия ва Швейцария (альп томирларида), Покистон (покистон зумради), Танзания, РФ (Шаркий Сибирь)да учрайди.**

4288. Гуанидин рангсиз кандай модда? **Кристалл модда.**

4289. Гуанидиннинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $(NH_2)_2C = NH$.

4290. Гуанидин кучли нима? **Ишкор.**

4291. Гуанидин кандай металлар гидроксилларига якин туради? **Ишкорий металлар гидроксидларига якин туради.**

4292. Гуанидиннинг суюкланиш харорати канча °С? **50° С.**

4293. Гуанидин кандай? **Гигроскопик.**

4294. Гуанидин хавода кайси моддаларни ютиб юмшайди? **CO_2 ва сувни ютиб юмшайди.**

4295. Гуанидин сувда гидролизланиб кайси модда хосил қилади? **Мочевина хосил килади.**

4296. Гуанидин кислоталар билан реакцияга киришиб, гидролизга чидами кандай моддалар хосил қилади? **Тузлар хосил қилади.**

4297. Гуанидин осон нима бўлади? **Алкилланади.**

4298. Гуанидин кандай моддалар нитрокила кислоталар эфирлари таъсирида ацилланади? **Ишкорлар нитрокила кислоталар эфирлари таъсирида ацилланади.**

4299. Гуанидин саноатда кандай олинади? **Гуанидин ва унинг тузлари тегишли аммоний тузларини мочевина ёки изоалогуанидин билан бирга киздириш, шунингдек, цианогуанидиннинг сувдаги эритмасини гидрогенализ килиш йўли билан олинади.**

4300. Гуанидин хосилалари фаол кандай моддалар? **Фаол бактерицид ва фунгицидлар.**

4301. Гуанидин пиримидин, оксазол ва бошк бирикмалар синтезида нима бўлиб хизмат қилади? **Хом ашё бўлиб хизмат килади.**

4302. Гуанидин тузлари саноатда кандай моддалар сифатида ишлатилади? **Сурков мойларида кўшимча, коррозия ингибиторлари, боғловчи моддалар сифатида ишлатилади.**

4303. Гуашь (итал. guazzo – сувли бўёк) кандай бўёк? **Кукун билан сув-елим боғловчилари (акакиё, бугдой крахмали, декстрин ва бошк.) ва оқ бўёк (белила) аралашмасидан иборат бўёк.**

4304. Гудрон (франц. goudron)кандай смола? **Кора смола.**

4305. Гудрон нефтни атмосфера босими ва вакуум остида хайдаш пайтида канча °С оралиғида

кайнаб чикадиган фракция колдиги? **450° С – 600° С оралиғида кайнаб чикадиган фракция колдиги.**

4306. Гудрон нефтнинг табиатига караб унинг массасининг неча фоизгача хосил бўлади? **10-45 (фоиз)гача хосил бўлади.**

4307. Гудрон қандай суюклик ёки қандай асфальтсимон ялтирок махсулот? **Қовушкок суюклик ёки қаттик асфальтсимон ялтирок махсулот.**

4308. Гудрон таркибида қандай моддалар бўлади? **Парафин, нафтен қатори ва ароматик углеводородлар [(45 - 95 (фоиз)], асфальтлар [(3 - 17 (фоиз)], шунингдек, деасфальтланган махсулотлардан силикогелда адсорбцияланадиган нефть смолалари [(2-38 (фоиз)] бўлади.**

4309. Гудрон элементар таркиби неча фоиз қайси элементлар? **85-87 (фоиз) С, 9,3-11,8 (фоиз) Н, 0,2-6,3 (фоиз) S, 0,2-0,7 (фоиз) N, 0,08-1,25 (фоиз) О. Бундан ташқари, гудронда нефть таркибида мавжуд бўлган барча металлар концентрланади; унда ванадийнинг миқдори 0,046 фоизга, никель эса 0,014 фоизгача етиши мумкин.**

4310. Гудроннинг зичлиги канча г/см³? **0,95-1,03 (г/см³).**

4311. Гудроннинг коксланиши неча фоизгача? **8-26 (фоиз)гача.**

4312. Гудроннинг қотиш харорати канча °С гача? **12° С – 55° С гача.**

4313. Гудроннинг ўз-ўзидан ёниш харорати канча °С дан °С гача? **29° С дан 350° С гача.**

4314. Гудрон каерларда қўлланилади? **Йўл қурилиш материали сифатида йўлаклар ва қурилиш битумлари, оз миқлорда кул хосил қилувчи кокслар, сурков мойлари, ёқилғи газлар ва мотор ёнилғилари ишлаб чикаришда қўлланилади.**

4315. Гулкарам таркибида неча фоиз қайси моддалар бор? **7-3,3 (фоиз) курук модда, 1,2-4,4 (фоиз), 1,5-3,7 (фоиз) оқсил, 0,7-0,8 (фоиз) минерал моддалар бор.**

4316. Гулкарам таркибида қайси витаминлар бор? **А ва С витаминлари бор.**

4317. Гулкарам таркибида қайси элемент тузлар кўп? **Калий, темир, фосфор тузлари кўп.**

4318. Гулоби – кечпишар ковун таркибида неча фоиз канд моддаси бор? **8,3 фоиз канд моддаси бор.**

4319. Гулканд ўртапишар помидор таркибида канча мг% аскорбин кислота бор? **9,6-12 (фоиз) аскорбин кислота бор.**

4320. Гумин кислоталар (лот. humus – ер, тупрок) қандай органик моддалар? **Табиий махсулотлар (торф, қўнғир кўмир, тошкўмир ва бошкалар)дан ишқорларнинг сувлаги эритмаси ёрдамида ажратиб олинадиган органик моддалар.**

4321. Гумин кислоталар табиатда қандай хосил бўлади? **Ўсимлик қолдикларидан ёки тошкўмир ва бошка органик махсулотларнинг оксидланиши натижасида хосил бўлади.**

4322. Гумин кислоталарнинг элементар таркиби неча фоиз қайси элементлардан иборат? **50 – 70 (фоиз) С, 4-6 (фоиз) Н, 25-35 (фоиз) О дан иборат.**

4323. Гумин кислоталар нефть ва газ ҳавзаларини казишда ювувчи суюкликлар нимаси? **Компоненти.**

4324. Гумин кислоталар нималар тайёрлашда қўлланилади? **Аккумуляторлар тайёрлашда қўлланилади.**

4325. Гумин кислоталар нимани яхшиланда фойдаланилади? **Кислотабардош тўлдиргичлар, тупрок тузилишини яхшилашда фойдаланилади.**

4326. Гумин кислоталар ўсимликларнинг ўсишини нима қилувчи модда? **Тезлаштирувчи модда.**

4327. Гумин кислоталар қандай ўғитлар сифатида қўлланилади? **Органик – минерал ўғитлар сифатида қўлланилади.**

4328. Гумин кислоталар кишлок хўжалик хайвонларининг кайси касалликларини даволашда кандай модда сифатида кўлланилади? **Тери касалликларини даволашда антисептик модда сифатида кўлланилади.**

4329. Гумин кислоталар каерларда кўлланилади? **Нефть ва газ хавзаларини казишда ювувчи суюкликлар компоненти, аккумуляторлар тайёрлашда кислотабардош тўлдиргичлар, тупрок тузилишини яхшиланда, ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи модда, органикминерал ўгитлар ва кишлок хўжалик хайвонларининг тери касалликларини даволашда антисептик модда сифатида кўлланилади.**

4330. Гумин смолалар бошка смолалардан одатдаги органик эритувчилардан нимаси билан фарк килади? **Оз эрувчанлиги билан фарк килади.**

4331. Гумин смолалар хлоралгидратнинг сувдаги неча фоизли эритмасида кандай эрийди? **60 фоизли эритмасида тўлик эрийди.**

4332. Гумин смолалар тиббиётда нималар тайёрлашда ишлатилади? **Пластирлар тайёрлашда ишлатилади.**

4333. Гумин ўгитлар кандай минерал бирикмалардан иборат? **Органик-минерал ўгитлар; органик модда ва у билан кимёвий ёки адсорбцион богланган минерал бирикмалардан иборат.**

4334. Гумин ўгитлар кандай йўл билн олинади? **Гумин кислоталар ёки таркибида шу кислота бўлган модлалар (кўнгир кўмир, торф, тошкўмирининг нураганколдиклари, лойка, чириндн ва бошкалар) ни аммиак, фосфатларнинг аммнакли эритмалари, фосфат кислота, калийли тузлар билан ишлаш йўли оркали олинади.**

4335. Гумин ўгитлар кандай хом ашёдан фойдалаганига кўра, кандай ўгитлар бўлиши мумкин? **Сувда эрийдиган нитрат ва аммоний гуматлари, нитрогуматлари, торфли – аммнакли ўгитлар, торфли-минерали-аммнакли ўгитлар ва бошкалар бўлиши мумкин.**

4336. Гумин ўгитлар фосфорит таркибидаги фосфорнинг нимасини, фосфорли ўгитларнинг нимасини оширади ва экинлар хосилдорлигига кандай таъсир кўрсатади? **Эрувчанлигини, самарадорлигини оширади ва экинлар хосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатади.**

4337. Гумми (лот. gummi, юнон. kommi - елим), камедлар нима? **Комплекс полисахаридлар, органик моддалар; баъзи дарахтлар (масалан, хар хил акациялар, олча, шафтоли ва бошкалар) танасининг шикастланган еридан окиб чикиб котиб коладиган тиник масса, ёпишкок куюк шира.**

4338. Гумми смолалар – ўсимлик смолалари бўлиб, таркибида 11-15 (фоиз) кандай моддалар бўлади? **Елим ва эфир мойлари бўлади.**

4339. Гумми смолалардан ўларок, кайси моддада эримайди? **Спиртда эримайди.**

4340. Гумми смолалар нима сифатида ишлатилади? **Елим сифатида ишлатилади.**

4341. Гумми смолалар тиббиётда кандай модда сифатида кўлланилади? **Копловчи ва юмшатувчи модда сифатида кўлланилади.**

4342. Гумми смолалар – ўсимлик смолалари бўлиб, таркибида неча фоиз кандай моддалар бўлади? **11-55 (фоиз) елим ва эфир мойлари бўлади.**

4343. Гумми смолалар бошка смолалардан одатдаги органик эритувчиларда нимаси билан фарк килади? **Оз эрувчанлиги билан фарк килади.**

4344. Гумми смолалар кайси модланинг сувдаги 60 фоизли эритмасида тўлик эрийди? **Хлоралгидратнинг сувдаги 60 фоизли эритмасида тўлик эрийди.**

4345. Гумми смолалар тиббиётда нималар тайёрлашда ишлатилади? **Пластирлар тайёрлашда ишла-**

тилади.

4346. Гумолитлар қандай маҳсулот? **Қазилма кўмирлар гурухи – ботқоқликлардаги юксак ўсимлик қолдикларидан вужудга келувчи маҳсулот.**

4347. Гумолитлар қайси моддаларга бўлинади? **Қўнғир кўмир, тошкўмир ва антрацитларга бўлинади.**

4348. Гумус (лот.humus - тупроқ), чиринди – тупроқнинг нисбатан барқарор, одатда, қорамтир қандай бирикмалар мажмуи? **Органик бирикмалар мажмуи.**

4349. Гумус қандай ҳосил бўлади? **Нобуд бўлган ўсимлик ва хайвон организмининг биологик ҳамда биокимёвий ўзгариши (чириши ва ундан мураккаб янги моддаларнинг синтезланиши) натижасида ҳосил бўлади.**

4350. Гумус таркибида қандай моддалар киради? **Органик қолдик моддалар (оксиллар, углеводлар, лигнин, ёғлар ва бошқалар), уларнинг ўзгариши вақтида вужудга келган оралиқ маҳсулотлар (аминокислоталар, оксикислоталар, феноллар, моносахаридлар ва х.к.) ва гуминли моддалар киради.**

4351. Гумус нимани таъминловчи энг мухим қисмдир? **Тупроқ унумдорлигини таъминловчи энг мухим қисмдир.**

4352. Гумус қайси кимёвий элементларни сингдиради ҳамда нимада ушлаб туради? Тупроқнинг қандай қисмини бир-бири билан бириктириб, донадорликни вужудга келтиради? **Кальций, магний ва бошқа кимёвий элементларни сингдиради ҳамда тупроқда ушлаб туради. Тупроқнинг минерал қисмини бир-бири билан бириктириб, донадорликни вужудга келтиради.**

4353. Гумуснинг тўпланиши ҳар йили тупроққа

тушадиган нималар билан белгиланади? **Органик қолдиклар (илдиз)нинг миқдори, уларнинг биологик ҳамда кимёвий ўзгариши ва тупроқ микрофлораси характери (замбуруғли, бактерияли, аэроб ёки аэроблиги) билан белгиланади.**

4354. Гуттаперча (инг. Guttapercha, малайя тилида getah – смола ва pertja - шу смолани ажратиб чикарадиган дарахтнинг, шунингдек, Суматра оролининг бир номи), асосан, тропик ўсимликлар ширасидан олинадиган қандай модда? **Каучуксимон модда.**

4355. Гуттаперчанинг зичлиги канча г/см³? **0,94-0,96 (г/см³).**

4356. Гуттаперчанинг суюкланиш харорати канча °С? **64° С – 74° С.**

4357. Гуттаперча қандай ранг модда? **Оқиш-кулранг ёки саргиш-жигарранг чармсимон модда.**

4358. Гуттаперча (тоза) – гутта (C_5H_8)n транс-полиизопрен (90 **фоизгача**) смола, оксиллар, тузлар ва сувдан иборат қандай молекулали бирикма? **Юкори молекулали бирикма.**

4359. Гуттаперча қайси ўсимликлардан олинади? **Бересклет ва эвкоммия ўсимликларидан олинади.**

4360. Гуттаперча қайси моддаларда эримайди? **Спирт ва ацетонда эримайди.**

4361. Гуттаперча қайси моддаларда эрийди? **Бензол, бензин, углерод сульфид, хлороформда эрийди.**

4362. Гуттаперча қанча °С да юмшаб пластик ва ёпишкок елимсимон холатга келади? **50° С – 70° С хароратда юмшаб пластик ва ёпишкок елимсимон холатга келади.**

4363. Гуттаперча қайси элемент таъсирида каучук сингари вулканланади, сув ўтказмайди, электроизоляцион хоссаси юкори? **Олтингугурт таъсирида каучук сингари вулканланади, сув ўтказмайди, электроизоляцион хоссаси юкори.**

4364. Гуттаперча қаерда ишлатилади? **Сув ости кабеллари учун химоя материал сифатида ишла-**

тилади.

4365. Гўнг маҳалли қандай ўғит? **Органик ўғит.**

4366. Гўнг таркибида ўсимликлар учун зарур бўлган қайси элементлар бор? **Азот ва кул элементлари бор.**

4367. Гўнг органик модда тупроқнинг қайси хусусиятларини яхшилайди? **Тупрок таркибини, унинг сув ва хаво режимини, физик, кимёвий хусусиятларини яхшилайди.**

4368. Гўнгдаги қайси элементлар тупрок кислоталигини камайтиради? **Сув ва Мгтупрок кислоталигини камайтиради.**

4369. Гўнг ўсимликларда қандай модда синтезини кучайтирадиган қайси модда манбаларидан бири? **Органик синтезини кучайтирадиган CO_2 манбаларидан бири.**

4370. Гўнг шалтоғининг таркибида ўртача неча фоиз қайси элементлар бор? **0,3-0,5 (фоиз) азот, 0,3 фоиз фосфор ва 0,4-0,6 (фоиз) калий элементи бор.**

4371. Гўшт – суяк уни қандай озука? **Оксилминерали озука. Гўшт-суяк уни ейишга яроксиз деб топилган хайвонлар гўштини гўшт комбинатларида махсус камерада юкори харорат ва хаво босимида куритиб тайёрланадиган (ун килинган) озука.**

4372. Гўшт – суяк уни қайси элемент, микроэлементларга, қайси гурух витаминларига бой? **Кальций, фосфор, микроэлементларга, В гурухи витаминларига бой.**

4373. Гўшт – суяк уни, асосан, қайси жониворлар рационига кўшилади? **Асосан, чўчкалар, парранда-лар, мўйнали хайвонлар рационига кўшилади.**

4374. Гўшт – суяк уни турли аралаш емларга нимасини ошириш учун кўшилади? **Тўйимлилигини ошириш учун кўшилади.**

4375. Гўшт – суяк уни қандай хайвонлар гўштидан тайёрланади? **Балик овлаш флотлари овлайдиган денгиз хайвонлари гўштидан тайёрланади.**

Дунёдаги ҳамма шодлик, ҳамма эзгуликларнинг манбаи меҳнатдир.
М. Горький

4376. ДДТ, дихлордифенилтрихлорэтаннинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $(ClC_6H_n)_2CHCCl_3$.

4377. ДДТ қандай ранг модда? **Инсектицид, оқиш ёки малла ранг кимёвий модда.**

4378. ДДТнинг суюқланиш харорати канча °С? **74,5° С – 93° С.**

4379. ДДТ қайси моддада ёмон эрийди? **Сувда ёмон эрийди.**

4380. ДДТ қайси моддада яхши эрийди? **Бензол ва бошқа эритувчиларда яхши эрийди.**

4381. ДДТ канча °С хароратгача қиздирилганда парчаланиб, водород хлорид хосил қилади? **170° С – 200°С хароратгача қиздирилганда парчаланиб, водород хлорид хосил қилади.**

4382. ДДТ қандай олинади? **Хлорбензол ва конденсатловчи моддалар, масалан, сульфат кислота, қуруқ водород фторид иштирокида хлорални конденсатлаш йўли билан олинади.**

4383. Дала шароитида ўсимлик шарбати таркибидаги озиқ элементларининг кимёвий таҳлили ёки унинг кесмаларида кузатиладиган микрореакция орқали ўсимликлар озиқланишини назорат қилишнинг қайси усуллари ишлаб чиқилган? **Ўсимликларнинг азот билан озиқланишини аниқлашда Давтян усули, магницкийнинг соддалаштирилилган кимёвий таҳлил усули, Церлингнинг ўсимликлар кесмаларида нитратлар, аммиак, фосфор ва калийни аниқлаш усули ва бошқ. шулар жумласидандир.**

4384. Дала шпати ва кварцдан хосил бўладиган сферолитсимон хосилалар қандай моддалар деб аталади? **Псевдосферолитлар деб аталади.**

4385. "Дальтонидлар" термини қайси олим хотираси учун, "бертоллидлар" термини эса қайси олим хотираси учун таклиф этилган? **"Дальтонидлар" термини Ж. Дальтон хотираси учун, "бертоллидлар" термини эса К. Л. Бертолле хотираси учун таклиф этилган.**

4386. Данбурит қайси моддаларнинг кичик синфига мансуб минерал? **Бор силикатларининг АҚШнинг Данбури кони (Коннектикут штати) номидан.**

4387. Данбуритнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $Ca[B_2Si_2O_8]$.

4388. Данбурит қандай сингонияли? **Ромб сингонияли.**

4389. Данбурит кристаллари қандай шаклда? **Призма шаклда.**

4390. Данбуритнинг қаттиқлиги неча? **7-7,5.**

4391. Данбуритнинг зичлиги канча г/см^3? **3 г/см^3.**

4392. Данбуритнинг ранги қандай? **Сарғиш, оч жигарранг, қорамтир ва рангсиз.**

4393. Данбурит қайси моддалар билан бирга учрайди? **Скарнларда дотолит, акспинт, пироксен ва гранатлар билан бирга, чўкинди тоғ жинсларида эса доломит, ош тузи, гипс, ангидрит, гидроборацит, котоитлар билан бирга учрайди.**

4394. Данбурит Ўзбекистоннинг қаерларида учрайди? **Курама, Олай тоғлари ва Ҳисор тоғининг жанубий этакларида учрайди.**

4395. Данбурит қишлоқ хўжалигида қандай ўғит сифатида ишлатилади? **Микроэлементли ўғит сифатида ишлатилади.**

4396. Данбурит қайси хорижий давлатларда давлатларда топилган? **Германия (Бранденбург), Швейцария, АҚШ (Нью-Йорк штати), Мексика, Япония, Россия (Приморье ўлкаси)да топилган.**

4397. Дарахт мойи қандай моддалар ишлаб

чикаришда эритувчи сифатида ишлатилади? **Скипидар, лок ва бўёк ишлаб чикаришда эритувчи сифатида ишлатилади.**

4398. Дарахтлар (асосан, игнабарглилар) нинг фитонцидлар ишлаб чикариш хусусияти кайерда ахамиятга эга? **Шахарларни кўкаламзорлаштиришда ахамиятга эга.**

4399. Даройи эртапишар жайдари узум нави тарикибида неча фоиз канд моддаси бор? **18-20 (фоиз) канд моддаси бор.**

4400. Дармана ўсимлигининг барглари, ёш поялари, гул саватчаларида кайси модда бор? **Сантонин моддаси бор. Бундан ташкари, бетаин, холин, бўёк моддалар бор.**

4401. Дармана ўсимлигининг барглари, ёш поялари, гул саватчаларида кайси кислоталар бор? **Олма, сирка кислоталари бор.**

4402. Дастлаб коллоид кимё фанига кайси инглиз олими нечанчи йилда асос солган холда, эриган моддаларнинг пергамент когоз оркали сувга ўтиш (диффузияланиш) хоссасини текшириб, кристалл модда (ош тузи, шакар) эритмалари фаол диффузияланиши, аморф моддалар (гидроксиллар, елим, альбцумин, желатина, крахмал ва бошкалар) эритмалари эса жуда секин диффузияланиши аникланган ва уларни тегишлича "кристаллоидлар" ва "коллоидлар" деб атаган? **Томас Грэм 1861 йилда асос солган.**

4403. Датолит (юнон. dateomaj-бўламан ва lithos -тош) минерали оролсимон силикатлар кайси синфга мансуб борсиликат? **Кичик синфга мансуб борсиликат.**

4404. Датолитнинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? **$Ca[BOH(SiO_4)]$, таркибида 21,8 фоиз B_2O_3 (борат ангидрид) бор.**

4405. Датолит кандай сингонияли? **Моноклиник сингонияли.**

4406. Датолитнинг ранги кандай? **Ок, оч яшил, сарик, саргиш-яшил.**

4407. Датолит кандай моддадек ялтирок? **Шишадек ялтирок.**

4408. Датолитнинг каттиклиги неча? **5-5,5.**

4409. Датолитнинг зичлиги канча г/см³? **3 г/см³.**

4410. Датолит кандай жараёнда хосил бўлади? **Гидротермал жараёнда хосил бўлади.**

4411. Датолит Ўзбекистоннинг кайси тогларидаги скарнларда бор? **Курама тогларидаги скарнларда бор.**

4412. Датолит хорижда кайси мамлакатларда топилган? **Россия (Шимолий Урал, Приморье), Тожикистон, Германия (Шварцвальд), Норвегия, АКШ (Пенсильвания штати), Японияда топилган.**

4413. Датолит кайси элемент рудалари таркибига киради? **Бор рудалари таркибига киради.**

4414. Дацит кандай тог жинси? **Нордон эффузив тог жинси.**

4415. Дацит кислоталар кайси моддаларнинг эффузив тури? **Гранодиорит ва кварцли диоритларнинг эффузив тури.**

4416. Дацит кислоталар кайси даврларидаги вулконлардан отилиб чиккан? **Палеозой (Урал), мезозой, кайнозой (Кавказ) даврларидаги вулконлардан отилиб чиккан.**

4417. Дацит кислоталар шунингдек, кейинги пайтда каерлаги вулкон лавларида хам хосил бўлган? **Камчаткалаги вулкон лавларида хам хосил бўлган.**

4418. Дацит Ўзбекистондаги кайси тогларда таркалган? **Чаткол – Курама, Хисор тогларида таркалган.**

4419. Дацит бор жойда кайси конлар бўлиши мумкин? **Алюминий, олтин, мис, полиметалл конлари бўлиши мумкин.**

4420. Дацит қандай материал? **Қурилиш материали.**

4421. Деаэратор қандай аппарат? **Сувни унда эриган кислород ва карбонат ангидриддан тозалайдиган аппарат.**

4422. Деаэраторнинг қандай хиллари бор? **Термик, кимёвий, десорбцион ва бошқа хиллари бор.**

4423. Дегидратланиш анорганик ёки органик моддалардан қайси модда ажралиши? **Сув ажралиши.**

4424. Дегидратланиш қандай жараёнда кўпинча катализаторлар (концентрланган сульфат, фосфат кислоталар, алюминий – оксид ва бошқалар) иштирокида содир бўлади? **Термик жараёнда кўпинча катализаторлар иштирокида содир бўлади.**

4425. Дегидратланиш қандай моддалар олишда қўлланилади? **Эфирлар, кислота ангидридлари, олефинлар ва бошқа моддалар олишда қўлланилади.**

4426. Дегидрогенлаш қандай реакция? **Органик бирикмалардан катализатор иштирокида водород ажратиб олиш реакцияси.**

4427. Дегидрогенлаш қайси жараёнларга киради? **Электрон алмашиниш билан содир бўладиган оксидланиш-қайтарилиш жараёнларига киради.**

4428. Дегидрогенлаш қандай хароратда боради? **Юқори хароратда боради.**

4429. Дегидрогенлашда углеводородларнинг таркибида қайси моддалар бўладиган катализаторлар кўпроқ ишлатилади? **Cr_2O_3 ва MoO_3 бўладиган катализаторлар кўпроқ ишлатилади.**

4430. Дегидрогенлаш саноатда фойдаланиб, юқори сифатли ёқилғи ҳамда қандай моддалар олинади? **Мономерлар олинади.**

4431. Дегидрогенлашнинг аҳамияти қандай моддалар ишлаб чиқаришда катта? **Синтетик полимерлар ишлаб чиқаришда аҳамияти катта.**

4432. Дегидрогенлашнинг аҳамияти қандай моддалар ва уларнинг хосилаларини олишда катта? **Стирал ва унинг хосилаларини олишда катта.**

4433. Дегидрогенлашнинг аҳамияти алкилароматик углеводородлардан – этилбензолни стиролга, изопропилбензолни метилстиролга айлантиришда қандай? **Аҳамияти катта.**

4434. Дезаминланиш қандай жараён? **Органик бирикмалар молекуласидан амин (NH_2) гуруҳининг ажралиб чиқиш жараёни.**

4435. Дезаминланишда NH_2 гуруҳи бошқа гуруҳлар, масалан, H, OH, OR билан алмашинади ёки қандай боғлар ҳосил бўлади? **Кўпбоғлар ҳосил бўлади.**

4436. Дезаминланиш қаерларда муҳим аҳамиятга эга? **Органик синтезда, ҳайвонот, ўсимлик ва микроорганизмлар ҳаёт фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.**

4437. Дезоксикортикостерон, ДОК, биологик фаол стероид бўлиб, кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **$C_{12}H_{30}O_3$.**

4438. Дезоксикортикостероннинг организмда кўп ҳосил бўлиши ёки ортиқча киритилиши қандай касалликларга олиб келади? **Артериал гипертония, шиш, бўгимлар ва буйрак яллиғланишига олиб келади.**

4439. Дезоксирибоза, гиминоза, рибодезоза пурин ва пиримидин нуклеотидлари шаклида дезоксирибонуклеин кислота таркибига кирадиган углевод бўлиб, унинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? **$C_5H_{10}O_4$.**

4440. Дезоксирибозанинг суюкланиш харорати қанча °С? **78° С –82° С.**

4441. Дезоксирибоза қайси моддада эрийди? **Сувда эрийди.**

4442. Дезоксирибоза қандай ҳосил бўлади? **Моносахаридлардан рибозанинг қайтарилиши натижасида ҳосил бўлади.**

4443. Дезосирибонуклеаза қандай фермент? **Дезосирибонуклеин кислоталар (ДНК)нинг гидролитик парчаланишини – деполимерланишини тезлатадиган фермент.**

4444. Дезосирибонуклеаза қайси синфга мансуб? **Гидралазлар синфига мансуб.**

4445. Дезосирибонуклеаза қайси аъзоларда бўлади? **Меъда ости безида, тирик организмнинг деярли барча ҳужайраларида ва микроорганизмларда бўлади.**

4446. Дезосирибонуклеаза овқатдаги ДНКни ичакларда осон сўриладиган қайси моддаларга айлантиради? **Нуклеотидларга айлантиради.**

4447. Дезосирибонуклеаза препарати корамолнинг қайси аъзосидан тайёрланади? **Корамолнинг меъда ости безидан тайёрланади.**

4448. Дезосирибонуклеаза нималарнинг кўпайишини тўхтатади ва нимaнинг ёпишкоқлигини камайтиради? **Аденовирусларнинг кўпайишини тўхтатади ва экссудотнинг ёпишкоқлигини камайтиради.**

4449. Дезосирибонуклеаза қайси касалликларда буюрилади? **Аденовируслар қўзғатадиган касалликлар (конъюнктивит, кератит, юқори нафас йўлларининг иллигланиши), брохоэктазия, ўпка абсцесси, пневмонияда буюрилади.**

4450. Дезоксирибонуклеин кислота қайси кислоталарнинг бир тури? **Нуклеин кислоталарнинг бир тури.**

4451. Дезоксирибонуклеин кислота таркибида қайси моддалар бўлади? **Дезоксирибоза, азот асослардан аденин (А), гуанин (Г), цитозин (Ц) ва тимин (Т) ҳамда фосфат кислота бўлади.**

4452. Дезоксирибонуклеин кислота тирик организмларда қандай белгиларни сақлаш ва наслларга ўтказиш вазифасини бажаради? **Ирсий белгиларни сақлаш.**

4453. Дезоксирибонуклеин кислотанинг генетик аҳамиятини дастлаб нечанчи йилда қайси АҚШ олими ўз шогирдлари билан бирга аниқлаган? **1944 йилда О. Эвери ўз шогирдлари билан бирга аниқлаган.**

4454. Дезоксирибонуклеин кислота таркибидаги нуклеотидларнинг ўзаро муносабатлари маълум конуниятларга бўйсуниб, бу конуниятлар қайси АҚШ олими томонидан аниқланган? **1950 йилда Э. Чаргафф томонидан аниқланган.**

4455. Декан – $C_{10}H_{22}$ нинг нечта изомери маълум? **525 та изомери маълум.**

4456. Декарбоксиллаш, одатда, қайси моддалар иштирокида амалга ошади? **Кислоталар ёки ишқорлар иштирокида амалга ошади. Масалан, натрий ацетатни натрий ишқори иштирокида қиздирилса, CO_2 ажралади ва метан ҳосил бўлади:**

$$CH_3COONa + NaOH \xrightarrow{400^\circ C} CH_4 + Na_2CO_3.$$

4457. Декарбоксиллашни қандай ҳосил бўлади? **Карбонат кислотага сўндирилган оҳак ва натрий ишқори қўшиб қиздирилганда тегишли углеводород ҳосил бўлади.**

4458. Декабораннинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $B_{10}H_{14}$.

4459. Декарбоксиллаш қандай реакция? **Органик кислоталарнинг карбоксил гуруҳидан ёки бу кислоталар турларининг карбоксилат гуруҳларидан CO_2 ажралиш реакцияси.**

4460. Декстринларнинг кимёвий формуласи қандай ифодаланади? $(C_6H_{10}O_5)_n$.

4461. Декстринлар қайси моддалар гидролизланганда ҳосил бўладиган маҳсулотлар? **Крахмал ва гликоген гидролизланганда (чала парчаланганда) ҳосил бўладиган маҳсулотлар.**

4462. Декстринлар қандай ҳосил бўлади? **Декстринлар гидролизининг кейинги босқичларида дисахаридлар, асосан, мальтозалар, сўнгги маҳсулот сифатида моносахаридлар ҳосил бўлади.**

4463. Декстринлар кайси модлада эрийди? **Сувда эрийди.**

4464. Декстринлар каерларда кандай модда сифатида ишлатилади? **Тўкимачиликда, тугурт ишлаб чикаришда, босмахона ва нойабзал саноатида ёпиштирувчи модда сифатида ишлатилади.**

4465. Денатураглланган спирт захарли ва кўланса моддалар (пиридин ва бошкалар) аралаштирилган кайси модда? **Этил спирти.**

4466. Денатураглланган спиртни бошка эритмалардан фарклаш учун унга нима берилади? **Ранг берилади.**

4467. Денатураглланган спирт каерда ишлатилади? **Лок, бўёкларни эритувчи сифатида ва бошка техник максадларда ишлатилади.**

4468. Денатурация (де... ва лот. natura – табиий хусусиятлар) турли хил физик ва кимёвий омиллар таъсирида оксиллар, нуклеин кислоталар ва бошкалар биополимерлар молекулаларининг ўзига хос табиий (натив) хусусиятлари нима бўлиши? **Йўколиши.**

4469. Денатурация, одатда, бундай холларда биополимерларнинг биологик фаоллиги – ферментатив, гормонал ва бошкалар нима бўлиши? **Йўколиши.**

4470. Денатурация натижасида молекулаларнинг кайси хусусиятлари ўзгаради? **Конформацияси, яъни фазовий тузилишининг ўзгариши билан боглик бўлиб, уларнинг шакли, солиштирма оптик фаоллиги, ёругликни ютиши, эрувчанлиги, электрофоретик харакатчанлиги ва бошка бир катор физик, кимёвий ва биологик хусусиятлари хам ўзгаради.**

4471. Денатурация кандай богларнинг узилиши билан боглик? **Ноковалент боглар (водород боглар, ион боглар)нинг узилиши билан боглик.**

4472. Денатурацияда кисман кайси боглар хам парчаланади? **Дисульфид хам парчаланади.**

4473. Денатурация кандай бўлиши мумкин? **Тўлик ёки кисман, кайтар ва кайтмас бўлиши мумкин.**

4474. Денгиз остида вулконлик газларнинг отилиб чикиши сув ости нима дейилади? **Фумароллар дейилади.**

4475. Денгиз тубидан канча мамлакат нефть ва газ чикариш билан шугулланади? **40 га якин мамлакат нефть ва газ чикариш билан шугулланади.**

4476. Денгиз тубидан нефть ва газ чикаришнинг энг йирик конлари кайси кўлтикларда жойлашган? **Форс ва Мексика кўлтикларида жойлашган.**

4477. Денгиз сут эмизувчилари ва баликларнинг ёг гўкималаридан овкатбоп, каерларда ишлатиладиган ёг тайёрланади? **Тиббиёт, ветеринария ва техникада ишлатиладиган ёг тайёрланади.**

4478. Денгиз сут эмизувчи хайвонлари ва баликлар жигаридан олинадиган ёгда кайси витамин, айникса, кўп? **А витамин, айникса, кўп.**

4479. Дендрит (юнон. dendron - дарахт) дарахтсимон шаклли кандай агрегатлар? **Минерал агрегатлар (баъзан кристаллар).**

4480. Дендрит кандай хосил бўлади? **Модданинг тор мухитда тез кристалланишидан, шунингдек, минералларнинг айрим кисмларини эритма билан бир хил таъминланмай ўсишидан хосил бўлади.**

4481. Дендрит бир-бирига кандай ўсган минерал индивидларидан ташкил топади? **Параллел ва кўпалок ўсган минерал индивидларидан ташкил топади.**

4482. Дендрит кайси тугма элементлар, оксиллар, минераллар ва музда кузатилади? **Тугма элементлар (Au, Ag, Cu), марганец оксиллари, уларнинг ва бошка кўпгина минераллар ва музда кузатилади.**

4483. Дендрит нимани кидиришда даракчи ролини бошкаради? **Кони кидиришда даракчи ролини бошкаради.**

4484. Денитрификация (де... nitrogenium – азот ва faclo- киламан) кандай жараён? **Нитратларнинг денитрификацияловчи бактериялар томонидан молекуляр азотгача кайтарилиши жараёни. Бунда тупроклаги нитрат, нитрит, аммиак ва амин бирикмалар бактериялар таъсирида парчаланиб, улардаги азот газ холидаги молекуляр азотга айланади, нитрификацияга карама-карши жараён:**

$2HNO_3 \rightarrow 2HNO_2 \rightarrow N_2O \rightarrow N_2$.

4485. Денитрификацияни биринчи марта кайси француз олимлари аниклашган? **Э. Гайон ва Г. Дюпетилар аниклашган.**

4486. Денитрификация тупрокда кандай моддаларнинг камайиб кетишига олиб келади ва кишлок хўжалиги ишлаб чикаришига нима келтиради? **Азот бирикмаларининг камайиб кетишига олиб келади ва кишлок хўжалиги ишлаб чикаришига зарар келтиради.**

4487. Дермотин (юнон. dermotos - чарм), транитоль кандай чармнинг бир тури? **Сунъий чармнинг бир тури.**

4488. Дермотин сиртига кайси модда копланган мато? **Нитроцеллюлоза копланган мато.**

4489. Дермотин каерларда ишлатилади? **Муковасозлик, мебелсозлик, автомобиль саноатида ва бошка максадларда ишлатилади.**

4490. Десорбцион деаэраторнинг иши сорбцияга кандай жараён? **Тескари жараён (десорбция)га асосланадиган жараён.**

4491. Десорбция (де... ва лот. sorbeo - ютаман) абсорбентга ютилган модданинг ундан кайта ажралиши, пиманинг акси? **Ажралиб чикиши, адсорбциянинг акси.**

4492. Десорбция каерда кўлланилади? **Лаборатория амалиётида адсорбентларга ютилган газ, буг ёки эриган моддаларни ажратиб олишда кўлланилади.**

4493. Деталларнинг азотга тўйинтирилган сиртки катлами кандай бўлиб, колади? **Жуда каттик, ейилишга ва зангланшга чидамли бўлиб колади.**

4494. Детонация усули кандай энергиядан фойдаланишга асосланади? **Детонация тўлкини энергиясидан фойдаланишга асосланади.**

4495. Детонация усули нима учун кўлланилади? **Буюмларнинг сиртларини мустахкамлаш, ейилишга чидамлиги ва каррозия бардошлиги (зангланшга чидамлилиги)ни, электр ўтказувчанлилигини ошириш, баъзан буюмни кўркамлаштириш учун кўлланилади.**

4496. Детонация усулига кайси тармокларда эхтиёж катта? **Электротехника, радиотехника, оптика, ракета техникаси, автомобилсозлик, кемасозлик, самолётсозлик ва бошка тармокларда эхтиёж катта.**

4497. Дефолиантлар (де.. ва folium - барг) хосилини йигиб-териб олишни осонлаштириш максадларида ўсимликлар баргини тўкиш учун кўлланиладиган кандай моддалар? **Кимёвий моддалар.**

4498. Дефолиантлар кайси гурухга киради? **Пестицидлар гурухига киради.**

4499. Деформациябоп жездан нималар прокатланади? **Кувурлар, лист, тасма, чивик ва бошкалар прокатланади.**

4500. Деформацияланадиган алюминий котишмаларидан нималар тайёрлашда фойдаланилади? **Хар хил ярим фабрикатлар ва буюмлар тайёрлашда фойдаланилади.**

4501. Деформацияланадиган мис котишмалари иссиклайин ёки совуклайин босим билан кандай ишланади? **Яхши ишланади.**

4502. Диабаз (франц. diabase) кандай жинс? **Тўла кристалланган, асосан, вулкон жинси.**

4503. Диабаз кимёвий ва минерал таркибига кўра, кайси моддага якин? **Базальтга якин.**

4504. Диабаз, асосан, кайси минераллардан ташкил топади? **Асосан, плагиоклаз, авгит ва бошка минераллардан ташкил топган.**

4505. Диабазнинг ранги кандай? **Қорамтир, яшилсимон-кора.**

4506. Диабаз кандай эпкайган чўкинди тог жинслари областларида бор? **Кия эпкайган чўкинди тог жинслари областларида бор.**

4507. Диабаз каерларда кенг таркалган? **Вулкон лавалари ва туфларида кенг таркалган.**

4508. Диабаз кандай шаклларда учрайди? **Силл, лайка, лакколит, ертомир ва бошка шаклларда учрайди.**

4509. Диабаз кайси давлатларда кўп? **Кавказ, Крим, Сибирь, АҚШ, Франция, Германия, Англия ва бошка мамлакатларда кўп.**

4510. Диабаз Ўзбекистоннинг кайси тогларида лайкалари холида таркалган? **Чаткол ва Курама тоғларида лайкаллари холида таркалган.**

4511. Диабаз каерда ишлатилади? **Йўлга терилади-ган тош сифатида ва куйма тош буюмлар тайёрлашда ишлатилади.**

4512. Диазобирикмалар кандай моддалар? **Диазогуруҳли органик моддалар.**

4513. "Диазобирикмалар" термини кандай бирикмалар туркумига тааллукли? **Турли бирикмалар туркумига тааллукли.**

4514. Диазобирикмалар кандай диазобирикмаларга бўлинади? **Алифатик ва ароматик диазобирикмаларга бўлинади.**

4515. Диазометан оддий алифатик диазобирикма бўлиб, кимёвий формуласи кандай ифодаланади? CH_2N_2.

4516. Диазометан кандай хидли, рангли газ? **Жуда заҳарли, кўланса хидли, сарик рангли газ.**

4517. Диазометаннинг суюкланиш харорати минус канча °С? **Минус 145° С.**

4518. Диазометаннинг кайнаш харорати минус канча °С? **Минус 23° С.**

4519. Диазометан алюминий хлорид ёки бор фторид иштирокида альдегидлар билан реакцияга киришиб, кандай моддалар хосил килади? **Метилкетонлар хосил килади.**

4520. Диазометанни биринчи бор нечанчи йилда кайси немис олими N-нитрозометилуретанга ишкор таъсир эттириб олган? **1894 йилда Х. Пехман олган.**

4521. Диазометан кандай модда сифатида кўлланилади? **Карбон кислоталар ва бошка органик бирикмаларни синтез килишда, шунингдек, метилловчи модда сифатида кўлланилади.**

4522. Диазотлаш кандай моддалар хосил килиш усули? **Ароматик аминларга минерал кислоталар иштирокида бирикмалар хосил килиш усули.**

4523. Диазотлаш жараёнини кайси кимёвий элемент ионлари тезлаштиради? **Бром элементи ионлари тезлаштиради.**

4524. Диазотлаш каерда, кандай бўёклар олишда кенг кўлланилади? **Кўпгина ароматик бирикмалар саноатида, айникса, азобўёклар олишда кенг кўлланилади.**

4525. Диаммофос, диаммоний фосфат концентрланган азотфосфорли ўғит бўлиб, кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $(NH_4)_2HPO_4$.

4526. Диаммофос таркибида неча фоиз азот, фосфор бор? **21 фоиз азот, 53 фоиз фосфор бор.**

4527. Диаммофос сувда кандай эрийди? **Яхши эрийди.**

4528. Диаммофос кандай тайёрланади? **Апатит концентратидан олинган экстракцион фосфат кислотани нейтраллаб тайёрланади.**

4529. Диаммофос нима килмайди? **Намланмайди.**

4530. Диаммофос кандай модда? **Сочилувчан модда.**

4531. Диапиризм (юнон diapeiro – санчиб тешаяпман) кандай жараён? **Пластик чўкинди ва жинслари (тузлар, гипс, гил ва ш.к.) нинг улар устидан ётган каттикрок тог жинсларига ботиб кириш жараёни.**

4532. Диапиризм кандай пайдо бўлади? **Ер пўстида содир бўладиган кучланиш таъсиридан пайдо бўлади.**

4533. Диапиризм натижасида кандай структуралар таркиб топади? **Диапир структура (диапир бурма)лар таркиб топади.**

4534. Диапиризмлар бор жойларда кандай конлар мавжуд? **Нефть ва газ конлари мавжуд.**

4535. Диапиризмни ўрганиш кандай конларни излашда ахамиятли? **Нефть ва газ конларини излашда ахамиятли.**

4536. Диатомит кандай тог жинси? **Бўш, сертупрок ёки бўш цементланган кремнийли чўкинди тог жинси.**

4537. Диатомит, асосан, нималардан ташкил топган? **Асосан, диатом сувўтлардан ташкил топган.**

4538. Диатомит таркибида кайси минераллар учрайди? **Таркибида хар хил миқдорда опал шарчалари (глобулалар), терриген ва гил минераллари учрайди.**

4539. Диатомитнинг ранги кандай? **Ок, оч кулранг, саргиш.**

4540. Диатомит кандай массалар холида бўлади? **Сертупрок ёки цементланган массалар холида бўлади.**

4541. Диатомит минерал таркибининг неча фоиздан фоизгача сувли кремнезём (опал)дан иборат? **70 фоиздан 98 фоизгача сувли кремнезём (опал)дан иборат.**

4542. Диатом сувўтларнинг скелетлари яхши эрувчан бўлганлиги сабабли диатомит осонгина кайси минералларга айланади? **Трепел ва опокага айланади.**

4543. Диатомит кайси даврдан бошлаб хосил бўла бошлаган? **Бўр давридан бошлаб хосил бўла бошлаган.**

4544. Диатомитнинг асосий қисми кайси эрада қаерларда тўпланган? **Кайназой эрасида денгиз ва кўлларда тўпланган.**

4545. Диатомит иссикликни кандай ўтказади? **Ёмон ўтказади.**

4546. Диатомит кайси моддага чидамли? **Кислотага чидамли.**

4547. Диатомит қаерларда ишлатилади? **Кимё, нефть, озик-овкат, тўкимачилик, фармацевтика саноатида, шунингдек, иссиклик ва шовкин ўтказмайдиган материаллар тайёрлашда ишлатилади.**

4548. Диборанинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? B_2H_6.

4549. Диборан нима учун ишлатилади? **Оддий бор олиш ва металларга қоплаш учун ишлатилади.**

4550. Дигидроортофосфатнинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $Ca(H_2PO_4)_2$.

4551. Дигидроортофосфат кандай модда? **Гигроскопик модда.**

4552. Дигидроортофосфатнинг моногидратининг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $Ca(H_2PO_4)_2 \cdot H_2O$.

4553. Дигидроортофосфатнинг моногидрати кайси суюкликда оз эрийди? **Сувда оз (30° С хароратда 100 г да 1,8 г) эрийди.**

4554. Диен углеводородлар, диенлар, диолефинлар кандай углеводородлар? **Иккита қўшбоғли тўйинмаган углеводородлар.**

4555. Диен углеводородлар молекуласидаги қўшбоғларнинг ўзаро жойлашувига қараб неча хил бўлади? Улар қайсилар? **Уч хил бўлади. Улар**

қуйидагилар: 1) айрим қўшбоғли диен углеводородлар, масалан, пенталиен -1,4; кимёвий хоссалари жихатдан алефинларга ўзнайди: 2) зич (кумуляцияланган) қўшбоғли диен углеводородлар, алленлар синфи шулардан ибоарт; 3) қўшбоғлари ораланган (оддий боғ воситали) диен углеводородлар.

4556. Диен углеводородлар кайси моддаларнинг барча хоссаларини намоён қилади? **Этилен қатори углеводородларининг барча хоссаларини намоён қилади.**

4557. Диен углеводородлар олишнинг умумий усуллари кайсилар? **Қуйидаги усуллар: гликоллар ва тўйинмаган спиртлар дегидратацияси, икки атомли галоид бирикмалардан галоген водородлар тортиб олиш реакцияси ва бошқалар.**

4558. Диен углеводородлар қандай моддалар ишлаб чикаришда асосий хом ашс? **Полиамид толалар, пластификаторлар, лок, дори, синтетик каучук ва бошқалар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё.**

4559. Диен синтези нечанчи йилда кайси органик-кимёгарлар томонидан каиф этилган? **1928 йилда О. Дильс ва К. Альдерлар томонидан кашф этилган.**

4560. Диен синтези ёрдамида кайси моддалар синтез қилинади? **Бошка усуллар билан олишиш кийин бўлган полициклик бирикмалар (масалан, стероидлар, Д витамин), инсектицидлар ва бошка моддалар синтез қилинади.**

4561. Дизель ёнилғиси қандай ёнилғи? **Нефтдан олинадиган суюк ёнилғи.**

4562. Дизель ёнилғиси қисилишдан алангаланадиган қандай двигателда ишлатилади? **Ички ёнув двигатели (дизель)да ишлатилади.**

4563. Дизель ёнилғиси нечта гурухга бўлинади? Улар кайси гурухлар? **Учта гурухга бўлинади. Улар қуйидаги гурухлар: 1) тез**

теллари ва стационар двигателлар (айланиш сони минутига 1000 ва ундан ортик) учун мўлжалланган ковушкоклиги паст дистиллят ёнилғи; 2) кўп куч тушадиган стационар двигателлар ва кема двигателлари (айланиш сони минутига 600 дан 1000 гача) учун мўлжалланган ковушкоклиги ўртача дистиллят ёнилғи (соляр мойи); 3) секин айланадиган двигателлар – стационар ва кема двигателлари (айланиш сони минутига 600 гача) учун мўлжалланган ковушкоклиги юкори, огир фракцияли ёнилғи.

4564. Дизель ёнилғиси энг мухим хоссаларидан бири нима? **Ўз-ўзидан алангаланиш харорати; унинг қандай ёниш хароратига боғлик. Ёнилғи сифатида ундаги цетон сони (ўз-ўзидан канчалик тез алангаланиши)га боғлик.**

4565. Диккит-каолинитнинг полиморф турига мансуб гил минерал бўлиб, кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $Al_4[Si_4O_{10}](OH)_8$.

4566. Диккит минерали биринчи марта аникланган кайси америкалик минералог номи билан аталган? **Дикка номи билан аталган.**

4567. Диккит минералининг кристаллари қандай? **Тиник пластинкасимон.**

4568. Диккитнинг ранги қандай? **Ок, сарғиш, кўкимтир, рангсиз.**

4569. Диккитнинг каттиклиги неча? **2,5-3,5.**

4570. Диккитнинг зичлиги қанча г/см^3? **2,6 г/см^3.**

4571. Диккит қандай хароратли гидротермал минерал? **Паст хароратли гидротермал минерал.**

4572. Диккит кайси моддалар билан бирга учрайди? **Кварц, доломит, серицит, каолинит, гидрослюда, галлуазит билан бирга учрайди.**

4573. Диккитнинг тўпламлари каерларда аникланган? **Чатқол-Курама тоғларида (Октош, Оксоката, Коронкўл, Гўшсой ва бошқалар) иккиламчи кварцитларда аниқланган.**

4574. Диккит каерларда бор? **Қозоғистон (Корачеку) ва Қўнғирот, Кавказ (шимоли-ғарбидаги симоб конларида), Украина (Никитовка)да бор.**

4575. Диккитнинг чўзик кристали кайси конда кайси элементлар, моддалар билан бирга учрайди? **Оксокота конида кварц, борит, диаспор, пирофиллит, мусковит, гематит, симоб, олтин ва бошкалар билан бирга учрайди.**

4576. Дилор, бета дигидрогетахлор-эканларни зараркунанда хашаротлардан химоя килишда кўлланиладиган кимёвий препарат (ичдан таъсир киладиган инсектицид) бўлиб, кимевий формуласи кандай ифодаланади? $C_{10}H_7Cl_5$.

4577. Дилор кандай тусли? **Ним сарғиш тусли.**

4578. Дилор неча фоизли хўлланувчи кристалл кукун холида ишлаб чикарилади? **80 фоизли хўлланувчи кристалл кукун холида ишлаб чикарилади.**

4579. Диметиламин — алифатик каторнинг иккиламчи амини бўлиб, кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $(CH_3)_2NH$.

4580. Диметиламин кандай хидли, рангли модда? **Қўланса хидли, рангсиз газ.**

4581. Диметиламин качон рангсиз суюкликка айланади? **Совитилганда рангсиз суюкликка айланади.**

4582. Диметиламиннинг суюкланиш харорати минус канча °С? **Минус 92,2° С.**

4583. Диметиламиннинг кайнаш харорати канча °С? **6,9°С.**

4584. Диметиламин кайси моддаларда эрийди? **Сувда ва органик эритувчиларда эрийди.**

4585. Диметиламин кандай моддалар билан кристалл тузлар хосил килади? **Кислоталар билан кристалл тузлар хосил килади.**

4586. Диметиламин нима килади? **Ацилланади, алкилланади ва х.к.**

4587. Диметиламин кайси моддалар чириганда хосил бўлади? **Оксил моддалар чириганда хосил бўлади.**

4588. Диметиламин саноатда қандай олинади? **Метил спирт билан аммиакдан, шунингдек, формальдегид билан аммоний хлоридлан олинади.**

4589. Диметиламин каерда кўлланилади? **Органик синтезда шифобахш дорилар (диканн, аминазин ва бошкалар), ракета ёкилғиси (диметилгидразин) ва х. к. тайёрлашда кўлланилади.**

4590. Диметиланилин — учламчи ароматик амин бўлиб, кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $C_6H_5N(CH_3)_2$.

4591. Диметиланилин рангсиз суюклик бўлиб, каерда оксидланиб, кўнгир ранга киради? **Хавода оксидланиб, кўнғир рангга киради.**

4592. Диметиланилиннинг суюкланиш харорати канча °С? **2,5° С.**

4593. Диметиланилиннинг кайнаш харорати канча °С? **192,5° С - 193,5° С.**

4594. Диметиланилин кайси суюкликда деярли эримайди? **Сувда деярли эримайди.**

4595. Диметиланилин кайси эритувчиларда эрийди? **Органик эритувчиларда эрийди.**

4596. Диметиланилин саноат миқёсида кандай олинади? **Анилин билан метил спиртдан (сульфат кислота иштирокида) олинади.**

4597. Диметиланилин каерда кенг кўлланилади? **Бўёклар (малахит кўки) синтезида, рангли фотографияда кенг кўлланилади.**

4598. Диметилгидразин кандай хидли, рангли суюклик? **Ўткир хидли, рангсиз тиник суюклик.**

4599. Диметилгидразиннинг кимёвий формуласи кандай ифодаланади? $(CH_3)_2NNH_2$.

4600. Диметилгидразиннинг нечта изомери маълум? **2 та изомери маълум.** Диметилгидразиннинг

изомерлари қайсилар? **Симметрик диметилгидразин – $CH_3NH – NHCH_3$ ва асимметрик диметилгидразин $(CH_3)_2N – NH_2$.**

4601. Диметилгидразиннинг суюкланиш ҳарорати минус канча °С? **Минус 57,2° С.**

4602. Диметилгидразиннинг қайнаш ҳарорати канча °С? **63° С.**
